

**НУРИДДИН ИСМОИЛОВ**

**БУРГУТ ТОҒДА  
УЛГАЯДИ**

*Саргузашт-детектив роман*

**Бешинчи китоб**

ТОШКЕНТ — 2019

**Исмоилов, Нуридин.**

**Бургут тогда улгаяди:** Саргузашт-детектив роман: / Нуридин Исмоилов. — Т.: 2019.

5-китоб. — 256 б.

ISBN ...

© Н.Исмоилов. «Бургут тогда улгаяди». 2019.

Баха ўрнидан сапчиб турди ва столнинг устидаги ошпи-  
чоқни олди-да, кўча томонга чопди.

Ўлмас энди кўзини очган, бироқ ҳалигача тўла хушига  
келмай, атрофига гарантсиб алангларди.

— Нима бўлди?! Гапир! — пишқирди Баха.

Бироқ Ўлмасдан тузукроқ гап чиқмади. У фўлдиради. Ай-  
ттанига бирор тушунмади. Шундан сўнг Баха машинадаги-  
ларнинг ҳаммасини тушириб, ичкарига олиб киришни бу-  
юрди-да, сўкинганча қоронғилик томонга қараб қўйди.

Арслон ҳозир маишатда, кириб унинг дилини хира  
қилиш йўқ жойдан бало топиш билан баробар. Буни яхши  
билган Баха Ўлмасни «одам» қилишга тушди. Нақ ярим  
соат кетди. Дори ичиришди, устидан сув қуишишди. Ана  
шундан сўнггина Ўлмаснинг сўзларига маъно кирди.

— Машинага ўхшайди. Одам нусха машина, робот. Кўлла-  
ри темирнинг ўзгинаси. Ҳаракатини кўз илғамайди. Ерга  
йиқилаётганимни биламан. Қолгани эсимда йўқ, — деди у  
Фирдавс ҳақида гапиаркан.

— Кўлингда қуролинг бўла туриб ҳеч нима қилолмадин-  
гми?! — деди Баха пўписа билан. — Яна ёнингда спорчни  
болалар бўлишса.

— Айтдим-ку, қўлимни кўтаришга ҳам улгурмадим деб.  
Кейин унинг ҳам одамлари бор эди: оқсан, калбош.

— Тфу!!! Ҳамма нарсани ўзимга қолдирибсан-да! Энди  
қолганини хўжайиндан оласан. Худодан сўра, ўлдирмасин  
сени.

— Менинг ўртоғим бўлади Арслон. Сен ўзингни суқма,  
— деди унга жавобан Ўлмас.

Ғўдаяётган Баханинг бирдан ранги ўзгарди ва шу заҳоти  
«Биринчи навбатда сени орадан олиб ташлайман», дея  
кўнглига тугиб қўйди.

Ўлмас тутатқи сўради. Беришгач эртароқ тугатмаса, би-

ров қўлидан тортиб оладигандай шошиб, тез-тез тутунни ютди. Кейин бурнини тортиб қўйиб, ўрнидан турди ва Арслон айш қилаётган хона томонга кета бошлади.

— Эсинг жойидами?! Ўлгинг келдими?!

Ўлмас Бахага еб қўйгудек тикилгач, башарасини буришириб, қўлини мушт қиласкан:

— Аламимни сендан олишимни истамасанг, «босиб» тур!  
— деди-да, уйга кириб кетди.

Холдан тойган Арслон кийиниб олиб, юмшоқ ўриндиқда бир нуқтага тикилиб ўтиради. Нозик бармоқлилар юви-ниш хонасига кириб кетишганди.

— Халақит бермадимми? — деди Ўлмас эшикни қия очиб дўриллаган овозда.

— Кир. Кутиб турсанг ўлармидинг? Олиб келдингми?! Эй-й, башарангни пачақ қилиб ташлашибдими? Ҳе, — деб кулди Арслон.

— Бўлмади. Шердай олишаркан. Менинг ҳам кучим ет-мади. Ўн кишини бемалол бир ўзи тинчтиб ташлайдиган бола экан.

— Кўриниб турибди. Ҳозир чиқаман, — дея Арслон оғри-ниб ўрнидан турди.

У ташқарига чиқишдан олдин стол тортмасидан тўппон-часини олиб белига қистириб қўйди.

Хоқоннинг чиқаётганини эшитган шотирларнинг ҳам-маси бир жойга тўпланиб туришарди. Ҳаммасининг кўзи эшикда эди. Уларнинг назарида ҳозир вулқон отилади. Лава тошиб чиқади. Ҳеч кимни аяб ўтирамайди. Куйдириб юбо-ради. Уларнинг назарида шунга ўхшаш воқеа содир бўла-дигандай эди. Бироқ ўйлаганлари бўлмади.

— Машина тайёрми? — деди Арслон.

— Тайёр, хўжайин, — деди Жавлон икки букилиб.

— Башара, сен мен билан кетасан. Баха, сен шу ерда қолиб каллангни қотир, эртага сўрайдиган нарсаларим бор,  
— деб Арслон осмонга қаради-да, қўшиб қўйди, — эртага эмас, бугунга ўхшайди.

— Анавиларнинг жойини солиш керак, — деди Баха.

— Борсанг ўзингнинг жойингни солиб юборади, иф-лос! Анави итваччаларингнинг ҳаммасини йиф. Фирдавс-нинг маҳалласини ўраб олларинг. Қаерга кетади, ким би-

лан кетади — ҳаммасини аниқла! Мараз, манави ерда төкинхүрлик қилмасдан ликилла! Йўқса, — дея Арслон тўппончасини олди ва затворини тортиб қўйиб, — устозингнинг орқасидан кетасан!

У қуролини осмонга қаратиб тепкини босди. Гумбурлаған овоз ҳамма ёқни тутиб кетди.

\* \* \*

Хурсанд Хидирович ухламаганди. Лочин Бўриевични кузатиб қўйганидан сўнг ўғлини қидирмоқчи бўлди. Лекин қаерга боради, кимдан сўрайди?

У оталарча хавотир билан кутмаётганди ўғлини. Шунчаки келса, афт-ангорини бир кўрса, қувонса, кўкрагига уриб қўйса, гўдайса. Ахир ўели кимсан «кўча»нинг каттаси. (Ўғриларнинг, муттаҳамларнинг, зўравонларнинг дейишга унинг тили бормайди. «Кўча» дейилса, сал бошқачароқ). Шундай экан, кеккайса нима?

Соат миллари ўн иккidan ошганда, хотини Фотима қўнғироқ қилди. Туркиядан. Европага кетганди. Бир айланаб Туркияга бориб қолибди, Анталияга.

— Адаси, адаси, — деди саломдан ҳам олдин овозини ёш қизларникидай ингичкалаштириб, — бормисиз?! Сиз етишмаяпсиз, шунақангি жойларни кўрдимки, оғзингиз ланг очилиб қолади. Ҳозиргина денгиздан чиқдим. Вой, қайси денгиз ҳам демайсиз-а?!

Хурсанд Хидировичнинг энсаси қотди. У пешонасини қашлади-да:

— Гапиргани бермаяпсиз-ку, хоним! Салом йўқ, алик йўқ. Бирдан потиллаб кетдингиз. Сиз, адашмасам, Европада бўлишингиз керак эди-ку! — деди фазабини ичига ютиб.

Шундай қилишига ўғли сабабчи бўлиб турибди. Ахир «кўча ҳокими»нинг онасига бир нарса деб бўларканми? Ўғлининг қулогига етиб қолса, хафа бўлиши мумкин-ку.

— Ҳали ҳаммасини сизга тушунтириб бераман. Лекин мен денгизда бунаقا маза қиласман, деб сира ўйламагандим. Фақат сиз камлик қилиб турибсиз. Қолган ҳаммаси зўр!

— Менда ҳам янгилик бор.

— Айтинг, айтинг, бўлмаса ўлиб қоламан.

— Ўғлимиз катта одам бўлиб кетди.

— А-а-а!!! Йўғ-э! Отасининг боласи, отасига тортибдида!

Фотима беихтиёр шундай деб юборди. Хурсанд Хидирович эса сал қўкрагини кериб қўйиб:

— Қонида бор-да, — деди.

Бу шўринг қурғур Арслонни ўз пушти камаримдан бўлган, деб ўйлаб юради ҳали-ҳануз. Хотини эса тўғри гапирганди.

— Факат, — дея гапида давом этди Хамелеон, — бошқачароқ йўлдан кетди. Муҳими, омади келди.

— Бир умр омади келсин. Мен учун ҳеч курса, битта ачомлаб қўйинг. Боргандা ўзим бошқача табриклайман. Бўпти, адаси, ҳали яна гаплашамиз. Бизни чақиришяпти. Тўплашяпти бир жойга. Қанақадир концерт бўларкан.

Хурсанд Хидирович «хайр» дейишга ҳам улгурмасидан хотини гўшакни қўйиб қўйди. Шундан кейин у сўкинди. Ёмон сўкинди. Чунки энди унинг сўкишини ўғлига етказидиган йўқ-да.

Ниҳоят, оқсоч бориб дарвозани очди. Машина кириб келди. Машинанинг эшиклари очилиб ўғли шотирлари билан бирга тушди. Арслон Ўлмасга «Дарвозахона ёнидаги уй сизларники, бундан бу ёғига шу ерда яшайсанлар», деди ва ичкарига кирди. Нигоҳи кўзлари қизарган, юзи сўлиган, чарчоқ бир аҳволда турган отасига тушди. У салом бериш учун энди оғиз жуфтлаган эди ҳамки:

— Эшитдим, расмини ҳам кўрдим, — деди ундан олдин Хамелеон.

— Ниманинг? — деди ўзини ҳайрон қўрсатишга уринган Арслон.

— Ҳаммасининг! Табриклайман! Атайин ухламасдан келишингни пойлаб ўтиргандим. Омадингни берсин, — дея Хамелеон ўғлининг ёнига келиб, маҳкам қучоқлаб, юзидан ўпид қўяркан қўшиб қўйди, — ойинг ҳам табриклади.

— Тезлашиб кетди... Ўзим ҳам кутмагандим.

— Ҳа, шундай бўлибди. Эҳтиёткорликни умуман эсингдан чиқариб юборибсан. Энди ёнимга ўтир-чи.

Арслон уйига етгунича машинанинг орқа ўриндиғида ухлаганди. Уйқусининг айни ширин пайтида етиб қўйишди. Ҳозир ҳам ўзини тўшакка ташласа-ю, қотиб ухласа.

— Балки, эртага гаплашармиз, — деди у норози бўлиб.  
— Биламан, ўлгудай чарчагансан. Лекин гаплашиби қўяйлик, чунки саҳарлаб кетиб қолишим мумкин.

Арслон зўрга стулга ўтириди. Хурсанд Хидирович қарсак чалиб, оқсоқни чақирди ва унга аччиқ чой дамлаб келиши ни буюорди. Сўнг ўғлига бошдан-оёқ разм солиб чиққач, деди:

— Ораларингда нозик жойнинг одами бор экан. Сенинг ишингни расмга олибди. Даҳшат! Этим музлаб кетди.

Арслон бошини эгди.

— Ўғлим, шу ишни ўзинг қилишинг шартмиди? Бирортасига буюорсанг бўлмасмиди? Яна калласини олишнинг нима кераги бор эди?

— Иложи йўқ эди.

— Ҳамма жойда сенинг расминг.

— Лекин бирортаси ҳам тегинмади-ку. Шундай бўлиши керак экан. Бўлди. Шуни хоҳлашган экан.

— Тўгри. Ҳозир сен уларга кераксан. Мен ҳам. Менинг бойликларим керак. Агар шу бойликлар бўлмаганида, аллақачон тупроқнинг остида ётган бўлардинг. Норматни осонгина ўлдиришга қўйиб беришмасди. Шундай экан, ақл билан иш қилишинг керак. Мана, ҳозир ҳам ичгансан. Олдингда туриб бўлмаяпти. Бу аҳволда дарров пастга тушириб қўйишади.

— Чидолмадим. Қаерга қарамай, Норматнинг узилган боши қўзимга кўринаверди. Шунинг учун ичдим.

— Мен сени эртага эрталаб ўқитиб келаман. Ҳаммаси жойига тушади. Бундан бу ёғига эҳтиёт бўласан. Атрофингдагиларнинг ҳаммасини бирма-бир яхшилаб синовдан ўтказиш керак. Кўрдингми, шунақанги қалтис бир вазиятда расмга олибди. Қандай олган, нега ҳеч ким сезмай қолган? Буларнинг бари жумбок!

Хурсанд Хидирович гапиргани сайин жўшарди. Чарчоги кетиб, тетиклашарди. Аммо ўғли чидаб туролмади.

— Ада, ҳозир гапларингиз бу қулогимдан кириб буни-сидан чиқиб кетяпти. Яххиси, эртага гаплашайлик. Мен учун вақтингизни ажратинг, — деди у.

Ҳамелеон бўшашибди ва бошини қимирлатди-да:

— Тўгри, — дея ўрнидан турди.

Ота боласи ухлашидан олдин анави роса қиммат, чет элдан келтирилган суюқликдан бир фужер берди.

— Ҳалигина ичма, дегандингиз-ку, — дея сўраш асносида идишга қўлини чўзди Арслон.

— Буниси олдингиларини йўқ қиласди. Кейин хотиржам ухлайсан.

\* \* \*

Машина уй ёнида, йўл четида ичидағи одамлари билан қолдирилганидан сўнг Ёдгор ва Фирдавс нариги уловга ўтишди.

— Ҳовлини қандай билдинглар? — сўради Абдували.

— Осон. Бизни қидириб боргандарнинг биттаси «гуллади», — деди Ёдгор ва чўнтагидан тутатқи чиқазиб лабига қистирди.

Фирдавс ҳамон жим эди. У бу ёққа келгунича ҳам миқ этмаганди. Чироқ ёритиб бораётган йўлга термилган кўйи чуқур ўйга толганди. «Худога нола қилолмадим. Улгурмадим. Шунинг учун ҳам касофат ўз оёғи билан келди. Ҳазрат менга «Бироннинг бурнини қонатма, жавоби бор», деганди. Лекин унинг сўзлари ҳали қулоғимнинг остидан кетмай туриб, иккитасини ўласи қилиб калтакладим. Хўш, мен урмаганимда нима бўларди? Нима? Кўлида қурол билан келганлар икки пиёла чой ичиб бўлмасдан кириб, қолганларни тинчтишиб, чиқиб кетишармиди? Йўқ. Соли амакининг оғзи-бурнини қонига белаб ташлашибди. Демакки, мен индамай турганимда қолганларнинг ҳам, уларга кўшиб менинг ҳам жагимни синдиришарди. Ичкарида аям билан синглим бор. Уларнинг ҳоли нима кечарди?.. Мен ўзимни ўзим ҳимоя қилдим. Шундай экан, гуноҳми бу?» дея хаёлидан ўтказар, саволига жавоб тополмай қийналар ва бунинг оқибатидан ўксинарди.

Ортга қайтишаётганида Достон бир неча марта ўғлига гап ташлаб кўрди. Аммо жавоб ололмади. Шундан кейин машинадагиларнинг бирортаси ҳам гапирмади.

Фирдавс ўзини жарлик қаърига тушиб кетаётгандай ҳис қиласди. Жарликки, туби йўқ. Тубига етиб борса, парча-парча бўлиб кетади ва яна кейин... кейини ёмон. Бу дунёнинг азобларидан ўлиб қутулишинг мумкин. Аммо у ёққа борганингдан сўнг-чи? У ёқда ўлим йўқ. Бошқа ҳамма нар-

са бор. Азоб, лаззат, ҳаттоки муҳаббат ҳам. Худо кўрсатмасин, «амали» енгил келиб, дўзахга тушиб қолса борми?..

У чуқур-чуқур нафас олди. Абдувалининг ёнида кетаётган отаси ўгирилиб, ўғлига қараб қўйди, ич-ичидан Фирдавснинг сиқилаётганини ҳис этди. Ўзининг ҳам юраги оғриди. Достон боласидан фарқли ўлароқ, Фирдавсни тўғри иш қилди, керак бўлса, дала ҳовлига борганидан кейин у ёқдагиларни ҳам ер тишлатиши керак эди, деб ҳисобларди. Шу боисдан ҳам Фирдавсни нима қийнаётганини тушунмасди.

Фирдавс ухламади. Ухлаёлмади. Тўшакка ётди. Аммо кўзи ни юммади. Шу тахлит тонг оттириди. Ҳаммадан биринчи ташқарига чиқди. Чалғиши илинжида ҳовлига сув сепди.

Аста-секин бошқалар ҳам кўриниш бера бошлади. «Оиласиз анча катта бўп кетибди», дея кўнглидан ўтказган Фирдавс улар билан саломлашди.

Чорпоя устидаги хонтахтага дастурхон ёзилди. Моҳина хизмат қўлмоқчи эди, ўтирганлар қўйишмади. «Ўзимиз эплаймиз. Ишатаҳамиз йўқроқ. Кур-кур чойнинг ўзини ичиб қўя қоламиз», дейишиди.

Аммо шу чойни ичиш ҳам насиб этмади. Уйга кириб кетган Моҳина отилиб чиқди-да:

— А-ям!!! — дея бақириб юборди. Достон билан Фирдавсни ток ургандай бўлди. Иккиси ҳам сапчиб тушишди. Шу заҳоти уй томон югуришиди.

Моҳирўй дераза тагидаги кўрпачада шифтга қараганча ётарди. Кўкси тез-тез қўтарилиб-тушаётганди. Кўзи юмуқ эди.

— Онаси, онаси! — деди ранги гезарган Достон ҳовли-қиб. — Сенга нима бўлди?! Кўзингни оч, кўзингни оч!

— Ая, аяжон! — дея онасининг қўлини ушлади Фирдавс. Шунда бармоқларининг учи онасининг томирига тегди. Унинг юрак уриши шунақсанги шиддатли эдикни, ўғил қўрқиб кетди.

— Дўхтир! Дўхтир чақиринглар! — деди у бирдан бақириб.

Шотирларнинг ичкарига киришга юраклари бетламаганди. Улар қулоқлари динг бўлиб эшик ортида туришарди. «Дўхтир», деган калимани эшлиши билан Абдували телефонга югарди.

Моҳирўйнинг юрак уриши секинлаша бошлади. Фирдавснинг қўрқуви бироз ортга чекингандай бўлди. Моҳирўй кўзини очди-ю, унинг ичига ёруғлик кирди.

— Озроқ, — деди аёл нимжон товушда, — ҳаво етишмади. Ҳозир ҳам етишмаяпти.

Достон шу заҳоти деразани қарсиллатиб очди.

— Мана, энди бемалол. Одамни қўрқитиб юбординг, яхшимисан?

Моҳирўй эрининг саволига бошини қимиirlатиб жавоб берди. Сўнг унинг нигоҳи шифтга қаради. Юзида табассум пайдо бўлди. У худди бировнинг саволига жавоб бераётгандай бошини қимиirlатди. Табассум янада кўпайди. Отабола ҳайрон қолишиди. Иккиси ҳам бараварига шифтга қаради. Ёғочни ёпиб турган панер. Қачонлардир у оқ рангга бўялган. Ҳозир эса ранги ўчиб кетган эди. Бошқа ҳеч нарса йўқ.

Моҳирўй яна кўзини юмди. Унинг юрак уриши баттар секинлашиди. Фирдавснинг жон-пони чиқиб кетаёзди.

— Ай! Ундан қилманг, кўзингизни очинг! — дея бақирди у.

— Ая, аяжоним ўзимнинг, аяжон! Мени ташлаб кетманг, ая-жо-о-он!!! — деганча ўкириб йиглашга тушди Моҳина.

— Қизим, ўзингни бос, ўзингни бос, қизим, шунчаки аянг толикқан. Ҳозир яхши бўлиб кетади! Қўлларини, оёқларини уқаланглар! — Достон шундай дея хотинининг пешонасини силай бошлади.

— Қани?! Нега шу пайтгача йўқ?! — деди кейин бирдан ва ўрнидан турди-ю, ташқарига югурди. Эшик ортида Со-лига дуч бўлди. Унинг ёқасидан олди-да:

— Қани, дўхтиринг?! Қани деяпман?! — дея бақириб юборди. Достоннинг кўзидан қонталаш ёш оқмоқда эди.

— Келиб қолади. Келгандир ҳам, — дея унинг чангалидан озод бўлган Соли дарров ташқарига чиқди.

Худо уни ёлғончи қилмаган экан. «Тез ёрдам» машинаси дарвозанинг нариги томонига келиб тўхтаган экан. Моҳирўй эри чиқиб кетганидан сўнг яна бир марта кўзини очди ва Фирдавсга бир нима демоқчидай қўлларини юқорига кўтари-ди. Лаблари қимиirlади. Аммо ҳеч нима айттолмади. Фақат

«Уф-ф!» деди-ю, жон берди. Ичкаридан ўғил ва қизнинг чинқириғи эшитилди.

Ҳамма бараварига югурди. Бараварига ўзини эшикка урди. Достон биринчи ўтди. У аввал хотинини қучоқлади. Ўқириб юборди... Дўхтирга эҳтиёж қолмаганди. Дўхтир энди ўз исмидан айрилиб «марҳум» деган ном олган аёлнинг томирини ушлаб кўрди ва афсус билан бош чайқади. Фирдавснинг кўз олди қоронfilaшди, бутун вужуди титрашга тушди.

— Мен, мен, мен... — деганча у эшик томонга юрди ва қолган гапларини ичидаги айтди, — дўстимни онамга алмашиб қўйдим. Дўстим ўлиши керак эди. Лекин...

У сочини фижимлади.

— А-а-а-а!!! — дея бақири.

Бир соат ичидаги ҳовлида одам тўлди. Фирдавс уларнинг ярмидан қўпини танимасди. Умуман кўрмаган, учрашмаган, гаплашмаган. Аммо улар Фирдавс билан илиқ кўришар, ҳамдардлик билдиришар ва бир чеккада туришарди. Шунингдек, кўзлари «олма-кесак» терғанлари ҳам бор эдики, уларнинг алланглаши Фирдавснинг эътиборидан четда қолмади. Нимадир қидиришаётгандай эди. Ниманидир бошламоққа шайланишаётгандай эди. Фирдавснинг кўнгли бузилди. «Ўзи бир аҳволда бўлсан, ичимга чироқ ёқса, ёришмайдиган бир аҳволда турибман. Шундай пайдада пасткашлик ниятида келишадими? Шундай пайдада қайфумнинг устига қайфу қўшишадими?» дея хаёлидан ўтказди. Ёнига Абдувалини чақириб:

— Амаки, бир-иккита кўзи ўйнайдиганлар юришибди. Қараб қўйинглар, — деди...

\* \* \*

Миразиз Нормат чўлоқнинг уйига борди. Милиционерлар қўриқлашаётган экан. Уларга гувоҳномасини қўрсатиб ичкарига кирди. Уч-тўртта оқ халатли, яна иккита фуқаро (яна айтаман, «фуқаро» сўзи луғатда «камбағал, бечора» маъносини билдиаркан) кийимидағи, ёшлари ўттизга бориб қолган кишилар бор эди. Ҳамма ўз ишини қилиш билан овора.

Үй Миразизга жуда «совуқ» кўринди. Совуқки, одамнинг эти жунжикади. Ҳамма жиҳозлар қимматбаҳо. Бироқ

совуқ. Миразиз номигагина у-бу нарсаны күрган бўлди. Текширувчилардан текширув натижаларини сўраган бўлди. Кейин ёнида олиб келган расмни уларга кўрсатди.

— Ким бу? — деди текширувчилардан бири.

— Гувоҳларинг қотилни шунга ўхшатишдими? — деди Миразиз.

— Йўқ. Мана. Гувоҳ биттагина экан. Кўчанинг «ликилдоқ»ларидан. Мана унинг кўрсатмасига биноан чизган фотороботимиз.

Миразиз қофозни олиб, чизмага синчиклаб разм солди. Енгил тортди. «Худога шукр, Фирдавс аҳмоқлик қилиб кўймаган экан», дея кўнглидан ўтказди. Ҳамда қофозни суратчига бериб, расмга олишни ва кўпайтириб беришни буюрди.

Кейин ташқарига чиқиб чекди-да, бир муддат бошини осилтиргранча у ёқдан-бу ёққа юргач, уйига кетди. Кўли ишга бормади. Тинкаси қуриган, бирор билан умуман гаплашгиси келмаётганди. Чунки ҳамма нарсанинг мазмун-моҳиятига етиб кўйганди.

Мавзуна очиқ юз билан дадасини кутиб олди. Юзидан ўпиб кўйди. «Ош қилдим. Илгари бир-икки марта аям билан бирга қилгандим, лекин ўхшамаганди, бу сафар қандайдир бошқача чиқди. Ҳидининг зўрлигидан сиз келгунча зўрға ўзимни тийиб ўтиридим», деди.

— Мехр ва масъулият бирга келганда мана шундай бўлади. Кўрдингми, сенга ўгу биргина ош ҳам дарс бўлибди. Ҳамма иш худди шундай. Чин кўнгил билан борингни бериб ҳаракат қилсанг, ўз-ўзидан осонлашади, сифати...

У бирдан гапиришдан тўхтади. Ўйланиб қолди. «Мехр кўрсатиш керак, меҳр кўрсатиш керак», дея ичида такрорлади.

— Гапингизнинг давоми эсингидан чиқиб кетдими, дада? — деди отасидан кўзини узмай турган Мавзуна.

— Нима деяётгандим? — дея вазиятдан жилмайиб чиқишига ҳаракат қилди Миразиз.

— Ҳар битта ишни...

— Бўлди, эсимга тушди. Фақат битта ишни эмас, ўзинг тўғри деб ҳисоблаган ҳамма нарсани. Ҳалол... Айтганча, ҳалол нима эканлигини биласанми?

— Ҳа-а, биламан. Ҳамма тоза нарсалар ҳалол.

— Шундай. Лекин бир хил нарсаларнинг тоза, нотозалигини ажратолмайсан... Шошма, қизим, нега энди каллангни қотириб турибман. Сен ошингни сузавер, мен кийимларимни алмаштириб чиқаман.

Ош ҳақиқатан ҳам хушхўр чиққан эди. Миразиз бир лаганни ўзи еб тугатди. Кейин қорни шишиб кетганидан ҳовлида айланиб юришга мажбур бўлди. Унча-мунчамас, нақ икки соат юрди. Мавзуна кейинги бир соаттагина қўшилди.

Эртасига негадир энг аввал хаёлига Моҳирўй келди. «Бечорага қийин. Йўқ жойдан бошига ташвиш келади. Бирорни урмайди, сўкмайди, ҳақини емайди, гердаймайди, камсукум, мулойим муомалали, лекин боши балодан чиқмайди. Нега энди шундай экан?» дея ўйлаб бошини қашлади. Ана шу маҳали қўнгироқ бўлди. Достон экан. У бир оғиз гап айтди: «Моҳирўйни бериб қўйдим!» Миразиз бир сакраб тушди. Кейин:

— Бу аҳмоқ нима деди? Калласи жойидами унинг? Менимча, жинни-пинни бўлган. Томи кетиб қолган унинг! — деди баланд овозда.

Мавзуна дадасининг ҳаммомда айтган гапини аниқтиниқ эшилди. У йўлакда эди. Ошхона тарафга кетаётганди. Отасининг сўзларини эшитиши билан тўхтаб қулоқ солди. Сўнг яна йўлида давом этди.

Миразизнинг бўйнида сочиқ, боши хиёл эгилган, пешонаси тиришганди.

— Булар бари эсини еб қўйган ёки менинг қулоғим битта гапни бошқача эшигадиган бўлиб қолган, — деди у.

Эндинина чой дамлаган Мавзуна ҳайрон бўлиб дадасига қаради-да:

— Ким? — деди салом берганидан сўнг.

— Анави Достон. Хотинимнинг таъзиясига кел, дейди, — дея бўйнидаги сочиғини қўлига олди Миразиз.

— Нима? Моҳирўй холам ўлибдиларми? Дада, қўнгироқ қилинг, яна сўранг! — деди шу заҳоти кўзи ёшга тўлган Мавзуна.

— Ҳозир...

Миразиз йўлакдаги телефонда ракам терди. Аммо унинг қўнгирифига бирор жавоб бермади.

— Борайлик, дада. Балки... Ишқилиб, адашиб айтиб қўйған бўлсинлар. Ишқилиб, бошқа бирор қўнгириқ қилиб ҳазиллашган бўлсин.

Мавзуна хонасига югурди, апил-тапил кийинди. Отасидан олдин ҳовлига чиқди ва тоқатсизланганча у ёқдан-бу ёққа бориб-кела бошлади.

Улар дарвозадан ташқарига чиқишганида, кўзлари бегона қизил «Жигули»га тушди. Ҳайдовчи уларни қўриши билан машинадан тушди-да, югуриб ёнларига келди.

— Достон акам сизни олиб келишга жўнатди, — деди шошиб.

— Нима гап ўзи? Достоннинг соғлиғи жойидами ўзи? Ё томи кетиб қолганми? — дея ҳайдовчидан сўради Миразиз машинага ўтирганларидан сўнг.

— Яхши. Лекин келинайим... Билмадим, нима бўлди? Эрталаб бирдан мазаси бўлмай қолди, кейин «Тез ёрдам» етиб келишигача етмади...

Ҳайдовчи шундай дейиши билан орқа ўриндиқдан йифи овози эшитилди.

Фирдавс Миразиз келгунича овоз чиқазмасдан кўзини ёшлаётганди. Аммо уни кўрганидан кейин ўзини босиб туролмади. Миразизнинг елкасига пешонасини қўйиб:

— Амаки, нега бунаقا?! — деб сўради.

— Худо сабр берсин. Имтиҳон, буям имтиҳон. Ўзингни кўлга ол, — дея уни юпатган бўлди Миразиз.

Кейин Достоннинг ёнига борди. Достон ўзини нўноқликда, ярамасликда, аҳмоқликда айблади. Миразиз унинг ҳам кўнглини қўтаришга уринди. Сўнг бошқалар билан қўришди ва анави «ташкилот»нинг одамларига кўзи тушди. Ижирғанди. Секин биттасининг ёнига борди.

— Нима қилиб юрибсан бу ерда?! — деди газабини ичида ютолмай.

— Нима деганингиз бу? Битта одамнинг бошига ташвиш тушибди. Унинг дардига шерик бўлгани келдим, — дея жавоб берди у гўё чукур қайғуга ботгандай.

— Айтишга бошқа гап тополмадингми? Агар биттагина майнабозчилигингни сезсам, минг йилга қамалиб кетсам ҳам, ўз қўлим билан бўғиб ўлдираман! Тушундингми?!

«Вакил» бирдан шолғомдай қизарди. Бурнини тортиб

кўйиб, бошини қашларкан, «Мен тинчлик- хотиржамлик истаб келганман. Менга дағдаға қилманг», деди паст овозда.

— Биламан қанақа тинчлик-хотиржамлик истаб келганингни... Хуллас, гап битта. Сенларсиз ҳам маросим ўтади. Итваччаларинг билан бирга бу ердан қорангни ўчир!

— Ҳали биз итвачча бўлиб қолибмизми? Бўпти, кўрамиз.

У кетди. Бориб машинага ўтириди-ю, беш дақиқада қайтиб келди.

— Рациядан хабар беришди. Шахсан ўзингиз ҳозирнинг ўзида Фирдавснинг қўлига кишан солиб обораркансиз. Бажармасангиз, аввал сизни, кейин уни олиб кетамиз.

\* \* \*

Арслон, ҳақиқатан ҳам, хотиржам, тошдай қотиб ухлади. Бирор уни безовта қилмади. Соат миллари ўнга яқинлашиб қолганида ўзи уйфонди. Бу сафар боши оғримади. Қандайдир енгил эди. Шу боис ҳаммомга югурди. У ердан чиқиши билан телефонга чақиришди. Онаси экан. Бошқа бўлганида бормасди. Йигитлари билан бирга ҳалигача «шохи қайрилмаган» Фирдавсни бир ёқли қилмоқчи эди.

Онаси кечаке эрига нима деган бўлса, шуларнинг ҳаммасини ўғлига ҳам айтиб берди. Арслоннинг энсаси қотди. Унга қандайдир денгизда чўимилиш, офтобда қорайиш, сайр қилиш ўта майда ишдай туюлди. Лекин онасининг гапини бўлмай, тишини-тишига кўйиб эшитди.

— Ўғлим, куни кечаке аданг омадинг келиб қолганини айтганди. Бир хурсанд бўлдим, бир хурсанд бўлдимки, у ёқ-бу ёғи йўқ. Худди шу янгиликни мен эскидан этикдўз қадрдонимга айтгандим. Уям роса хурсанд бўлди.

— Оий! — дея пешонасини тириштириди Арслон. — Қанақа этикдўз? Келиб-келиб этикдўзлар билан қадрдон бўлиб юрибсизми? Сал-пал оиласизнинг обрўсини ўйлайсизми ўзи?!

— Вой, ўзимнинг эрка ўғлимдан. Унинг лақаби Этикдўз. Адажонингнинг омади ўзидан-ўзи келиб қолмаган, болам. Мана шу Этикдўзнинг маслаҳати билан у ҳалим бўлди. Баландларга кўтарилиб, бой-бадавлат инсонга айланди. Сен ҳам кам бўлмайсан, ўғлим!

Арслон «гарч-гурч» этказиб бошини қашларкан:

— Ҳмм, — деди.

— Гүшакни унга беряпман. Бир-иккита маслаҳати бор экан.

Арслон тоқатсизланиб, эшик томонга қараб қўйди.

— Табриклайман, табриклайман! Ниҳоятда хурсанд бўлдим, — деган эркак овози келди гўшакдан.

— Раҳмат! Кечирасиз, сизни ким деб чақирсан бўлади?

— дея хумори тутиб чўнтағини кавлай бошлади Арслон.

— Оҳ! Ақлли йигитларнинг биринчи саволи худди шундай бўлади. Менинг исмим ўзбек тилида Иброҳим бўлади. Лекин паспортимга битта саводсиз Абрам деб ёзиб қўйган. Шундай экан, маъқул келганини айтаверасан, биз елкани қисиб рози бўлиб кетаверамиз.

— Яхши, Иброҳим ака, нима демоқчисиз?

— Айтмоқчиманки, кўришмагунимизча бир иш қилмай тур. Ҳар қандай ҳаракатда хато бўлиши мумкин. Уни роса тарозига солиб, ундан кейин бирор фикрга келиш керак. Эшитдим, ҳаракатларингиз тўғрисида. Онангиздан эмас. Бошқа манзилдан. Эндиғи рақибингиз ўта ақлли бўлиши мумкин. Унга нисбатан бошқача усул қўллаш лозим бўлади. Бугун, яна икки ярим соатдан сўнг учиге кетаман. Демак, беш соатдан сўнг Тошкентда бўламан. Аэропортда кўришамиз. Маъқулми?

— Сиз мени йўлдан қайтаряпсизми?

— Балки, аммо жарликка қулаги тушишдан кўра қайтган афзалроқ. Отангизнинг пули кўп. Лекин қудратли даражада эмас. Ҳақиқий пулнинг эгалари бошқа жойда.

— Хўп.

— Баракалла! Учрашгунча!

Гўшакдан қисқа товуш келиб қолди. Арслон истар-истамас телефон гўшагини жойига қўйди-да, хуморининг гумаштасини олиб лаблари орасига қистирди.

Хурсанд Хидирович ўғлининг чекаётганини ҳовлида туриб, дераза орқали кўрди. Пешонаси тиришди. «Онангни фалон-фалон», дея сўкинди. Бўлмаса у илгари ҳам Арслоннинг тутататётганини жуда кўп қўрган. Аммо илгари Арслоннинг кўзи ўйнаб турарди. Демакки, отасининг кўриб қолишидан чўчириди. Энди эса бемалол, ҳаттоқи шу уй-

нинг эгасидай, отани сариқ чақага ҳам олмасдан чекяпти. Хурсанд Хидирович қўл силтади ва ўғлининг чиқишини кутди. Арслон шошилмади. Бемалол чекди. Ўзича бир ни-маларни режалаштирган бўлди. Ана ундан кейин ташқари-га йўл олди.

— Ада, — деди ҳалинчакда тебраниб ўтирган отасига.

— Илгари бир-икки марта салом берганинг эсимда, — дея энсасини қотирди Хамелеон.

— Бўлса бордир, лекин ҳозир бу муҳиммас. Муҳими бо-шқа нарса. Сиз Абрам ёки Иброҳим деган одамни танир-мидингиз?

Хурсанд Хидировичнинш эти жимиirlади. Бир пайтлар кўча-кўйда одамлардан «Хотининг шу билан қўп қўз уриштиради-да», деган гапларни эшитган, лекин ўзини эшитмаганга олган. Чунки иши тушиб турганди. Этиқдўзнинг таниши бор экан. Район таъминот бўлимида. Айнан ишга ўтиб юрган кезлари эди. Шунинг учун қулоғининг чекка-сидан «ўтказиб» юборган. Сабаби, иродаси бўшроқ эди, орини парда қоплаганди. Муҳими, ёғлироқ бир жойган ўтиб олса, ана ундан кейин керак бўлса «нозик ниҳоллар»ни қўпайтириб олади-да, хотинидан ўтиб кетади... Кейинчалик шу Абрамнинг исмини эшитса, эти жимиirlайдиган бўлиб қолди.

— Ким экан у? — деди ўғлига жавобан Хурсанд Хидирович.

— Қанақадир этиқдўз...

— Бўлди. Бизга қайриладиган жойда, йўл четида, озиқ-овқат магазинининг ёнида буткаси бўларди. Нима қилибди у?

— Ойимнинг айтишигига қараганда, сиз доим ундан маслаҳат олиб турган эмишсиз.

— Шундай. Лекин жуда илгари. Ҳали унда сен йўқ эдинг. Мен ёш эдим. Ҳўш?..

— Ўша одам билан телефонда гаплашдим. Шошмай тур, деди.

— Нимага шошмас экансан?

— Кеча сизга Фирдавснинг эртага эрталаб пачаини чиқараман, деб айтгандим-ку, шунга шошма, дейди.

Хурсанд Хидирович бошини қашлади. Сўнг деди:

— Яхудий күп балони билади. Ўзи бор-йўғи ямоқчи эди. Лекин ақли балоларга етарди. Ундан кейин таниш-билишлари ҳам күп.

— Сизнинг пулларингизни ҳам биларкан. Аммо у пулларингизни кам, деди. Кучи йўқ, деди.

— Яна адашмабди. Шундай пулдор амалдорлар борки, уларнинг олдида мен оддий пистачи бўлиб қоламан. Энг қизиги, бойларнинг бойларининг бари яхудий. Ана шу этикдўзнинг ҳам жуда күп пули борлигини яқинда эшилдим. Қисталоқ пулининг ҳаммасига тилла сотиб олиб, уларни қошиққа айлантириб, қизил бўёққа бўяб қўйган экан.

— Пухта экан-да.

— Бўлмасам-чи?! Агар у шошмай тур, деган бўлса, демак, шошилма. Яхудий, барибир, ҳам яхудийда.

— Фақат мен бир жойда беш соат кутолмайман. Бориб бошқа нарсаларни қилиб турай. Кейин аэропортга бора-ман.

— Ишқилиб, адашма.

Арслон машинага ўтирганидан сўнг Бахани болохонадор қилиб сўкди. Шунчаки эмас. Қаерга борамиз, деб сўраганида, кечаги жойни айтди. Ана шундан сўнг сўкди. Баха бироз довдиради-ю, дарров ўзини қўлга олди. Ахир Нормат чўлоқ ҳам уни сўкарди-ку, шунчаки эрмакка, гоҳ юриши ёқмай қоларди, гоҳида гапи. Мана буниси ҳам бошлади. Демак, бунақангги тоифадагиларга теккан касаллик.

— Эски шаҳарда бор. Лекин сенга ёқмаса керак, деб ўйлагандим. Жин кўчалардан кирилади. Охирига етмасдан у ёғига пиёда кетишга тўғри келади. Машина сифмайди, — деди у.

— Бошқаси қуриб қолганми? Кўчани тўлдириб, бир тўда итдай кетарканмиз-да. Нимага шу кунгача сени анави Чўлоқ пешонангдан отиб ташламаган. Роса ошқовоқ экансан-ку, — деди Арслон ва ҳиринглаб куларкан, унинг елкасига қоқиб кўйди. Кейин ёнида ўтирган Ўлмасга юзланди:

— Башаранг вапше бузилиб кетибди-ку, Башара!

Ўлмас кўкарган юзини силаркан:

— Мен кутмагандим. Эндиғи сафар ҳушёр бўламан! Ушласам, сочиб ташлайман. Темир-терсаксиз қўлларини узиб оламан. Бутини йиртаман!!! — деди аламига чидай олмай.

— Кўрамиз! Кўрамиз нима каромат кўрсатишингни!

Манзилга етишди. Арслон уй ичкарисига кирмади. Бурнини жийириб ирганди. «Падарингга минг марталаб ланъат бўлсин сен Баханинг, шу қилифинг учун оначангни кўзчангга кўрсатиш им керак эди-ку, қўлимни, тўпномчамни ифлос қилгим келмаяпти. Бугун кечгача одам яшаса бўладиган жой топмасанг, сен ҳаромини итга едираман. Ҳаром нарсани ит билан чўчқадан бошқа нима ҳам ерди!» — дея бўкирди. Кўлинини мушт қилди. Баха бунга жавобан бошини эгиб, сукут сақлади. Илло, шундай қилса, омон қолажаклигини у жуда яхши биларди.

Ҳовлига дарров стол-стул қўйилди. Столнинг устига дастурхон ёзилди. Турли ноз-неъматлар, ичимликлар қўйилди.

Арслон ўзини босиб туролмади. Заҳру заққумдан олди-орқасига қарамай тўрт пиёла ичди. Ҳар сафар бир кўта-ришдаёқ пиёлани «оқ» қилиб ташлайверди. Баханинг ичидага бирдан умид учқунлари уйғонди. Агар бу ярамас, «ўпка» яна озгина нафсини жиловломай турса, тамом. Тўнкадай ағнайди-ю, қотади. Аммо кутилмагандага Арслон бирдан ичишдан тўхтади.

— Баха! Сен бориб ўғриваччаларингу йўлтўсарларингдан «солик» йифиб кел. Агар миқдор мўлжалимдан кам бўлса, ўзинг билан бирга бирдан бирорта муллани етаклаб кел. Жанозангни ўқиди, — дея ҳиринглаб кулди-да, лаблари орасига тутатқидан қистирди ва гапини давом этказди. — Мен билан Хамир ва Башара қолади. Қолганларинг Баха билан бирга ишлайсанлар!

Арслон улар кетганидан кейин «майдада-майдада» қилиб шириндан-шакар хаёлларини суриб ётмоқчи эди. Бироқ бошқа бир нарсани ўйлаб қолди-ю, энди дарвозага етган Бахани чақириб олди.

Баха башарасини тириштириб қайтиб келди.

— Ҳов, агар яна бир марта чақирганимда турқингни бузиб ёнимга келадиган бўлсанг, пачақ қиласман! Энди шу ернинг ўзида болаларингни гуруҳларга бўлиб жўнатиб юбор-да, ўзинг кел, гап бор! — деди.

Баха унинг айтганини беш дақиқада бажариб қайтиб келди ва Арслонга савол назари билан юзланди.

— Одессадан, Москвадан хат-хабар борми? Одам-подаң жүннатишармикин? — дея Арслон оёқларини чалиштирганча, құлларини стул суюнчиғи устига ташлаб Бахага қаради.

— Ҳали бирортаси ҳам қўнфироқ қилмади. Ҳозир алғовдалғов замони, ит әгасини танимайды. Бирортаси ҳам тиниб ўтирмаётган бўлса керак. Чунки әгасиз заводлар, фабрикалар тиқилиб ётибди. Эртароқ арzon-гаровга ўзиники қилиб олса, кейин маза қилиб яшайди.

— Унда биз нима қилиб эски ишни қилиб ўтирибмиз? Рўйхат тузинглар, шаҳарда нима бор, нима йўқ. Кейин анави «Ипподром» анча жонланиб қолибди. Ҳозирнинг ўзида жой олинглар, бирор бешта одаминг ҳар куни шу ёқда бўлсин. Нима тақчил бўлса, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келамиз-да, пуллаймиз. «Дори» масаласи... Тўхта, — дея ёнига ўгирилиб, нигоҳини Жавлонга қадади Арслон, — сен бундан бу ёғига «дори» билан шуғулланасан. Баха, итваччаларини сенга қарам қилиб қўяди. Тушундингми?!

Ҳамир бир қоп тилла топиб олгандай хурсанд бўлиб кетди. Ахир «дори»нинг турган-битгани фойда! Қўлингга кило-граммлаб беришади, сен уни граммлаб пуллайсан. Бир килонинг нархи билан бир граммнинг нархи бир хил бўлади. Зўр-ку! Ҳар граммдан Жавлонга бир сўмдан қолганида ҳам, эҳ-ҳе, бир кунда озмунча пул ўз-ўзидан чўнтағига оқиб кирадими?

— Лекин Ҳамир, икки қулоғингга ҳам қуийиб ол, сал қадаминг ўзгарса, ичагингни бошингга салла қиласман, тушундингми?! — деб гапини охирлатди Арслон.

— Хўп бўлади, хўжайнин. Сиз нима десангиз, қандай бу-юрсангиз, худди шундай қиласман.

— Бўлди, бугунги иш тугади. Фақат анави ақлфурушни кутиб олиш қолди.

— Ким у? — деди шу пайтгача гапга аралашмай фақат қулоқ солиб турган Ўлмас.

— Биттаси. Ўзим ҳам кўрмаганман. Аэропортда кутиб оламиз. Айтганча, Баха, сен бошқа бир жойни топ. Мехмонни манави жодугарнинг уйига олиб келмаймиз-ку.

— Бирорта ресторонда меҳмон қилайлик.

— Бу ҳам яхши фикр. Энди ейишга бирор нима олиб

келинглар, эрталабдан бери туз тотмадим. Айтганча, кун пешиндан ўтиб кетди-а?

— Ўтмаган бўлса ҳам ўтди-да, — дея ҳиринглаб қулди Башара.

Арслон ҳали бир дона сигаретани чекиб тугатмаганди. Ҳовлиқанча Абдураҳмон кириб келди. Кириши билан Арслоннинг тепа сочи тикка бўлди. Ахир шу пайтгача у қўриниш бермаётганди-да.

— Қайси гўрда санқиб юргандинг, итнинг боласи?! — деди унга ғазаб билан Арслон.

— Хўжайнин, Хоқон, сизга хушхабар топиб келдим. Шунинг учун юргандим, — дея гавдасига ярашмайдиган алфозда қилпанглади Абдураҳмон.

— Гапир. Гапинг ёқмаса, пешонангдан дарча очаман, — деб Арслон чўнтағидан тўппончасини олди.

Абдураҳмоннинг ранги шу заҳоти бўздай оқарди. Нафас олиши қийинлашди.

— Ҳалиги, ҳалиги, хўжайнин. Душманингизнинг онаси ўлибди, — дея Абдураҳмон Ўлмасга қараб қўйди. Унинг қўрқадигани Ўлмас. Кўрқса, юраги ўйнайди. «Ишқилиб, шунга ёқмайдиган бирор нима деб қўймай-да. Қисталоқ, катта қўлини бир сермаса борми, онамни учқўрфондан қўраман», деб ўйлайди.

— Ким экан душман деганинг? — деб пешонасини тириштириди Арслон.

— Фирдавс. Онаси бугун эрталаб кетворибди. Бордим. Секин у ёқ-бу ёқни кузатдим. Одам минг. Атрофида юрганлар ҳам кўп.

— Шунақами? Даҳшат-ку! Бечорага ёмон бўлибди. Онасини йўқотиш осонмас... Лекин ҳамманг кўзингни очиб, яхшилаб қара. Кеча нечта тўданг бўлса, барини бўйсундирдим. Биттагина шу Фирдавс қолганди, кўриб турибсан аҳволини. Демак, мен оддий одаммасман. Менга кимки зиён етказмоқчи бўлса, ўзининг бошига шундай бир оғир тош тушадики, кўзлари косасидан отилиб чиқиб кетади!

— Авлиёсиз, хўжайнин! — деди шу заҳоти Жавлон унинг гапини бўлиб.

— Номаъқулнинг нонини ебсан! Авлиёмиш! Қаерда кўргансан авлиёнинг ичиб юрганини?! Э, чўчқадай семирмай сени, най, най, най!!!

Жавлоннинг боши шунчалик эгилдики, агар катта қорни бўлмаганида, калласи путининг орасига кириб кетарди.

— Нима қилдик? — дея тамаки қутиси томон қўлини чўзди Ўлмас.

— Менимча, онасини олиб бориб кўмгандир. Кўммаган бўлса кўмади. Таъзияси ўтаверсин-чи, у ёfi бир гап бўлар. Абдураҳмон, туллакнинг туллаги, сенинг бошинг омон қолди. Ҳа, қора хотининг ҳомиладормиши?

Абдураҳмоннинг юзи қип-қизил шолғом тусига кирди. У индамай, бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Яхши, ҳақ берасан, бор, зинфиллаб атаганларингни олиб кел!

Ўлмас Арслоннинг гапига ҳиринглаб кулди.

Айш-ишрат нақ уч соатча давом этди. Бу вақт мобайнида Баханинг тўртта йигити «йифим-терим»дан қайтди. Тўртталасининг ҳам ўлжаси ёмон бўлмабди. Аммо Арслонни бошқа бир нарса ўйлантиради. Яъни нарх-навонинг кескин ошиб кетаётгани. Ўнгдан сўлингга қараб ултурмасингдан бир сўмлик нарса икки сўмга айланади. Керак бўлса, баъзи жойларда уч сўм ҳам бўлиб кетади. Бунақа пайтда пул йигиб бўларканми?

— Нима бўляпти ўзи? — дея сўради у Бахадан.

— Билмадим. Танга қилиб қўйган яхшими, дейман.

— Вў-ў! Калланг зўр сенинг лекин. Болаларингни жўнат. Кимда қанча танга, қанақа кўринишда бўлишидан қатъи назар эски нархда сотсин. Агар бирортаси ўзини у ёқдан-бу ёқقا ташлайдиган бўлса, аяб ўтиришмасин.

Бу пайтга келиб у ширакайф, кайфияти чоғ эди. Шунинг учун ҳам буйруқларни юмшоқ оҳангда бераётганди.

— Хўп, — деди Баха қўлини кўксига қўйиб ва келтирилган пулларнинг ҳаммасини йигитларига бераркан, уларга нима қилиш кераклигини тайинлади.

Қайтиб келса, Арслон ҳамма кийимларини бирма-бир ечаپти. У ҳайрон бўлиб Ўлмасга қаради.

— Тикланиш! — деб бир оғиз сўз билан жавоб берди унга Ўлмас.

Дарҳақиқат, Арслон устидан бир челак муздай сув қўйганидан сўнг енгил тортди. Ҳатто кўкрагига уриб, гердай-иб ҳам қўйди.

Бошлиқнинг қилифи ҳам, гапи ҳам ҳаммага бирдай қонун.

Қолганлар ҳам ечинди. Қолганлар ҳам устидан сув қўйди...

Иброҳим (Абрам) Арслонни кўп куттирмади. Туркиядан учиб келган самолёт қўнганидан сўнг орадан ўн-ўн беш дақиқача ўтганидан сўнг аэропорт эшигидан чиқди. Уни илгари бирор кўрмагани боис ҳеч ким танимайди. Шунинг учун ҳам Арслон билан бирга аэропортга боргандарнинг ҳаммаси кимки эшикдан кўриниш берса, синчковлик билан термилар, бир-бирига қараб қўйишаради.

Иброҳимнинг ўзи Арслонни топиб келди.

— Азамат йигит бўлибсиз-ку, Арслонбек! — деди Абрам жомадонини судраб келиб.

Арслон дарров салом берди. Салом беришига Иброҳимнинг салобати, салобат ортига яширинган қандайдир совуқ, ўта қаҳрли «юқ» мажбур этди. Узун бўйли, кенг елкали, кичкина оппоқ соқолли, жигарранг костюм-шим кийган, оқ кўйлакка қизил бўйинбог таққан, бошига ҳам жигарранг шляпа қўндирган одам эди у. Юзи кулиб турарди. Лекин кўзи кулмасди.

— Бошқалар билан бўлиб, танимаганим учун узр...

Арслонни довдирашдан Иброҳимнинг ўзи кутқарди.

— Битта ачомлашиб кўришайлик. Мен сиздай отюрак, мард йигитларни кўрганимда яйрайман! — деб Иброҳим Арслонни маҳкам кучоқлади. Сўнг уни бағридан бўшатиб, икки елкасидан тутганча кўзига тик қарапкан, — келгунимча омонда бўлсин, деб ният қилгандим. Ниятим амалга ошди, — деди.

— Мен ҳам сизни кўрганимдан, келганингиздан хурсандман, қани, машинага ўтиринг, бир яхшилаб меҳмон қиласай, — дея илжайди Арслон.

— Албатта, манави машинада кетамиз, адашмасам, — деб Иброҳим «Жигули»ни кўрсатди.

— Ҳа, шунда.

— Оҳ, оҳ! «Мерс»лар, «Лексус»ларни мингандан кейин бунақангидан үтириш худди отдан тушиб, эшак устига чиққандай бўларкан, — деди Иброҳим ва хохолаб кулди.

Арслон бирдан мулзам тортди.

— Бугун бор-йўғи иккинчи кун, насиб этса, уч-тўрт ҳафтадан сўнг сиз айтганларини ҳам кўрармиз, — деди Арслон.

Иброҳим унинг гапига шунчаки кулиб қўйди.

Машина ҳашамдор, қиммат ресторон ёнига тұхтади. Абрам ойнани тушириб ресторанға қаради-да, қовоғини осилтириди.

— Мени ҳаммага күрсатиб, күз-күз қылмоқчимисан? — деди ёнида ўтирган Арслонга.

— Нима деганингиз бу? Обрўнгиз...

— Қўйсанг-чи, ундан кўра бирорта чойхонага ҳайдар... Тўхта, машинани юрғаз, ўзим айтаман қаерга боришни.

Арслон ҳайдовчининг елкасига секин уриб қўйди. Улов қўпи билан ресторондан беш юз метрча узоқлашди. Шунда Иброҳим «Тўхтат», деди. Унинг шу сўзидан сўнг Арслон деразадан ён атрофга қараб қўйди. Бирорта ҳам емакхона йўқ эди.

— Энди, — дея чўнтағига қўлини солди Иброҳим, — йигитлар секин машинадан тушиб, бир айланиб келишин, биз Арслон билан унгача битта-биттадан тутатамиз.

Арслоннинг шотирлари, гарчи хўжайин айтмаса-да, Абрамнинг буйруғига беихтиёр итоат этишди.

Абрам тамаки донасини бармоклари орасида юмшоққина эзib айлантиаркан:

— Атрофингга тайини йўқ йигитларни йифибсан. Булар ҳар мақомга йўргалашади. Жудаям хавфли, буларнинг ҳаммасини йўқот. Фақат шошилмасдан... Энди асосий масала, Фирдавс билан дўст тутин.

Арслон бирдан Иброҳимга юзланди.

— Шу нарсани айтиш учун келганмидингиз? — деди қўрслик билан.

— Гапимни бўлма, тирранча. Бир ҳамлада у сени сочиб ташлайди. Унинг атрофида отаси билан бирга ишлаган ақлли одамлар бор! Ҳаммаси садоқатли. Сен ким бўлибсан унинг олдида! Отанг сабаб юқоридагилар қилаётган ишларингга кўз юмиб туришибди, тўғрироғи, отангнинг ҳам икки пуллик аҳамияти йўқ. Шунчаки улар хоҳлаган ишни қилдинг, шунинг учун индашмади. Агар хоҳлашса, киприк қоқишига улгурмайсан. Тирноқларингни битта-биттаб суғуриб олишади. Терингни шилиб, сомон тиқишиади. Сенга қўшиб анави ўзича бойваччаман деб юрган отангни, бутун уруфингни йўқ қилиб юборишади! Биргина Нормат чўлоқнинг калласини олганинг учун ўзингни қаҳрамон ҳисоблаб юрибсанми?! Чучварани хом санабсан!

— Мен...

— Гапимни бўлма! Фирдавснинг ёнига бошингни эгган ҳолингда бор. Алоҳида учраш. Дўстлик битими тузишни, бундан бу ёғига биргалиқда ишлашни таклиф эт. Ана ундан кейин секингина, оёғингга кирган тиканни суургандай сууриб ташлайсан. Мулойимлик, ҳалимлик билан жонини оласан. Ҳамма йўл-йўриқни ўзим кўрсатаман. Рок-феллер, Родшилларни биласанми?

— Йўқ, — деди Арслон қалтираганча бошини қимирлатиб.

— Яхудийлар. Бутун дунёни улар бошқаришади. Лекин бирор жойда урушда қатнашганини эшитганмисан?

— Йўқ.

— Эшитмайсан ҳам. Лекин ҳар қандай ур-сурнинг тепасида улар туришади. Шундай бўлишга ҳаракат қил, ҳеч ким сени кўрмасин. Ҳеч ким сендан шубҳаланмасин. Аммо барининг бирма-бир жонини ол, пулингни қўпайтири. Ҳар битта ишни қилишдан олдин ундан қанча фойда кўришингни ўйла! Уқдингми?

— Ҳа.

— Ҳали ҳеч балони тушунганинг йўқ. Тушунганинггача кеч бўлишидан қўрқаман. Шайтон бўл, шайтон!

— Хўп.

Абрам лаблари орасига тамаки донасини қистирди. Шошилмасдан чўнтағидан гугурт олиб ёқиб, унга тутди. Шувакт оралиғида Арслонни кузатди. Арслон бечора ёш болага айланган эди. Қизариб-бўзарив нигоҳини ерга қаратиб ўтиради. Шу туришида уни бирор жиноят оламининг ҳукмдори эмас, мактабда доскага чиқсан билмасвой деб ўйларди.

— Энди, — деб унинг елкасига қоқди Иброҳим, — мени аэропортга олиб бориб кўй. Москвага учишим керак. Фаттоҳ Норқуловични биласанми?

Арслон ялт этиб унинг юзига қаради ва бошини қимирлатиб, «ҳа», деди.

— Яхши. Унинг тақдирини ҳал қилишим керак. Ниҳоятда бой. Ҳозирча бир жомадон олтин-кумушларини ва қизини берди. Қиз унда бошқа йўғ-у, аммо тиллалари жуда ҳам кўп. Сенга у ёқдан қўнғироқ қиласман. Айтган жойимга бориб бойликларини оласан. Бир чақасидан ҳам умидвор

бўлма. Мен ҳисобини биламан. Камайса, калланг кетади. Тушундинг?

— Ҳа.

— Энди нимага аммамнинг бузофига ўхшаб ўтирибсан? Ҷақир анави итваччаларингни.

— Битта нарса сўрасам майлими?

— Сўра, фақат тез.

— Сиз сира ҳам этикдўзга ўхшамайсиз?

— Шунақами? Оёқ кийимингни қўрсат.

Арслон туфлисини ечди ва қўлига олиб узатди.

— Ҳм-м. Олганингга роппа-роса бир ой бўлган. Ўн марта кремлагансан. Феълингнинг оғирлигидан ўзингни қўпроқ чапга ташлаб юрасан. Умри оз қолибди. Бир ҳафтага етмайди. Кийсанг, ҳали қўпга чидайди. Лекин сен олифта отиб юборасан. Ишондингми этикдўзлигимга?

Арслон елка қисди.

— Ҷақир, ҷақир анавиларингни, тез бўл. Бўлмаса мен билан бирга машинада Москвагача борасанлар, — дея ҳиринглаб кулди Абрам.

Йигитлар келганидан кейин эса машина юкхонасидағи жомадонидан иккита шишани олиб беришларини илтимос қилди. Ҳа, бу сафар буюрмади, илтимос, деди.

Кейин шишалардан бирини ўпиб, Арслонга совға қилди. Иккинчисини очиб, оғиздан ичди ва бошини сарак-сарак қилди-да:

— Ҳақиқий! Французларники. Ўттиз беш йиллик, — деб шишани Арслонга берди.

Арслон Абрамга ўхшаб бир ҳўплаб қўймади. Қулкуллашиб ичди. Сўнг енги билан лаб-лунжини артаркан:

— Даҳшат, мен илгари бунақасини сира ичмаганман, — деди.

— Албатта. Лекин ҳўқиздай ичдинг ўзиям. Баракалла, — деб унинг елкасига қоқди Абрам.

Ҳайдовчининг ёнида ўтирган Баха умидвор бўлиб ортига ўгирилиб қаради.

— Ҳэ, сенга бермайман. Сенга Ачоватнинг қўлболаси ҳам бўлаверади, — деб унинг устидан кулди Арслон. Баханинг бирдан ранги гезарди. Манави қўринишидан шайтонга ўхшайдиган одамнинг олдида роса изза бўлди. Шунда Арслон шишани унга узатди.

— Ҳазиллашдим. Кўр. Яна суқинг тушиб, бир бало бўлиб қолмай, — деб кулди Арслон.

— Во-о-о-о!!! — деди ҳайрат билан Баха ичиб бўлганидан сўнг. — Юрган эканмиз қаёқдаги олқиндиларни ичиб!

Абрам уларнинг устидан кулди. Айни чоғда ўзидан хурсанд эди. Биринчидан, бир пайтлар «боғбонлик» қилгани учун, иккинчидан, унга хизмат қиласиган яна битта тўда пайдо бўлганидан. Ҳаммасидан хурсанд қилгани буларни осонгина кўлга олгани эди.

\* \* \*

— Агар, — деди Миразиз маҳсус одамга, — таъзия охирламагунча бирортанг ортиқча ҳаракат қиласиган бўлсанг, мана шу ердаги одамларнинг ҳаммаси оёққа туради. Кейин сизларнинг таъзияларинг бу ерда бўлмайди. Бугун ҳам эмас, эртага ҳам эмас. Сизларни ювишмайди, жаноза ўқишмайди. Итларнинг емишига айланасанлар!

Унинг разаби шунчалик жўш урган эдикни, беихтиёр овоздини баландлатиб юборди.

Ён-атрофда турганлар хавотир билан уларга қарашди. Маҳсус жойнинг маҳсус одамининг эса ранги оқарди...

Бундай оғир зарб тўсатдан келганлиги учун Фирдавсни анча довдиратиб қўйган эди. Ҳозир у эрталабгидан-да баттар фам-фуссага ботганди. Кўзлари ҳеч нимани, ҳеч кимни кўрмаётганди. Қулоғининг остида шовқин. Лекин шовқиннинг мазмунини ҳис этмаётганди. Худди этдан бўлган ҳайкалдек эди. Ҳаёлида онаси, онасининг табассуми, ўтли нигоҳи... Ҳозир у келиб Фирдавсни кучоқлади. Фирдавс унинг меҳрга тўла тафтини ҳис этади. Шодланади...

— Фирдавс, Фирдавс, — деди Абдували унинг тирсагига туртиб, — кир, онангни сўнгги бор кўр. Кейин уни сувга олишади... Бардам бўл, болам.

Онани сўнгги бор кўриш, у билан видолашиш... Буни таърифлаб бўлмайди. Бундай азоб манаман деган эркак зотини дўзах азобига солиши тайин...

— Акажон, жон ака, энди нима қиласиз?!

Синглисинг сўзлари Фирдавсни янада эзар, кўзидан дув-дув ёшини оқизар эди.

У, ниҳоят, ўзини кўлга олди. Елкасига бошини қўйганча йиғлаётган синглисинг пешонасини силади.

— Мени кечир, — деди пицирлаб ва ўрнидан турди...

Қабристондан қайтганидан кейин ҳам одамлар тарқалишмади. Фирдавснинг йигитлари (улар йигитликдан ўтиб, кишига айланишганди) учта қорини таъзияга чақиришган экан. Улар навбатма-навбат тиловат қилишарди. Шунда Фирдавс ҳазратни эслади. Унинг ҳам шу ерда бўлишини, таскин беришини истади. Шу одамгина унинг дардига малҳам бўла олиши мумкин. Ҳар қалай, у шундай деб ўйлади. Кейин бирдан хаёлига амакиси Миразиз келди. Унга ҳамма қилмишларини айтиб бермоқчи ва «Кўлимга киshan солинг-да, қамаб қўйинг!» демоқчи эди. Аммо энди у Миразиз хоҳласа-да, уни зинданбанд этолмаслигини билмасди. Чунки Миразиз майит тупроқча қўйилганидан сўнг кўзлари олма-кесак тераётганлар билан бирга уларнинг идорасига кетганди. Уни буйруқни бажармасликда айблашди. Шу заҳоти Миразиз қофоз-қалам сўради.

— Мен сизнинг нима қилмоқчи эканингизни бу ерга келмасингиздан билгандим, шунинг учун сизга керакли жазони ҳам ҳозирлаб қўйгандим. Сиз хоин сифатида айбланаётгандингиз. Бунақаларга қанақа жазо берилишини мендан кўра яхшироқ биласиз. Аммо мўътабар одамларнинг аралашуви билан ишдан бўшашиб ҳақидаги аризангизни қабул қиласман. Бундан бу ёғига, ўйлайманки, қадамингизни олди-орқангизга қараб, кейин босасиз, — деди башараси совуқдан-совуқ одам.

У Миразиздан нақ беш ёшга катта, қолаверса, унинг истиқболи порлоқ эди. Ҳали уни янада баланд амаллар кутаётганди. Сабаби, у отасининг ўйлидан бориб шайтонга шогирд тушганди. Исталган пайтда исталган одамни, ҳаттоки ўша одам умуман ҳеч нима қилмайдиган, фақат ётадиган эса-да, бўйнига истаганча айбни қўя оларди.

Миразиз аризани ёзганидан сўнг қофозни столнинг устидаги қолдириб, ташқарига чиқди. Пешонасидаги реза-реза терни артаркан, чуқур нафас олди ҳамда «Худога минг қатла шукр, виждон азобидан қутулдим», дея хаёлидан ўтказди.

Достоннинг уйига борганида, Фирдавснинг ёлгиз ўзи чорпояда ўтиради. Миразизни кўриб ўрнидан турди. Кўл бериб қайтадан саломлашди. Ўтиришга жой кўрсатди. Миразиз унинг одамларини дарвоза ортида кўрганди. Достон эса ичкарида эди. Қизи ва Мавзуна билан ўтиради.

— Келишингизни кутаётгандим, амаки, — деди Фирдавс сўрашганидан сўнг.

— Билгандай, мана, келдим, — дея жавоб берди Мирализ мийигида кулган бўлиб.

— Фақат эртага эрталаб олиб кетсангиз. Бугунча ўтириб турай. Чунки дадамни ҳам азоблаб қўйишдан қўрқаман.

— Қаерга олиб кетаман сени?

— Қамоққа!..

— Нега олиб кетарканман?!

— Бирорларни урганим, ўзбошимчалик қилганим учун.

— Сен Норматни ўлдирмаганмидинг?

— Қайси Нормат? — дея сўради Фирдавс ҳайрон бўлиб.

— Ўғри. Қонундаги ўғри. Ўрислар «вор закон», дейишиди-ку. Ўшани. Лақаби Чўлоқ. Қанчадан-қанча одамнинг шўрини қуригтан. Унинг дастидан бизда ҳам ҳаловат бўлмаган. Лекин ҳеч нима қилолмаганмиз. Чунки тепада «соябони» бор эди. Ўшани!

— Йўқ. Қилган жиноятларимнинг ҳаммасига иқрорман. Лекин уни мен ўлдирмаганман.

— Унда сен жиноятчи эмассан. Аслини олганда, уни ўлдирган одам савобга қоларди. Бироқ қонунларимиз бошқа гапни айтади. Самосудга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Сен қўл кўтарган одамлар эса ашаддий жиноятчилар. Уриш тугул, ўлдириб юборсанг ҳам, аслида, бирор миқ этмаслиги керак. Чунки сен яхши қилгансан-да. Хуллас, мен сени энди ҳеч қаёққа олиб кетмайман. Кетолмайман ҳам. Ишдан бўшаб келдим...

— Нима? Мени деб бўшадингизми ишдан?

— Йўқ. Ўзимни асрарим. Йўқса, юрак хуружидан элликка ҳам кирмасдан ўлиб кетишим аниқ эди. Бу ёғига очимдан ўлиб қолмасман. Хоҳласанг, сенга адвокатлик қиламан. Аммо адвокатлик ҳам бир нарсани қойиллатадиган касб эмас. Чунки уларнинг гаплари, йиққан хужжатларини бирор бир тийинга олмайди... Лекин бошқа бир гап бор. Сенга бугун тегмагани билан эртага тегинишади. Бўйинга қотилликни илишмоқчи. Нормат чўлоқнинг ўлимини.

— Уни Арслон отиб ташлаб, кейин калласини олганини ҳамма билади-ку! Қанчадан-қанча гувоҳ бор!

— Мен ҳам биламан! Аммо улар сени танлашган. Сени айбдор қилишяпти. Бундан чиқди, ҳозирча Арслон уларга

керак. Мен унинг отасини ҳам яхши танийман. Текстилни ўн йилдан бери қўпориб келган. Текширувчиларнинг ҳар биттасига биттадан машина бериб оғзини ёпарди. Юқори билан ҳам алоқаси жуда кучли. Айтишларича, унинг тиши Москвага ҳам ўтаркан. Хуллас, қурбонлик учун сени танлашган.

— Нима қиласай? Бўйнимга олиб қамалиб кетаверайми?

— Аҳмоқмисан?! Ярамас, айтиётган гапингни қара! Бир марта қамалсанг, айниқса, ваҳший қотиллик билан ҳаётинг тамом-ку! Ундан сўнг яшамасанг ҳам бўлади. Бемалол жаҳннамни мўлжал қиласевер.

— Нима қиласай унда?!

— Ягона йўли, «темир» совигунча ҳеч ким сени топол-маслиги керак. Яширинишинг зарур. Ҳозир ҳамма ёқ алғов-далғов. Бирор сени берилиб қидириб юрмайди. Сенинг ишингдан катта ишлар бўляпти ҳозир. Шунаقا жиддийки, эшитсанг, эсинг кетади. Бу томони озми-кўпми сен билан менга, дадангга фойда.

Достон ташқарига чиқди. Уларнинг гапи бўлинди. Миразиз дўсти билан яна бир марта кучоқлашиб кўришди. Яна ҳамдардлик билдириди.

— Сенинг олдингга чой ҳам қўйишмабди-ку, — деди Достон чорпоя устида ёзилган дастурхонга қараб қўйиб, — нима, ҳамма кетдими?

— Ўзим...

Фирдавс шундай деб ўрнидан турди ва ошхонага кирди. Газни ёқди. Устига чойнакни қўйди. Чойнакка термилганча ўйга ботган маҳали Мавзуна кириб келди-да, секин Фирдавснинг қўлидан ушлади. Йигит чўчиб тушди ва ўғирилиб қизга қаради. Унинг кўзида ёш кўрди. Қўлида эса чойнак.

— Фирдавс ака, сиқилманг, — деди Мавзуна хирил-доқ, йиги овозида.

— Иложим қанча. Энди ҳеч нима, ҳеч ким ёрдам беролмайди. Домлалар айтишди. Фарзандларнинг фақатгина дуволари етиб бораракан. Лекин мен қандай дуо қилишни билмайман. Ақлсиз бола эканман. Қаёқдаги нарсаларни ўрганиш билан шугулланибман-у, дуо қилиш деган нарса хаёлнимнинг бир четига ҳам келмабди.

— Кеч эмас-ку?! Ҳали ёшсиз, ўрганиб оласиз. Дуонинг энг кўпини сиз қиласиз.

— Айтганинг келсин. Айтганча, даданг шу ерда... Шошма, сени нега «сен» деяпман?

— Ҳафа бўлмадим. Қайтанга ўзингизга яқин олганингиз учун хурсандман. Сиз чиқиб ўтираверинг, ўзим чой дамлаб олиб чиқиб бераман.

— Йўқ. Шунча эркакнинг ёнига борасанми? Қайнасин, дамлаб берасан, олиб чиқаман.

— Хўп.

— Моҳина қалай?..

— Зўрга юпатдим. Чарчаб ухлаб қолди.

— Ҳаммадан ҳам унга қийин бўлди. Ёлғизлатиб қўйма энди уни.

— Хўп...

— Бугун кетасанми?

— Билмадим. Дадангизнинг ўртоқларининг аёллари ҳам ўтиришибди. Учтаси кетмас экан.

— Ҳмм. Бир куни ҳамманинг яхшилигини қайтарарман. Ана, қайнади сув ҳам.

Мавзуна чаққонлик билан чой дамлади ва Фирдавсга қараб қўйди. Унинг қарашида бир олам меҳр бор эди. Аёлларга, қизларга, оналарга хос меҳр. Буни ҳеч қанақанги ишқ билан боғлаб бўлмайди. Ҳозир ишқ четга сурилиб турибди...

Фирдавс чорпояга яқинлашиб бораркан, у ерда Солидан бошқа ҳаммани кўрди. Ҳамма маслаҳат устида эди. Маслаҳат эндиликда тортишувга айланганди. Бирори Фирдавсни тоғда, дала ҳовлилардан бирида яшириш кераклигини айтаётган бўлса, бошқаси шаҳарда қолишини уқтираётганди. Абдували эса хорижга чиқиб кетиш энг маъқул эканини тушунтиришга уринаётганди.

Фирдавс чойнакни қўйди, тортишаётганларга бир-бир қараб чиқди.

— Ҳеч қаерга кетмайман! Шаҳарда қоламан. Чеккароқдаги бирорта қаҳвахонага ишга кираман. Официантлик қиласаман.

Ҳамма бараварига Фирдавсга қаради.

— Энг осони-ку, — деди Миразиз, — официантлик қилаётган одам ҳамманинг ёнига боради. Ҳамма билан

кўришади. Бир қарашдаёқ таниб қолишади-ку?! Ана, бор, ошпазга ёрдамчи бўлиб ўтсанг...

— Бўлди. Менинг ошпаз танишим бор, — дея бирдан Миразизнинг гапини бўлди Абдували. — Шогирдликка ол, яхшилаб тайёрла, Америкада сомса сотмоқчиман, дейман. Йўқ демайди. Зўр одам.

— Маъқул, — деб бошини қимирлатди Миразиз.

— Ҳар қалай, кўзимнинг олдида бўларкан. Бу ёқда синглиси ҳам акасисиз қийналиб қолади.

Шу билан маслаҳатга яқун ясалди. Бу ёғи Арслоннинг қилмишлари ҳақида гап кетди. Дарҳақиқат, унинг «кўча боши» бўлганига бор-йўғи икки кун тўлди. Шу қисқа муддатда у етарлича шов-шув кўтаришга ултурган эди.

— Узоққа бормайди, — дея башорат қилди Ёдгор, — ҳаддидан ошиби.

— Устоз кўрмаган-да. Бунинг учун «ўтириб» чиқиш керак эди. Ўзича доим пичоғим мой устида бўлади, деб кек-кайиб юрган бўлса керак, — деди Абдулатиф.

— Кўрамиз, буни вақт кўрсатади. Лекин ҳамма нарсага тайёр туриш керак. Бундан-бу ёғига мени ҳам сафларингга қўшиб оласизлар, — деди Миразиз.

— Кўйсанг-чи! Аラлашмаган сен қолувдинг. Хаёлингдан чиқариб ташла, — дея бирдан унга қаршилик қилди Достон.

— Иложи йўқ. Ҳеч бўлмагандა маслаҳатчиликка ярарман.

— Бўлади.

Абдували шу гапни айтиши билан дарвозадан Соли кириб келди. Унинг қўлида тогора бор эди. Тогорада кабоб. Юмшоқ, яхши пиширилган...

\* \* \*

Арслон йигитлари билан бирга учта машинада эрталаб таъзия билдиргани келди. Тиловатдан сўнг номигагина юзини кафти билан силаб қўйган Арслон секин ўрнидан туриб дарвозахонадан чиқаркан, унга нафрат билан қараб турган Миразизнинг ёнида тўхтади ва бурнининг тагини кўрсаткич бармоғи билан артган киши бўлди. Кейин:

— Дўстимга ҳам ҳамдардлик билдириб кетсам, дегандим. Кўринмайди, — деди.

— Кечирасан, — деди Миразиз ўзини зўрға қўлга олиб,  
— бу ерда дўстинг борлигини билмас эканман.

Арслон жилмайишга уринди. Ҳолбуки унинг ҳам ичидан зил кетганди. Чунки у ҳозир сал қўполликни ҳам кўтаришмайдиган даражага етганди. Шунинг учун ҳам ичидан бир нима-бир нималар ўрмалади. Бироқ дарров Абрамнинг гапларини эсга олиб, ҳовлиқмаликни тиш-тирнофи билан ортга суришга уринди:

— Одамлар ҳар хил гап қилиб юриши мумкин. Аммо менинг Фирдавсга нисбатан дўстлигим бор. Демак, ҳамдардлик билдириб қўйишим керак... Кейин, ака, таъзия маҳали кимсан, нимасан дейилмаса керак?!

— Тўғри, бошқаларга шундай. Лекин сен бошқаларга ўхшамагансан-да.

— Кимман?!

— Каттаконсан. Кўчани хоҳлаган жойингдан беркитиб, хоҳлаган жойингдан очадиган одамсан. Бошқача айтганда, кўчанинг эгаси бўлдинг Нормат чўлоқдан кейин. Қарийб йигирма йилдан бери бирор қиломаган ишни қилдинг. Ҳаммамиз сенга қойил бўлиб ўтирибмиз. Юрагинг отни-кидан ҳам катта экан, — дея Миразиз Арслоннинг қулоги томонга секин энгашди, — менимча, ота-бобонгнинг авлод-ажоди қадим замонларда шохларнинг жаллоди бўлишган бўлса керак. Қойил, шартта калласини олиб ташлабсан.

Арслон сергак тортди. У ёқ-бу ёққа қараб қўйди. Ўлмас-нинг яқинида Баха турибди кўзини ўйнатиб. Бу ёғи Жавлон, Абдураҳмон ҳам шу ерда (Тавба, улар бир-бирига шунчалик ўхшашади, беихтиёр иккисининг ҳам отаси битта эмасмикин, деб ўйлайсан).

— Бўлса бордир...

Бу гапдан сўнг Арслоннинг қўли қалтирай бошлади. Эрталаб ҳам қалтираган. Чунки ўшанда ҳам кўз олдида Нормат чўлоқнинг қони оқиб турган танасиз боши пайдо бўлганди. Шу нарса ҳозир ҳам такрорланди. Беихтиёр вужуди титради. Бу ҳол тажрибали юрист Миразизнинг эътиборидан четда қолмади. Агар иккиси холи қолиб, бу гўдай-ган болакайни сўроқ қилса, беш дақиқага ҳам қолмасдан нима қилганини, қандай қилганини айтиб бериши тайин эди.

— Менимча, аниқ шундай. Чунки қонида бор одамгина бундай ишни қила олади, — дея иягини силаб қўйди Миразиз.

— Кимлигимни биларкансиз, яхши. Мен Фирдавснинг ёнига қурол кўтариб келмадим. Битим тузмоқчиман. Етказинг, уришиш ниятим йўқ!

Шундай деб Арслон тез-тез юриб борди-да, машинага ўтириди. Уловнинг филдираклари чийиллаб, катта тезликда кўздан йўқолди.

— Падарингга минг лаънат! Агар имкони бўлганида эди, шу ернинг ўзидаёқ бўғиб ўлдиардим! — деди Миразиз унинг ортидан.

— Ўзингни бос. Бунинг ортида кимнингдир борлиги шундоққина кўриниб турибди. Кўчанинг куни шу мишиқига қолдими? Панжаранинг ортида шунақсанги «оқаҳонлар» борки, бунга чидаб туришолмайди, — дея фижинди Абдували.

— Майли, лекин бу муттаҳамнинг келиб-кетганини Достонга айтманглар. Ҳали ҳам уйдами у?

— Ҳа. Қизининг ёнида. Жуда кўп сиқиляпти. Бу аҳволда бирор нимани орттириб олиши ҳеч гап эмас.

— Ухлатадиган дори беринглар. Вақт ўтиши керак. Ҳозир ягона йўли — уйку. Бу ёқнинг олди-орқасига ўзимиз қараб турамиз.

Достонга Соли уйқу дорини берди. «Тинчлантиради, хотиржам қилади. Ҳали сен бизга кўп кераксан, шунинг учун ич», деди. Достон эътиroz билдирид: «Керакмас!» деди. Аммо қизи ҳам илтимос қилганидан сўнг мажбур ичди.

\* \* \*

Фирдавс қаҳвахонага эрталабдан Абдували билан бирга борди. У ерда қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ экан.

— Қанақа қаҳвахона бўлди бу? Ҳеч ким йўқ. Эрталабдан тушликка тайёргарлик қилинмайдими? — деди Абдували.

— Ака, — дея бошини «ғарж-ғурж» қашлади қораҷадан келган, ўрта бўйли, соқол, қорин кўйган эллик ёшлардаги қоровул, — бизда мижоз пешиндан кейин бўлади. Шунга бирор шошилмайди. Бош ошпаз базага боради ҳар куни. Ҳали замон келиб қолиши керак.

— Бўпти, битта аччиқ чой олиб кел. Баривир, иссиқ нонинг йўқ. Майли, суви қочгани бўлса ҳам бер, қанд-

курс билан бирга, — дея стулларнинг бирини бироз орқага суриб ўтири Абдували.

Унинг қаршисидан Фирдавс жой олди.

— Бир пайтлар Фаррух билан бирга кўп келардик бу ерга. Фаррухни яхши кўришади бу ердагилар. Шунчалик обрўли одам бунча камтар дейишарди. Вақти келиб, бу ерда сен ошпаз бўлиб ишлашингни булар хаёлига ҳам келтиришмаган бўлишса керак. Ҳаёт шундай экан. От ўрнини той босади.

— Мен дадамнинг изини босмоқчи эмасман, — дея эътиroz билдириди Фирдавс, — ундан кейин ётгим келяпти. Кечаси билан ухлаёлмадим.

У баҳона қиласётганди. Тўғри, тунни қарийб бедор ўтказди. Бироқ ҳозир уйқуси йўқ. Аммо бирор билан гаплашишни ҳам истамайди. Айниқса, мана бунақангни мавзуда.

— Чой-пой ичиб ол, балки, кейин...

— Айтдим-ку, кўзим юмилиб кетяпти деб.

— Ҳозир мен қоровулдан сўрай-чи.

Абдували ўрнидан туриб ошхона томонга кетди. Бир муддатдан сўнг қоровул билан қайтиб келди.

Қаҳвахонанинг тўртта хонаси бор экан. Ҳар бирига кўпи билан ўн киши сифади. Стол-стулнинг ўрнига хонтахта қўйилган, гирдига кўрпача ёзилган. Ёстиқлар ҳам бор эди. «Менбоп жой экан», дея кўнглидан ўтказди Фирдавс ва биттасига кирди-ю, кўрпачага ўзини ташлади.

Аввалига онасининг сиймосини кўз олдига келтирди. Қийналди. Кўзидан ёш чиқди, пешонасини ёстиқقا тираб олди. Сўнг орадан ярим соатча вақт ўтиб, ухлаб қолди.

Шу кун Фирдавс ўрнидан қимирилмади. У ётган хонага бирорта ҳам мижоз киритилмади. Фақат Абдували уч-тўрт марта хабар олди. Тушлик пайти овқат олиб келиб, мажбурлаб едирди.

Эртасига эса Фирдавс ташқарига чиқди. Миразиз келиб: «Шундоқ ётаверасанми, онангнинг руҳини чирқираби, ҳаёт давом этаверади. Кетган одам, барибир, қайтиб келмайди. Бундан кўра дадантни, Моҳинани ўйласанг-чи... Бу аҳвол латта, қўлидан бир иш келмайдиган, дангаса одамларга хос. Менинг ҳам отам ўлган, онам ўлган», деди. Фирдавс унга: «Ота-онангиз сизни деб ўлмаган. Шунчаки уларнинг ажали етган бўлса керак», дея эътиroz билдириди.

Бироқ шу ондаёқ дакки эшитди. «Ҳар кимга ўлчаб берилған умр бор. Бирорта одам ундан бир сония ҳам күп яшолмайды. Худо бирорта сабаб билан жонини олади. Аяңдан күп дард чеккан одамлар йўқ, деб ўйлайсанми? Тиқилиб ётибди. Лекин уларнинг айримлари юзга кирган. Шундай экан, тур ўрнингдан. Бу ерда ишласант, ҳеч бўлмагандан ҳунар ўрганасан, чалфийсан», деди.

Фирдавс ошхонага кирди. Ошпаз хўппа семиз, мўйловли одам эди. Фирдавс кўксини кўрпага бериб ётганида ҳам, бир-икки марта хабар олганди у. Ўшанда Фирдавс унга эътибор бермаган. Ҳатто бурилиб қараб ҳам қўймаганди.

— Менинг исмим Музофар, — деди ошпаз табассум билан, — яхши инсонларнинг фарзанди келганидан хурсанд бўлдим.

— Шогирдликка қабул қиласизми?

— Қабул қилиш ҳам гапми?

— Илгари ҳам овқат қиласидим. Ширин чиқарди. Фақат ўзимга шундай туюларди.

— Бўлди, бу ёфи осон. Чин кўнгилдан хоҳласанг, дарров қўлинг келишиб кетади.

Фирдавс ишни картошка тозалашдан бошлади...

Ҳар куни қаҳвахонада унинг одамларидан иккитаси на-вбатчилик қиласиди. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам ошхонага кирмас ва Фирдавснинг ишларига аралашмасди. Фирдавс ҳунарни сидқидилдан ўрганишга киришди ва ҳафта ўтмай анча ўзини кўрсатди. Бош ошпаз чин кўнгилдан мақтади. Унинг фалончи ёки пистон жойга асосий даъвогарлардан бўлгани учун эмас, азбаройи укуви, чақонлиги, ишга сидқидилдан қарагани учун мақтади. «Ҳали бирорта ҳам бундай шогирдни етиштирмагандим. Худо бераман деса, ҳамма тарафлама бераркан», деди. «Ҳа, — кўнглидан ўтказди Фирдавс, — сира нолимайман. Аммо баҳт деган нарсадан бенасибга ўхшаб турибман». Бироқ кўнглидагини айтмади у. Бунинг ўрнига жилмайди.

— Аслида, сизнинг, ҳақиқатан ҳам, мени шогирдликка олганингизда буларнинг бари... Нима сўрасам эринмай, яширмай тушунтиряпсиз. Қилаётган ишларимни кузатяпсиз. Ҳаттоки пичоқ, қошиқ ушлашни ҳам ўргатдингиз. Шундай экан, уят бўлар ҳаракат қилмасам, — деб кулди Фирдавс.

— Бэ, ўрганишният жони бор одам қилади. Бировларнинг оғзига чайнаб солиб кўйсанг ҳам ютолмайди.

Рағбат Фирдавсни янаям руҳлантирди. Энди у бир лаҳзасини ҳам бекорга ўтказмас эди. Шунингдек, ҳамма масаллиқнинг аслини талаб қиласади. Шундагина тайёрлана-диган таом ўзи кутганидай чиқарди. Яна йигитчанинг ўзи ҳам бир нарса-бир нарсаларни ўйлаб топа бошлади. Айниқса, беш юлдузли сомсалари машхур бўлиб кетди.

— Бу аҳволда, — деди бир куни Музффар ака, — бир ойга бормасдан ҳаммамизнинг тинкамизни қуритиб кўясан. Илгари қаҳвахонани пешиндан кейин очардик. Кечга бо-риб мижозлар сал кўпайишарди. Энди эрталабдан келишяпти. Сомсага буюртманинг адоги кўринмайди. Мендан ҳам ўтиб кетдинг.

— Ҳали сиздан ўтиб кетишга йўл бўлсин. Мен умуман бошқа бир нарсани мўлжаллаб турибман, — дея устозининг юзига қаради Фирдавс.

— Нима экан?

— Мабодо, сизнинг кўнглингизда мана шу қаҳвахонани сотиб олиш нияти йўқми? — сўради Фирдавс.

— Сотиб олиш? Сира ўйлаб кўрмаган эканман.

— Хоҳласангиз, биргаликда элликка-эллик қилиб, мана шу жойни сотиб олсак. Кейин ўзимиз учун ишлардик-да. Давлатга солиқ тўлаймиз, тамом. Нима дедингиз?

Музффар ака кулди. Сўнг мўйловини силади-да:

— Менинг бешта қизим бор. Лекин ўғлим йўқ. Худо бермади... Хў-ўш, демоқчиманки, қизларимнинг ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Күёвларимнинг қўлида хунари бор. Ҳатто биттаси амалдорча бўлиб олган. Шундай экан, нима қиласман, ташвишимни ошириб, калламни қотириб. Ундан кўра сен сотиб ол. Мен ишлайвераман... Ёш ўтиб кетяпти. Масжидга бориш керак. Эҳ, — дея хўрсинди.

— Шерик бўлсангиз, ҳеч қурса набираларингиз бир нимали бўлиб қоларди.

Музффар ака қўл силтади. Кейин:

— Ҳар кимга Худонинг ўлчаб берган ризқи бўлади. Ўша ризқини керакли жойдан ўзи топиб олади. Мен эса Худо билан юзлашиш учун тайёргарлигимни кўришим керак, — деб Фирдавснинг елкасига қоқиб кўйди.

Иш давом этди. Кечки пайт Абдували келди. Охирги кун-

ларда Фирдавснинг одамларидан ҳеч ким уни қўриқлаш учун турмай қўйганди. Фирдавснинг ўзи уларга жавоб бериб юборганди. Майда-чуйда нарсаларга ўзим туриб бероламан, мабодо ҳаддиларидан ошиб кетишса, хабар бераман, деганди у.

Абдували Фирдавс билан кўришгандаёқ ўз режасини яйтди.

— Зўр. Мижозлари кўп жой. Таниш-билишларни аралаштириб арzon-гаровга сотиб олса бўлади. Кейин шунаقا жойларни кўпайтириш керак... Лекин бошқа муаммо кундан-кунга бўртиб кетяпти. Арслон ҳаддидан ошди. Бугун Ёдгорни қарийб чалажон қилиб ташлабди.

— Нима? Нима дедингиз?! Ёдгор амакимни-я!

— Ҳа. Ёдгор ҳозир ТошМИнинг жонлантириш бўлимида. Агар сен ошпазлик билан шуғулланаверсанг, бирортализни ҳам соғ қўймайди. Бунинг устига бир кунмас-бир кун сенинг шу ердалигингни билиб келади. У маҳал умуман кучимиз етмайдиган баландликка чиқиб кетиши мумкин. Унда, отасида пул бор. Танишлари ҳам бақувват.

Фирдавс бир нуқтага термилган кўйи ўйга толди. Абдували эса:

— Одессадан катта ўғрилар келиб, ўша падарингга лаънати билан учрашибди. Эшитишимга қараганда, яқин кунларда ҳамма катта ўғриларнинг йиғилиши бўлармиш. Ўшанда Арслонни «вор закон», деб эълон қилишармиш... Ҳаёт сеники, унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бироқ кўзга кўриниб қолгансан. У сени асосий душмани, деб қабул қилган. Демак, сени ҳар қандай йўл билан йўқ қилиш ҳаракатига тушади, — дея Фирдавснинг қўлига қофозча тутқазди.

— Нима бу? — дея ҳайрон бўлиб қўлига қофозчани олди Фирдавс.

— Ўқи, биласан.

Фирдавс ўқиди: «Эртага пешинда Янгийўл ўрмонида кутаман. Келмасанг, ҳаммангни шу аҳволга соламан». Унинг қони қўпчиди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. Кўзларини юмиб, лабини қаттиқ тишилади. Кўз ўнгига Ёдгор амакисининг юзи гавдаланди... Йўқ, уни қонга беланган ҳолда тасаввур қилолмади. Лекин Абдували алдамайди. Одам калтакланиб, чалажон ҳолига келтирилдими, демак, юзида

соғ жой қолмаган. Катта эҳтимол билан танасининг ҳам жароҳатланмаган, кўкармаган, шишмаган, шилинмаган аъзоси бўлмаса керак. «Мен сенга нима ёмонлик қилдим, ярамас? Атрофимдагиларнинг айби нима?! Бирортаси бо-риб оромингни буздими? Ёки сенинг ишларингга аралашдими? Йўқ! Демак, сенинг ниятинг бошқа. Шунинг учун ҳам қитиқ патимга тегяпсан. Сенга қарши уришишимни истаяпсан. Начора, мен розиман. Аммо битта нарсани айт-тиб қўяй, менга ва менинг атрофимдагиларга нима қилган бўлсанг, жавоб берасан. Жавоб беришинг шарт», дея хаёлидан ўтказганча бир нуқтага термилиб турди-да:

— Хўп, кўчага чиқдим ҳам дейлик, лекин анавилар Арслоннинг ишини менинг бўйнимга қўйиб қўйишган, шарта ушлаб «тиқиб» ташлашмайдими? — деди ўзини босишга уриниб.

— Биринчидан, у иш анча совиди. Иккинчидан, сени осонлик билан қўш-қўллаб топшириб қўймасмиз.

— Дадам нима деди?

— Ўзи билади, деди.

— Миразиз амаким билан ҳам бир маслаҳатлашай. Уму-ман, бугун ҳаммамиз йифилсак-чи?

— Маъқул. Бир соатда барини топиб келаман. Айтганча, Баханинг бизга қўшилган йигитлари айнишмади. Текшири-дик, «қулоқ»лик ҳам қилишмаяпти. Билишимча, Баханинг ёнига боришга қўрқишаپти. Чунки Баха уларни кечирмайди.

— Ҳмм. Майли, барибир, ҳали тўлақонли ишониб бўлмайди.

— Унда мен кетдим.

Фирдавс индамади. Абдували кетганидан кейин эса ўзини қўярга жой тополмай қолди. У озми-кўпми, «кўча»ни эси-дан чиқазганди. Агар тинчлик шу зайлда давом этадиган бўлса, ошхона бизнесини йўлга қўймоқчи эди. Шунинг орқасидан нафақат ўзини, дадасининг ўртоқларини ҳам бой қилмоқчи эди. Бироқ кутилмагандан манави хабар ке-либ турибди. Абдувалининг гапида жон бор. Агар Арслон «қутуришда» давом этса, оғир бўлади.

\* \* \*

Арслон Фирдавс билан учрашолмай қайтгач, фифони фалакка чиқди. Сўкинди. Бир неча марта ўриндиқни муш-

тлади. Ва бир хаёл ортига қайтмоқчи, таъзиядорларнинг ҳаммасини қўлидаги тўппончаси билан дорилбақоға жўнатмоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди. Иброҳимнинг гаплари ни эслаб: «Шошилмаслигим керак. Шошилмасам узоқча бораман», деди ўзига-ўзи.

У бир кун кутди. Фирдавсдан дарак бўлмади. Икки кун, у йўқ. Шу орада бошқа юмушлари кўпайди. Аниқлаштириса, яна бошқа кичкина-кичкина гуруҳчалар пайдо бўлибди. Чўнтағига қаерданdir тўрт-беш сўм кириб, атрофига бир-иккитани тўплаб олишибди. Яна бориб унга улуш берадиган ресторанга босқин уюштиришибди. Уларни дарров топтириб, обдан элакдан ўтказмоқчи эди-ю, бироқ отаси унга бошқача маслаҳат берди: «Зўр-ку, лекин уларни элакдан ўтказиб нима қиласан? Соғ. Кейин орқасига бир тепгин-да, жўнатиб юбор, бориб сенга яна йифиб келсин. Ана шунда янам кўпроқ фойда оласан. Агар уларни майиб қилиб қўядиган бўлсанг, тамом, қурийди-қолади, сени бошқа таъминлай олмайди. Хоҳлаган тақдирида ҳам».

Арслон бундай ўйлаб қараса, отасининг гапида жон бор. Дарров шундай қилди. Қарабисизки, йўқ жойдан унга хизмат қиласидиганлар пайдо бўлди. «Омадимнинг келгани шу бўлса керак», деб ўша куни кечки пайт роса майшат қилди.

Эртаси куни Баха иржайиб-тиржайиб келди-да:

— Хўжайн, эллик кило «кукун» келди. Норматнинг буюртмаси эди. У пулини ҳам тўлаб қўйганди. Нима қиласиз? — деди.

— Келтириб, битта кўрай. Яна умрида кўрмаган экан, деб ўйлаб юрма. Оғирлигини билмоқчиман! — деди Арслон курсандлигидан терисига сиғмай.

Унинг иржайишидан Баханинг қўнгли яйради. Чунки охирги пайтларда Арслон кўпроқ Ўлмасни, Абдураҳмонни, Жавлонни ёнига яқинлаштиради. Улар орқали Бахага буйруқ берарди. Бундан руҳи чўккан Баха нима хаёлларга бормади. Ҳаттоқи иссикининг борида бошқа бир республикага ёки давлатга чиқиб кетишни ҳам ўйлади. Пули бор. Битта-иккита танишлар ҳам орттирган. Борса, бемалол қунини кўриб кетади. Лекин осонгина таслим бўлгиси келмайди. Ахир унинг ҳам бу тўданинг пайдо бўлишига меҳнати сингган. Энди мевасини еб юрадиган пайти келди. Шундай экан, ҳаракат қилиб қолиши керак. Ажабмас, яқин

орада Арслоннинг ҳам куни битиб қолса. Ана ундан кейин... Аммо ана шу кейин йўқ-да. Сабаби, унинг «юқорида-гилар»дан танишлари йўқ. Борлари ҳам пастроқ лавозимларда ишлашади. Сўзлари ҳамма жойга ҳам ўтавермайди. Яна ишни битирса-битирмаса, катта пул сўрайди... Унинг ана шундан боши қотган маҳали «ўз оёғи» билан нақ эллик кило «кукун» келиб турибди. Пули ҳам тўлаб қўйилган. «Худо деган одамман-да», дея кўнглидан ўтказди Баха ҳамда Арслоннинг ёнига югурди.

— Вў-ў!!! — деди келтирилган цеплофан қопнинг ичини очиб кўрган Арслон. — Даҳшатнинг ўзгинаси-ку! Битта татиб кўрайлик аввал.

У шундай дея бармоғининг учгинасини хўллаб, қопнинг устига ботириб олди-да, кейин ялаб:

— Мазаси расвонинг расвоси. Лекин бойлигимизни шу оширап экан, нима қиласиз, сотамиз-да. Баха, дарров анави ўпкасини қўлтиқлаб юрганларнинг ҳаммасини чақир-да, буни граммлаб бўлиб бер. Мухлат икки кун. Шу икки кунда соққасини йиғиб, олиб келиб берсин. Агар биттаси кечикса, қозиққа ўтқизаман! — деди. Сўнг Ўлмас-га юзланиб:

— Пулларни ўзинг йиғасан, — дея амр қилди.

Абдураҳмон бирдан лабини тишлади. Илло, бунақа нарсаларга чаққон эди у. Шартта устига ўзининг ҳам нархини қўярди. Аммо баҳтга қарши, бунда унинг насибаси йўқ экан.

— Оқаҳон, — деди Жавлон Баха чиқиб кетганидан сўнг қўлини кўксига қўйиб, — бройлер товуқларнинг гўшти бор экан. Эшитдим, россияликлар олиб келишибди.

— Нима? Россиядан келибди? Сен нимани еб менинг олдимда турибсан?! Источникни топ! Аввал икки «Камаз», кейин вагони билан олиб келасан! Ҳозир айни гўштнинг танқис бўлган пайти, оёғи ерга тегмайди. Учади!

— Хўп, — деди Жавлон. Лекин ҳеч қаерга қимиirlамади.

— Нима қилиб турибсан, мараз?! — дея унга бўкирди Арслон.

— Хўжайин, Баханинг шу томонларда танишлари кўпда, агар рухсат берсангиз...

— Ўзим эплайман, — деди бирдан Абдураҳмон, — агар ҳамма нарса Баханинг қўлига ўтиб кетаверса, у кеккайиб кетиши мумкин.

— Гапингда жон бор. Аммо кеккайганинг кекирдагини узиб оламан! Хамир иккаланг қорангни ўчир, натижа буғун кечгача бўлиши керак! Йўқол энди!

Абдураҳмон билан Жавлон ҳозир Арслон пешоналаридан отиб ташлайдигандай югуриб чиқиб кетишди.

Арслон шишани қўлига олди-да, унинг ичидаги суюқликдан пиёлага қулқуллатиб қуиди ва бир кўтаришда ҳаммасини ичиб, дастурхон устида турган ликобчадан бир бўлак помидорни олиб ҳидлади. Сўнг оғзига солиб чайнай бошлади. Ана шу маҳал уни телефонга чақиришди. Лида чақирди. У ҳозир Арслоннинг котибаси. Ҳам котиба, ҳам ҳамма нарса. Шунга яраша ияги кўтарилган. Унча-мунчани месимайди. Эндингина ўн тўққизга кирган. Соchlари сапсариқ. Юзи оппоқ, кўзлари шаҳло ва кўкимтир-яшил. Ёниб туради. Бир қарашдаёқ ҳар қандай эркакнинг юрагини ўйнатиб юборади. Шунингдек, сўнгти модада кийинади. Яъни очиқ-сочиқ. Жон олгувчи жодусининг ярми қўриниб, дағал одамни юмшатади. Попугини пасайтиради. Култ этиб ютинишга мажбур этади. Бошда Арслоннинг унга қизиқиши катта эди. Мақсадига етгач (бир неча марта), «олов»-нинг тафти босилди.

— Ким экан? — деди Арслон чайналиб.

— Тел-Авивдан, — жавоб берди қиз рус тилида.

Арслон бирдан сапчиб турди ва уйнинг ичкарисига юргуриди. Худди шу маҳал Ўлмас шишани қўлига олди-да, майдалашмай бирдан косага қуиди. Қиз унинг қилигини кўриб мийифида кулди ва лабининг бир чеккагинасини нозиккина тишлаб, битта кўзини қисди.

Арслон шоشا-пиша гўшакни қулоғига босди-да:

— Алло! — деди ҳаяжон билан.

— Қачон аввал салом беришни ўрганасан? «Алло»га бало борми?

— Кечирасиз, Иброҳим ока, одат бўлиб қолган экан, — дея қизарганча иржайди Арслон.

— Ҳэ, ўша одатингният! Ишларингдан гапир.

— Ҳозир, — дея бошини қашлади Арслон ва бугунги воқеаларни бошдан-оёқ сўзлаб берди.

— Анавини, — деди Иброҳим Арслоннинг гапларини охиригача эшитганидан сўнг, — Баханинг ўзига топшириб яхши қилибсан. Чунки чурвақаларингнинг бирортаси-

нинг ҳам қўлидан бу ишни қойиллатиш келмайди. Бройлерни топишни ҳам унга буюришинг керак эди. Абдураҳмон билан Жавлонингнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Улар итни ҳам танишмайди.

— Лекин Бахага ҳамма нарсани бериб қўяверсам, ҳадидан ошиб кетмайдими?

— Биз нима қилиб турибмиз? Оёқ олиши сал ўзгарса, уруғ-аймоғи билан йўқ қилинади. Сенинг кейинги вазифанг, айтиш мумкинки, бу ишга ҳозирнинг ўзиданоқ киришасан. Шаҳарнинг жанубидаги заводни яхши биласан.

— Номи нима эди?

— Отини айтма! Қачон ўрганасан ярим оғиз гапдан ҳамма нарсани тушунишни? Хуллас, ўшани арзимаган пулга сотиб оласан. Мен тайинлаб қўйганман. Борганингдаёқ ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб беришади. Хуллас, ҳозир шуни сотиб оласан, кейин нима қилишни ўзим айтаман. Ҳа, заводни банкrot деб эълон қиласевер. Ишламасин.

— Ака, банкрот, деганингиз нима?

— Эй-й, шуниям билмайсанми? Синган ташкилотни шунаقا дейишади. Тушундинг?

— Бўлди, гап йўқ.

— Айтганча отанг, текстилни ишлатяптими?

— Йўқ ҳали.

— Унинг калласи бор. Ишлатмайди ҳам. Бошини қотириб нима қиласди? Олти ойми, бир йилми ўтганидан сўнг чавақлаб-чавақлаб сотиб юборади... Анави болакай билан гаплашдингми?

— Йўқ, тополмаяпман.

— Ўлик экансан. Битта шаҳарда яшаб туриб тополмайсанми? Менимча, майшатдан бошинг чиқмаётганга ўхшайди. Бу аҳволингда тўрт кунда тамом бўласан. Орқангни кўтар, оёғинг юрсин. Билиб қўй, бўрини оёғи боқади!.. Яна битта нарса, пулингни уйингда ҳам, у ёқдаги банкларда ҳам сақлама, ўзим сенга ҳисоб рақам бераман, шунга ўтказасан! Ҳозирча шу. Хайр!

Шу заҳоти гўшакдан қисқа товуш келди. Арслон гўшакни қўйди-да, бошини қашлади: «Гап-сўзларига қараганди, отамни ёқтирумайди. Лекин менга ёрдам бергани-берган. Бунинг тагида нима гап бор?» Аслида, Арслон биринчи марта бу ҳақда ўйлаётганди. Ахир отасини ёқтирумаган

одам боласини ҳам нари қилади-ку. Демак, бу ерда бир гап бор. Гапки, ўта жиддий.

У ташқарига чиқиб, ўрик остидаги диванга, олдин ўтирган жойига яна ўтириди. Оёқларини чалиштириди.

Ховлида ҳеч ким йўқ эди. Гўё ҳаммаси Арслоннинг уйга киришини кутиб туришган-у, у кириши билан қочиб қолганд. Лида. У умуман бошқа хонада ўтирибди. Тўғрироғи, ётирибди. Ётоқда. Оёқларини чайла қилиб олган. Оғзида сақич, шифтга термилганча, Арслондан янада кўпроқ пул ундириш йўлларини қидириш билан овора.

— Қайсинг бор?! — қичқирди Арслон.

— Ҳозир! — дарвозаҳона томондан Ўлмаснинг овози келди.

Дарвоқе, айтиш умуман эсимдан чиқибди. Баха унинг учун янги ҳовли топган. Яна ўша эски шаҳардан. Буниси анча кўркам. Машина бемалол кела олади.

— Лаббай, хўжайн! — дея кўриниш берди Ўлмас бир лаҳза ҳам ўтмасдан.

Арслон столнинг устига қаради. Шиша бўм-бўш.

— Башара, бир қултум ҳам қолдирмабсан-у! — деди Арслон қовоғини осилтириб.

— Ҳозир есть қиласиз.

«Есть» қилди. Аммо Арслон аввалгидай маза қилолмади. Миясини Иброҳимнинг гаплари кемиришга тушганди. «Маишатпарастликни йиғиширишим керак. Қиз-жуонларга ҳам муккамдан кетмадим. Анави битта Лида бор. У ўзимники. Унга ортиқча сарф-харажат қилмаяпман. Умуман, ейиш-ичишига ҳам пулим кетмайди. Ўзлари келтириб беришади. Қайси пулларига сотиб олишади, уларнинг муаммоси. Аммо шу эртадан-кечгача битта жойдан қимирламаяпман. Мана шу масала чатоқ».

У хаёлга берилиб кетганидан, Ўлмас келтирган шишага қараб ҳам қўймади.

— Нега ўйланиб қолдинг? — дея сўради пиёлани тўлдирган Ўлмас.

— Ишламаяпмиз, — деди унга жавобан Арслон, — фаяқат ўтирибмиз. Ҳозир йигитларнинг бирортасини чақир. Тезда битта жойга бориб, завод кўриб келишимиз керак.

— Нима қиласан заводни? — деб пешонасини тириштириди Ўлмас.

— Ҳов, Башара, ҳўқизникидан ҳам катта калланг бўлса ҳам ақлинг йўқ. Мен сенга нима деяпман? Умуман ишламаяпман, деяпман-ку! Чинни заводига борамиз.

— Гап йўқ. Ҳозир!..

Ўлмас насибасини ютди ва ўрнидан туриб дарвозахона томонга кетди. Шу пайт уйдан чиқиб келган Лида Арслоннинг елкасига осилди.

— Нега бунча асабийлашяпсан, жоним? Бўлди, тушундим, анави қўнғироқ қилган одам сенга ёқмайдиган гап айтган. Демак, бундан кейин қўнғироқ қилса, сени чақириб бермайман. Менга сенинг дилкашлигинг ёқади, кайфиятинг ҳамиша зўр бўлиши керак.

— Бунинг сира иложи йўқ. У катта одам. Чет элда уйинг бўлишини хоҳлайсанми?

— У-у-у!!! Сўраганинг нимаси?! Албатта, хоҳлайман. Швецарияда. Лондонда...

— Саҳрои Кабирда-чи? — дея кесатди Арслон.

Бирдан Лиданинг юзидағи табассум йўқолди.

— Ҳа, ёқмадими?

— Ўзинг айтасан-у, дарров гапингдан қайтасан.

— Ҳазиллашдим.

— Бунақа ҳазил қилма.

Лида шундай дейиши билан Арслон унинг билагидан ушлади ва қаттиқ қисди. Бирдан Лиданинг юзи қизарди. Кўзидা ёш ҳалқаланди.

— Бунақангни менга қилма!!! — деди Арслон унга еб кўйгудек тикиларкан паст, аммо таҳдидли овозда.

— Хўп. Хўп. Озгина эркаламоқчийдим.

Арслон қизнинг қўлини қанчалик тез ушлаган бўлса, худди шунчалик тез қўйиб юборди ва бир юз саксон гравусга ўзгариб илжайди:

— Яна ҳазиллашдим.

Лиданинг лаблари титради.

— Бўлди, бўлди, салга ўпканг тўлмасин. Ундан кўра манави ерга ўтири.

Арслон Лидани белидан қучиб тиззасига ўтқазди ҳамда соchlарини ҳидлади-да, пичирлади:

— Мен жудаям кўп пул топишим керак. Ҳозир пул то-пишнинг айни пайти. Ундан кейин хоҳлаган давлатингдан

истаган виллангни сотиб оламан. Мен шунчаки манави шаҳарда ивирсиб юришни хоҳламайман. Узоқларга кетишм керак. Мен кўп жойларни кўришим керак... Кейин сен ҳамиша ёнимда бўласан. Сен менинг энг яқин ёрдамчим бўласан. Айтганча, инглиз тилини биласан-а?

— Ҳа-а-а.

— Ана, тайёр таржимонсан. Энди бор. Кечга тайёргарлик кўр, — деб Арслон қизнинг юзидан ўпиб қўйди.

Арслон бориб кўрган заводнинг ҳудуди хийлагина катта экан. Ичкарига кирмоқчи эди. Қоровул киритмади. Арслон хафа бўлмади. Кулди. «Вақти келса, мени кўришинг билан чопқиллаб дарвозани очасан, қўлинг кўксингда бўлади. Икки букилиб таъзим қиласан, салом берасан», дея хаёлидан ўтказди. Сўнг қайтиб машинага ўтирди-да, ҳайдовчига уйга боришини айтди.

Ота ҳалинчақда ўтирибди. Мана, неча кундирки, у бирор жойга бормайди. Мана шу ҳалинчақда ўтиради. Чекади, ичади, ўтиради. Қачонки қорни очқаса, ошхонага киради. Бирорлар билан ҳам гаплашавермайди.

Салом бериш Арслоннинг табиатида йўқ эди. Шу боис хўмрайиб отасининг ёнига борди-да:

— Ўтирибсизми? — деди.

— Ёқмаяптими? — дея саволга савол билан жавоб қайтарди Хурсанд Хидирович.

— Нега энди? Ихтиёрингиз. Оёғингизни кўтариб ётсангиз ҳам бойлигинги бутун умрингизга етади.

— Балки, ортиб ҳам қолар. Сенга шуниси яхши эмасми? Эртага ўлиб берсам, ҳамма топган-тутганим сенга қолиб турибди. Зўр-ку!

— Кўйсангиз-чи, ада. Бўладиган гапдан гапиринг. Аслида, сизнинг ёнингизга битта маслаҳат билан келгандим...

— Хўш, — дея Хурсанд Хидирович алламбало шаклли, қизил суюқликка тўлдирилган шишани қўлига олди-да, фужерга эринмасдан секингина қуя бошлади.

— Анави, бор-ку, Иброҳим ака, ўша менга «Завод сотиб ол. Бир йил ўтар-ўтмас, майдалаб сотиб юборасан. Ҳар қаричи олтинга тенг бўлади. Отанг шу ниятда текстилни сотиб олган», деди.

Хурсанд Хидирович қилаётган ишини бирдан тўхтатди

ва шишани оқиста ерга қўйиб, фужерга лабини теккизди. Жуда оз ичди. Ярим ҳўпламдан ҳам кам. Кейин ўғлига қарди-да:

— Жуҳуд, барибир ҳам, жуҳудда. Ер остида илон қимирласа ҳам сезади. Ҳўш, заводни сотиб ҳам олдинг, кейин ҳар қаричини олган нархингга сотдинг ҳам дейлик. Сўнг нима қиласан?..

— У менга «Чет элдаги банклардан биттасидаги ҳисоб рақамимни бераман. Пулни шунга ўтказасан», деди.

Хурсанд Хидирович энди фужердаги суюқликни бир кўтаришда охиригача ичди. Кейин бирдан қаҳқаҳа отиб кулиб юборди-да, қўлидаги идишни ерга боплаб урди. Идиш чил-чил синди.

— У, ит эмган, пул ишлаб олмоқчи. Сен топган пулнинг ҳаммасига эга чиқмоқчи. Ҳисоб рақам, албатта, Исроилдаги банклардан биттасида бўлади. Ёки Амеракида, ё бўлмасам Люксембургда. Унинг номига очилган ҳисоб рақам. Сен пулни ўтказасан ва иккала бармоғингни бурнингга тиқиб қолаверасан. Жуҳуд шунчаки бирорвга бир нарса ўргатмайди. Жуҳуд отасига, боласига, керак бўлса, хотинига ҳам қарзга пул беради! У фойда келмайдиган жойга бурилиб қарамайди ҳам!

— Этиқдўз...

— Ҳа, у этиқдўз эди. Йиртиқ-ямоқ кийимда буткасида ўтиради. Аммо нима ишлар қиляпти, фақатгина этиқдўзликнинг орқасидан пул топяптими, буни ҳеч ким билмайди.

— Демак, мен унинг айтганларини қилмаслигим керак экан. Шундайми?

— Мен сенга айтганини қилма, дедимми?

— Гапларингизнинг мазмуни шунга қараб кетяпти-ку?!

— Зангар. Билиби нима қилмоқчилигимни. Ҳў-ӯш, заводни сотиб ол. Албатта, у ким-кимларгadir тайнинлаб қўйган. Борсанг, ишингни осонгина битириб беришади ўша ким-кимлар. Кейин... Кейин сотгунингча бир йил бор. Унгача бир гап бўлар.

— Тушундим.

— Тушунишингга ҳали анча бор. У ҳамма вариантларни ишлаб чиқиб бўлган. Мабодо сен пул ўтказмаганингда, мабодо қочиб кетганингда, мабодо бошқа бир нима билан

унинг кўзини шамғалат қилганингда, нима иш қилишини режалаштириб қўйган.

— Ада, яна бошқа ёқقا ўрмаладингиз. Ўша падарингга лаънати заводни сотиб олайми-йўқ, менга лўнда гапириング, латта чайнамай!

— Мен сенга латта чайнайдиган бўлиб қолдимми ҳали? Ўзингнинг отангга шунаقا гап гапирадиган бўлдингми? Тур ўрнингдан, ифлос, қорангни учир!

Арслонни ток ургандай бўлди. У ҳайратланганча кўзла-рини пирпиратди. Илло, «латта чайнаш», деган гап оддий нарса эди. Ўзи ёшлигидан унга бирор одамга ўхшаб тарбия бермаган. Ҳозир эса қўл остидагиларини сўкавериб, шунга ўрганиб қолганди. Одатий бир ҳолда пушти паноҳига шундай деб юборганди.

— Нега? Бирор ёмон нарса дедимми?! — дея отасига башарасини тириштириб қаради Арслон.

— Йў-ўқ, сен ёмон нарса дермидинг? Мушукдай беозор бўлсан! Ит!

— Ада, ҳар бало-бир бало деб ҳақоратлайверасизми? — деб Арслон секин калласини бурганча, дарвозахона томонга кўз ташлади.

У ерда Ўлмас билан ҳайдовчи йигит «тутатиб» гаплашиб туришарди.

— Ҳа-а, оғир ботдими? Бор, ўша устозингдан маслаҳат ол, менга қорангни кўрсатма!

— Бўлди. Узр. Билмай гапириб қўйибмиз, паҳан. Шунга шунчами, сал совинг энди. Бегонамасман-ку?!

— Тўғри, бегонамассан. Агар бегона гапирганда индамай кетаверардим. Ҳозир йўқол. Мен ўзимга келиб олай.

Арслон бурнини ишқалади. Хўмрайган кўйи йигитларининг ёнига борди ва машинанинг орқа эшигини очиб, ўриндиқقا ўтиреди.

Хурсанд Хидирович оқсочни жаҳл билан чақирди. Унга ёнидаги шишадан яна битта келтиришни буюрди. Сўнг унга дардини дастурхон қила бошлади.

Арслон, «Оқ кабутар» ресторанига борди. Бироқ бу ресторан кўзига жуда фарибдай кўринди. Стол-стуллар эскириб кетган. Дастурхони кир, идишларининг соғи қолмаган ҳисоб.

Буюртмани Ўлмас бир оғиз гап билан берди.

— Ким келганини биласанми? Билмасанг, билдириб қўйман, хуллас, боргин-да, каттандига айт, одам ейдиган нарсалар билан столнинг устини тўлдирсин! Кейин сенга ўхшаган қийшиқларни жўнатмасин, ўзи хизмат қилсин!

— деди у.

Арслон эса тутатди. Тутунни ичига ютиб, бошини орқага ташлади-да:

— Башара, шу паханни хафа қилиб қўйдимми, дейман, — дея бурнини тортиб қўйди.

— Нимага хафа бўларкан? Сендача ўғилни бошида кўтариб юрса арзиди, — деб хўжайинининг ёнини олган бўлди Ўлмас.

— Билмасдан нето гап гапириб қўйдим.

— Йўли осон, бир қоп пулни қўлларига тутқазасан, сен зўрсан, ҳаммаси эсидан чиқиб кетади.

— Калланг жойидами, пуллари ачиб ётибди-ку?! Бошқа бирор нима топиш керак. Лекин унгача Фирдавс билан гаплашиб олмасам бўлмайди.

Шу пайт ресторан бош ошпази келди-да, қўлинни кўксига қўйиб, икки букилганча салом берди. У хўппа семиз эди. Афтидан, тез юриб келган, шекилли, пишиллаб нафас оларди.

— Манга қара, нега ҳамма ёқни исқириб қилиб ташландинг? — деди унга нафрат билан тикилган Арслон.

— Эй-й, Худога минг қатла шукр! Бор экан-ку! — дея қўзларини пирпиратди бош ошпаз.

— Ҳа, нима бўлди? Нега Худога шукр қиляпсан?

— Чунки шу пайтгача бирорта ҳам одам келиб, нимага ҳамма ёғингнинг расвоси чиқиб ётибди? Нимага бирорта ҳам соғ идишинг қолмаган, деб сўрамаган эди. Биринчи бўлиб сиз сўрадингиз.

Арслон билан Ўлмас бир-бирига қараб қўйишиди.

— Худойлигимни ўртага қўйиб айтай, ўн йилдан бери хўжайинларга Худонинг зорини қиласман. Барака топгурулар, идишлар синиб, тамом бўлди. Идиш беринглар, залларимнинг сувоқлари қўпорилиб тушяпти, таъмирлаб бе-ринглар, дейман. Қаёқда. Ҳаммаси юзини буради.

— Унда шаҳардаги энг расво жой экан-да бу ер?

— Нима десам экан? Лекин овқатларимиз яхши. Мижо-

зимиз оз. Аммо мен овқатга жуда жиддий қарайман. Битта одам келса ҳам, әнг сара таомларни тайёрлайман. Айниңса, сизге ўхшаган обрў-эътиборли одамлар адашиб қадам ранжида қилиб қолиша...

— Бизни танийсанми? — деде Арслон унинг юзига синчковлик билан термилди.

— Юз тузилишингиз, гапларингиз мўътабар одамлар-никидай, шунга қараганда, яхши амалли инсонлардан бўлсангиз керак.

— Иккита қулоғинг билан ҳам яхшилаб эшишиб ол, — деди Ўлмас, — бу одам шаҳарнинг қоғозда кўрсатилмаган, аммо ҳақиқий хоқони!

— Ия, шундайми? Во, сизни менга Худонинг ўзи етказди. Анави, анави бор-ку, битта жиблажибон чиқибдику. Отиям нимайди, ҳа, Фирдавс деганлари...

Арслоннинг кўзи бирдан олайди. Чаккасидаги томирла-ри бўртиб чиқди. Ошпазнинг эса бирдан юраги орқага тортиб кетди. «Наҳотки адашган бўлсам, наҳотки бунинг ўзи Фирдавс бўлса, мен овсар, мияси чириган жиблажибон деб турибман-а», деде Арслон кўнглидан ўтказди у.

— Ўша мараз келдими?! — деди Арслон ғазаб билан.

— Ўй-ў-қ, келмади. Лекин битта одами бор. Чақа тен-так, мен уни илгаридан танийман. Ўша келади-да, бор-будимни тортиб олиб кетади. «Бермасанг ўлдираман», дейди. Яна оиласнин кўшади. «Ҳаммасининг бошига итнинг ку-нини соламан», дейди. Камига бир-икки тарсаки ҳам туширади. Айтсан ишонмайсиз, икки марта маошимни бе-риб юбордим. Бошқа пулим йўқ эди-да! — деде Арслон ошпаз кўзига ёш олди.

Иттифоқо худди шу маҳал Ёдгор кириб келди. Бош ош-паз шоша-пиша кўз ёшини артди.

— Ана келди, — деди сўнгра пичирлаб.

Арслон билан Ўлмас бирдан эшик томонга қаради.

— Ҷақиринг, бу ёққа келсин! — деди Арслон бош ошпазга.

— Хўп.

Ёдгор Арслонни ҳам, Ўлмасни ҳам кўрган. Шу боис уларни яхши танирди. Айниңса, Ўлмасни. Чунки Фирдавс уни обдан «сийлаган»ди-да. Бош ошпаз уни ёнларига ҷақири-

шаёганлигини айтганидан сўнг менсимайгина қаради ва жилмайди-да, секин бир-бир қадам босиб Арслон билан Ўлмас ўтирган жойга борди.

— Сизларни бундай фариб жойларга келишмаса керак, деб ўйлагандим, — деди.

— Шунинг учун билган номаъқулчилигимни қилиб юравераман, деб ўйлаганмидингиз? Соchlарингиз оқариб, юзингизни ажин босибди. Бундай ёшиңгизга ярашадиган ишни қилмайсизми? Бечора ошпазнинг шўрини қуритиб қўйибсиз-ку, — дея кўзининг ости билан Ёдгорга қаради Арслон ҳамда столнинг устига ташлаб қўйган тамаки кутисидан бир дона чеккуликни олиб, лаблари орасига қистирди.

— Бу шўринг қурғур арз қилдими? — деб Ёдгор ўтириш учун стулни бироз ортга тортди.

— Жойига қўйиб қўйинг, мен сизга ўтиринг, демадим ҳали, — деди Арслон тишлари орасидан сўзлаб.

— Сендан сўрамайман. Қаерда ўтирганингни билмаяпсанми? Кимнинг томорқасига кирганингни айтишмадими?

— Айтишди. Лекин бу томорқанинг асл эгаси бошқа одам экан, — деб Арслон Ўлмасга қаради.

Ўлмас шу заҳоти Ёдгорнинг қўлидан ушлаб бир тортган эди, бечора Арслоннинг оёқлари остига йиқилди. Арслон унинг елкасини туфлиси билан босаркан:

— Катта бошимни кичкина қилиб, хўжайнингга таъзия билдиргани бордим. Лекин бирортанг ҳам одам қаторига қўшмадинглар. Сенларда одамгарчиликдан асар ҳам йўқ. Ҳаддингдан ошгансанлар, тавба-тазарруни эсларингдан чиқариб қўйгансанлар. Мени индамай кетаверади, деб ўйлагансанлар! — деди шу гапларидан кейин тепди.

— Эҳ! — дея Ёдгор бошини ушлади.

Кейин унинг қорнига, биқинига, бўйни, бошига тепкilar ёмғири ёғилди. Ўлмас билан Арслон ким ўзар ўйнаттганга ўхшаб, жон-жаҳдлари билан берилиб Ёдгорни калтаклашишарди. Охир Ёдгор оҳ ҳам, воҳ ҳам демай қўйди. Шундан сўнггина зўравонлар зўрликларини бас қилишди.

— Қофоз-қалам олиб кел! — дея бўкирди кўзи қонга тўлган Арслон.

У сўраган нарса бош ошпаз халатининг чўнтағида ҳар

доим турарди. Шу боис дарров чиқазди-да, Арслонга узатди.

— Ўзинг ёз, аҳмоқ! — дея бирдан бақирди Ўлмас.

Бош ошпаз титраб кетди ва қўллари қалтираганча ручкани ушлади.

— Эртага пешинда, Янгийўл ўрмонида кутаман, бор-масанг, ҳаммангни шу кўйга соламан! — деди Арслон.

Унинг айтганларини бош ошпаз шоша-пиша ёзиб олди.

— Энди қофозчани чала ўликнинг устига ташла! Сўнг танишларига қўнфироқ қил, келиб олиб кетишсин!

Арслон машинага ўтирганидан кейин тутатди-да, газаб билан сўкинаркан, ҳайдовчига бардачоқдагини олиб беришни буюрди. Шишани қўлига оларкан, унинг оғзидан анчасини ичди-да, лабини кафти билан артиб, шишани Ўлмасга узатди. Сўнг тутун ютди-да:

— Агар эркак бўлса келади. Келмаса, бировнинг гапига қулоқ солиб ўтирмайман, уйини куйдирман! — деди.

— Менинг қасдим икки ҳисса, сен буюрсанг бўлди, титиб ташлайман. Эшиздим, синглиси бор экан, — деди Ўлмас.

Арслон бирдан унга ўгирилиб қарапкан:

— Вой, эшак, нега шуни менга эртароқ айтмадинг?! Шундай имкониятимиз бор экан-у, сен калтафаҳм финг демай юрибсан! — дея бақирди, сўнг ҳайдовчининг елкасига мушт туширди-да, унга ҳам бўкирди. — Нима қилиб ўтирибсан?! Зўр жойга ҳайда!

Ҳайдовчи жони борича газни охиригача босди. Машинанинг филдираклари турган жойида чийиллаб айландида, олдинга интилди.

Улар шаҳардан чиқиб кетишли ва Улугбек шаҳарчасига етмасдан ўнг қўл тарафдаги дала ҳовлилардан бирига боришиди. Унинг этагидан бир анҳор сув оқади. Суви муздай. Беш дақиқа ҳам оёғингни тиқиб туролмайсан. Шунинг билан бирга ҳавоси зўр. Анҳордан ўн қадамча берига ўтсанг, иссиқдан куясан. Аммо унинг ёнгинасидаги чорпоянинг усти зўр.

Арслон кўрпачага ёнбошлади-да, қўлтиғига иккита ёстиқ тикиди.

— Шерзод, шунақанги жойларни биларкансан-у айтмай юрган экансан-да, — деди.

— Ока, сизга ёқмайдими, деб қўрққандим, — дея жавоб берди ҳайдовчи.

— Тўғри ўлабсан. Бир грамм ҳам ёқмади. Мана шу чорпоядан бошқа жойи. Энди оёфингни қўлингга олиб бозорлик қилиб кел. Қозонга ҳамма нарсани тиқасан-да, Лидани олиб келасан!

— Хўп бўлади, хўжайин.

Чорпоя устида Арслон билан Ўлмас иккиси қолди. Дарпов «яримта» очилиб, пиёлалар тўлдирилди. Газак яхши эмасди. Аммо начора, шундай бойваччалар ҳам баъзан фарибгина дастурхон атрофида ўтиришар экан-да.

Оёқ-қўли чаққон Шерзод Арслон истаганидан ҳам тез бажарди ишларни. Кечга яқин эса Лиди ҳам етиб келди. У бурнини жийираркан:

— Хўжайин, бунаقا жойни қаердан топиб олдингиз? Кўрганлар нима дейди? — деди норози бўлиб.

— Биттаси оғзини очса, оғзини йиртаман. Сен чорпояга чиқ. Ўлмас билан бирга дунёнинг нарсасини ичиб ташладик, лекин тирноқнинг учичалик ҳам таъсир қилмади. Агар шу нарсани бошқа ерда ичганимизда борми, ҳозир тўнкандан фарқимиз қолмаган бўларди. Чиқ, чиқ. Ўзинг ҳам гувоҳ бўласан ҳозир.

Ўлмас улар билан узоқ ўтирмади. Ўтиrolмади. Чунки анави иккиси «чўлл-чўлп»ни бошлаб юборишган эди. Аслида, Ўлмасда фаросат деган нарсадан асар ҳам йўқ. Ялаб-юлқашлар тугул, бошқа нарсалар бўлганида ҳам ўтирган жойини итга ҳам бермасдан ўтираверарди. Бироқ Арслон сўкиб берди:

— Нима қилиб ўтирибсан? Ё оргиналини кўргинг келиб қолдими? Ундан кўра Бахадан хабар ол, икки соатдан кейин иккаланг келасан. Энди тошингни тер!

Албатта, сўкиш юмшоқ эди. Бироқ, сўкиш сўкиш-да.

Муздай шамолнинг эсиб туриши, ҳавонинг мусаффо-лиги ёрдам бермади. Барибир, ичкилик устунлик қилди. Арслон қанчалик куйиб-пишмасин, фойдаси бўлмади. Охири, у тақдирга тан берди. «Ҳақиқатан ҳам, ошиб кетган экан», деди ён босиб.

— Айтдим-ку, бошқа пайт деб. Ундан кўра ўтирайлик, режа тузайлик, — деди унга жавобан Лида.

— Тўғри айтасан. Ўзи сендан бошқа яқинроқ маслаҳат-

чим йўққа ўхшайди. Адам ўзидан бошқа бирорни ўйламайди. Анави қўнгироқ қилган ярамаснинг ҳам гапларининг тагида бошқа бирор нима ётганга ўхшайди. Ҳаммаси мени кучукдай ишлатади-ю, ўзлари қўлларини совуқ сувга ҳам урмасдан бор топган-тутганимга эга чиқиб олишади, — деде нолиди Арслон.

— Битта гап айтаман. Лекин сенинг қўнглинг ҳар ёқларга кетмасин.

— Айт, айтавер.

— Мен анавинда битта журналда ўқиб қолдим. Дунёнинг манаман деганларининг ёнида доим аёллар бўлишаркан. Яъни улар шу даражага аёллар ёрдамида чиқишган экан.

— Ана. Ўйлаганим тўғри экан. Бундан буён ҳамиша ёнимда бўласан. Бирор билан бирор нимага келишаманми ёки бирорнинг жагини синдираманми, фарқи йўқ. Ҳатто агар, энди мабодо дейман-да, ўғриликка тушишимга тўғри келиб қолса, унга ҳам сени олиб бораман. Аммо битта но томони бўлиши мумкин.

— Хўш, қанақа «но»?

— Бошқа бирорга уйланишим мумкин.

Арслон шундай дейиши билан Лида қаҳқаҳ отиб қулиб юборди. Маза қилиб кулди. Кўзидан ёши чиққунча кулди. Сўнг безрайганча қараб турган Арслоннинг елкасига қўлини қўйиб:

— Мен сени ҳеч қачон рашк қилмайман. Уйлансанг, қайтанга яхши. Кўнглим хотиржам бўлади. Мен эса умуман турмуш курмайман, деб ўзимга ўзим ваъда берганман.

— Айёран. Айёр. Тулки ҳам сенинг олдингда ип эшолмайди. Хўп, келишдик. У ёфи шароитга қараймиз. Ўзи менинг ҳам оиласи бўлгим йўқ. Шу билан бу мавзу ёпиқ. Ҳализамон Баха келади. Уни ўзинг яхшилаб текширасан. Тозами ё кир, кўпми? Кўнглингдагини айтасан, шунга қараб иш тутамиз.

— Келишдик.

Улар иккиси битта-битта тўқиширишди. Шундан кейин Арслон эндигина тутатган эди ҳамки, Ўлмас ҳовлиқиб келиб қолди. Унинг ҳансираф нафас олишига қараганда, анча жойдан югуриб келганга ўхшарди.

— Орқангдан ит қувяптими? Бунча ўпканг оғзингга ти-

қиласы? — деди Арслон чекимликни лаблари орасидан оларкан.

— Ит қувганда ҳам майли эди. Мәхмөн бор. Одессадан. Махсус келишибди. Пешиндан бери шаҳарда юришган экан. Сен билан мени топишолмабди. Уларга қўшилиб, Баха ҳам бизни қидирибди, — дея жавоб берди Ўлмас томоғини ҳўллаб олиш учун пиёлага чой қуяркан.

— Шунга ҳовлиқиши керакми? Нечта экан?

— Тўрт киши.

— Вой-бў-ўй, мен бутун бошли армиями, деб ўйлабман. Шу ерга олиб келинглар. Болаларнинг барини йифиб кел. Мәхмоннинг меҳмонлиги ўз йўлига, олдин чўнтақларини обдан кавлайсанлар, бирортасининг ҳам киссасида ҳатто-ки гугурт бўлмасин!

Тўртта «буقا» келди. Биттасининг татуировка бўлмаган жойи қолмабди. Қўллар, бўйин етмагандай сочини калга олиб, бошига ҳам алламбалоларнинг расмини туширган. Иккинчисининг қулоғидаям, бурнидаям зирақ бор. Мана шуниси, ҳақиқатан ҳам, буқага ўхшаркан. Чунки роса катта ва семиз буқаларнинг шохидан ёки бурнидан ип боғламаса бошқариб бўлмайди. Албатта, бурнига «зирак» тақиши зарур. Учинчиси — соқолтой. Тўртинчиси гарчи қоронгиллик тушса ҳам, қора кўзойнак тақиб олибди. Ҳаммасининг бўйи икки метрдан кам эмас, оғирликлари ҳам юз эллик билан икки юз килонинг орасида бўлса керак. Бироқ бирортаси ҳам қорин кўймаган. Улар Арслоннинг ўтирган жойини кўришиб ажабланишмади ҳам. Чорпояга чиқишиган эди, чорпоя чўқди. Арслон бутунлай сувнинг остига кириб кетмасайди, деб ўйлади ҳатто. Аммо туси ўзгармади.

— Одамларинг, — деди татуировкали номигагина салом-алиқдан сўнг, — расво экан. Дабдала. Биз пешингача юрдик. Лекин кучук келиб «Кимсан?» демади.

— Дейди. Кучук эмас, шерлар, дейди. Менинг хоқон бўлганимга тўрт кун бўлди.

Келганлар Арслоннинг жавобидан сўнг бир-бирига қараб, иржайиши.

— Кўрамиз. Умуман сен билан вақиллашга вақт йўқ. Бор эди, ўлди. Энди қолмади. Бир соатдан кейин самолёт учади. Керак бўлса, учмасдан кутади. Бироқ Дедни диққат қилиб

кўямиз. Хуллас, бу ерга яхши одамларнинг таклифи билан келдик. Уларсиз ҳам келардик. Сенинг қаллангни олишга. Худди сен Чўлоқникини олганингдай. Аммо омадинг бор экан. Тўғрироғи, ақлли одамлар сени танлашган экан... Мана, турқингни кўрдик. Янаги ойнинг йигирма бешинчисида «тож кийиш» маросимини ўтказамиз. Жой айтилади. Ҳозирча «қозон»га ўнта ташлайсан. Кейинги суммаларни маросимдан сўнг оласан, — деди татуировкали.

Арслон Ўлмасга қаради. У «буқа»ларнинг олдида бузоқчага айланиб қолган эди. Ўлмас бошини иргади ва кетди. Бироздан кейин тўртта йигит билан қайтиб келди. Йигитларнинг ҳаммасининг қўлида патнис бор эди. Патнис егулик-ичкиликлар билан тўлдирилганди.

— Дедга бир умр ҳавас қилганман. Ўзиям чолмисан чолда. Албатта, у менинг эркаликларимни қўтаришига ишонаман. Қани, еб-ичинглар! Агар ўлдиргани келганларингда ҳам сизларни сийламасдан қўйиб юбормасдим.

«Буқа»лар иржайишли ҳамда Арслонни ҳайрон қолдирганча тўртталаси ҳам қарийб бир вақтда битта-битта шишани қўлига олишди. Бир вақтда қопқофини юлиб ташлашди ва бараварига қўтаришли. Бараварига охиригача ичишли. Бирдан тўртта патнисда турган тўртта қип-қизил қилиб қовурилган курканинг биттадан оёғини ажратиб олишди-да, минг йил оч қолган одамлардай пошиллашиб қўз очиб юмгунча еб ташлашли.

— Вақт зиқлигидаги мана шундай қилинади. «Ўрган, студент», — деди қора кўзойнаклиси.

— Агар, — дея қўлини сочиққа арта бошлади соқолтой, — яхши одамлар бўлмаганида, Тел-Авивдагилар онангни кўрсатарди. Чунки Чўлоқ қадрдонимиз эди. У мен билан «ўтирганди». Эсиз... Хўш... Вақт бўлди, кетдик. Бизни кузатма.

— Кузатиш ниятим ҳам йўқ. Дедга салом айтинглар. Ҳали замон зиёратига бораман. «Қозон»никини йигитлар беришади, — дея Арслон Ўлмасга қараб имлади.

«Буқа»лар унинг гапига эътибор ҳам беришмади. Ўрниларидан туришди ва лапанглаб кетишли.

Улар қорасини учирини билан Арслон тутатди. Шу тутиши асносида хонтахта устига мушт уриб:

— Ҳўқизлар! — деди.

— Т-сс! Жим, жоним! Ўзингни қўлга ол! Пўписа қилмоқчи бўлишган. Лекин сен бопладинг! Ҳали мана шу ҳўкизларни сўйиб, гўштини бозорда сотиб юборасан. Аниқ ана шу кунлар келади. Энди асабингни тинчлантири. Бугун сен учун жуда оғир ўтди. Манавиндан бир пиёласини ютгина, ухла. Мен шу ернинг ўзида, сенинг ёнингда бўламан, — дея Лида Арслонга далда берди.

— Тўғри айтасан. Болаларнинг ҳаммаси шу ерда бўлсин, — деб Арслон пиёладагини ичиб юборди-да, ортидан ногигагина газак қилиб, сўнг ёстиққа бошини қўйди.

\* \* \*

Мавзуна уч кундан кейин уйига қайтиб келди. Отаси уни олиб келди-ю, ўзи кетди. Шу бўйи уйда ёлғиз қолди. Бир муддат ошхонада ўтири. Бир хаёл чой қўйиб ичмоқчи бўлди-ю, кейин ёлғиз ўзи ичгиси келмади. Бироз ўтиб, хувиллаб ётган уй уни ютиб юбораётгандай тумолаверди. Қолаверса, кўз ўнгидаги Моҳирўй холасининг ияги боғланган ва кўзлари юмуқ ҳолати бот-бот пайдо бўлар ва уни қўрқитиб юборар эди. Бечора қиз дик этиб ўрнидан туарди-да, атрофига алангларди ҳамда чўчиб тушган одамдай ёқасига туфлаб кўярди. Кейин чалғиши мақсадида бошқа нарсаларни хаёл қилишга ҳаракат қиласар, лекин ҳар қандай хаёли айланиб бориб таъзия маросимига тақалаверарди. Мавзуна ўзини қўярга жой тополмас, ошхонадаги жиҳозлар, эшик, стол-стул, дераза — ҳамма-ҳаммаси қўрқинчи тумолаверарди. Агар тиқ этган товуш эшитилиб қолса борми, қизнинг юраги кўкрак қафасини ёриб юборгудек дукиллаб кетарди.

«Кўшиқ. Ҳа, худди шу нарса мени қутқаради», дея ўйлади ва биринчи эсига келган қўшиқни хиргойи қила бошлади. Йўқ, ўхшатолмади. Овози деворга урилиб, акс-садо бергандай бўлар, хонада яна бошқа бир одам ҳам куйлаётгандай тумоларди. Шунда у телевизорни ёқди. Телевизорда ҳам Мавзунани андармон қиласиган кўрсатув йўқ эди. Ўзи тўртта канал, иккитаси ўзимизники, иккитаси Москвага тегишли. Москвадагилар у ёқ ундоқ бўлиб кетди, бу ёқ бундоқ бўлиб кетди, мана, ишонмасанглар, дея кўрсатув қилишаётган экан. Аммо бу нарса Мавзунани умуман қизиктирмасди. Шундай эса-да, у телевизорни ўчирмади. «Минифирлаб турсин, шунда ёлғизлигимни ҳис этмайман», деди.

Кейин бирдан онасини эслади. Аслида, шу кунгача бир лаҳзага бўлсин уни унумтмаганди. Бироқ аразлаши бор эди. Моҳирӯй холаси ўлмаганида ҳам, эҳтимол, у аразни эсидан чиқазарди, бироқ унинг нариги дунёга равона бўлгани қиз шўрликка бошқача таъсир қилди.

«Шошма, — деди, — бир муддатдан сўнг кимдан аразляяпсан, ўз онангданми? Оқ сут бериб, ювиб-тараб катта қилган аёлданми? Уялмайсанми, мана, уч кундирки, ҳолидан хабар олмадинг. Бечора касалхонада ким-нима бўлиб ўтиргандир... Дадамни ўлдирмоқчи, уйни ёқиб юбормоқчи бўлди. Бироқ бунинг ортида нима бор эди?.. Тўхта, Мавзуна, яна бошқа томонга ўтлаб кетяпсан. Бас. Тур ўрнингдан, оёғингни қўлингга олгин-да, касалхонага юргур». Қиз ўзига-ўзи шундай буйруқ берганидан сўнг хонасига юргурди. Апил-тапил кийимларини алмаштириди. Ойнага қараб соchlарини тўғрилади. Лабига бўёқ суртмоқчи бўлди-ю, тўхтади. «Таъзиялиман. Фирдавс акамни яхши қўраман. Унинг онаси меникиям эди. Шундай экан, олифталанишм мумкин эмас».

Қиз қўчага чиқди. Автобус йўқ. Ўзи кеч тушиши билан автобусларнинг баракаси қочиб, сийраклашади. Ҳали-замон умуман тўхтайди. Чўнтағингда бир-икки сўм пулинг бўлмаса, ҳеч қаерга боролмайсан. Худо қўрсатмасин, шундай маҳали пулсиз олисроқда бўлсанг борми, нақ пиёда келишинг ҳеч гап эмас.

Мавзуна такси тўхтатиб, манзилни айтди-да, орқа ўриндиқча ўтириб олди. Ҳайдовчи кекса киши эди. Энди кекса деганимиз ҳам олтмишларга яқинлашиб қолган. Кун бўйи машина ҳайдайвериб роса терлаган ва тер ҳиди салонни тутиб кетганди. Табиийки, бу ҳид машинага ўтириши билан Мавзунанинг димогига гуп этиб урилди. У афтини бужмайтириб, бошини эгди. Кейин бирдан деразани очиш хаёлига келди. Аммо қараса тутқичи йўқ. «Оббо, бундай ювиниб юрса бўлмайдими, одам ҳам шу аҳволга тушгунча юраверадими, машинаси ҳам ўзига ўхшаркан, тавба», дея хаёлидан ўтказди қиз.

Лекин ҳайдовчи машинани тез ҳайдаркан, ҳатто икки марта қизил чироқда тўхтамай ўтиб кетиб, қизгинанинг юрагини ёраёзди. Чунки иккинчи ён томондан келган «Москвич» чийиллатиб тормоз бериб қолди.

— Ох, каллам қурсин. Чарчабман-да. Қизим, құрқама-дингми? — деди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай.

— Йўқ. Лекин ўлиб қолай, дедим! — жавоб берди Мавзуна жаҳл билан.

— Бўлди, сени олиб бориб қўйиб, кейин паркка кетаман. Тирикчилик-да, режани бажарганингдан сўнг бирикки сўм ишлаб олай, дейсан. Чунки уйда тўрттаси йўлингга мўлтираб қараб ўтирибди. Шулардан иккитаси ногирон. Ёшлия им ўттизга қараб кетяпти. Одамлар бир кун ишлаб, бир кун дам олади. Мен бўлса тинмайман. Тинишга ҳақим йўқ. Агар, Худо кўрсатмасин, менга бирор нима бўлиб қолса, уларнинг ҳоли нима кечади? Эҳ, бир хилда ўйласам, суякларимгача зирқираб кетади.

Мавзунанинг кўзи ёшга тўлди. Ҳалигина ўзи ижирғанган одамига ачинди. Бу одамнинг муаммоси олдида ўзиники йўқдай кўринди. Назарида, ҳаммаси осонлик билан ҳал этиладигандай эди. Онаси даволанса, соғайиб кетади. Уйга қайтиб келади. Дадаси билан яна апоқ-чапоқ бўлади. Можина билан Фирдавс акасининг дарди бир куни арийди. Улар оналарини ҳеч қачон қайтариб олишолмайди. Шунарсан ич-ичидан англаб етишганидан сўнг ҳаётга аралашиб кетишади. Бироқ бу одамнинг муаммоси ҳеч қачон тугамайди. Чунки иккита ногирон фарзанднинг кўзи доим йўлда, қачон оталари егулик олиб келади?..

— Амаки, яхши бўлиб кетади, — деди Мавзуна кўз ёшларини шоша-пиша артиб.

— Эй-й, қизи-и-им, кошкийди. Бу ёғи иккиси ҳам ўттизга қараб келяпти, — деди ҳайдовчи ва чукур хўрсиниб қўйди.

— Майли, буям Худонинг синови. Илгари эшитганман, Худо қайси бандасини кўпроқ яхши кўрса, унга бошқаларга нисбатан кўпроқ дард бераркан, турли қийинчиликларни бошига соларкан. Шунисига хурсанд бўламан.

«Демак, бизни ҳам Худо яхши кўрар экан. Доим йўқ жойдан ташвиш орттириб оламиз. Ана аям, ўзидан-ўзи қанчадан-қанча тўполонни «кашф» қилди. Мен дадам иккисининг орасига киравериб чарчадим. Дадам ҳам қийналаб кетди... Лекин қийинчилик сал бошқачароқ экан», дея кўнглидан ўtkазди Мавзуна.

Шундоқ ҳам кайфияти бўлмаган Мавзуна бир аҳволда машинадан тушди. Тушаётиб, счётчикда кўрсатилган бир

сўми йигирма тийиннинг ўрнига икки сўм берди. «Қайти-ми керак эмас», деди. Аммо чол ҳам ўзига яраша ўжар экан. «Мени Худонинг олдида айбдор қилиб қўйма. Олиб кет», дея қолган саксон тийинни қайтарди.

Рухшона бугун пешингача кимдир йўқлаб келишини умид қилганди. Кейин умидини узиб, ўзича хаёлга толди: «Эримга керакмаслигимни яхши билардим, аммо Мавзуна ҳам мени ортиқча деб ҳисоблашини билмаган эканман. Икки-учта бўлганида ҳам майли эди. Униси бўлмаса, бу-ниси, барибир, ҳолимдан хабар олади, дердим. Ёлғизгина фарзанд...»

Аёл эшикка термилишдан чарчаб каравотга тикилганча ётарди. Эшик очилди. Ҳамширалардан бирортаси бўлса кепрак, деган хаёлда қарамади.

— Ая!

Рухшонанинг эти жимиirlаб кетди. Бирдан бошини кўтарди. Йифлаб юборди. Мавзуна ҳам қўзидан ёш оқизди. Улар бир-бирини қаттиқ қутоқлашди. Шунда Рухшона ўпка-гина қилишга тушиб кетди. Қиз йифлаганча онасининг гаплари ни охиригача эшитди, сўнгра:

— Ая, мен Моҳинани ёлғиз ташлаб кетолмасдим. У кетаман десам, бирдан кўлимга ёпишди. Додлади, — деб бурнини тортиб қўйди.

— Нега? Нега уни ёлғиз ташлаб кетолмайсан? Қачондан бери у сенсиз яшолмайдиган бўлиб қолди? — деди Рухшона қизини сал ўзидан итариб.

— Моҳирўй холам ўлиб қолди-ку?!

— А-а?! Моҳирўй?! — деди бирдан кўзлари каттариб кетган Рухшона.

— Ҳа, холам ўлиб қолди.

— Нега ўларкан? Ёш нарса ўзидан-ўзи ўлиб қолавера-дими? Ёки унга биров?..

— Йўқ, ҳеч ким ҳеч нарса қилмади. Инфарктга йўли-қиб... Юраги жудаям нимжон экан...

— Бечорагина, кун кўрмай ўтиб кетибди-я. Ўзи аввалдан қайгу билан қоришиқ эди. Охириям ташвишдан қутуломлабди... Мен аҳмоқ, менгина аҳмоқ. Энди нима деган одам бўлдим?! Энди нариги дунёда кўришганимизда, «Менга қилган туҳматингнинг ҳақини тўла», деса нима қила-ман?!

Рухшона қизини маҳкам қучоқлади-да, юм-юм йиғлашга тушди. Мавзунанинг бирор нима дейишга тили ожиз эди. У ҳам онасига қўшилиб кўзидан ёш оқизишига тушди. Токи ҳамшира кириб келиб, «Нима бўлди, нега йиғлаяпсизлар?» демагунча.

— Қизим, — деди Рухшона ҳамширага ялинчоқ овозда, — менга рухсат беринглар, аҳволим яхши. Энди уйимга бормасам бўлмайди.

Ҳамширага бошқа нарса тайинланган эди. Унга «Бу хотиннинг ёнига ким келади, нима кўтариб келади, улар нима ҳақда гаплашишади — ҳамма-ҳаммасини ёзиб бор!» дэя буйруқ беришганди. Яна Рухшонанинг укол-дорилари ҳам ўзгартирилганди. Акс таъсир қиласидиган, ҳақиқатан ҳам, жиннига айлантирадиган дорилар олдингиларини «четга суріб» кўйганди.

— Йўқ. Сизга мумкин эмас! Тўлиқ даволанасиз, ундан кейин бош шифокор рухсат берса кетасиз, — деди ҳамшира ва лабини буриб кўйди.

Ў-ў, аввал кимсан прокурор жанобларининг хотини келди, дейишганида, ҳаммаси ёёғи кўйган товуқдай югуриб қолганди-я. Муомала, хушомад умуман бошқача эди. Иржайиб-тиржайиб ҳиринглашлар бошқача эди. Ҳаммаси бир кунда ўзгариб кетди. Шахсан бош шифокорнинг ўзи «Прокурор ишдан кетибди, яқин кунларда қамаладиган бўлиб турибди, хотинини «псих» деб олиб келганди. Шунча одамни зор қақшатган, энди, ҳақиқатан ҳам, психга бир қарасам, балки, ўзи билан бирга олиб кетар», деди. Бош шифокорнинг мана шу ҳамшира, Нилуфар билан «салом-алиги» «қаймоқ». Бу ҳамширанинг навбатчилик кунлари бошқаларникига нисбатан кўп. Икки куннинг бирида.

Бош шифокор... У қоп-қора, узун бўйли, кўзлари ўйнаган, тинимсиз спорт билан шуғулланганидан мускуллари бўртиб чиққан. Нилуфар ҳамиша уни мақтайди: «Жудаям кучингиз кўп. Жудаям серҳаракатсиз. Сира чарчамайсиз», дейди. «Эринг-чи?» дэя сўрайди бош шифокор. «У бўшашган бир нарса. Чекади, ичади. Сира ҳам жисмоний меҳнатга бўйин бермайди. Шунинг орқасидан хомлаб қолган, шунинг учун ҳам сизни топганман», дэя хотиржам жавоб беради Нилуфар... Шундай экан, улар бир-бири билан доим

маслаҳатлашади, сирлашади. Шундай экан, Нилуфар Рухшонанинг эри ишдан кетганини эшитган, бу аёл энди оддий, ҳамма қатори одамнинг хотини эканини яхши билади.

— Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, мен кетаман. Кетгандা ҳам ҳозир кетаман. Дори-порининг, укол-пуколнинг менга кераги йўқ. Тамом! — деди Рухшона.

— Кечириб қўясиз. Балки, сизнинг уйингизда тартиб йўқдир. Аммо бизда бор. Бу ер — касалхона. Касалнинг кўнглига қаралмайди бу ерда.

Унинг гаплари Рухшонага тегиб кетди. Секин Мавзуна ни четга суриб ўрнидан турди ва қаҳрли нигоҳи билан ҳамширани тешиб юборгудек қилиб:

— Муштдай бошинг билан менга тартибни ўргатмоқчи бўляпсанми? Сен менинг уйимда қандай тартиб борлиги ни кўриб келдингми? Ҳозироқ ишдан кетасан! — деди жаҳл билан.

— Ишдан кетаман? Вой, ҳозир ўлиб қоламан! Сизми мени ишдан ҳайдайдиган? Кимингизга ишоняпсиз? Анави ишидан шармандаларча ҳайдалиб, энди қамаладиган порахўр эрингизгами? — дея кўзларини бироз қисиб, мийигида кулди Нилуфар.

Рухшона ҳамширанинг гапларига чидолмади. Ўзини бослмай, юзига шарақлатиб шапалоқ тортиб юборди.

Кўзидан ўт чақнаган ҳамшира ҳайратланганча Рухшонага тикилиб турди-да, секин-секин орқасига тисарила бошлади... У қарсиллатиб ўзини эшикка урди. Эшикнинг ичкарига очилиши эсидан чиққанди. Чиқиб кетолмади. Рухшона эса унинг устига бостириб кела бошлади.

— Ай... Ай, жинни, — дея кўзидан ёшини дув-дув оқизганча пичирлади ҳамшира. У бақиролмади, қўрқди. Бақирса, рўпарасидаги аёл бир ҳамлада тити-питисини чиқариб ташлайдигандай туюлди.

Шу маҳал ҳамширанинг жонига Мавзуна оро кирди. У онасини маҳкам қучоқлади-да:

— Ая! Ая! Кўйинг! Ўзингизни босинг, бир марта сайрагани билан ҳеч нима ўзгариб қолмайди! Уйга кетамиз! Ҳозир эшикдан чиқамиз-у, кетамиз! — деди.

Ана шундан кейингина Нилуфар бақирди:

— Ёрдам беринглар! Мени ўлдириб қўйишади-и-и-и!!!

\* \* \*

Андрей Сабинани ўрмоннинг ўртасига олиб бориб ташлади-ю, шериклари билан бирга кетди. Қайсиdir амалдорнинг дала ҳовлиси. Ўзиям бирор беш гектарча келади. Уч метрли баланд девор билан ўралган. Ўртада томи «кошачи» услубли уч қаватли, девори қизилга бўялган иморат фўдайиб турибди. Андрейнинг гапига қараганда, Сабинага ҳамма нарса «вип», яъни ичкарига кирса, бешта музлаткичда ҳамма нарса бор эмиш. Ётоқ ҳам тайёр экан. «Каравоти икки кишилик, — деди у мийифида кулиб, — мабодо кўнглинг тусаб қолса, романтик кечани ўтказишинг мумкин. Ҳамроҳ, албатта, топилади. У қўриниш беради. Сира хавотир олмасдан тунги «рақс»ни ўтказишинг мумкин». Яна шу гапининг орқасидан «Бу дала ҳовли кимсан молия вазирига тегишли. Унинг ўзи йўқ. Владивостокда Горбач билан юрибди. Кўрдингми, мен сенга қандай катта имконият яратиб беряпман. Мушукдай мулоим бўлсанг, ҳамма эшиклар ланг очилади. Билганингни қилиб юраверасан», деда қўшимча қилди.

Дала ҳовлида дараҳтлар сероб эди. Умуман, уйнинг атрофидан бошқа ҳамма ёқ дараҳт. Ўрмоннинг ўзгинаси. Аниқроги, ўрмоннинг бир қисми девор билан ўраб олинган. «Меники, меники бўлади мана шу дараҳтлар, вақти-соати келиб буларнинг барини кесаман, тахта қиламан, кейин Осиёга сотаман. Осиёда бунаقا тахтабоп дараҳт йўқ», дегангага ўхшайди молия вазири. Эшитилиши даҳшат экан-а? Молия вазири! Уюм-уюм пулларнинг устида ўтирадиган одам. Пулларининг бир донаси ҳам ўзиники эмас... Гўрдами, ҳаммаси ўзиники. Кейин анави Горбач деганлариники. Эшитдингизми-йўқми, ҳар қалай, Горбачнинг умри қисқа қолаётган эмиш. Кўчадаги хотинлар шунака дейишиди. Энди айтмоқчиманки, амал-да, ҳов анави биз ҳеч қачон кўрмаган курсисида ўтирадиган умри кам қолаётган эмиш. Яқин кунларда орқасига шундай тепишармишки, учиб қандайдир ботқоқликка тушармиш... Ана, Болтиқбўйи республикаларининг ҳаммаси ажралиб чиқиб кетиб бўлди. «Ҳой, сенинг анави учига беш юлдуз ўрнатилган иморатинггаям, Қизил майдонинггаям, охири кўринмайдиган Сибиринггаям, жанубдаги, гарбдаги республикаларинггаям, тепакалингдаги холинггаям!» деди ва ажралди-қўйди. Ай-

тишларича, уларда ўзгаришлар зўр бўлаётган эмиш. Одамларнинг ҳаммаси қўчага чиқиб ўпкаларини тўлдириб-тўлдириб нафас олишаётган эмиш. Гўёки илгари умуман ҳаво ютишмагандай...

— Молия вазири, молия вазири, молия вазири! — дея хиргойи қилди Сабина ва атрофига алантглаб қўйди-да, бақирди. — Сени жимжилогимда ўйнатаман молия вазири-и-и-и-ри!!!

«Калмикин? Кўзойнаклимикин? Қариб-чириган, ҳасса суюнган, қорни бўғоз хотинникидаймикин?» дея хаёлидан ўтказди у бақирганидан сўнг. Кейин қўл силтади-да, яна бақирди:

— Менга фарқи й-ў-ў-ў-қ!!! Барибир, ҳамма бойлигин-гни ўзимники қилиб оламан!

Албатта, у бирор тушунмаслиги учун ўзбек тилида бақираётган эди. Чунки бирор тушуниб қолса, унинг ўзини хонавайрон қилиб ташлашлари мумкинлигини яхшигина тушуниб турарди. Ваҳоланки, анчагина хонавайрон бўлишга улгурди. Бутун бошли бир жомадон тилла, кумушларини ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлган Андрей тортиб олди. Камига Невъмат акасини ҳам ўлдирди.

Даставвал қизнинг уйга киришга юраги бетламай турганди. Бақиришлари далда бўлиб, эшикни зулфагидан тортиб, ичкарига қадам босишга журъат этди.

— Ў-ҳ-ў!!! — деди кейин бирдан, — биз ҳам юрган эканмиз-да, боймиз деб. Ҳақиқий бойлар бу ёқда экан-ку. Бу камида шоҳлар шоҳининг уйи бўлса керак! Манави шифтга қаранг, алламбало қилиб ташлабди-я. Та-а-ак, ана иккита севги фариштаси. Биттаси қиз, иккинчиси ўғил бола. Ниначиларнига ўхшаш қанотчалари бор. Қўлларига камон ушлаб олишган. Исталган қиз ёки йигитга отишса бўлди, у шу заҳоти муҳаббат билан сеҳрланиб қолади. Қойил. Хўш, қандилнинг остидаги расм қанақа экан? Тушуниб бўлмайди. Қандайдир нақшга ўхшаб кетади... Деворлар, деворлар. Топдим, эртак кино бор-ку, «Қор маликаси», ўшандаги шоҳ саройи эсингиздами? Деворда илгари подшо ўтган ота-боболарининг портретларини ёпишириб қўйишган. Менимча, деворга илинган рамкаларнинг ичидаги серсоқоллар, кўксигача очиқ хонимларнинг ҳаммаси молия вазирининг бобокалону момокалонлари бўлса ке-

рак. Балки, биттаси эшикдир. Шу эшикнинг орқасида молия вазири тургандир. У мени тешикдан кузатаётгандир. Мабодо, мен у томонга бир қадам боссам, бирдан эшикни очиб чиқади-да, «Навкарлар!» дея қичқиради. Кейин мени ушлаб олишади ва шу ондаёқ қўйиб юборишади. Чунки бошқа томондан унинг қизи, малика чиқиб мени қутқариб қолади. Чунки мен қаҳрамонман-ку. Қаҳрамонлар ҳеч қаҷон ўлишмайди.

Худди шундай деб тентиради у. Янаям ичкарилади. Юмшоқ диванга ўтирди. Бир лаҳзага бардоши етмади. Туриб олдингидай бақирди:

— Андрей, қайси томонда ошхона-а-а!!! Айтмай кетдинг-ку, итнинг боласи!!!

Завқи келиб, қиқирлаб кулди. Тўғридаги эшик тарафга юриб бориб, секин эшикни қия очди-да, ичкарига мўралади. Ошхона. Худди ўзи. Лекин ресторонларга ўхшайди. Чунки бари ҳам бор экан. Қиз ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди ва югуриб кириб, ўзининг бўйидан ҳам баланд музлаткични очиб, ичига қаради. Ҳа, Андрей алдамаган экан, чиндан ҳам, музлаткич емак-ичмакка тўла эди.

Сабина шоша-пиша колбаса бўлаги, ичимлик, қора икра солинган қутини олиб, столнинг устига қўйди.

— Мана шуларнинг ўзи менга етиб-ортади, — деди ўзига-ўзи ва тановул қилишга тушди.

Кўп емади, ичди. Шу боисдан ҳам ярим соатдан сўнг маст бўлиб қолиб, йиглади. Бойликларини тортиб олишганини, Нематни ўлдиришганини, Фирдавс билан бирга бўлолмаганини, шўр пешоналигини, бойлик баҳт келтирмаслигини айтиб йиглади. Бирдан чеккиси келиб, уни ҳам топди. Столнинг тортмасида бор экан — болгарларники.

Чекиб бўлганидан кейин қизнинг кўнглига ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқариб ташлаш келиб қолди. Ахир нимадандир ўч олиши керак-ку. Шундай қилмаса, енгил тортмайди-ку.

— А-а-а!!! — дея бақирди бирдан ва олдидаги ликопчани олиб отди. Ликопча деворга тегиб чил-чил синди. Сўнг ўрнидан сапчиб туриб, ошхона жихозлари турадиган шкафни очди. Унда шундай идишлар борки, қўзинг қамашади.

Ҳаммаси асл. Синдиргинг келмайди. Бироқ енгил тортиш олдидә идишлар нима бўлибди?

Тахминан ўнтача ликопча деворга тегиб, майдаланди. Кейин бўлди қилди. «Жуда ҳаддимдан ошмай. Ҳар қалай, булар менинг ҳурматимни қилишиб, шундай кошонага келтириши-ку. Қандайдир оғилхонага қамаб ташлаганида додимни кимга айтардим», деди. Яна ичишга муккасидан кетди...

Кал бош, қорин қўйган, қўзойнак таққан одам кириб келганида Сабина ўтирганча бошини столнинг устига қўйиб ухларди. Кал бош кулди. Сўнг синиб ётган идишларга қараб, бошини сарак-сарак қилди-да, портфелини диван устига отиб юборди.

У аввал ётоғига кириб кийимларини алмаштириди. Сўнг келиб Сабинани кўтарганича ётоқхонага олиб кириб ётқизди. Устига кўрпа ёпди ҳамда чиқиб кетди.

Сабина уйғонганида, ташқари ёришиб кетганди. Қушлар аллақачондан бери чирқиллашарди.

У оппоқ, юмшоқ чойшабни кўриб ҳайрон бўлди. Уйдаман, шекилли, деб ўйлади. Чунки бундай кўрпа-ёстиқ факатгина уйида бўларди. Кейин меҳмонхоналарда ҳам. Борган, билади-да.

У тезда кечаги кунни хаёлида тиклади. Ҳаммасини эслади ва сапчиб ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа қаради. Деворлари оққа бўялган, деразасига ҳам оқ ялтироқ парда тутилган шинан уй. «Кечаги уйнинг ётоғи бўлса керак», дея хаёлидан ўтказди-да, ҳар эҳтимолга қарши кийимларига қаради: ўша-ўша. Кеча қандай кийимда юрган бўлса, ҳозир ҳам шундай.

Сабина шоша-пиша хонадан чиқди ва кўзи дераза ёнида сигарета чекиб турган кал одамга тушди.

— Хайрли тонг, — деди у худди орқасида кўзи бордай.

— Хайрли, — дея жавоб қилди Сабина тўхтаб.

— Ётоққа қайтиб кирсанг, тўғрида эшик бор. Ҳаммом бу ёқда, чўмилиб чиқсанг, яхши бўларди.

Сабина унга тикилиб қолди. «Ким бўлди бу? Қайси гўрдан келди? Нега ўзидан-ўзи менга буйруқ беряпти? Айтганча, молия вазири бўлса керак. Тавба, мен буни қариган, ҳассапасса суюнган, анави Черчилга ўхшайдиган бир нусха бўлса керак, деб ўйлагандим. Туппа-тузук. Ёш!..»

— Мана шу иморатнинг эгаси Павел Зеленскийман. Сенинг исмингни, кимлигингни яхши биламан. Суҳбатимизни эса сен чўмилиб чиққандан кейин давом этказсак яхши бўларди. Озодалик менга завқ беради.

Ҳаммомга кирган Сабинанинг оғзи очилиб қолди. Чунки у ерда нимаики бўлса, ҳаммаси тилла рангда эди. Яна чироқда ялтиллаб кўзингни олади. «Даҳшат! Отингни сот, молингни сот — молия вазири бўлгин экан. Бунинг ҳаммоми шунаقا бўлса, бошқа жойлари... Дарвоқе, бошқа хоналар бунчалик ҳам эмас. Лекин нега энди ҳаммомни шунаقا қилиб қўйганига ҳайронман», дея қўнглидан ўтказди қиз ва кран мурватларини эҳтиётлик билан бураб чўмилишга тушди...

— Оҳ, — деди иккала қўлида ҳам фужер ушлаб турган Павел Зеленский, — мен сенинг шунчалик гўзал эканлигингга шубҳа қилмагандим.

— Мени биринчи марта кўриб туришингиз эмас, шекилли, — дея шу заҳоти жавоб қилди Сабина.

Хозирги кўринишингизда биринчи марта. Аввалгисида кўзларингиз юмуқ, чехрангиз гулларни уялтиради. Аммо кўzsиз ҳамма жамолини кўз-кўз қилолмасди, — деб Зеленский қўлидаги идишлардан бирини Сабинага узатди, — гоҳ-гоҳида бунинг оз-ози ҳам шифо вазифасини ўтайди.

— Қаҳвага кўнглим кетиб турганди.

— О-о-о, айни дилимдагини айтдингиз-ку, хоним. Мен сизнинг қаҳва ичгингиз келишини билган эдим. Аммо буниси дурустроқ, исботланган. Қани, марҳамат.

Сабина ортиқча ноз қилиб ўтиргади. Уят, тортинчоқлик унинг табиатига хос эмасди.

Зеленский қизни ташқарига таклиф қилди. «Бир-бир қадам босганча, тоза ҳавода айланиш танани яйратади», деди у.

Ховлига — ўрмонга чиққанларидан кейин Сабина нонушта ташқарига қилинганлигини кўрди. Икки кишилик стол-стул, оппоқ дастурхон. Егуликлар ва ҳаттоқи бир гравин оппоқ сут...

— Романтика! — деди ўзини тутиб туролмаган Сабина.

Павел Зеленский шунчаки кулиб қўйди. Аслида, унга ҳам ички туйғуларини бирдан ошкор қилиш хос эди. Фа-

қат бу сафар бошқача бўлди. Сабина «Романтика!» дея ҳай-қирганида, Зеленский бу бақиришнинг ортида тулкилик йўқмикин, деб ўйлади. Чунки манфаат кўриниб турганида, ошинг ҳатто қўлингда эмас, оғзингда, ютилиш арафа-сида шундоқ, дейилади.

— Мен асло бундай демаган бўлардим. Ҳақиқий романтика — бу сенсан. Сенинг шу ерда ўтирганинг — романтика. Устингдаги оппоқ кўйлак ортидан танангнинг ним-ним кўриниб туриши — романтика. Хўш, қаҳва ичсанми, сутми?

— Шампандан кейин ҳар иккиси ҳам кетмаса керак. Аммо шунга қарамасдан сутни танлаган бўлардим.

Зеленский графинни қўлига олиб, Сабинанинг идишига қўйишдан олдин унга кулиб қараб қўйди. Буям маданият белгиси. Бу ҳам унга бир вақтлари миллатдошлари томонидан ўргатилган. «Ҳамсуҳбатингнинг ичидаги сирини билишни истасанг, унга ўзингни яқин тут. Ҳар битта ҳара-катинг шунга ишора берсин», дейишган.

Унга жавобан Сабина ҳам жилмайиб қўйди. Кейин:

— Кечирасиз, Андрей сизнинг одамингизми? — дея сўра-ди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз? — саволга савол билан жавоб қайтарди Зеленский.

Сабина елка қисиб қўйди.

— Ҳо, биз қаёққа кетяпмиз?! Дунёмиз эскириб кетди. Биз эса ҳали-ҳамон қаёққа кетаётганимизни билмаймиз. Менга «Иванушка» эртаги жудаям ёқади. Айниқса, ундаги ялмоғиз кампир. Эҳ, ёшлар, ёшлар, деб шўринг қурғур куракка ўзи ўтириб олади. Ха, ха, ха...

Сабина ҳам унинг кулгисига қўшилди. Сўровига жавоб олиш эса ёдидан кўтарилиди.

Нонуштадан сўнг улар ёнма-ён юришиб, сайд қилишди. Зеленский бир нима-бир нималарни гапириб берар, Сабина бу гапларнинг бирортасига ҳам тушунмасди. Чунки бу гапларнинг ҳаммасига қандайдир рақамлар ва яна фалсафа аралашганди. Шу сабабдан у ўзининг хәёли билан андармон бўлди. Бир маҳал унинг эсига жомадони тушиб қолди.

— Менинг жомадонимни олиб қўйишиди, — деди у Зеленскийнинг гапини бўлиб.

— Хабарим бор. Аммо олиб қўйди дейишингиз ўринсиз. Чунки ишончли жойда турганлигига иймоним комил. Бу ёфини сўрасангиз, биз Фаттоҳ Норқулович билан илгаридан қалинмиз...

— Унда, — дея бирдан Зеленскийнинг гапини бўлди Сабина, — нега дадамни қамаб қўйишади-ю, сиз индамайсиз?!

Зеленский шу заҳоти юришдан тўхтаб, Сабинанинг иккала қўлидан ушлаб, ўзига тортиб яқинлаштириди. Сабина Зеленскийнинг нафасини туйди. Бундай нафаслардан қўпини туйган. Аммо ҳозир уни ҳаяжон босди. Ҳаяжонига қўркув сабаб эди.

— Адашасиз, хоним, адашасиз. Фаттоҳ Норқулович шунчаки дам оляпти. Унга энг машхур шифокорлар қарашяпти. Қадрдонлар тўғрисида биз бош қотирмасак, ким қотиради?! Айтганча, сизнинг латофатингиз, гўзал табассумингиз ва ҳозиржавоблигингиз аслзодаларга хос. Аммо ўзингизни жудаям уринтириб қўйгансиз. Менимча, сиз олдин яхшилаб дам олишингиз ва келажагингиз тўғрисида бош қотиришингиз даркор. Ҳамма нарсангиз бор. Демак, ўша ҳамма нарсани жой-жойига қўйсангиз, баракали умр кечирасиз. Йўқса... Юринг, уйга кирамиз. Мен сизга ажойиб нарсаларни қўйиб бераман, — шундай деб Зеленский Сабинанинг бурнининг учгинасидан оҳиста ўпиб қўйди.

Видео деган нарса энди-энди «бўй қўрсата» бошлаган даврлар эди. Ҳали ҳаммада ҳам бунақангি матоҳ учрамасди. Айрим бойлар, амалдорлар бундай янгиликдан боҳабар эди. Зеленский учун эса умуман янгилик эмасди. Бундан роппа-роса ўн беш йил бурун Япониядан янгисини олиб келтирганди у. Ўшанда унга видеоаппарат қизиқ туолганди. Энди эса кўл силтайди.

У кассетани видеоаппаратга тиққанидан сўнг телевизорда ажиб манзаралар кўрина бошлади. Сабина ҳайрат билан зангори экранга тикилиб қолганди... Пиёнисталар, «тунги капалаклар», ўғрилар, қароқчилар ва ҳоказо-ҳоказолар қилмишларидан кейин алал-оқибат хорликка, зорликка мубтало бўлгани билан яқун топган фильм эди.

— Буларнинг ҳаммаси бой-бадавлат, катта-катта амал эгаси эди. Агар сен ҳам ҳозирданоқ тўғри йўлдан юрмасанг, бир кунмас-бир кун шу аҳволга тушасан, — деди

Зеленский ва «гаванна»сини лаблари орасига қистирди.

— Сиз менинг кимлигимни қаердан биласыз?

— Нега билмас эканман? Қаерда бир ҳўплам сув ичганинггача маълумотларим бор. Ҳўш, нега мен сен учун бунчалик жон куйдиряпман?

— Адам билан үртоказынгиз үчүн.

— Кичкина сабаби щу. Каттаси сенинг ўзинг.

— Түщүнмадым?!

— Түшүниб оларсан...

Зеленский Сабинанинг елкасидан қучди. Қизнинг ғаши келди. Эҳтимол, келмасди, агарда Зеленскийдан ачқим-тил ҳид келиб турмаганида. Ўзи шундоқ ҳам қиз бечора-тишини-тишига босиб, унинг ёнида ўтирганди. Энди бу ярамас ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ уни қулоқлаяпти. Эр-какдан келаётган бадбўйлик унга ўтириб қолса, кейин Сабина бошқатдан чўмилиши, бошқа кийимларини кийиши керак. У секингина молия вазирининг кўлини елка-сидан олди. Сабабини Зеленский дарров тушунди. Ўлибди-ми тушунмай, ахир қанча одам унинг сассиқлигини юзига солган. Албатта, ёшлигига. Кейинроқ бирор айтмай қўйди. Кўрқади айтишга. Айтса, Павел ўша одамнинг терисини шилиб олади. Аммо шунга қарамай билинар-билинмас бурнини жийиргандарга кўп бора гувоҳи бўлган эди.... Шўринг қурфур бунақанги бадбўйликдан қутулиш учун нималар қилмади? Қанчадан-қанча дўхтирларга учрашма-ди? Нималарни баданига суртмади? Қанақанги дориларни ичмади? Бироқ ҳеч нарса ёрдам бермади. Ўзига билиммайди. Лекин кимдир ёнига яқинлашди дегунча, у ўзини олиб қочади ёки сухбат тамом бўлгунича зўрга чидаб туради. Бир марта шахсан Брежневнинг ўзи «Агар сен мана шунақанги сасимаганингда эди, эҳтимол, менинг ўрнимни эгаллардинг», деган. Ўшанда ер ёрилмаган-у, Зеленский кириб кетмаган. Хўш, у қандай қилиб молия вазири бўлди дер-сиз? Ҳақ савол. У ниҳоятда ақлли. Айтмоқчи бўлган гапин-гизни олдиндан билиб туради. Математикани сув қилиб ичиб юборган. Хоҳлаган пайти истаган нарсангизни сўранг, бир лаҳзада жавоб қайтаради. Яна қандай қилиб, қаердан қанча пул топиш мумкинлигини унингчалик биладиган одамни бутун бошли иттифоқдан тополмайсиз. Ён-атро-фида ишлайдиганлар Зеленскийни «Шайтон наслидан»,

дайишади. Эҳтимол, улар ҳақдир... Дарвоқе, тараладиган бадбўй ҳид сабаб шу пайтгача бечора уйланолгани йўқ. Ичириб, хушидан айириб қанчадан-қанчасини тўшагида «меҳмон» қилган. Бирортаси кейинчалик мен билан бир умрга қолса керак, деб ўйлаган. Бироқ ҳаммаси ўзига келиши билан секингина жуфтакни ростлаган.

Ольга... Сарвқомат, гўзалликда тенгсиз Оляни Зеленский жуда қаттиқ севиб қолганди. Бироқ у ҳам бир тундан нарига ўтмади. Шунда аламига чидолмаган Павел бечора қизни ўлдиртириб юборди. Яхудий қавмидан эканлигига ҳам қараб ўтирамади. Худди иккинчи жаҳон уруши даврида американлик бой-бадавлат яхудийлар европалик қавмдошлиаридан кечганларидаи. Бўлмаса, Гитлерга истаганча олтин бериб сотиб олишлари мумкин эди. Бироқ ундаи қилишмади. Қўйиб беришди. «Майли, камайтирсин, барibir, ҳаммани қириб ташлолмайди. Биз бутун дунёга тарқалиб кетганмиз. Ҳамма жойдаги асосий банклар қўлимида. Дунёнинг бойликларини ўйнатамиз. Лекин ҳаддан зиёд кўпайиб кетсақ, мол-давлатга талашиб қолишимиз мумкин. Бир-биримизни қиргандан кўра, бошқа бирор озгини сийраклатиб қўйса яхши бўлади. Яхшигина сараланганимиздан кейин Адольфжоннинг ўпкачасини ўзимиз босиб қўямиз. Яна ундан, ундан бўлмаса боласидан, боласининг боласидан товон пули ундирамиз. Етти-саккиз миллиард доллар. Ҳарна, лекин у биз учун чойчақа», дейишиди. Шундоқ экан, битта Оля нима деган гап. Чиройли бўлса, ақлли бўлса, тирик қолганида олтин-кумушни обдан йифадиган яна битта яхудийни дунёга келтирса — ўзига. Қочдими, умуман қочсин. Кўзимга кўринмасин, деди.

— Ёшлигим-чи? — деди Зеленскийнинг хаёлларидаан бехабар Сабина. — Ёшлигим нима бўлади? Мен ўйнаб-кулмоқчи эдим.

— Ўйнаб-кулишинг икки пул. Қариб-чуриганингдан кейин сенга ит ҳам қарамайди. Мана шуниси аниқ, — деб Павел ўрнидан турди.

— Қариш ниятим йўқ. Ўттизга кирсам бўлди. Майли ундан сал кўпроқ яшашга ҳам розиман. Ундан кейин нима қиласман бекорга бош оғритиб?

— Ҳаёт сенга майнабозчилик бўлиб қолдими?

— Йўқ, энди, барибир...

— Дунёни кўрганингдан кейин мингга киришни истаб қоласан. Айниқса, чет эл банкларида миллиард-миллиард пулинг бўлса, — деди Зеленский ва бирдан соатига қарди, — менинг йиғилишим бор. Қолган гапларни кейин гаплашамиз. Айтганча, идишларда, буюмларда ҳеч қанақанги айб йўқ.

Сабина бурнини жийириб қўйди ва «хайр» дегандек қўлини силтади.

— Тавба, — деди Зеленский қорасини ўчирганидан сўнг қиз, — бу уйда бошқалар ҳам борми ёки вазир ёлғиз ўзими? Ҳар қалай, ташқарида унинг ўзи нонушта тайёрламаган бўлса керак. Хизматчиси бордир. Аммо менга, барibir. Бу айёр тулки қандай бўлмасин менинг жомадонимдаги бойликларни ўзиники қилиб олмоқчи... Йўқ, ундаи эмас, жомадондагилар унга камлик қилиб турибди. Кўпини хоҳляяпти. Адажонимнинг йиққан-терғанларининг барисига эга чиқмоқчи... Чучварани хом санабсиз, вазир жаноблари. Мен сиз ўйлаган анойилардан эмасман. Мени унчамунча нарса билан алдаб ёки қўрқитиб бўлмайди. Керак бўлса, ўша мендан тортиб олганларингни ўн ҳисса қилиб қайтариб оламан. Сени ўлдираман. Ўз қўлинг билан!

У кейинги гапларини бирор эшитмаслиги учун секин гапидри.

\* \* \*

Хурсанд Хидирович телба мисоли юрарди. Ўз пуштика-маридан бўлган бола шундай деса-я! Қандай чидаш мумкин?.. Пулининг саноги йўқ. Одамлар орасида обрўси зўр. Кўрган икки букилиб салом беради. Лекин бу ёқдаги аҳвол... «Падарқусур, шу одам дунёга келишимга сабабчи бўлган, бир парчалигимдан боқиб катта қилган, демаса-я... Йўқ, бунинг чорасини кўришим керак. Агар бу ҳайвон шу тахлит кетадиган бўлса, бир куни келиб савалашдан ҳам қайтмайди. Ярамас хотин ҳам келай демайди. Тарапабедод қилиб юрибди. Ҳар сафар келмайсанми, деса тўқсон тўққизта баҳонани қаторлаштириб ташлайди. Ҳали уларга дунё миқёсида мажлис бўлади. Манаман деган профессорлар, «Нобел»ни қўлга киритганлар қатнашадиган йиғилиш. Бунақа йиғилиш бошقا бўлмаслиги мумкин. У шундай даҳоларни кўролмасдан ўтиб кетади... Дам олиши керак, жудаям чарчаган. Бутун дунё камбағалларини қутқариш қурултойи.

Табиатни ўрганиш, бойлар бойликларини қандай асрashaди — алламбало маърузалар...»

— Мен-чи?! — дея беихтиёр бақириб юборди Хурсанд Хидирович. — Мен ердан чиққан кўзиқоринманми?! Ўғлинг дафдағага ўтган, ўзинг ким билади, қандай ифлосликлар билан шуғулланиб юрибсан? Мен бўлсам бу ёқда ўз ёғимга қоврилиб ётибман!

Унинг бақирганини эшитган оқсоч югуриб келди-да, қалтираганча қўлларини кўксига қўйиб:

— Бирор нима олиб келиб берайми? — деб сўради.

— Ха. Тўппа-тўғри. Келтир. Заҳар келтир! Шундай заҳар келтирки, мен уни қўлимга олишим билан тап тортмай ўрай. Ўлаётганимни сезмай! Сен ҳам сезма. Бирдан кўз олдим қоронғилашсин, ерга қулай. Лекин қуласам-да, бирор жойим шикастланганини ҳис қилмай. Тушуняпсанми? Ҳаммаси яшин тезлигига бўлсин! Оғриқ йўқ, ўйлаш йўқ — умуман ҳеч нарса йўқ. Бари бир лаҳзада йўқолсин!

— Хўжайн, мени кўркитиб юбордингиз. Менимча, кўп ичганингиздан бўлса керак. Анча вақтдан бери тинимсиз ичяпсиз.

Хурсанд Хидирович ҳиринглаб қулди ва оқсоchnинг елкасига қўлини қўйганча деди:

— Кўрдингми, сен мен ҳақимда қайтуряпсан, лекин яқинларим!.. Болам, хотиним!.. Бирортаси келиб ҳолинг қандай, демайди. Мен бундай мартабага, бундай бойликка шунинг учун эришганмидим?.. Сен ухла, деяпсан. Қандай қилиб ухлайман?! Ёстиқقا бошимни қўйишим билан нафасим сиқади, миямдаги ўйлар гирибонимдан олади. Ҳўш, шундай аҳволда одам ухлай олиши мумкинми? Уфф-ф!.. Яхшиси, зормандадан яна олиб чиқ. Ёнимда ўтири, мен ичаман, сенга дардимни тўкиб сочаман. Эшитасан. Сенга илгаридан қойил қолиб келаман. Биласанми нега? Сен эшитишни биласан. Дардга малҳам бўлишни биласан... Энди бор, тезлаштириб айтганимни.

Хурсанд Хидирович ҳалинчакка ўтириди-да, чўнтагидан тутатқи олди. Осмонга қараб бир неча марта чукур-чукур нафас олди. Бу орада оқсоч у буюрган нарсани газаги билан келтириб столнинг устига қўйди.

— Нега қадаҳ битта? — дея сўради қаншарини қашлаган Хурсанд Хидирович.

— Чунки...

— Чункига ўрин йўқ. Яна битта олиб кел. Бугун менинг улфатим бўласан. Бугун сенга эркинлик бердим. Хоҳлаган гапингни бемалол гапирасан. Яна камчиликларимни рўйрост, бор бўйича юзимга айтасан. Агар финг десам, тил тортмай ўлайин. Қани энди олдингда турганни битта «оқлаб» қўй.

Оқсоч шу пайтгача ичмаганми — ичган. Керак бўлса ҳар куни ичган. Ўша энг зўрларининг ҳаммасидан татиб кўрган. Яна баъзан фирт масти бўлгунча «тортган». Аммо буни бирор билмайди. Чунки у бирорвага кўрсатмайди. Ҳамма ухлаганида ёки уйда ҳеч ким бўлмаганида, ё ота-ўғилларнинг ўzlари «қотиб» қолишганида, у ҳам оёғини деворга тираб обдан «шимиған». Шунинг учун ҳам эркинлик берилганига ишончи комил бўлгач, бир кўтаришда қадаҳдагини бир томчи ҳам қолдирмади.

— Ў-ў, зўрсан-ку! — дея иржайди Хурсанд Хидирович.

— Сизнинг дилингиз ёришиши, юзингизга табассум югуриши учун керак булса, шишиаси билан ютасан десангиз, уни ҳам киласман, — деди оқсоч ҳозиржавоблик билан.

Хурсанд Хидировичнинг юзидағи табассум бирдан ўйқолди.

— Раҳмат. Минг раҳмат сенга. Рўпарамда ўтирма. Ёнимга ўтири. Мен сени қучоқлаб ўтирай. Бирор кўрса, ёмон хаёлга боради деб ўйлама. Бир тийин. Хотиним келса ҳам, унинг ўғли кўрса ҳам, мен учун бир тийин.

Оқсоч бу сафар ҳам ўзини тарозига солмади. Чаққонлик билан ўрнидан туриб Хурсанд Хидировичнинг ёнгинасидан жой олди ва шу заҳоти унинг елкасига Хурсанд Хидирович оғир қўлинни ташлаб, оқсочнинг қадаҳини тўлдирди.

Иккиси ҳам бир кўтаришда қадаҳини бўшатди. Шундан кейин Хурсанд Хидирович эзмаланганча ёшлиги, амалларга поғонама-поғона кўтарилгани ва кейинги воқеаларни гапиришга тушди.

Улар ора-чора томоқларини «ҳўллаб» кўйишарди. Шу билан ҳам иккисининг кайфи ошиб қолди. Табиийки, Хурсанд Хидирович ҳикоясини охиригача етказолмади. Унга нисбатан бир мунча тетик бўлган оқсоч дарров хўжайнини-

нинг қўлтиғига кирди. Ўрнидан туришига, ётоқقا киришига ёрдамлашди. Кейин кийимларининг ҳаммасини ечди. Хурсанд Хидирович онадан тугилган аҳволга келди. Сўнг ўзи ҳам шундай бўлиб олди. «Майли-да, бир кун минг кун бўлармиди? — деди. — Дарёда сув бўлмаса-да, захи бор. Ҳарна зах тегса қизиган, чанқаган танант о-о-озгина, нимним яйрайди...»

Оқсоч тонг саҳар ўзининг жойига чиқиб кетди.

Соат ўнларга яқин уйғонган Хурсанд Хидирович устида мутлақо ҳеч нарса йўқлигини кўриб қўрқиб кетди. Бирдан хаёлига «Наҳотки бир жойларга олиб бориб ечинтириб кетишган бўлишса», деган ўй келиб шифтга қаради. Ўзининг уйи. «Оббо, — деди бошини сарак-сарак қилиб, — кеча ҳаддимдан ошиб кетибман. Бу ётишимни бирор кўрса борми?.. Анави оқсоchnинг аллақачон қўзи тушган бўлса керак. Тўгри, хизматкорим. Лекин, барибир, бирорвга бундай кўриниш одамга ёмон таъсир қиласи.

У шоша-пиша калта иштонини кийиб ҳаммомга югурди. Чўмиләтиб «Оқсочга ёпишган бўлсам-а», деган ўй келди хаёлига. Эслади уни ёнига ўтқазганини. Бундан-бу ёфи эса умуман хотирасида йўқ.

Ошхонада нонушта тайёр экан. Шундан билдики, оқсоч кетиб қолмаган. Ичи куйиб кетаётганди. Музлаткичдан бир коса муздай қатиқ олиб сипқорди. Кейин бориб стулга ўтирган эди, салом берганча оқсоч кириб келди. Хурсанд Хидирович бирдан унинг юзига қаради. Хафачилик аломатларини кўрмади. Қайтанга хизматкор жилмайгандай эди.

— Кеча ҳаддимиздан ошиб кетибмиз-ку, — деди Хурсанд Хидирович.

— Бўлиб туради. Ҳечкиси йук, — дея жавоб берди оқсоч.

— Бу... бирор келмадими?

— Йўқ.

— Арслон-чи?

— У ҳам бирор жойда ўртоқлари билан ушланиб қолгандир.

— Ҳмм. Ҳалигидай ётоқقا кирмадингми?

— Кирдим.

— Эй-й, нега кирдинг?

— Ўзингиз кўймадингиз, хўжайин. Кейин юришга кийналдингиз, шунга ёрдамлашдим.

- Кийимларим...
- Мен ечдим.
- Нега?
- Ўзингиз буюрдингиз.
- Кўнглингга оғир олдингми?
- Йук.
- Нега?
- Чунки ёнингизда буёлишим керак.
- Лекин...
- Ҳар кандай шароитда ҳам.
- Бемазагарчилик қилмадимми?
- Йўқ. Ҳозир сизга каҳва дамлаб бераман.
- Ҳмм, яхши.

Хурсанд Хидирович қаҳвани иссиқ-иссиқ ичди. Қовурилган тухумга эса қўлини ҳам урмади. Оқсоқ кўп илтимос қилди. «Озгина есангиз, кечаги салгина босилади», деди. Лекин, барибир, Хурсанд Хидирович унамади. Боз устига телефон жиринглаб қолди. Оқсоқ чақонлик билан бориб гўшакни кўтариб қулоғига тутди ва «алло» дейишга улгурмасидан. «Хужайка»сининг (у Хурсанд Хидировичнинг хотинини шундай деб чақиради) ёқимсиз (унинг учун, албатта) таниш овози келди. Хизматкор аёл шоша-пиша салом берди-да, бошини қимиirlатиб:

- Ҳа. Ҳа, ҳозир, — деб Хурсанд Хидировичга юзланди.
- Ким? — деди Хамелеон.
- Ҳоним!..

Хурсанд Хидировичнинг бирдан башараси буришди. У тишини-тишига босиб столга таянганча оғриниб турди ва келиб гўшакни оқсоchnинг қўлидан олиб қулоғига қўйиши билан хотинининг қиқирлаганча:

- Шошманг, жоним, шошманг. Эрим билан гаплашиб олай, — деган овози келди.
- Ни-ма?! Жоним?! — дея бирдан бақириб юборди Хурсанд Хидирович.

Бирдан унинг бошида жуда қаттиқ оғриқ турди. Кўзи тина бошлади. У хотинининг гапларини эшитмади. Чунки қўлидан гўшак тушиб кетганди.

\* \* \*

Комил эртаси куни ўзига келди. Боши тегирмон тошидан ҳам оғир эди. «Имм», деди ётган жойида. Бирор унинг

инграшига жавоб бермади. Бермасди ҳам. Биринчидан, ҳеч ким эшитмасди. Онаси — Роза ҳовлида эди. Писта чақиб ўтиради. Ўй-хаёли Неъмат билан бирга кетган Сабинада эди. «Қандай қиласкан, нима қиласкан? Тўғри, ҳаммаси гаплашилган. Омон-эсон етиб бориши кундай равшан. Лекин кейин нима қиласди? Бойлик бошини айлантириб қўймайдими, ҳар хил ортиқча қилиқларни қилиб қўймайдими?.. Тавба, аллақачон етиб олган бўлса, битта қўнғироқ қилиб қўйиш шунчалик қийинми? Шунга айтсалар керак-да, «Онанинг қўнгли болада, боланики далада», деб. Уфф! Лекин Неъмат яхши одам. Ишончли. Шуниси салпал қўнглимни хотиржам қиласди... Аммо шу Сабина ҳам акасига ўхшаб маишатни хуш кўрувчилардан. Бунисига ўзимиз сабабчимиз. Эркаладик. Нимани хоҳлашса, ҳаммасини муҳайё қилдик. Мендан ҳам баттар адаси. Кийимларини импорт қилиб ташлади. Комилга ёши етмаса ҳам машина олиб берди. Икки-уч марта авария қиласа ҳам миқ этмади. «Ёшлиқда нималар бўлмайди», деб ҳамманинг оғзини ёпди». Кейин Комил умуман ўзидан кетиб қолди. Отаси уни нақ беш марта қамоқдан олиб қолди. Барибир, ўғлига бу нарсалар таъсир қилмади. Кунини маишат билан бошлаб маишат билан тутгатади. Бу ёғи «дори»га «ўтириб» қолди. Шундан кейин Роза ҳам, эри ҳам қўлинини ювиб қўлтиқقا урди. Нима қиласа, шуни қилсан — ўлмаса бўлди, дейишиди ва бор эътиборларини Сабинага қаратишиди. Чунки Сабина акасига ўхшаб содда, гўл эмасди. Фойда-зиённи биладиганлар, ўзининг ҳақи учун тиришиб-тирмашадиганлар хилидан бўлиб чиқди у.

Комил соchlарини фижимлаб яна бир марта инграб кўрди. Кейин қулоқ тутди. Бирор жавоб бермади.

Шунда секин ўрнидан туриб ўтирди-да:

— Бу уйда бирор мени бир тийинга олмайди-и-и-и!!!  
Уйдаги итнинг ҳам обрўси меникидан баланд!!! — дея жони борича бақирди.

Ана шунда Розага ўғлининг бақиргани эшитилди. Пешонаси тиришиди. Бир пайтлар унга Комил деб исм қўйишган эди. Комил инсон бўлсин дейишганди. Адаси «Мендан ўтиб кетсин», деганди. Лекин ҳар ким ҳам исмига монанд одам бўлавермас экан.

Роза тугруқхона деразасидан қараб, Фаттоҳ акасига (у

пайтлари қуруққина Фаттоҳ aka әди. Кейин Фаттоҳ Норқ-улович бўлди. Фаттоҳнинг биттагина жинси шими бор әди. Уйга ҳам, тўйга ҳам шуни киярди. Ўқишни энди битирганди. Сочи елкасига тушарди. Қизил чипор кўйлагининг ёқаси кенг әди) ўғилчасини кўрсатганди ва:

— Ўғил! Ўғил! — деганди ҳаяжондан кўзларига ёш олиб.

Фаттоҳ акаси рақсга тушганди. «Там, там, там, там, там!!!»

— Мен ота бўлд-и-и-м!!! Ўфи-и-и-л!!!

Роза томоғини уқаларкан: «Бечора, бечорагина беш-олти йилгина хурсанд бўлиб юрди. Кейин қарасаки, ўелининг унча-мунча нарсага укуви йўқдай. Анчагина эринчоқдай. Эркалиги кўпроқдай. Эркалатмайман, деди. Лекин бўлмади. Биттагина ўғил бўлгани учун эркалайверди. Бу ёғига уйда кам бўларди. Гдлян келди. Иванов келди. Иккисининг ҳам қўлида ўзи кесар қиличи бор. Сермамаса ҳам исталган бошини олиб кетаверади. Эҳтиёт бўлиши керак әди. Қолаверса, пул, мол-дунё дегани «оқиб» келарди. Уни ҳисоблаш, яшириш, сарфлаш керак әди... Бу ёғига Комилжон ҳам улғаяверди. Янги ва янги хилма-хил қилиқлар чиқара-верди. «Охири, мана», дея хаёлидан ўтказди. Хаёл билан бўлиб Комилнинг кейинги бақиришини эшитмади. Комил эса амаллаб ўрнидан турган, деворга суяна-суяна эшик ёнига келган ва калласини чиқазган әди.

— Мени ўлдиринг, ойи! — деди у қўпол, дағал овозда.

Роза газаб билан ўғли томонга қаради-да, бақирди:

— Мени ташвишга қўймасдан ўзинг ўлиб қўяверсанг бўлмайдими-и-и-и, ит?!

— Хе, хе, хе! Ойи, мен ит бўлсам, адам қайси ҳайвон! Сиз-чи?! Ха, ха, ха!!!

— Ўзинг билиб олавер.

— Ойи, калламни қотирманг, ундан кўра бирор нима беринг, — деди Комил ялинчоқ овозда.

— Бирор нима? Кўнглинг нима тусайди, айт-чи, болажоним?

— Чекадиган бирор нима беринг. Бор-ку. Адам ўртоқла-рига доим олиб қўярдилар-ку.

— Вой! Вой! Сен боладан кутуламанми-йўқми? Нима деганинг бу? Сигарета чекасанми? Бўлди, ҳозир бераман!

— Ўзимда ҳам бор ундан. Бошим бўлиниб кетяпти. Бир

сафар бериб туринг. Кейин умуман ташлайман. Умуман оғзимга олмайман! Жуда жмотлик қиласверманг. Сабинаға нима бўлса ҳаммасини ортиғи билан берасиз-ку. Нега менга бермайсиз? Мен ўгайманми?!

— Балки. Туғруқхонада адашиб кетган бўлсанг керак. Атайлабдан адаштиришгандир. Бирорта гиёҳванднинг боласини бериб юборишгандир. Менинг ўғлим ҳозир қаердадир ка-а-атта одам бўлиб кетгандир!

Комилнинг кўзи олайди. Нафас олиши тезлашди. Оёқлари титрай бошлади. Худди шу маҳал Роза ўғли тарафга қаради. Кўрқиб кетди. Ўғли қандайдир йиртқичга айланиб қолганга ўхшарди.

— Эй-й, — деди аёл бирдан иржайиб, — эсимга тушиб қолди, ҳозир олиб келаман. Сен шу жойингда туриб тур. Йўқ, ўтириб ол. Йиқилиб тушасан.

— Тезроқ! Тезроқ!

Розанинг гаплари ўғлига таъсир қилган, умид учқунларини уйғотган эди.

Роза ошхонага югуриб кирди. Бир шиша ичкиликни олди. Пиёла, газак олди... Комил онасининг қўлидаги нарсаларни кўриб бақириб юборди:

— Мен шуни сўрадимми?!

— Ҳозирча, ҳозирча шу билан алдаб тур. Унгача мен чопқиллаб бориб айтганингни топиб келтираман. Манзилини айтсанг бўлди. Бирдан бир ойга етгулигини сотовламан. Сен ҳозирча шу билан бирор нима қилиб тур, хўпми, болажоним!

— Эй-й, адам ўртоқларига берганини ўз кўзим билан кўрганман-ку!

— Сабил, тугатишган экан-да. Ёки бир гўрга тиқиб кетган-у, мен тополмадим. Майли, униси ҳам топилиб қолар, сен телефон рақамини бер. Кимда борлигини биласан-ку.

Комил онасининг қўлидаги шишани тортиб олди ва қулқуллатиб ича бошлади. Уни яримлатгач, лабини қўлининг орқаси билан асабийлашиб артди-да, бир бўлак колбасини оғзига солиб гўлдиради:

— Эсимга келмаяпти.

Розанинг ичидаги қувонч пайдо бўлди. Ахир унинг ёдига тушмаётгани қандай яхши. Комилнинг қорни оч. Кечадан бери туз тотмаган. Бундан чиқди, ярим шиша ичимлик

уни ҳали-замон ҳушидан айиради. Яна у қотиб ухлаб қолади. Уйғонгунча бирор нима ўйлаб топилади.

Комил ўтирган жойида тебранишга тушди. Розанинг қувончи яна ошди. Ахир шуни кутиб турганди-ку.

— Яна ич, болажоним, — деди у.

— Хе, хе, хе. Ич дейсизми? Ёмон... Ё-м-м-о-о-н тулкисиз-да, а? Қотиб қолишимни хоҳляяпсиз-да. Аммо-лекин айтганингизни... Оғир-да. Ҳалиги нимайди...

У гапини охиригача етказолмай бошини эгиб ўқиди. Яна ўқиди. Сүнг қайт қила бошлади. Буни кўрган Роза яна ошхонага югурди. Чойнакни шоша-пиша сувга тўлдирди. Сочиқни олди. Қайтиб чиқди ва бирдан тўхтади. Кўзлари олайиб кетди. Чунки Комил расво бўлиб ётарди.

— Бола бўлмай, ҳар бало бўл!!!

У алам билан ўғлини ҳовлининг ўртасигача судраб келди. Сүнг кранни очди-да, шланг билан унинг устидан сув қуиди. Комил худди илондай тўлғонарди. Бироқ ўрнидан туролмасди. Бунга Роза баттар асабийлашар ва қарғарди.

У синглиси дарвозадан кириб келиб, кўлидаги шлангни тортиб олмагунча мана шундай қарғанаверди.

— Опа, нима бало қиляпсиз? — деди калта сочли синглиси.

Уни кўрган Роза йиглаб юборди.

— Куйиб кетдим, Мади! Куйиб кетдим бу ҳўқизнинг дастидан! — деди ва ўзини синглисининг устига отди.

Сингил опасини маҳкам қучоқлади-да:

— Тсс, ўзингизни босинг. Ҳаммаси зўр бўлади. Бир аҳмоқлик қилгандир-да, — дея уни юпатмоққа уринди.

— Қани эди, бир марта бўлса. Тамом. Оғуга ўтириб қолди. Сен унинг кўзини кўрганингда эди. Мени ғажимоқчи бўлди у. Опангдан айрилиб қолишингга оз қолди, Мади!!!

— Чорасини топамиз. Бундан баттарлар тузалишган. Ҳозир тузатиб юборишиади.

Шундан сўнг опа-сингил Комилни ечинтириб, обдан чўмилтиришди. Сўнг иккиси икки қанотига кириб, уйга киргазиши-да, ётқизиши. Комилнинг кўзи орқасига «битиб» қолганди. Устидан шунча сув қуиши. Артиши. Бироқ у ўзига келмади.

— Тавба, — деди Роза ошхонага киришганидан сўнг, — ўлиб қолганга ўхшайди-я. Ишқилиб, тирикмикин?

— Опа, нималар деяпсиз? Ёш нарса ароқقا ўлиб қолмайди. Аммо анавининг дозасини қўпайтириб юборганида, балки ҳақиқатан ҳам, жон таслим қиласмиди? Менга қаранг, қўйинг шуни, сиз ҳам сал-пал ўзингизга қаранг. Илгари мен модани факат сиздан ўрганардим. Энди бўлса ҳаттоки пардоз ҳам қилмай қўйибсиз.

— Эй-й, охирги пайтлари ўлишгаям вақтим йўқ. Бир ёқдан поччангнинг аҳволи чатоқ. Иккинчи томондан Сабинани Москвага жўнатдим. Учинчисини, мана, ўзинг кўриб турибсан. Адои тамом бўлдим ҳисоб.

— Поччамни ҳалиям қўйиб юборишмадими? Москвада танишлари кўп. Бирор бир нарса қилолмайди дегандиниз-ку.

— Шундай эди. Билмадим, нима жин урди. Замонниям кўрмайсанми? Бугунги гап эртага тўғри келмайди.

— Бир кун-икки кунни айтманг, биринчи соат билан иккинчиси бир-бирига мос келмай туриби ҳозир... Менга қаранг, Сабина қизингизми? Оти бошқача эди, шекилли.

— Ха, тўғри. Лекин ўзгартиришимизга тўғри келиб қолди. Поччанг шундай қилди. Мол-мулкимизни хатлаб қолишлиари мумкин экан. Шунга унинг исм-фамилиясини ўзгартириб, кўп нарсамизни унинг номига ўтказиб қўймоқчимиз.

— Опа, менимча, унинг битта ўзининг номи камлик қиласди-ёв. Чунки сизларнинг бойликларингиз ҳаддан зиёд кўп-да.

— Нима қиласми, бошқа чорамиз йўқ. Ҳозир бировга ишониб бўлармиди?

— Мана, мендай синглингиз бор-ку. Кейин яна Бунёддай укангиз ҳам бор. Бегонамизми сизга? Бизга ишонмасангиз, кимга ишонасиз? Поччамнинг анави сўлиқдан-сўлиқ укаларигами? Биттаси ўзича профессор бўлиб олган. Мирқуруқ. Бир марта-чи, ўшаниси мени айлантироқчи бўлган. Қарасам, чўнтагида хемирисиам йўқ. Бор, тошингни тер, дедим.

— Яхши қилибсан. У хотинига бирор нима қилолмайди-ю... Лекин-чи, студентлардан роса йифаркан. Поччанг бир марта шундай дегандай бўлганди... Аммо сен бу ёғини қўйиб тур, жиянингни нима қиласми?! Бу туришида у мени бир куни тириклиайн кўмади.

— Шунга ҳам бошингизни қотириб ўтирибсизми? Ана қасалхонага топширинг. Бир ойга қолмай ўзлари отдай қилиб юборишади. Аммо аччиқ бўлса ҳам айтиб қўяй, шунингизни ҳаддан зиёд эркалатиб юборгансиз.

— Мен эмас, поччанг қилган. Дўхтирлардан танишинг борми?

— Бор.

— Унда мен тўрт-беш сўмини бераман, ими-жимида ўзинг шуни ётқиз.

— Қизиқсиз-а, опа, мен нима дейман?!

— Танишим де, қариндошим де. Эримнинг уруғидан де. Лекин менинг ёки поччангнинг номини бир жойдаям тилга олма.

— Вой, вой, сиз чеккада оппоқ бўлиб қолаверасиз-а.

— Сенинг ҳам ҳақингни бераман, сира ўйланма. Ундан кейин пулларнинг бир қисмини ўзинг яширасан. Вақтинчага.

Мадинанинг кўзи бирдан ёнди. Юзида табассум пайдо бўлди. Кулгичлари ўзини кўз-кўз қилди.

— Агар шунаقا бўлса, бошқа иложим йўқ. Гап пулда эмас, гап жигарчиликда, опагинам.

Роза чуқур хўрсинди ва ўрнидан турди-да, чойнакнинг тагига олов ёқди. Сўнг синглисига қараб:

— Дам олишга кетишим керак. Сочига бормоқчиман. Шериклик қилмайсанми? — деди.

— Биласиз-ку мени, опа. Кўлим қисқароқ. Адажоним дуч келган одамга эрга бериб юбораверганлар. Поччамни эса роса синааб кўрганлигини биламан.

— Нолима, эринг яхши одам. Менга қара, бор, жияннингдан хабар олиб кел, унгача мен қаҳва дамлаб қўяман. Мен гарчи ўғлим бўлса ҳам унга қарашга сабрим етмайди. Бўғиб ўлдириб қўяман.

— Хўп. Лекин бу гапингизни бошқа бирор эшиитмасин.

Мадина ошхонадан чиқиб кетди. Роза эса стулга ўтириди-да, пешонасига қўлинни тиради. Орадан икки дақиқа ҳам ўтмади. Мадинанинг:

— Оп-а-а-а!!! — деган қичқириғи бутун уйни ларзага келтиргандай бўлди.

\* \* \*

Ҳамма келди. Энг аввал Миразиз. У негадир қуруққина

кўришди. Бир нимадан сиқилиб турибди, шекилли, стулга ўтири-ю, иягига қўлини тираб деразага қараб олди. Кейин Абдували, Соли, Абдулатиф олдинма-кетин киришди. Бирортасининг ҳам кайфияти йўқ, бунинг сабаби Ёдгорнинг Арслон томонидан калтакланиши эди.

— Олдиндан узр сўрайман, ёш бўлиб сизларни шу ерга чақиришга мажбур бўлдим. Лекин бошқа иложим ҳам йўқ. Маслаҳатингизга муҳтож бўлиб турибман. Мен Арслон билан умуман кўришмоқчи эмасдим. Лекин у учрашув жойини тайин қилди. Бу ҳам камдай Ёдгор амакимни чалажон ҳолга келтирди. Яна жим турадиган бўлсам, бутунлай устимизга чиқиб оладиган шашти бор.

— Фақат чиқибгина қолмайди, — деб Фирдавснинг гапини бўлди Абдували, — бошқа ишларини ҳам қилиб ташлайди.

— Биз сенга Фаррухга ишонгандай ишонгандик. Сен бўлсанг манави ошхонага қамалиб олдинг. Онаси ўлган битта сен эмассан. Дунёнинг ишлари шунаقا, кимдир юзга кирса ҳам қилт этмай юради. Яна кимдир ўн саккиз ёшга ҳам етмайди. Онангнинг пешонасида ёш кетиш бор экан, биз нима ҳам қила олардик. Қолаверса, отанг ундан ҳам олдин кетган, — деда Соли Абдулатифга қараб қўйди.

— Минг бор узр. Менинг режам бутунлай бошқача эди. Кейин онамнинг йўқлигини кўтариш мен учун оғир бўлди... Майли, бу гапларни қўйиб турайлик. Мен ўша жойга бориб, Арслон билан кўришаман, — деди Фирдавс ҳаяжонини ичига ютиб.

— Бошқа йўли йўқ. Биз сенинг ёнингдамиз, — деди Абдували.

— Мен ҳаммадан аввал бораман, — деб бошини қашлаб қўйди Миразиз.

Ҳамма бирдан унга қаради.

— Лекин сиз бунақангги тўдалар ичida умуман юргансиз. Қандай ҳийлалар борлигини билмайсиз, — деда унга эътиroz билдириди Соли.

— Тўғри. Аммо ҳаммангдан аниқ отаман. Ҳар йили ўқ отишдан имтиҳон топширганман, доим бешга. Учрашув жойига олдинроқ бораман-да, бирор жойга яшириниб кутиб турман, агар Арслоннинг одамларидан бирортаси

сизларга билдиримасдан қурол ишлатмоқчи бўлса, мен ундан олдин ўзини тинчитаман.

— Амаки!..

Миразиз бирдан битта қўлини кўтариб Фирдавснинг гапини бўлди:

— Кўрқма, виждонимни ҳар қандай ҳолда ҳам покиза сақлайман. Аммо тўнғизни отган билан бирор айбдор бўлмайди. Тўнғиз иккита оёқда юрдими, тўрттасида юрдими — нима фарқи бор?

— Хўп, — деди ноилож қолган Фирдавс, — шу тўрт киши етамизми?

— Йўқ, менинг саккиз йигитим бор, шулардан иккита-си Баханинг одами.

— Керакмас улар, — деди шу заҳоти Фирдавс Абдувалига юзланиб, — ўша иккита керакмас. Панд бериши мумкин.

— Бунисини ўзим ҳам биламан. Лекин Баханинг жони чиқади. Арслон уларни кўриши билан фазабланиб, хаёли бузилади, чалғийди. Босим биз томонда бўлади, — деди Абдували.

— Мен ҳам қўшиламан, — дея Абдувалининг гапини маъқуллади Миразиз, — психологик ҳужум ҳаммасидан зўр.

— Унда келишдик, — деб Фирдавс йифилганларга бир-бир қараб чиқди.

Шу билан йиғилиш тугади. Энди ҳамма кетиши керак эди. Аммо Музаффар ошпаз қўймади.

— Туз тотмай кетманглар. Сиз каби одамлар ҳар куни ҳам менинг ошхонамга, — у Фирдавсга қараб олди-да, хатосини тўғрилаб гапини давом этказди, — бизнинг ошхонамизга киравермайди. Кабоб тайёр, шундай икки сихикки сих ейсизлар-у, кетасизлар.

Миразиз эрталабдан бери туз тотмаганди. Солининг ҳам қорни оч эди. Шунинг учун ундоғ-бундоғ деб ўтирумасдан алоҳида хонага киришди. Нафақат кабоб бор эди, балки озгина-озгинадан «олиб» мияни қиздириш имконияти ҳам яратилган экан.

Фирдавс улар билан бирга ўтирумай, бошқа хонага кирди. «Қорним тўқ, ҳеч нарса емасдан ёнларингда безрайиб ўтиргим келмаяпти», — деди. Ваҳоланки, у хаёlinи бир

жойга тўплаб олмоқчи эди. «Отам қатори одамларга ақл ўргатиб ҳаддимдан ошиб кетмаяпманми?» деган ўй бор эди хаёлида. Кейинги кунларининг режасини тушиб олмоқчи эди. Албатта, ўзи учун...

«Ёлғиз борманг. Тўппонча тугул, автоматнинг бир дона ҳам ўқини зиёнга кетказмасангиз-да, барибир, ёлғиз одам — ёлғиз одам. Сиз кутмаган нарсалар бўлиб кетиши мумкин», — дейишиб, Миразизнинг ёнига одам қўшишди.

Кейин қолганлар йўлга тушди.

Ваъда қилинган жойга етиб боришганда, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Бир муддат тургандаридан сўнг Миразиз келди ёнларига.

— Ҳамма ёқнинг ағдар-тўнтарини чиқариб ташладим. Бирорта ҳам одамни учратмадим. Бунинг ўрнига иккита тўнғиз юрганини қўрдим. Сал бўлмаса отиб ташлаёздим. Бу ярамаслар мендан олдин келишиб тўнғизга айланниб олишдими деб, ўладим, — деди у.

Ҳамма Миразизнинг гапига кулди.

— Ажабмас. Лекин ўхшашади, — деди Абдували.

Миразиз яна қайтиб кетди. Кутилган «меҳмонлар» эса нақ ярим соатдан сўнггина қўриниш берди. Бешта машинада. Шулардан иккитаси «Нива», Арслон «Газ-24»да эди. Кортежнинг ўртасидаги қора рангли машинада.

Унинг бундай фўдайиб келаётганини кўрган Фирдавснинг «одамлари» бир-бирига қараб жилмайиб қўйишли.

Кортеж бирор юз қадам нарида тўхтади. Табиийки, аввал Арслоннинг йигитлари машиналардан тушишди. Улардан бири бориб «Газ-24»нинг орқа эшигини очди. Арслон шошилмасдан ерга қадам қўйди. Сўнг чўнтағидаги тўппончани ушлаб қўйиб, Лидага қаради-да:

— Сен ҳам туш, — деди.

Аввал Баха йигитлари билан келиб:

— Хўжайнинларнинг ўзи гаплашишади. Ёнларида биттадан қўриқчиси бўлади. Бошқа ҳеч ким бўлмайди. Ҳаммамиз қуролланганмиз. Кимки ортиқча ҳаракат қилса, отиб ташлаймиз, — деди.

— Ҳов, ўпка, карилламасдан изингга қайтиб кетавер, биз «иши» қилиб юрганимизда сен боғчада орқангни булғаб ўтиргансан. Шундай экан, бир нарса-бир нарсаларни бизга ўргатма. Бор, айт хўжайнинингга, фўдаймасдан одамга

үхшаб келаверсин. Биз «ўтирадиганлар» хилиданмасмиз, — дея жавоб қилди Соли.

Баханинг эти жимиirlаб кетди. Қани энди, имкони бўлса-ю, бу қариянинг жафига бир мушт тушириб ерпарчин қилса. Аммо иложи йўқ. Шундай экан, аламини ичига ютишга мажбур.

Улар ортига қайтиб кетиши. Баха эшитганларини Арслонга айтди. Арслон арслонга айланиб, «ириллади». Паст овозда, роса паст кетиб сўкинди. «Фажийман, бурдалаб, гўштларини итларга едираман!» — деди сўкишларидан сўнг. Лида қараса, аҳвол чатоқ. Арслон бунақсанги ҳовлиқмалиги билан «қовун тушириб» қўйиши ҳеч гап эмас. Шу боис дарров унинг қўлини маҳкам ушлади-да, қулогига шивирлади:

— Оғирроқ бўл. Ҳисоб-китобни сал орқага ташла. Улар ҳаммаси учун жавоб беришади. Сен билан келишгандик...

Арслон шу ётишда қўёш чиққунича ухлади. Устозининг қўнғироғи бўлмаганида, ухлашда давом этарди.

Лида ошигининг бошини секин кўтариб тиззасидан олди-да, ёстиққа қўйди. Ўзи уйга кириб кетди. Унинг ҳам жони бор. У ҳам ухлаши керак одамга ўхшаб. Туни билан Арслоннинг башарасига тикилиб чиқолмайди-ку. Қолаверса, Арслоннинг қандай ухлаши — унинг учун икки пул. Ҳалиям ўзини хоқон санаётган бу жўжахўроз шукр қилсин, бошининг тагига Лида эринмасдан ёстиқ қўйди.

— Ўзим ҳам шундай сасиб ётганингни билардим! Ярамас, бугунги учрашувинг эсингдан чиқдими?! — деди Абрам овозини баландлатиб.

У иккинчи марта қўнғироқ қилганидан кейингина Лида зўрға ўрнидан турган, кўзларининг биттасини аранг очиб, телефоннинг ёнига келган ва гўшакни кўтарган эди.

— Ҷақир анави ифлосни! — дея Абрам бирдан бақириб юборди-ю, Лиданинг иккинчи кўзи ҳам очилиб кетди. Қиз ташқарига югурди. Арслонни турткилаб уйғотди.

— Бўл, тез! Устозинг қўнғироқ қиляпти. Асаби жойида эмас, — деди.

Арслон, ҳақиқатан ҳам, югурди. Абрам уни урмаган, сўкмаган. Қаттироқ дакки бергани рост. Лекин «changitib» сўкмаган. Аммо негадир Арслоннинг юрагини олиб қўйган.

Бошида юқоридаги каби гапларни эшитган Арслон кейин йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни қулогига қўйди. Ҳаммасига «Хўп бўлади», дея жавоб қайтарди.

У гўшакни кўйганида, пешонасини тер босган эди. Буни кўрган Лида енгил қадам ташлаб ёнига келди-да, хоқоннинг пешонасини елкасидаги оппоқ сочиқ билан артди. Сўнгра «Ўша одамнинг гапидан чиқма, Худо хоҳласа, ишларинг зўр бўлади. Мен доим ёнингда бўламан. Анави овсарларингнинг қўлидан бир иш келмайдиганга ўхшайди», — деди...

Ҳозир Лида ана шу гапларни назарда тутиб, «келишгани» лигини айтганди.

Аммо Фирдавс шундай бир иш қилдики, буни Арслон тугул, ўзининг йигитлари ҳам кутишмаганди.

Арслон кўришмоқ учун қўл чўзган эди, Фирдавс бирдан унинг гирибонидан олиб, бўғди. Рақибининг кўзлари чақчайди ва қўйнига қўлини тиқиб, тўппончасини олишга уринди. Бироқ уddaрай олмади. Фирдавс чаққонлик билан ундан олдин қуролни олиб қўйди. Арслоннинг йигитларидан Ўлмас ҳам тўппонча бор эди. Ўлмас отишга нўноқ, отолган тақдирида ҳам, ҳозир бунинг иложи йўқ. Чунки Фирдавсни Арслон ёпиб турибди.

— Агар яна бир марта менинг одамларимга қўлингни теккизадиган бўлсанг, бўйнингни юлиб оламан, тушундингми?!

Фирдавс паст, бироқ шиддат ва қаҳр билан сўзларди.

Ранги докадай оқарган Арслон бир нималар дегандай бўлиб, фўлдиради. Шундан кейингина Фирдавс унинг томогини қўйиб юборди.

Арслон бирдан энгашиб, бир неча марта ўқчиди. Юзига тезда қизиллик югорди. Сўнг қаддини ростлади. Унинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетган эди.

— Кўчанг, бозоринг, бошқа жойларинг — мен учун икки пул! Мен ҳаромга аралашмасликка қасам ичганман! Аммо билиб қўй, атрофимдагиларнинг бирортасини ҳам ранжитишига йўл қўймайман! — деди Фирдавс.

— Одам эмас экансан. Мен сен билан дўстлашиш учун келгандим, бошқа ҳеч қачон уришмаймиз, демоқчийдим, — дея томогини силади Арслон.

— Сен кимсан-у, дўстлигинг нима бўларди? Гап шу, агар меникиларга озгина тегиб ўтсанг ҳам ҳаётинг билан хайрлашавер!

— Бир марта кутилмагандага бўғганинг учун ўзингни осмон чоғлаяпсанми?

— Йўқ! Бу шунчаки огоҳлантириш!

— Бўпти, қўрамиз!

Иккиси ҳам ортига бурилди. Фирдавснинг кайфияти яхши эмасди. Сабаби, оддий. Ўзидан нимжон одамга жабр етказди. У ким бўлишидан қатъи назар ожиз эди. Фирдавс буни яхши биларди. Бироқ ўзини тутиб туролмади. Кўз ўнгигда Ёдгор амакисининг сиймоси пайдо бўлди. Кўкарган, шишган, шилинган юз, борлиги билинмай кетган кўз.

— Нима бўлди? — сўради Соли Фирдавс яқинига келиши билан.

— Кўрганларинг. Иккинчи марта у бизниклиарга тегинмайди. Тегинса, қўлини синдириб оламан. Манави, — дея у тўппончани Абдувалига узатди, — келишув бузилишининг илк кўриниши.

— Мараз, қурол билан чиқибдими ҳали? — деди Абдували тўппончани оларкан.

— Иш битди, кетдик.

— Гап бундай. Бундан бу ёғига «кўча»га бурилиб қарамаймиз. Ўғрилик, зўравонлик, бир нималарни бўйинга илиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳозир ошхонага борамиз. Кимда қанча бўлса, ўртага ташлайди. Сотиладиган нимаики бўлса, сотиб оламиз. Кейин мен яна битта спорт зални ҳам оламан. Уришадиган, ҳақимизни айириб берадиган йигитларни тайёрлаймиз у ерда. Шу! Бундан бу ёғига фақат савдо-сотиқ билан шуғулланамиз.

— Тинч иш, — деди яширган жойидан чиқиб келган Миразиз Фирдавснинг гапларини маъқул топиб, — ҳуқуқий томонлари менинг бўйнимда. Агар ҳаммасини кўнгилдагидай бажарсак, анави ит эмганлардан бойиб кетамиз.

— Энди кетаверсак ҳам бўлар, — деб ҳаммага бирмабир қараб чиқди Фирдавс.

— Бошлиқ нима деса шу, — деб кулди Соли.

Арслон Фирдавсга ўхшаб йигитлари билан гаплашмади. У борди-ю, машинасига ўтирди, кейин шотирлари. Улар жўнаб кетишли.

Ошпаз Музаффар ака мажлисдаги гап-сўзларни узук-юлуқ эшитганди. Шу боис юрак ҳовучлаб Фирдавсни кутарди. Унинг қаҳвахонаси эшиги олдида машиналар бирин-кетин тўхтаб, улардан тушганлар орасида Фирдавсни ҳам кўрди-ю, юрагига сув сепилгандай бўлди.

— Хайрият, хайрият! Жоним чиқиб кетай деди! — дея пичирлади ва шогирдини кутиб олиш учун чиқди.

— Кел, битта бағримга босай. Сен устозим демасанг ҳам, мен сени шогирдим қаторига қўшганман. Устозманими, демак, отангдайман, — деб Фирдавсни маҳкам бағрига босди. Шунда унинг кўзидан ёш оқди.

\* \* \*

Арслон қутурган ит каби эди. Ўша эски шаҳардаги бинойидай уйга борганларидан сўнг Лидага ичкилик келтиришни буюрди ва ёнига Ўлмасни, Бахани, Жавлонни чақирди. Ҳар учаласининг ҳам кўли кўксида — келишди. Арслон ўзининг тўппончасини Фирдавсга олдириб қўйганидан сўнг Ўлмасдагини олганди. Фазаб уни тирноғигача қоплаган, кўзига ҳеч нарса кўринмаётганди. Бундай пайтда шотирларнинг унинг яқинига келиши ўлим билан баробар.

— Кўрдингларми?! — деди Арслон қуролини чиқариб.

— Нимани? — дея саволга савол билан жавоб берди Баха.

— Нимани бўларди? Анави ит мени бўғиб ўлдириб қўяёзганини-да!

— Йўқ.

— Ҳе, — деб ўшшайди Арслон, — кўрмадингми?

— Тўғриси, бизга кўринмади. Чунки сиз бизни тўсиб тургандингиз? Биз сизларнинг гаплашганликларингни билдик. Лекин ораларингда нима гап-сўз бўлганини эшитмадик, — деди Жавлон ҳозиржавоблик билан.

Уларнинг ёлғон гапириши Арслонга ёқди.

— Баха, сен илгаридан одамларинг билан бирга Фирдавсга қизиқсансан. Унинг ожиз томонлари борми? — деб Арслон чўнтагидан тутатқи қутисини чиқарди-да, бир донасини олиб, лаблари орасига қистирди. Жавлон шу заҳоти гугурт чақиб, унга тутди.

— Бор, хўжайин. Унинг синглиси бор. Секин тинчитсак, Фирдавснинг ўзи оёғингиз тагига келиб ётади.

— Отаси-чи? — деди Арслон ва оғзидан паға-паға тутун чиқарди.

— Отаси ўгай. Менимча, унга унчалик ҳам жон куйдиравермайди. Тўғри, синглиси ҳам ўгай. Лекин уларнинг онаси битта-да.

Лида Арслон буюрганларини олиб келиб, столнинг усттига кўйди. Шу заҳоти Жавлон ишга киришди. Шоша-пиша шишанинг оғзини очиб, қадаҳларга кўйди ва биттасини олиб, икки букилганча Арслонга узатди. Арслон ич-ичидан мамнун эди. Чунки шотирлари, ҳақиқатан ҳам, унинг шарманда бўлганини кўришмаганга ўхшайди. «Демак, ич-этингни емасант ҳам бўлади», дея кўнглидан ўтказди Арслон. Ваҳоланки, ҳамма унинг нима аҳволга тушганига гувоҳ бўлгач, юраклари орқага тортиб, «Бекор бунга ишонган эканмиз», дея ўйлашганди. Ҳатто ораларида Арслонни ҳозирнинг ўзидаёқ бир ёқли қилиб Фирдавс томонга ўтишини истаб қолганлари ҳам бўлди.

— Бундоқ қиласанлар, — деди Арслон ичадиганини ичиб бўлиб, ортидан газак қилганидан сўнг, — ҳозир бу ердан чиқишиларинг билан Фирдавснинг синглисини «овлаш» тараффудига тушасизлар. Қаерга боради, нима иш қилади? Ўртоқлари ким? Бойликка ўчми, йўқми? Хуллас, ҳамма-ҳаммасини ўрганасизлар. Кейин секингина ўғирлайсизлар.

— Ўзим боплайман, хўжайн, — деди иржайган ҳолда Ўлмас, — қасдим бор унда.

— Лекин эплолмайсан. Қўполсан. Бурдалашинг, титиб ташлашинг мумкин. Аммо тулкилик қилолмайсан. Тулкиликни Баха боплайди.

Баха шу ҳақида ўйлаганча бир нуқтага термилиб ўтирганди. Исмини эшитиши билан дарров сергак тортди ва иржайганча хоқонга қараб:

— Амаллаймиз, — деди қўлинни кўксига қўйганча.

— Амаллашингни тиқиб қўй. Бажарасан!

— Хўп!

— Энди кассани олиб келинглар.

Арслоннинг атрофини ўраб ўтирганларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб кетишиди. Ахир ҳаммасининг «томорқ-а»си бор. Энди ўша «томорқа»дан унганларининг бир қисмини Арслонга келтириб беришлари керак.

Арслон ичкиликтан қуйиб энди ундан ҳўплаган эди ҳамки, Лида югуриб келиб:

— Уйингдан оқсоч қўнғироқ қилди. Отангнинг тоби қочибди. Ҳозир касалхонада экан. Жонлантириш бўлимида, — деди.

\* \* \*

Мавзуна ҳамширага ташланиб, оғзини беркитди-да:

— Бақирманг. Бақирманг. Ҳеч кимнинг сизни ўлдириш нияти йўқ. Аммо шовқин-сурон кўтарсангиз, жонимизни қутқариш мақсадида айrim ишларни қилиб, жонингизга озор етказиб қўйишимиз мумкин. Шунинг учун нафасингизни чиқармасдан, каравотга бориб ўтиринг! — деди.

Нилуфар бошини қимирлатганча, «хўп» ишорасини қилди. Аммо, барибир, бақирди. Бироқ бу пайтда она-бала йўлакка чиққан ва эшикдан уч-тўрт қадам узоқлашган эди.

— Тезроқ, ойи, тезроқ! — деб Мавзуна онасининг қўлидан ушлаганча тортқиларди.

Ташки эшик ёнида улар иккита касалга урилиб кетишиди. Бири нимжонроқ экан, ерга ўтириб қолди. Мавзуна ундан кечирим сўрамади. Сўраш хаёлига ҳам келмади.

Бу ёфи касалхона ҳовлиси. Эртароқ дарвозадан нарига ўтиб олиш керак. Чунки ҳали замон эркак дўхтирлар, қорувуллар уларнинг қочиб кетишаётганидан хабар топишади. Бир зумда тутволиб, яна қайтариб олиб келиши мумкин.

Такси йўқ. Аммо йўловчи машина тўхтади. Олиб кетди. Мавзуна чуқур-чуқур нафас олар, Рухшона ҳансираради.

— Бирор қувдими? — деди ҳайдовчи кўзгу орқали нигоҳини орқага ташлаб.

— Ҳа...

— Йўқ, — деди Мавзуна шу заҳоти онасининг гапини бўлиб, — ҳеч ким қувмади. Адамнинг овқатланиш вақти ўтиб кетяпти. Адам шунаقا одамки, ҳар куни бир вақтда овқатланади. Шунга ўрганиб қолган. Яна у киши биз бўлмасак, ҳатто бир қултум сув ичмайди. Бўлмаса ўзлари жудаям зўр ошпаз.

— Ноёб характерли, характерини бирорга сингдира оладиган одамлар хилидан экан-да.

— Тўғри айтдингиз. Яна бир сўзли, вафоли, оиласини яхши кўрадиган, дейиш мумкин... Хулласи калом, хислатлари кўп.

— Яна қизи ҳам жуда яхши күраркан, — деб ҳайдовчи қулди, — менинг қизим бўлса жудаям эрка. Ялиниб-ёлвориб, илтимос қилиб, минг бир мақомга йўргалаб икки қошиқ овқатни томоғидан ўтказамиз. Ҳали кичкина, шунинг учун бўлса керак.

— Сизнинг қизингизга ҳам маза экан. Мен, масалан, юмшоқ ўйинчоқларни яхши кўраман. Агар адам ёки ойим шунақсанги ўйинчоқдан олиб берса, бир тонна овқат бўлса ҳам еб қўяман, — дея номигагина қиқирлаб кулган бўлди Мавзуна.

— О-о-о! Зўр фикр. Бугуноқ қўллаб кўраман, — деди ҳайдовчи.

Шундан кейин суҳбат узилди. Рухшона қизининг қўлини маҳкам тутди. Сўнг Мавзунанинг қулоғига:

— Бунча тўқимачи бўлиб кетдинг, лекин бопладинг, — деб шивирлади.

Мавзуна унга жавобан жилмайиб қўйди.

Улар уйга етиб боришганида, уй қабристон каби мунғайиб турарди.

Рухшонага уйи жуда ҳам хунук қўриниб кетди. «Ҳаттоқи шу уйда яшаганмидим», деб ўйлади.

— Ая, — деди Мавзуна унинг кўнглидагини уқиб олгандай, — ҳозир кирамиз-да, ҳамма чироқларни ёқамиз. Қарабизки, бутун олам чароғон. Маза қилиб гаплашиб ўтирамиз. Айтганча, мен сал олдинроқ музқаймоқ олиб келгандим. Сиз яхши кўрадиган — шоколадлисидан.

«Бечорагинам, — дея кўнглидан ўтказди Рухшона, — мен учун шунчалик куйиб-пишади-я, муштдайгина боши билан дилимни ёритмоқчи».

Уйга киришганидан кейин ҳам Мавзуна шошди. Ҳали музлаткични очиб, унинг ичидаги нарсаларни столнинг устига қўяди, ликобчаларни артади, ҳали чой қўяди. Бу ёфи оғзи ҳам тинмайди. Нуқул Рухшонага ёқадиган, у яхши кўрадиган гаплардан гапиради.

— Қизим, — деди Рухшона жилмайиб, — мен меҳмон эмасман.

Мавзуна гапиришдан тўхтади. Онасига боқиб узун киприкларини пирпиратди.

— Нега унақа дейсиз? — деди юмшоқ овозда.

— Қарасам, биринчи марта уйингга меҳмонга келган

одамдай бўлиб қоляпман. Шунга айтдим-да. Яххиси, да-данг қачон келишидан гапир. Касалхонада эшитдим, ҳозир ҳамма ёқнинг алғов-далғови чиқиб кетганмиш. Шунга бош кўттармай ишлаётган бўлса керак даданг.

— Йўқ, — деди Мавзуна стулга ўтириб, — дадам ишламаяпти.

— Нега? Наҳотки анави ҳамширанинг гаплари тўғри бўлса? — сўради Рухшона ажабланиб.

— Жудаям тўғри эмас. Бирор дадамни ишдан ҳайдамаган. Кейин дадам пора билан ҳам кўлга тушгани йўқ. Дадамнинг айтишига қараганда, ҳамма ёқни расвогарчиликлар босиб кетибди. Баъзида айбсиз одамлар қамалиб кетиб, қанчадан-қанча одамнинг бошига етганлар эса тараллабедод қилиб юришган эмиш... Айтганча, дадам биттаси ҳақида гапириб берганди. Хуллас, битта ёмон одам узоқ муддатга қамалибди. Ҳақиқатан ҳам, ёмон, кўпнинг шўрини қуритган эди. Шунга яраша жазосини ҳам олганди. Аммо турмадан чиққанидан кейин бечора бекатгача ҳам етиб боролмабди. Иккитаси орқасидан тушибди-ю, ҳашпаш дегунча чўнтағига қора дори солиб, қўлларини орқасига қайириб яна турмага қайтариб олиб келганмиш. Кейин яна бўйнига саккиз йил илинибди.

— Эҳ, шўринг қурғур, — дея бошини сарак-сарак қилди Рухшона.

— Дадамга алам қилгани ҳам шу бўлибди-да. «Нима қилардинг, бирорнинг умидини расво қилиб? Бирдан умрబод қамаб юбор ёки бўлмасам, ёстигининг тагига бирор нима қўйиб, яна «ўтириш» муддатини чўз эди», деди дадам. Кейин бошқа масалаларда ҳам дили оғриганлиги сезилиб турарди. Ишдан кетиб яхши қилибди, — дея кулди Мавзуна ва ўрнидан турди.

— Ҳа, тўғри. Лекин одамларнинг ўзгаришини қара. Анави ҳамшира олдимга кирганида минг марталяб турланарди. Яхши кўриниш учун оёғимни ўпишга ҳам тайёр эди. Кейин бирдан бошқа аёлга айланди-қолди. Эй-й, шуларни эслаб яна эзилайликми? Бошқа гаплардан гапир. Моҳир-ўйга нима бўлибди ўзи? Ўйлаб ўйимнинг охирига етолмаяпман.

— Эштишимга қараганда, — деб Мавзуна чойнакнинг қопқоғини қўтарди-да, қуруқ чой солди, — Фирдавс акамга

кимлардир қандайдир тұхмат қилиб, қилмаган ишларини қылди, деганмиш. Бу ёгини сүрасангиз, Достон амакимнинг ҳам соғлиғи жойида әмас.

— Қийин бўлибди бечораларга, жуда қийин бўлибди. Эртага саҳардан борамиз. Ўзим Моҳинанинг ёнида ўтираман. Шўринг курғурнинг ҳозирги аҳволини тасаввур қиляпман. Боя бекор бу ёққа келибмиз. Тўғри уларнигига борсак бўларкан.

— Лекин ҳозир Фирдавс акам йўқ.

— Нега йўқ бўларкан?

— Дадамнинг, амакимнинг ўртоқлари ҳамма ёқ босди-босди бўлгунича кўринмай турсин, деб бир жойга обориб қўйишиби.

Мавзунанинг кўзи ёшга тўлиб, лаблари титради. У йифлаб юбормаслик учун тишини-тишига маҳкам босди.

Онаси ўрнидан туриб келди-да, қизининг елкасидан қучди. Худди шу маҳал уларнинг дарвозаси олдига машина келиб тўхтади. Касалхонадан чиқиб, она ва қизнинг ортидан қувган машина. Унда иккита шифокор ва яна иккита бегона одам бор. Ўша икки бегонанинг бири бақувват бўлиб, бўйи узун, кал ва яна ақли йўқ эди.

\* \* \*

Достон Моҳирўйга боғланиб қолган экан. Уйга киради, эшикка чиқади. Қидиради. Нимани, кимни қидираётганини ўзи ҳам билмайди. Юраги сиқилади. Кўзи қизига тушади. У бир аҳволда ўтирибди. Отаси кирганида лоақал қараб қўймайди. Чиққанида яна жим.

— Моҳирўй, — деди у навбатдаги чиқишида чорпоянинг бир четига омонатгина ўтириб, — сенга боғланиб қолган эканман. Энди тентакка ўхшайман. Юришимда, туришимда, ўтиришимда, бирорлар билан гаплашишимда тайин йўқ. Овқатни ҳам оғзимга соляпманми, бурнимга тиқяпманми, билмайман. Мендан олдин кетишинг шартмиди?.. Ўғлинг йўқ. Уйда эмин-эркин юриши мумкин әмас экан. Ёш бошида шунча ташвиш қўпки, кўриб эсинг кетади. Қизинг... ана уйда ўтирибди. Унинг юзига қаролмайман. Юрагим бардош бермайди. Бечора шунчалик маъюски, кўришга қўрқасан. Агар шу икки бола бўлмаганида, орқангдан кетардим. Аллақачон кетган бўлардим. Ўзи бу дунёда қиласиган ишим ҳам қолмаган. Умуман қизиги йўқ дунё-

нинг. Мол-давлат, амал, бола-чақа... Кераксиз матоҳга ўхшайди. Ёлғизман. Ёлғизлигимни фақат ўзим биламан. Атрофимда одамлар кўп. Аммо мен ёлғизман. Нега шунаقا, тушунмайман. Сен борлигингда қандайдир, нимагадир ишончим бордай эди.

Достон чорпояга чиқиб ўтириди-да, қўлтигининг остига ёстиқ қўйиб ёнбошлади.

«Ҳамма нарса ўткинчи, — деди яна ўзига-ўзи, сўнг бошини қашлади-да, — нега мен бу ҳақда энди ўйлаяпман. Аниқроғи, энди эслаб қолдим. Илгари ўткинчилигини билмас эдимми? Билардим. Фақат ҳис этмасдим. Чорва моллари беш-олти йилдан кейин қариб қолишини ўз кўзим билан кўрганман. Кейин улар сўйилади. Битта-иккитаси сотилишини ҳисобга олмагандা, асосан, сўйилади. Кейин уйимиизда бир пайтлар бўлган «Москвич» машинаси. Отам раҳматли уни «мойи»да сотиб олган экан. У ҳам эскирди. У ёфи-бу ёфи бузилди. Қарасак, минолмаймиз. Орамизда тузукроқ уста йўқ. Эски нарсани уйда чанг бостириб нимаям қиласмиз, деб сотиб юбордик. Қаранг, темир ҳам эскириб кетаркан. Хўш, яна нима далил? Отам раҳматли. Ёшини яшади, ошини ошади. «Қаранглар, етмишни уриб қўйибман. Кетар маҳалим бўлиди», деди ва орадан ҳеч вақт ўтмай бандаликни бажо келтириди... Моҳирёй қанчалик ёш эди, гўзал эди. Яқин кунгача кўрган одам кўзини узолмай қоларди. Лекин у ҳам кетди... Мана, дунёнинг ўткинчи эканлигига далил. Қариб қолдим». У ўксинди. Чуқур нафас олдида, қизидан хабар олиш учун ўрнидан турмоқчи бўлганида дарвазадан кириб келаётган уч кишига кўзи тушди. Бирининг устида узун яктак, бошида салла бор эди.

Достон шоша-пиша чорпоядан тушди-да уларнинг исhtiқболига юрди. Шу юриш асносида:

— Келинглар, — деди.

Келгувчилар олдинма-кетин салом беришди.

— Дарвоза очиқ экан. Тақиллатдик, аммо негадир эшитмадингиз, — деди соқол қўйган оқ яктаклик киши.

Достон юришдан бирдан тўхтади. Юзи қизарди.

— Эшитмадим?.. — деди ҳайрон бўлиб.

— Баъзизда шундай бўлади.

Улар кўришишди. Сўнгра Достон уларни чорпояга так-

лиф қилди ва ўзи чой дамлаб келиш тараддудига тушгани маҳал тўхтатиши.

— Борадиган жойимиз бор. Озгина вақтингизни олиб, кейин дарров кетамиз, — деди Абдулло домла.

Абдулло домла маҳалла масжидининг имоми. Таъзияни шу киши ўтказиб берганди.

— Хўп, сиз нима десангиз шу, — дея Достон чорпоянинг бир четига омонатгина ўтириди.

— Биродар, орқаворатдан эшлишишмга қараганда, умуман тарки дунё қилган экансиз. Аввало, жуфти ҳалолингизни яхши кўришингиз, шу пайтгача авайлаб-асраб келганингиз таҳсинга лойик. Аммо шуни унутмангки, ҳар ким ўлчаб берилган умрни яшайди. Ундан бир лаҳза ҳам ортиқ ё кам бўлмайди бу дунёда. Шундоқ экан, Худонинг амрига қарши бормаслик лозим. Акс ҳолда киши гуноҳкор бўлиб қолади. Бунинг ўрнига намоз ўқиши керак. Ҳар намознинг охирида дуо қилинади. Ана шу дуода Худодан ҳамма эзгу ниятларни сўраш — энг мақбул иш. Дунё майшат учун берилмаганлиги каби унинг лаззатидан ҳам юз ўгирмаслик даркор.

Достон бошини эгиб, жон қулоғи билан имомнинг сўзларини тингламоқда эди.

— Шундай экан, — дея гапида давом этди имом, — уйдан чиқинг, элга аралашинг. Бир ўғил, бир қизингиз бор экан, уларнинг эртаси учун қайгулинг.

— Лекин негадир бу дунё менга жудаям зерикарли туюлиб қолган. Умуман маза-матраси, мазмуни йўқдай. Шунинг учун қўлимни силтаб кетсаммикин, деб ўйлаб қолдим.

— Асло! Дарров бу ниятдан қайтинг. Тавба қилинг. Бергувчининг ўзи олади жонни. Бу хуқуқ сизга берилмаган. Касофати бутун оиласизга уриши ҳам ҳеч гап эмас. Омонатга хиёнат қилсангиз, дўзахда куясиз ва бу жазонинг охири бўлмайди, — деб имом чўнтағидан гугурт чиқардида, ичидан бир донасини ёқиб, — қўлингизни беринг, — деди Достонга.

— Нега? — дея сўради Достон ҳайрон бўлиб.

— Битта бармогингизни куйдираман. Қани чидармикинсиз?

Достон имом билан бирга келганларга бир-бир қаради. Уларнинг қиёфаси ўта жиддий эди.

— Чидолмайман, — деди Достон бошини қимирлатиб.

— Шундоқ экан, ўтини тошлардан бўлган мангув оловда куйишни бир тасавур қилиб кўринг. Бу дунёда исталган қийинчиликдан ўлиб қутулишингиз мумкин. Лекин у дунёда ўлиб-ўломмайсиз!

Достон қулт этиб ютинди.

— Мен сизни бу ерга қўрқитгани келганим йўқ. Эсин-гизни йиғишириб, бирорта ишнинг бошини тутинг. Шу билан бирга намоз ўқинг. Ана шундагина хаёлингизни бемаза нарсалар эгаллаб олмайди.

— Домла, намоз ўқиши билмайман, — деди Достон паст овозда.

— Ҳм-м. Гап бундай, бугун аср намозига борасиз. Икки соат вақт бор унга. Лекин сиз ярим соат олдин боринг. Мен шу ёқда бўламан. Боришдан олдин чўмилиб олинг... Қолганини шу ёқда гаплашамиз. Энди бизга рухсат, — деб имом қўлини фотиҳага очди...

Достон бирдан ўзгарди. Энди унинг ҳеч нарсага вақти йўқ эди. Туни билан китоб ўқир, ибодат қилар, кундузи масжиднинг боғида ишларди... Уйқуси жудаям оз эди. У ўзини енгил ҳис қилар, ҳаётида ҳам қандайдир мазмун бордай эди. «Худога шукр, хотирамни ҳали тўла йўқотмаган эканман», дерди ўзига-ўзи.

— Дада, — деди бир куни қизи, — бу аҳволда чарчаб, касал бўп қоласиз.

— Эй-й, қизим, улгуришим керак. Бўйнимда қарзим жуда кўп экан. Мана қара, тахминан 16-17 ёшда балоғатга етган бўлсам, ҳозир элликдан ошганман. Бир кунда беш вақт намоз ўқишим керак эди. Лекин мен ўқимаганман. Демак, қарзларим бўйнимда тўпланиб қолган. Агар кунига беш кунликни адо қилсам, демак, бир йилда беш йилникуни адо қиламан. Ўн йилда эллик йилникини... Лекин умрим қанчалигини билмайман-да. Балки, етмиш-саксонга кириш насиб қилар. Балки, беш йилгача ҳам етмасман. Худо кўрсатмасин, эртага омонатимни топшириб қўйсам-чи, унда нима қиламан?! Мендан сира хавотир олма, қизим, — дея жавоб берди Достон.

Моҳина ич-ичидан хурсанд бўлди-ю, негадир юраги фаш-

ланди. Қандайдир бир кулфат унинг устига бостириб келаётгандай, айниқса, кечки пайтлари, отаси масжидга кетганида, унинг елкасидан бир нима босаётгандай туюлаверди.

Бу бекорга эмас эди. Мана, икки кундирки, Арслоннинг шотирлари унинг уйини «қўриқламоқда», ўрганмоқда.

\* \* \*

Розани ток ургандай бир сапчиб тушди ва қўлидаги капкирини ерга ташлаб юбориб, овоз келган томонга югарди. Ўғлининг эшигини қарсиллатиб очиб, ичкарига кирди ва Комилнинг боши каравотидан осилиб қолганини, оғзидан кўпик келаётганини кўрди.

— Вой, ўлмасам! Вой, ўлмасам! Комил! Комил! Болам!!! — дея қичқириб юборди ва шоша-пиша ўғлининг бошини кўтариб ёстиқقا қўйди. Ана шунда Комилнинг тириклигиги, нафас олаётганини сезиб, синглисига бақирди:

— Бор, сув олиб кел!

Икки аёл нақ бир соат овора бўлиб, Комилни бироз ўзига келтиришди.

— Болам, юрагимни ёрдинг-ку! Шунча қилиқларинг камлик қилганмидики, яна бошқа нарса топиб юрагимни ёрасан! — деди Роза.

Комил фўлдиради. Унинг гапига умуман тушуниб бўлмасди. Бироқ Роза ўғлининг нима демоқчи эканини анлаганди.

— Ҳозир ўша зормандадан сенга топиб бераман, — дея кўз ёшини артди.

— Нима у? — деб сўради Мадина.

— Эй-й, анави қуриб кетгур-да. Сен шу ерда жиянингга қараб тур, мен танишимга қўнгироқ қиласай.

Таниш — эри Фаттоҳ Норқуловични. Бир пайтлар эрининг ўзи унинг телефон рақамини берганди. «Исмими айтсанг, ҳар қандай ишни битириб беради. Лекин оддий нарсаларга ҳам қўнгироқ қиласаверма», деганди. Ҳозир унга қўнгироқ қиласа бўлади. Чунки ўғлининг аҳволи оддий нарса эмас. Бу ерда тақдир турибди. Агар ўғлига вақтида ўша нарсадан топиб бермаса, у ўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Наркоманми, бошқами ўғил, барибир, ўғил-да.

— Боймирза ака, ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Ўғлим

анчадан бери анави падарингга лаънатидан истеъмол қилиб келаркан, ҳозир ўладиган аҳволга келиб қолди. Ёрдамингиз керак. Чекадиганиданми, бошқасиданми, ишқилиб, нимасидан бўлса ҳам, олиб келинг, — деди Роза ва ёш тўкди. Овозини чиқазиб йиглади. Атай шундай қилди. Боймирзанинг ичи ачисин, деди.

Аммо Боймирза деганларининг бирорвага ичи ачимайди. Ўтган иили унинг онаси оғриб қолди. Касал уччалик ҳам оғир эмас, шунчаки кўричак эди. Бироқ у онасининг инқиллаб ётганини кўрганида, салгина қорин оғриққаям оҳвоҳ қиласизми, деди. У шундай дегач, ҳақиқатан ҳам, оғриқ тўхтади. Она хурсанд бўлди. Гапинг тўғри экан, деди. Аммо бу пайтда кўричак ёрилган, заҳар аёлнинг ички аъзоларини бирма-бир домига тортишни бошлаётганди.

У эртасига ўлди. Онаси ўлса-да, Боймирзанинг бир туки қилт этмади.

Шундай одамнинг бирорвага ичи ачирамиди?

— Пулини тайёрлаб қўйинг. Ҳозир ўзимники ёнимда эмас. Бирордан оламан. Қимматроқ бўлади, — деб Боймирза гўшакни қўйди.

Боймирза мўйловини силаб илжайди. «Сенга ўхшаган амалдор бойларга «ўтириб» қолганми менинг маишатим. Ўзи бугун ишим юришиб турибди. Бозорда тўртта молдан нақд беш юз сўм фойда кўрдим. Даллолларнинг оғзи очилиб қолди. Ҳаммасидан зўри ўзимман. Мен билган афсунларни улар ҳеч қачон билиша олмайди».

У шаҳарнинг «биқини»даги қишлоқда туроди. «Жигули»си бор. Шоколад рангида. Янгилигига сотиб олган. Ҳозир ўтиради-ю, Фаттоҳ Норқуловичнинг уйига «учиб» боради. Ахир у ерда уни «соқقا» кутиб турибди. Бориш, эртароқ дийдорига етиш керак.

Орадан ярим соат ҳам вақт ўтмади. Эшик қўнғироги жиринглади. Роза оёғига шиппагини илди-ю, югарди. Шошилганда, халатининг кўйкрак тутмаларини ўтказишини эсдан чиқазибди. Оппоқ, бўлиққина бўлиб ярми кўриниб турарди. Боймирзанинг кўзи аввал шу ёқقا тушди. Эркакда, эркақ, «култ» этиб ютинди. Гарчи таклиф этилмаса-да ичкарига киаркан:

— Опагинам, мендан хафа бўлмайсиз, бизнинг ишни кўчада бажариб бўлмайди. Нозик-да, — деди.

Роза дарвозанинг кичик табақасини ёпганидан кейин Боймирза чўнтағидан битта гугурт қутисини ва кичкина-гина целлофанга солинган, оғирлиги бир граммча келадиган унга ўхшаш қуқунни чиқазди.

— Биттаси чекадигани, иккинчиси укол қилинадигани — қайси биридан керак? — деда аввал кўзи тушган жойга яна бир марта қараб қўйди.

Роза унинг кўзлари айланиб-ўргилаётганини дарвозани очганидаёқ сезганди. Бироқ ўзини билмаганга олди. Шундай қилса, иши осонроқ битади. Қолаверса, бировнинг кўзи бир тушгани билан бир жойи камайиб қоладими? Ана кўча-да қанчадан-қанчаси атая очиб юради. Атая бировлар кўрсинг, дейди. Уларникини кўпчилик кўради. Бу-ку, бир кишини «сийлаяпти».

— Мен, — деди Роза ўзини довдираганга солиб, Боймирзанинг кўзларига тикилди. — Илгари бунақанги нарсаларга сира дуч келмаганман. Сиз нима дейсиз? Қайси бири яхши?

— Албатта, қуқунда. Лекин олдин бунисидан татимаган бўлса, гугуртдагиси яхши. Мен бу гапни азбаройи Фаттоҳ Норқуловичга бўлган ҳурматим учун айтяпман. Йўқса, қимматини пуллаб кетаверардим.

— Раҳмат. Яхшилигинги Фаттоҳ акамга, албатта, айтаман.

— Лекин менга ҳозироқ пулини беришингиз керак.

— Қанча?

— Икки минг?

— Икки минг?! — деди Роза кўзларини олайтириб.

— Айтдим-ку, ўзимда йўқ деб. Бошқа бировдан олиб келяпман.

— Иккаласи икки мингми?

— Йўқ. Кукун тўрт минг. Буниси икки минг. Икковини оламан, десангиз олти минг.

— Вой бў-ў-ў!!!

— Бўпти, мен кетдим. Сиз мени чақирмадингиз, мен келмадим.

— Йўқ, йўқ, шошманг! Оламан... Юринг, ичкарига кирайлик.

Ичкарида Боймирза Мадинани кўрди. Гўзал. Опаси ҳам гўзал. Лекин опасининг ёши бироз ўтиб қолган. Бу эса ёш.

Аммо бу ёшлик, бу гўзаллик унинг учун икки тийин. Агар чалфиса, дунёда унинг учун энг нодир, энг азиз, энг ҳурматли пулдан қуруқ қолиши мумкин.

Роза пулни берди. Боймирза гўёки истар-истамай олди ва кетди.

— Бунча башараси совуқ, — деди у кетганидан сўнг Мадина.

— Эй-й, аҳамият берма. Қилиб юрган ишини кўрдингку, шунақаларнинг турқи совуқ бўлмай, кимники бўлсин. Энди нима қиласиз, шундан гапир, — дея синглисига тикилди Роза.

Уларнинг гапини эшитган Комил фўлдиради. Роза ўғлига нафрат билан тикилди.

— Расво. Сени расволигингдан қаёқдаги молларга илтинос қилиб ўтирибман.

— Кўйинг, опа, ҳадеб бечорани қарғайверасизми? Олдин чектирайлик, ундан кейин мен таниш дўхтиrimга қўнфироқ қиласан.

Буни қарангки, Комил бошини кўтарди. Каравотга оёқларини осилтириб ўтириди.

— Энди, — деди Роза синглисига, — эрингга қўнфироқ қил, машинасини миниб келсин. Буни кўчага суяб олиб чиқсан, ҳаммага шарманда бўламиз.

— Опа, мен...

— Тсс, — дея Роза юзини синглисисининг қулоғига олиб бориб, — пул керакми сенга? Жуда ҳам кўп пул.

Мадинанинг юраги бирдан гурсиллаб уриб кетди.

— Ҳа, — деди ҳаяжонини яшиrolмай.

— Унда Иқболга қўнфироқ қил. Тез етиб келсин. Унгача дўхтилинг билан гаплашасан. Тўрт-беш сўмини берамиз. Касалхонанинг номи ёмон бўлгани билан маҳсус хоналари бўлиши керак-ку. Бизга ўҳшаган одамларнинг болалари учун. Эшитиб юрибман, кап-каттанинг боласи бетутуриқ экан менинг Комилимга ўҳшаб.

Охирги гапи кўнглини алғов-далғов қилди. Шундай оилая. Умуман камчилик йўқ. Истаса машина, истаганича пул. Керак бўлса, кўчадаги ойимчалардан қанчасининг бошини айлантириши мумкин. Аммо бу сабил қолгур келиб келиб «қора дори»ни танлаб туриди.

— Бўлди, опажон, бу ёғидан хавотир олманг. Ҳаммасини айтганингиздан ортиқ қилиб бажараман, — деб Мадина телефон ёнига югурди.

Комил эшитди. Ҳаммасини эшитди. Онаси қанчалик пичирлаб гапирмасин, ҳаяжоннинг зўридан овози пичирлашдан баландроқ чиқар ва Комил унинг сўзларини дикқат билан тингламоқда эди. У танасига «ёрдамчи қувват» олгач, анча тетиклашган ва қулоқлари ҳам меъёрида эшитмоқда эди.

— Ҳэ, — деди Комил лаб-лунжини ишқалаб, — мени психлар орасига тиқиб юбормоқчисиз? Шундайми? Болангизни! Ундан кўра туфмаганингиз яхши эмасмиди?

Чунки сени катта одам бўлади, деганман! Чунки сени одам бўлади, деганман! Чунки сени бизнинг эртамиз бўлади, деганман! — дея бақириб юборди тўлиб турган Роза.

— Ҳэ, мени ҳам ўғри бўлади, деб ўйлаган экансиз-да, — деб иржайди Комил.

— Бу туришингдан ўғри бўлганинг минг марта яхши эди. Куйдирги!

— Ҳаром нарсани оғзимдан тиқавергандарингдан кейин куйдирги бўламан-да!

— Ўл! Бу кунингдан баттар бўл!

Роза эшикни қарсилатиб ёпиб, чиқиб кетди. Комил унга ялинмоқчи, касалхонангизми, бошқа жойингизми — менга фарқи йўқ, бораман, демоқчи эди. Фақатгина анави қўлингиздаги оппоққина кукун солинган пакетчани ташлаб кетинг, демоқчи эди. Бироқ улгурмади. Тилини айлантиришга улгурмади.

— Тўғри айтасиз, — деди бунинг ўрнига ўзи гапириб, — кучим ҳеч балога етмай қолди. Авваллари зўр эдим. Улфатларим мени мақташарди. Зўр тортасан деб. Энди тортолмай қолдим. Энди чўнтағимда пулим ҳам йўқ. Пул берадиган одам йўқ. Манави менга ўлим тилаб кетган аёл илгари «Болажоним», деб чўнтағимни тўлдириб пул соларди. «Ишқилиб, ўзингга эҳтиёт бўлсанг бўлди», дерди. Эҳтиёт бўлардим. Ресторанда ўртоқларим билан маза қиласидик. Ва-а-а-й! Зўр бўларди-да. Энди пулим йўқ. Лекин ўртоқларим кутишяпти. Иккитаси кетиб қолди. Қорасини ҳам кўрсатмайди. Учтаси бор. Лекин бечораларнинг куни анави Кўшёғочнинг ёнидаги барга қолган. Роса исқирт жой. Ле-

кин улар «калет» қилишмайды-да. Мен бошлаётганимда, «Оғайни, шу ишиңгни қўй, бирга-бирга шишаларни бўшатиб юраверайлик», дейишганди. Аммо мен мазасини татиб кўриб, роса «учгандимда». Уларга «Битта проба қилиб қўринглар», дедим. Гапимга қулоқ солишмади. Уфф! Доза сал пастроқ экан-да. Куқунни беришганидами, мазза қилардим. Во, топдим, агар бермасанглар бормайман, ўзимни ўлдираман, дейман...

У ёстиққа бошини қўйиб қўзини юмди.

Роза тоқатсиз эди. Уйга кирди, эшикка чиқди, роса күёвини кутди. Мадина ошхонада ўтиради. Оёқларини чалиштириб олиб, стол устида турган ликобчадаги пистани чақарди. Шунинг билан бирга опасидан ундириладиган пулнинг ҳисобини олишга ҳаракат қиласади... Пул ҳақида опасига гап очмоқчи бўларди. Аммо ботинолмасди. Чунки опаси асабий эди-да.

Ниҳоят, күёвжон, Иқболжон келди. Олдинига машинасини бир-икки марта «бап, бап» этказди. Шундан кейин тушиб дарвоза қўнғироғини чалди.

Опа-сингил уни минг айланиб-минг ўргилишди. Кейин вазиятни тушунтиришди. Бу орада Мадина Розанинг қўзи ни шамгалат қилиб:

— Яхшигина унум бўлиб турибди. Сиз опам нима деса, хўп деб тураверинг, — дея шивирлашга ҳам улгурди.

Комил ўзи қарор қилганидай оёғини тиради. Ҳеч қаерга бормайман, деди. Аммо қараса аҳвол чатоқ, поччаси уни судраб кетяпти. Шунда ниятини айтди, анави пакетчани беринглар, деди. «Сендан айлансанин ўша пакетча. Бераман. Фақат машинага минганингдан кейин», дея жавоб берди онаси. У ишониб-ишонмай, поччасига эргашди. Машина-га минди. Шу заҳоти Роза эшикни ёпиб бирдан қулфлади.

— Бе-е-е-е-р!!! — дея дунёни бузгудек қилиб бақирди Комил.

Ана шу маҳал Фаттоҳ Норқулович дарвозадан кириб келди. Манзарани кўриб даҳшатга тушди. Ўғлининг чинқ-иргани эса юрагини ўйнатиб юборди.

— Сен итдан тарқаганлар, нима қиляпсан? — деди.

\* \* \*

— Кўпроқ «тортиб» қўйган бўлса керак-да. Ёшларига ярашадиган ишни қилмайдиларми? — дея норози тўнғил-

лади. Кейин ҳайдовчисини чақирди. Лидага мен билан юр, деди. У сал бурнини жийирган эди, сўкиш билан сийлади. Ортидан «Ўзингни тарозига солма, бундан бу ёғига иссиғимиз ҳам, совуғимиз ҳам бир», деди.

Касалхонанинг жонлантириш бўлимининг эшиги ёнида оқсоч мунғайибгина ўтиради. У Арслонни кўриши билан ўрнидан турди-да, кўзига ёш олди.

— Ҳа, нима бўлди? Жа, бақувват одам эди-ку, — деди Арслон қовоғини осилтириб.

— Хоним қўнфироқ қилди. Мен ҳеч нарса эшитмадим. Бирдан қўлидан трубка тушди. Дўхтир инсульт, деди, — жавоб берди оқсоч йифи аралаш.

— Ҳмм. Шу ойим ҳам жонга тегиб кетди. Инсоф деган нарсаси йўқ. Одам икки ой ҳам чет элда юрадими? — деб Арслон эшик тутқичини ушлаб тортди, қулф экан, очилмади. Шунда эшикни тақиллатди. Ичкаридан овоз келди.

— Нима?

— Нималамай оч эшикни! — деди Арслон дағаллик билан.

Эшикнинг кичик туйнуғи очилди.

— Ҳмм, нима ишингиз бор? — дея сўради оқ халат кийган, қоп-қора соchlари пешонасини ёпиб турган, оқ юзли, қошлари терилган, узун кипприкли қиз. Унинг кўзлари кўкка мойил, бошқача эди. Арслон бирдан хилқинди. Важоҳати орқага чекинди.

— Адамни шу ерга келтиришган экан, — деди у бироз овозини пасайтириб.

— Ким адангиз? — дея қиз кипприкларини пирпиратди.

— Хурсанд Хидирович.

— Ҳа-а, у кишими? — қизнинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Ҳа. Мен ўғиллари бўламан.

— Исмингиз адашмасам Арслон, шундайми?

— Сиз қаердан биласиз?

— Сизни билмаган одам борми? Адангизни олиб келиши билан шу ердагилар айтишди. Лекин, афсуски, ҳозир киришингиз мумкинмас. Адангиз ўзига келгани йўқ. Уколдориларнинг ҳаммасини қиляпмиз. Ундан кейин, дўхтирларнинг айтишига қараганда, анча оғир формаси эмиш.

— Ниманинг оғир формаси?

— Инсультнинг.

— Очинг эшикни!

— Бир дақиқага мумкинми? Шундай дўхтирдан...

— Очинг!

Буйруқ оҳангидаги сўз қизни зулфакни туширишга мажбур этди.

Арслон ичкарига кирганидан сўнг қизга эътибор қаратди. Қадди-қомати келишган. Яна нозланиб қадам босаркан.

У отасини кўрди. Кўзлари юмуқ, бехуш ётибди. Қандайдир бечорага ўхшайди. Умрининг катта қисмини амал курсисида ўтказган, егани олдида, емагани кетида бўлган, бойлигининг қанчалигини баъзан ўзи ҳам эслолмайдиган одам ҳозир бечора кўринишда.

Арслон лабини тишлаб, ортига бурилди. Шунда кўзи докторга тушди. Уни ҳамшира қиз чақириб келганди.

— Арслонбек, яхши келдингизми? — деди дўхтири бироз ранги ўчиб.

— Бобой одам бўладими? — деди Арслон унинг саволига жавоб бермасдан.

— Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиляпмиз. Умидимиз бор. Лекин Москвадан профессор чақиририлса, яна ҳам яхши бўларди.

— У тузалиши керак. Шарт! Профессорнинг адресини беринг, — деди Арслон ва палатадан чиқиб кетди.

Доктор довдиради. Ахир қайси профессорни чақиради. Ҳеч кимни танимайди-ку у.

— Ҳалиги...

Арслон кетиш асносида қўлини силтади:

— Беш дақиқада топ!

У худди ўзининг шотирларига буюргандай буюрди. Сўнгра йигитларидан бирини шу ерда қолдириб ўзи «ини»га қайтди.

Уйга кириши билан қўнғироқ бўлди.

Лида Арслоннинг кўнглини овлаш учун пардоз-андоз билан шуғуланаётганди. Шу боис унинг ўзи гўшакни кўтарди. Устози экан. Бирдан қовоги очилди ва салом берди. Одатдагидай алик олинмади.

— Нима қиляпсан? — дея сўралди.

Арслон шоша-пиша отасининг аҳволини айтди.

— У яшashi керак. Москвадан дўхтири керак бўлса, бугуноқ етиб боради. Кечгача. Учрашувдан гапир.

— У ўйиндан чиқмоқчи. Тижорат билан шуғулланаман, деди. Менинг одамларимга тегинмасанг бўлди, деди, — жавоб берди Арслон.

— Яхши. Тижоратда жиноят тиқилиб ётибди. Ҳар битта босган қадамидан қонун бузилишини ўйнаб-кулиб топса бўлади. Аммо бу кам. Уни жиноят қилишга мажбурлаш керак. Одам ўлдирсинг, бир жойларни ёқсин, ўмарсин. Уқдингми?

— Худди шундай, устоз. Синглиси бор экан.

— Нима қилмоқчисан?

— Йигитлар бир-икки кунга олиб кетишса...

— Фикр яхши. Фақат у бир умрга боғланиб қолсин. Акаси ҳам қайтаролмасин. Эртароқ.

— Хўп бўлади.

— Томофингни тий. Билишимча, ёнингдаги қизга боғланиб қоляпсан. Билиб қўй, аёлларнинг оғзи бўш бўлади. Аввали яхшимас унингнинг, охиридан ҳам бирор нима умид қилма. Хўп, хайр.

Арслон биринчи марта Абрам билан гаплашганидан хурсанд бўлди. «Ҳар қалай, ишим маъқул келди-ку. Лекин Фирдавс менинг ёқамдан олганини, қўлимдан ҳеч нима келмаганини эшитганида борми, обдан сўкарди», дея кўнглидан ўтказди. Ташқарига чиқди-да, каравотга ўтириб, тутатқисини эндиғина тутатган эди ҳамки, Лида эшикдан чиқди.

— Интизор бўлиб қолдим, — дея нозланди у.

— Вақти эмас. Кўнглимга сифмайди. Ундан кўра бу ёққа кел.

Лида узун оёқларининг учи билан битта-битта қадам босиб келди-да, Арслоннинг тиззасига ўтириб, кўрсаткич бармоғини унинг иягига теккизди ва:

— Рашқ ўлдириб қўйишига сал қолди, — деди.

— Қанақа рашқ, нималар деяпсан?

— Анави ҳамшира қиз. Сендан умуман кўзини узолмади. Кейин сен ҳам нигоҳинг билан нима ишлар қилиб ташламадинг. Айт-чи, у нимаси билан мендан устун эди?

— Калламни қотирма. Фирдавснинг синглисини нима

қиласиз, шундан гапир, — деб Арслон тутатқисини лаблари орасига қистирди.

Лида шу заҳоти уни олиб қўйди-да, тутунни ўзи ютиб, сўнгра уни паға-паға қилганча чиқарди ҳамда яна Арслоннинг лаблари орасига тутатқини қистирди. Сўнг жилмай-иб:

— Албатта, бу ишни мендан зўр қойиллатадигани йўқ. Баханг ишни расво қиласи. Битта удар бўлиши керак. Шу билан Фирдавсни ағдарсанг-ағдардинг, йўқса у сени афдари. Шундай афдарадики, мен бу вариантни ҳеч қачон хоҳламайман, — деди.

— Унда шу пайтгacha нега индамай ўтиргандинг?

— Кутимаганда, ҳозир миямга келди. Мен сенинг ишингни болпайман. Аммо битта шарти бор.

— Шарт?! Қанақа шарт? Пулми?!

— Жоним, дарров асабийлашмагин. Мен сендан бирор марта пул сўраганманми? Шарт шуки, анави ҳамшира қизни эсингдан чиқазасан.

— Бу аёллар тушуниб бўлмайдиган бир нарса бўлишаркан. Куй менга. Сал асабимни тинчлантириб олай. Ундан кейин йигитларга айт: Бахани топишсин.

Арслон ҳозирдан бошлаб, ним-ним ичадиган одат чиқаришга қарор қиласи. Ахир дунёнинг энг зўр одамлари шундай қилишади-ку. Телевизорда неча марталаб кўрган. Олифталиқ ўша бойваччаларга ярашганда, Арслонга ярашмайдими? Ярашади. Ярашганда қандоқ.

У орзуларга берилиб, чет эллардаги виллаларда ўзининг дам олишини тасаввур қилиб, бир қанча муддат кўзини юмганча ўтирди. Шу вақт оралиғида қанча марталаб, қадаҳга лабини теккизди. Бир қултумдан ютуликни ютди ва энди уйқу элта бошлаган маҳали Жавлон келди. Аввал томоги ни қириб йўталган киши бўлди. Сўнг хўжайинининг ёнига яқинлашди. Арслон эринибгина кўзини очди-да:

— Ҳм, Хамир, келдингми? — деди ва қулиб сал қаддини ростларкан, — лекин лақабингни роса топиб қўйишган, — дея қўшимча қиласи.

— Хўжайин, шундай яратилиб қолганмиз. Ўрганиб кетганман. Бир хилда исмимни эслолмай, бировлардан сўраб билиб оламан, — деб ялтоқланди Жавлон.

— Баха қани?

— Топшириғингиз билан юрган экан. Ўлмас ўзим олиб бораман, деди.

— Сен нимага келдинг?

— Йигитлар иккита машинани олиб қочишиган экан. Шунга сиздан уловларни «сўйиб» сотайликми ё ишлатамизми, деб сўрагани келгандим.

— Расво. Милисалар хоҳламаса ҳам тўхтатишади-ку. Менинг одамларим ўғирлашганини қаёқдан билишади улар.

— Унда, мана, пули тайёр.

— Сотганимидинг?

— Йўқ. Мижоз бор эди. Мен унинг пулинин бирдан олдим. Лекин, хўжайин, нима деса шу, дедим.

— Нималар деб валдираяпсан?

— Унинг ўзи ҳам, аслида, ўғри. Бу пулларни сизга хушомад қилганидан берди. Машинани ё бўлаклаб, ёки моторининг рақамини ўзгартириб сотаман. Унинг ҳам пулини хоқонга бераман, деди.

— Бундан чиқди, битта машина ўрнига иккитасини бераркан-да.

— Шундай. Мақсади — бизга қўшилиш.

— Менга қара, у мабодо манавилардан, — дея Арслон елкасига уриб кўрсатди, — эмасми?

— Йўқ. Икки марта «ўтириб» чиққан. Икковида ҳам ўғрилик билан. Кулфга бармоғини тиқиб очадиганлар хилидан.

— Агар битта ишкал чиқса, сенинг ҳам калланг кетади. Бор, қолган пулни ҳам олиб кел.

Арслон Жавлон кетганидан сўнг бир даста пулни қўлига олди. Қўли билан силади ва ўйлади: «Адам бир пайтлар «Сен бола ишламай ейишга ўрганиб қолдинг, бунақада мен «қийшайиб» кетсан хор бўласан», дерди. Ҳм, мана, хор бўлмасканман, жарақ-жарақ топарканман. Энг яхши томони, қўлимни совуқ сувга урмайман. Югуриб-елмайман. Пул дегани ўзининг оёғи билан келади. Тўғри, озгини қалтис. Аслида, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бойлик дегани оҳанрабодай ўзига тортади. Бир хилда йўлингдан кимдир чиқиб қолади. Шунда уларни мажақлаб ўтишингга тўғри келади. Лекин бошқа бир ёмон томони, сен ўзингдан зўрларнинг қаршисидан чиқиб қолишинг ва мажақланишинг ҳам ҳеч гап эмас-да».

Лида шошиб келиб:

— Отанг оғирлашиб қолибди. Бормасанг бўлмаскан, — деди.

— Ўлдираман. Бирорта ҳам дўхтирни соғ қўймайман. Адам ўлса, ҳаммасининг бирма-бир калласини оламан! — дея қичқирди.

Хурсанд Хидирович жуда оғир нафас олаётган экан, уни ҳам маҳсус мослама орқали.

— Бир ўзига келди, — деди доктор, — сизни сўради. Келганингизни, Москвадан профессор чақираётганингизни айтдик. У бўлса керак эмас, деди. Шу битта сўзниям базур айтди. Кейин имлаб ручка-қофоз сўради. Бергандик. Ҳеч нима ёзолмади. Айтинг, ўзимиз ёзамиз, дедик. Лекин айтмади. Қофозга қандайдир шакл чизгандай бўлди. Мана.

Арслон қофозни қўлига олди. Ҳақиқатан ҳам, шакл. Аммо унинг нима эканини билиб бўлмайди.

— Бу ёқقا юринг, — дея Арслон докторнинг халатини кўкси томонидан иккита бармоғи билан ушлаб эшик томонга етаклади, — битта гапни яхшилаб қулоғингизга қўйиб олинг. Икки, кўпи билан уч соатда Москвадан профессор келади. Агар унгача адамга бирор нима бўлса, демак, худди шу нарса сизни ҳам кутиб турибди. Адам соғайиб уйга борса, сиз ҳам борасиз. Пулга кўмиб ташлайман. Йўқса, ўша айтганим — одамни фақат пул эмас, тупроқ ҳам кўмиши мумкин.

Докторнинг оёқлари титраб кетди. Манави галварснинг айтганлари — даҳшатли нарса. Ахир у бор-йўғи шифокор бўлса. Худо оламан деб турган жонни қандай қилиб сақлаб қолсин. Лекин у буни тушунмайди. Тушунишни ҳам истамайди.

Арслон ташқарига чиқиб, машинага ўтирганидан сўнг доктор бош шифокорнинг ёнига югурди. Ҳамма гапни тўкиб солди. «Учта болам бор. Менга бирор нима бўлса, болала-рим етим қоладими? Уларни ким боқиб оёқقا қўяди?!» деди. Ҳатто кўзидан ёшини оқизди.

— Хавотир олма, бирор чорасини кўрармиз. Бунақалар отасининг соғлиғига қарамайди. Ишлари ҳам йўқ. Бунақа пайтда бўлса, осмондан келиб, ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқазади... Яхшилаб кузатинглар. Кислородни узманлар. Бугун, Худо хоҳласа, амаллаймиз. Ўша профессор

келса-келсин. Кейин у ёғи бир гап бўлар, — деб навбатчи шифоркорни чиқариб юборди бош шифокор.

Арслон бу сафар кетиб қолмади. Машинанинг орқа ўриндигига ўтириди. Унинг қўлини Лида маҳкам қучоқлаб олганди.

— Нима деб ўйлайсан, адам ўлиб қолмасмикин? — деди Арслон орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг.

— Жоним, нафасингни иссиқ қил. Профессор келса, тузатиб юборади. Бу дўхтириларнинг каллалари бўм-бўш, жуда борса, гриппни даволашга кучлари етади. Сен хавотир олма, — деди Лида уни юпаттан бўлди.

— Адам билан охирги қўришганимизда, сал орамиз бузилганди... Шошма, адамнинг пуллари-чи? — деб Арслон бирдан чўнтағидаги қофозни олди-да, унга яхшилаб тикилди. «Балки, адам пулларини қаерга яширганини менга айтмоқчи бўлгандир. Бу чизгидан нимани тушуниш мумкин? Йўқ, тушуниб бўлмайди. Лекин аниқ биламанки, жонига ишончи бўлмагани учун менга бойликларининг қаерда эканини ёзиб қолдирмоқчи бўлган. Эҳ, ада, яна бир марта ўзингизга келинг. Соққаларингиз қаерда эканини айтинг. Ана ундан кейин ўлсангиз ҳам майли. Ўзим таъзиянгизни даҳшат ўтказаман. Элликта машина қаторлашиб, чироқларини ёқсанча тобутингизнинг ортидан кетади. Тобутингизнинг устига зар аралашган мато ёптираман... Мъракангизга одам жуда кўп келади. Иккитами-учтами буқа сўяман. Пишириб одамларга едирман», деди хаёлидан ўтказди ва ўриндиқнинг орқасидаги чўнтақдан шиша олди. У қизил суюқликка тўлдирилганди. Кулкуллатиб ичди. Бунгача Лида унга тутатқини тутатиб, тайёрлаб турганди.

— Лида, кетмаймиз. Йигитларга хабар бер, ҳаммаси касалхона ёнида туришсин. Кутамиз. Адам ўзларига келиб, қўзини очишини кутамиз. Менинг адамдан сўрайдиганларим бор. Фирдавснинг синглисини «тинчтиш»ни эрта ё индинга қолдирамиз, — деди Арслон оғзидан тутун чиқазиб.

\* \* \*

— Музаффар ака, бундан бу ёғига ҳаммаси зўр бўлади. Ҳамма нарсани қойиллатамиз, — деди анча кундан бери биринчи бор юзига табассум ютурган Фирдавс.

— Айтганинг келсин. Ишқилиб, қоқилмайлик. Мен сиз-

ларга чиройли қилиб дастурхон тузаб қўйганман. Ичкарига киринглар, — деда Музаффар ошпаз Фирдавсни қучогидан бўшатди.

Ҳақиқатан ҳам, ошпаз бор истеъодини ишга соглан экан. Дастурхон устида ҳали Фирдавс кўрмаган таомлар бор эди. Бу ёғи ананас ва банан ҳам турарди. У «Олай» бозоридан топиб келди бу топилмас матоҳларни, танишидан. Тўғрироғи, эски қадрдонидан. Қадрдони бир пайлар катта-катта амалдорлар учун чет элдан маҳсус келтириладиган мева-чева омборида ишлаганди. Ҳозир эса бозорчи. Аммо ўша база билан алоқасини сақлаб қолган. Йўлини қилиб, катталарга тўрт-беш сўм қистириб ўrniga шогирдини қўйиб кетган эди. Мана, саъй-ҳаракатлари мевасини бериб турибди. Амалдорлар дастурхонида ҳар хил тропик мевалар бўлмаслиги мумкин, аммо унинг бозорида бор. Музаффар унинг ёнига бориб, «Ўғлимдан ҳам яқинроқ шогирдим бор, ажойиб йигит, шунинг байрами бўладиган, ўшанга меваларингдан топиб бер», деди. Қариндош-уруг шундай пайтда бурнини жижириши, елкасини қисиши мумкин, аммо қадрдони бундай қилмайди. «Бўлди», деди савдогар ва Музаффар ошпазни ўзининг маҳсус омборига олиб борди-да, ананас, банан, манго ва яна алламбало меваларнинг ҳар биридан уч кило-уч кило қилиб берди.

— Устоз, — деди Фирдавс ўтиришдан олдин, — сиз ҳам энг муҳим кураш усулини шогирдидан сир тутган полвон экансиз.

Музаффар ошпаз кулди.

— Йўқ, Фирдавсжон, ундаи эмас, мен бугун биринчи марта жудаям қўрқдим. Худодан омон-эсон қайтиб келишингни ялиниб-ёлвориб сўрадим. Овқат масаласига келсақ, буни менга бир вақтлар бир чет эллик ошпаз ўргатган эди. Бунаقا овқатни ўзимизниkilар кўпам хушлашмайди. Шунинг учун ҳам ўргатмагандим. Қани, энди ўтиринглар.

Шундай деб Музаффар ошпаз чиқиб кетди. Фирдавс индамади. Отаси тенги одамларнинг қиттай-қиттай қилишига кўз юмди. Бунақангни маҳали уларга ақл ўргатишга ҳақим йўқ, деди.

— Тадбиркорлик, дединг. Лекин ишни нимадан бошлимиз? Биз илгари бунақангни нарсаларни қилиб юрган

одамлар бўлмасак. Калла ҳам нари билан беридан у ёфига ишламайди, — деди Абдували бироз қизишиб олганларидан сўнг.

Фирдавс ўзи гапни нимадан бошлашни билмай ўтирганди. Дарров кўнгли кўтарилиб, ҳатто Абдували амакисидан хурсанд бўлди.

— Миразиз амаким мана шу ошхонани ўзимизники қилиб олишимизга ёрдам беради. Ундан кейин пул йифамиз, бошқасини сотиб оламиз. Мен мана шу ернинг ўзида Музаффар акам билан бирга шогирд етишираман. Бундан ташқари, бирорта спорт зални гаплашиб, ижарага оламиз. Фақатгина ўзимизни ҳимоя қилиш учун болаларни тайёрлаймиз. Яна хабарларингиз бор, «Ипподром» катта бозорга айланиб кетяпти. Мен бир ўтганимда унинг орқа томонида машинада ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотишадётганини кўрдим. У ерда кўтарасига сотишаркан. Энди эски таниш-билишларингизни топиш вақти келди. Россияданми, бошқа жойданми топиш керак уларни. Шулар орқали мол олиб келамиз. Бу ёқдан ўзимизда нима сероб бўлса-ю, у ёқларда шу нарсалар бўлмаса, олиб борамиз. Тўғрироғи, шу таниш-билишларингизга етказиб берамиз. Қарабисизки, икки томонда ҳам савдо кетаверади. Биз бироннинг бурнини қонатмаймиз. Шунинг билан бирга ўзимизни ҳам хафа қилдириб қўймаймиз. Арслон агар тўғри хulosса чиқарган бўлса, иккинчи йўлимизни кесиб ўтмайди, — деди у.

— Гапларингга юз фоиз қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарса худди айтганингдай бўлса, энг зўри шу. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айтмоқчиманки, биздан олдин отини қамчилаганлар қанча. Яна Арслон осонликча бўйин эгмайди. Бизнинг ишимиз яхши бўлиб кетадётганини кўриб индамай қараб турмайди. Учинчидан, амалдорлар. Уларнинг ўзи қўллари билан бирор ишни қилишмайди. Лекин хат-хужжатларни тайёрлашда, юкни ўтказиш, киргазиш пайтлари қўлларига бирор нимани тутқазмасанг, ҳамма ҳаракатларингни бир тийин қилиб ташлашади, — дея Соли қўлига чой тўлдирилган пиёлани олди.

— Ҳаммасини ўзим қонуний ҳал қиласман, — деб унга қаради Миразиз.

— Ака, сизга гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Ҳалол одам бўлганлигинги учун бу ерда ўтирибсиз. Аммо ҳаммаям

сиздаймас-да. Айтайлик, бир «КамАЗ» олмани Россияга жүннатинг, нечта түсиққа дуч келасиз? Бир кило олмангиз бу ерда бир сүм бўлса, у ёққа етиб боргунча ўн беш сўмга айланади. Энди уни ўн олти сўмга сотишни тасаввур қила-веринг, — дея эътиroz билдириди яна Соли.

— Ҳозиргина Фирдавс эски таниш-билишларни топинг, деди-ку. Демак, бу ёғига уларни ишга соламиз-да. Ҳозир олдиндан ваҳима кўтаравермасдан, ҳаракатни бошлайлик, у ёғига Худо пошшо, — деди Абдулатиф.

— Мен ҳам қўшиламан Абдувалининг гапига. Арслон ҳали-бери бизнинг яқинимизга ҳам йўламайди. Кўрдинг-лар аҳволини...

— Ҳаммасини вақт кўрсатади, — деб бирдан Солининг гапини бўлди Фирдавс. — Мен сўрамадим, лекин ўзларингиз бошлиқ қилиб тайинладингиз. Шундай экан, бу ёғига чидайсиз энди. Хуллас, бошқа нарсаларни йигиштирайлик. Гап мана шу жойда тўхтади. Агар Арслон ҳаддидан ошса, яхшилаб биринчи ва охирги марта ҳисоб-китоб қиласиз — олам гулистон. Бу ёғига ишни бошлайлик. Миразиз амаки, сиз ҳозирданоқ ҳужжатлар билан шугулланинг. Қаҳвахонани бирортангизнинг номингизга оламиз. Тамом. Агар ҳеч кимнинг бошқа гапи бўлмаса, шу билан овқатла-ниш ҳам, йиғилиш ҳам тамом.

Фирдавс Музaffer ошпазнинг ёнига борди. Бироз араз-лаганини айтди. Шундай таомнинг борлигини мендан яширган экансиз, деди. Кейин тезроқ пул топиш учун мижозларни кўпайтириш зарурлигини илтимос оҳангода тушунтириди.

Ният яхши бўлганидан сўнг иш ҳам дарров олдинга сил-жир экан. Шу куни бошқа пайтдагига қараганда одам қўпроқ келди. Фирдавс хурсанд эди. «Эртага янайм яхши бўлади. Официантларнинг кийимларини ўзгартираман, эшик ёнига шарлар иламан», дея режа қилиб турган пайти қаҳвахона-га беш киши кириб келди. Хуфтон маҳали эди. Мижозлар қолмаганди ҳисоб. Фирдавс қаҳвахонани янада яхшироқ қилиш хаёли билан турган эди.

Бешала одамдан биттаси қора костюм-шимда, қолган тўрталаси эса бир хил спортча кийим кийиб олганди. Яни оппоқ футболка ва кўкимтири трико. Албатта, бунақа бўлганидан кейин исталган кишининг эътиборини тортади-да.

— Келинглар, — деди Фирдавс беихтиёр.  
— Сиз Фирдавсмисиз? — сўради қора костюм-шимли меҳмон.

— Ҳа, нимайди?  
— Ушланглар ўзига келди. Бироқ шунда ҳаракат қилишни бирозгина кечиктириди. Яъни елкалари чиқсан, бўйи узун спортчилардан (кийимларига қараб шундай дейлик) бири унинг чап қўлидан ушлаб, қайирмоқчи эди. Лекин улгурмади. Фирдавс унинг инерциясидан фойдаланиб, тирсаги билан биқинига урди. Кутимаган зарба спортчи ни икки буклади. Шу заҳоти қўлини озод қилган Фирдавс икки қадам ортга чекинди ва ёнига яқинлашаётганлар билан уриша кетди. Учга бир. Шу ҳолда ҳам кучлар teng эди. Фирдавснинг рақиблари бир неча усусларни қўллашарди. Улар гоҳида бараварига ҳужумга ўтишар, баъзан бири ортига чекиниб, иккитаси Фирдавсни йиқитишга уринар эди. Фирдавс асосан ҳимояланаётганди. Бошида бир-иккита зарба бериб кўрди. Бироқ рақиблари чап берди. Шу боис қулай фурсатни кутиш, туғилажак имкониятдан фойдаланиб қолишга қарор қилди.

Битта столдаги ҳали йиғиштириб олинмаган идишлар ерга тушиб чил-чил синди. Битта стул деворга урилди. У ҳам битта «оёғи»дан айрилди. Фирдавснинг ичидан зил кетди. Қаҳвахона жиҳозларида нима айб?

— Тўхтанглар! — деди у бироз ортга чекиниб.  
Спортчилар ҳамлани тўхтатишиди.

— Нега унинг гапига қулоқ солиб турибсизлар?! — дея бирдан бақирди аллақачон стулга ўтириб оёқларини чалиштириб олган костюм-шимли зўравон.

— Инсоф қилайлик! Қасдларинг менда бўлса бордир!

Лекин манави стол-стуллар, идишлар давлатники! Эркак бўлинглар!

Ана тўртта бўлиб олдинглар! — деди Фирдавс

жаҳл билан костюм-шимлининг бақиришига эътибор ҳам бермай

— От! Буз! — дея яна томоғи йиртилгудек бўкирди ўтириб олган ярамас.

У бу сафар бақириб ўзиникиларни чалғитиб қўйди. Худди шу маҳал спортчилардан бирининг иягининг тагига Фирдавс тепди. Аямади. Зарб билан тепди. Бечора орқасига турсиллаб йиқилди-ю, шу заҳоти хушидан айрилди.

Буни кўрган қолган спортчилар «қутуришди». Бироқ Фирдавсни тутишнинг иложисини қилишолмади. Уч томондан ўраб боришади. Фирдавс биттасига хужум қилиб, ҳалқани бузиб ўтади. Кейин улар яна бошқатдан Фирдавсни ҳалқага олишга тушишади.

— Тўхтанглар!

Савашнинг чўзилиши костюм-шимлини зериктириб юборганди. Вақт кетяпти. Хўжайн кутишни ёқтирамайдиганлар хилидан. Катта-кичик деб аяб ўтирамайди. Бирдан оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Унинг сўкишларини илон эшитса, пўст ташлайди. Шундоқ экан, ўзича костюм-шим кийиб олган Бекзод деганлари ким бўлибди? У секин чўнтағидан қоп-қора тўппончани чиқарди.

— Сен, латталар, одамни қон қилиб юбординглар! Учовларинг ҳам четроқ тур!

Бекзод шундай дея қуролини Фирдавсга тўгрилади-да, тепкининг устига кўрсаткич бармоғини қўйиб, дағдаға қилди:

— Ёт! Ерга ёт! Агар салгина ортиқча ҳаракат қилсанг, нақ пешонангдан дарча очиб қўяман!

\* \* \*

Эшик қўнгирифи чалинди. Она-бала бирдан чўчиб тушди. Мавзуна бошини кўтариб, аясига қаради.

— Даданг бўлса керак, — деди бирдан нигоҳини олиб қочган Рухшона.

— Дадам? Дадамнинг калити бор. Кечаси қўнгироқ чалмайди. Ким келди экан, ая?

— Ҳозир мен бориб кўрай-чи?

— Йўқ, шошманг, бирга борамиз.

— Тўхта, қизим, нимага ўзимиздан-ўзимиз ваҳима қила-миз? Балки, қўшнилардан бирортаси чиққандир. Лекин ҳар қалай кечаси. Юр, бирга борамиз, — дея кулган бўлди Рухшона. Эшик ёнига етганида эса қизининг енгидан ушлади.

— Тавба, ҳар нимадан шубҳаланадиган бўлиб қолибмиз. Мен касалхонадалигимда бунаقا одатимдан умуман воз кечаман, деб ўзимга-ўзим ваъда бергандим. Қара, орадан уч соат ҳам ўтмасдан онтимни бузиб турибман.

— Ҳечқиси йўқ, ая. Бунаقا пайтда ҳамма ҳам ваҳимага тушади, — деб Мавзуна онасининг кўнглини кўтарди.

Аммо дарвозага яқинлашиб боришаркан, онанинг ҳам,

қизнинг ҳам юрагига фулфула тушди. Лекин иккиси ҳам бир-бирига билдириласлик мақсадида тетик-тетик қадам босарди. Бироқ дарвоза ёнига етганларидан кейин Рухшона:

— Ким у? — деди-ю, қалтироқ товуши билан қўркуви-ни қизига сездириб қўйди.

— Тез очинг! Милиция билан бирга келганмиз! — дея пўписа қилди ташқаридагилардан бири.

— Дўхтири-ку, — деди унинг овозини таниган Рухшона, — орқамиздан келибди.

— Нима ҳақингиз бор?! Ким сизга бировнинг орқаси-дан қувишга рухсат берди?! Ҳозироқ кетсангиз кетинг, бўлмаса қўшниларни чақираман! Ярмидан кўпи қариндо-шимиз бўлади! Йўқолинг! Ёнингиздагиларни ҳам олиб кетинг! — дея чинқирди Мавзуна.

— Қизим, — деди ташқаридаги овоз дарров юмшоқ тор-тиб, — онанг хавфли одам. Сени бир нарса қилиб қўяди. Шунинг учун олиб кетмасак бўлмайди. Оч эшикни!

— Онамнинг қандайлигини ўзим яхши биламан! Сиз милиса билан келган бўлсангиз, мен дадамнинг прокура-туратадаги шогирдларини чақираман, ана ундан кейин кўра-миз, аям хавфли-хавфсиз эмаслигини. Кетинг! Ҳозироқ кетинг! Босқинчилик мақсадида келдингизми?! Учгача са-найман, кетмасангиз, қариндошларимизнинг ҳаммасини чақираман!

Пўписа иш берди. Бош шифокор ёнидагилар билан гўё-ки маслаҳатлашган бўлди. Аслида, у қўрқди. Прокуратура-нинг номини эшитиб қўрқди. Қўшниларга бирор нима дей-иш мумкин. Аммо Миразизнинг шогирдларидан қутулиб бўлмайди. Шундай экан, астагина жуфтакни ростлагани маъкул.

Машиналар дарвоза ортидан кетганлиги маълум бўлгач, она-бола уйга қайтиб киришди. Энди улар бутқул хотир-жамликни йўқотишган эди. Тиқ этган товушга ҳам чўчиб тушишарди. Бир-бири билан гаплашиб, хатарни унутишга ҳаракат қилишди. Бўлмади. Мавзуна дик этиб телевизор-нинг мурватини буради. Концерт берилаётган экан. Оғир қўшиқлар. Тун яримлаганида рақсбоп мусиқа қўйишарми-ди. Уйқуси келмаётганлар учун бўлса керак бу қўшиқ — елкангдан босади.

Ташқаридаги қадам товуши эшитилди. Шу заҳоти Мавзунанинг юзи ёришди.

— Дадам! — дея ҳайқирди ва эшикка югурди.

Рухшонанинг эса юраги шув этиб кетди. «Қандай қилиб кўзига қарайман? Нима дейман? Қандай ўзимни оқлайман?.. Қочиб кетсаммикин, а?» каби хаёлларга борди ва беихтиёр ўрнидан турди-да, бошини эгди. Ташқаридан эса қизининг шўх-шодон сўзлари, эркаланиши эшитиларди: «Нега бунча кеч қолиб кетдингиз, дада?! Мен сизга сюрприз тайёрлаб қўйибман...»

— Эй, — деди эшикдан кириб келган Миразиз, — меҳмон бор экан-ку.

Рухшона секин бошини кўтарди. Унинг юзи қизарган, эрининг «меҳмон» деганидан кўзига ёш тўлган эди.

— Мени кечиринг, — деди Рухшона.

Бошқа нарса хаёлига келмади-да. Келганининг ўзи ҳам катта гап. Миқ этмай тураверганида-чи? Унда ҳам яхши бўларди. Миразизнинг ичи эзиларди. Бечорагина дерди. Агар қизи ёнида бўлмаганида қучарди. Юзидан ўпарди. Керак бўлса ўзи кечирим сўради. «Кўчанинг иши деб сени эсимдан чиқариб қўйдим», дер ва яна бир нима-бир нималар дерди. Шу билан олам гулистон бўларди. Ҳозир ҳам битта кечирим сўраш барчасини жой-жойига қўйиб турибди.

— Эй-й, кечирим сўрайдиган иш қилганингда ярашарди бу гапинг. Ўзинг омонмисан? Қачон келдинг? Йўқ, шу нарсани сўрамадим. Сўрамайман ҳам. Тўғрими, қизим? — деб Миразиз Мавзунага қаради.

Мавзуна тўлиб турибди. Аслида, айни дамда унга битта сўз ҳам ортиқча. Ҳатто у яхши, қувончли бўлган тақдирда ҳам. Чунки ота-онасининг орасидан нималар ўтганини, унинг оғриғи нечоғлик қаттиқлигини билади. Танасида ҳали-ҳамон ҳис этиб турибди. Шундоқ экан, «а» деса ҳам кўзидан ёши тирқираб оқади. Қиз бошини қимирлатиб, отасининг гапини тасдиқлади.

— Ана. Энди хоним дарров чой дамланг, чанқаганимдан ўлай деб турибман. Унгача кийимларимни алмаштириб келаман.

Вазиятдан чиқиб кетишнинг бундан бошқа чораси йўқ эди. Ҳозир Миразиз дарров хонасига кетса, хотини билан

қизининг елкасидан босиб турган тош ерга тушиб, енгил тортишида.

Шундоқ ҳам бўлди.

— Ая, — деди юзида табассум пайдо бўлган Мавзуна қўзидан дув-дув ёшини оқизиб, — музлаткичда ҳамма нарса бор. Дадамнинг қорни оч.

Рухшона қизини кучоқлади. У ҳам йиглади-ю, қизига кўрсатмасдан ёшини артиб олди.

— Мен, — деди Мавзуна пешонасини онасининг елкасига қўйиб, — роса чарчадим. Очифи, дармоним қуриди. Шунга кириб ётсан. Дадамнинг овқатини ўзингиз тайёрлаб беринг.

У атай шундай деди. Чунки у бўлса, ота-онасининг ярашиши қийин кечади.

Рухшона ҳам тушунди ва ич-ичидан мамнун бўлди.

Миразиз кўп куттирмади. Келди-ю, қизини сўради.

— Роса чарчабди. Кўзи юмилиб кетаверди. Кириб дамини олсин, — дея жавоб берди Рухшона.

— Тўгри. Неча кундан бери тинчлик йўқ унга. Бир жойда дам олиб ўтирганини ҳам кўрмадим, — деб Миразиз хотининг орт томонидан келиб елкасидан қучди. Рухшона қўзини юмганча: «Худога минг қатла шукр, ҳаммасининг ўтгани рост бўлсин», дея ўйлади...

Эрталаб оиласигиларнинг ҳаммаси хушчақчақ эди. Айниқса, Мавзуна. У улфайиб ташлаб қўйган одатини қилди — аввал дадасининг, кейин аясининг юзидан ўпди.

— Дада, — деди сўнгра эркаланиб, — бугун тоқقا чиқайлик. Аввалгидаи дарё бўйидаги уйлардан бирини ижрага оласиз. Маза қилиб чўмиламиз. Шашлик пишириб берасиз бизга.

— Жон-жон деб олиб борардим, қизим. Айниқса, ҳозир. Ҳеч қандай ишим йўқ. Бирор мени бир жойда кутмайди. Мен бирорларни қидирмайман. Хуллас, фирт бекорчиман. Лекин, қизим, сен Моҳинанинг ёнига боришинг керак-да. Унинг бир ўзи қолиб кетган.

Шу заҳоти Мавзунанинг юзидағи табассум йўқолди. У секин қаддини ростлади-да:

— Бу ёғини ўйламабман, дада, — деди.

— Ҳечқиси йўқ. Моҳинани ҳам олволамиз. Озроқ ёзилиб келади бечора, — дея гапга аралашди Рухшона.

— Буниси маъқул. Фақат мен сизлар билан ярим кун бўламан. Кейин бу ёқда қиладиган ишларим бор.

«Нега ярим кун бўласиз? Ишдан бўшаган бўлсангиз яна қанақа ишларингиз бўлиши мумкин?» деб на аёли ва на қизи сўради. Рухшонани шайтон қитиқлади. Бироқ у шу заҳоти ўзини оғирликка олди.

— Сизни тушунамиз. Агар ишингиз ўта муҳим бўлмаганида биз билан бирга бораардингиз. Лекин ишингизни туғатишингиз билан борасиз, келишдикми? — деди жилмайиб.

— Ростини айтсам, сизларга ҳавасим келиб турибди. Дарё бўйида кабоб пиширишнинг гашти бошқача. Ҳозиргина тасаввур қилдим. Даҳшат. Шу ишларимнинг ҳаммасини битириб олай, дарров орқаларингдан етиб бораман.

— Нима сиз бизни обориб жойлаштириб келмайсизми?  
— дея ҳайрон бўлиб сўради Рухшона.

— Бораман. Кейин дейман-да.

Энди Миразизнинг хизмат машинаси йўқ. Шу боисдан такси чакиришга мажбур бўлди.

Мавзунани кўриши билан Моҳинанинг чехраси ёришди. Рухшона холаси билан кўришаётганида эса йиглаб юборди. Секингина унинг қулогига «Қўрқяпман», дея шивирлаб қўйди. Рухшона эзилди. Юрагининг бир чеккасидан нимадир чирт этиб узилгандай бўлди. «Эй, воҳ, — дея қўнглидан ўтказди. — Мен ярамас шугинаниям ўйламаган эканман, бўлди, тамом, соchlарим супурги бўлсин, қўлларим касов. Мен бу қизни Мавзунадан ҳам кўпроқ яхши кўраман, унга Мавзунадан ҳам кўпроқ меҳр бераман».

У ўзини бошқаролмайдиган бир аҳволда бағридаги қизнинг юз-кўзидан ўпди. Кейин:

— Қизим, бундан бу ёғига сени ҳеч ҳам ёлғизлатиб қўймайман. Кўп қуйинма. Ҳаёт давом этаверади. Энди ўз ақлинг, фаросатинг билан онангнинг руҳини шод қил, — деди.

Достон қизининг дам олиб келишига бажонидил рози бўлди. «Яхши, Мавзуна билан бир ёзилиб келсин. Сиқилиб кетди», деди.

У уий кузатувда эканини, Арслоннинг йигитлари киприк қоқмай Моҳинанинг кўчага чиқишини кутиб ўтиришганини билмасди.

Чорвоқ сари йўлга тушган такси ортидан бир йўла иккита машина изма-из борарди.

\* \* \*

Арслоннинг хаёлига бирдан аэропортга бориб, профессорни кутиб олиши кераклиги тушди. У худди уйкудан чўчиб ўйғонгандай ялт этиб Лидага қаради.

— Мен сенга неча марта менинг ўй-хаёлимсан, хотирамсан, деганман? — деди дағал овозда.

— Нима гап, тинчликми? — дея ҳайрон бўлганча киприкларини пирпиратди Лида.

— Аэропортга бориб, профессорни кутиб олишни нега эслатмадинг?!

Лиданинг ранги бирдан ўзгарди:

— Мен бошқа бировга айтгансан, деб ўйлабман.

— Ҳа-а, бошқа биров! Бошқа бировга айтсам, сен эшитмасмидинг?! Оёғингни қўлингга олиб уч, бирорта яхшироқ машинани танлагин-да, қўлингда гул билан профессорни кутиб ол, уқдингми?!

Лида қизариб-бўзарганча «ҳа», дегандай бошини қимирлатди.

«Тентак. Бу итни тушуниб бўлмайди. Бир қарасанг унаقا, бир қарасанг бунаقا. Аввалги гапи кейингисига умуман тўғри келмайди. Яна дағдагаси ҳам бор. Менинг маслаҳатим билан иш қиларкансан, нега жаҳлингни кўрсатасан?» дея кўнглидан ўтказди қиз.

Профессор келди. Лиданинг гулинини ҳам олмабди. Ўта жиддий одам экан. «Мен қиз бола эмасман гул олгани», дебди. Кейин касалхона ҳовлисида иржайиб-тиржайиб кўришмоқчи бўлган Арслон билан кўришмади ҳам.

— Мени маъзур тутинг, мен тантаналарда иштирок этиш учун келмадим. Менга даволовчи шифокорни кўрсатинглар, — деди ва Арслоннинг ёнидан бепарво ўтиб кетди.

Арслоннинг қони қайнади. Ортидан бориб бошига биринки мушт туширгиси келди-ю, бироқ оқибатини ўйлади. Шу боис тишини-тишига босишга мажбур бўлди.

Тунд қиёфали, Ленин соқолли профессор Хурсанд Хидировични нақ беш соат операция қилди. Арслоннинг эса тинка-мадори қуриди. Нақ бир кути тутатқини тугатди. Ҳатто ўзини босолмаганидан бир шиша шайтон сувини ҳам охирлатди.

— Күй, ичма, күрдинг-ку профессор жиддий одам экан,  
— деди унга Лида.

— Менга унинг жиддийлиги — икки пул. Текинга кела-  
ётгани йўқ. Соққасини олади. Ундан кейин Абрам ака бор.  
Хуллас, ичишимга у тўсиқ бўлолмайди, — дея Арслон  
қизни жеркиб ташлади. Лекин кўрқди. Кўрққанининг са-  
бабини ўзи ҳам билмайди.

Ниҳоят, ҳориган, толган профессор сумкасини кўтариб,  
ҳовлига чиқди. Буни қарангки, Арслон кутиш йўлакчасига  
ҳам боролмади. Отасига бирор нима бўлиб қолганини бир  
лаҳза олдин билишдан чўчиганидан эмас, профессор кўри-  
ниш бериб қолишидан кўрқди. Шу боис касалхона ҳовли-  
сининг бир четида машина салонида кутди у.

Арслон машинадан тушиб, профессорнинг истиқболи-  
га юрди.

— Отанг, — деди профессор Арслон оғзини очишга ул-  
турмасидан, — яшайди. Худо берган умрни кўради. Аммо  
танасининг ярми ишламайди. Бундан бу ёғига бир умр  
тўшакка михланиб ётади.

— Балки...

— Балкига ўрин йўқ! — дея бирдан Арслоннинг гапини  
бўлди профессор.

— Гапирадими?

— Ҳа. Фақат ҳозир эмас.

«Худога шукр. Бугун гапирмаса, эртага гапиради. Ё ин-  
динга гапиради. Гапирса бўлди, ишқилиб... Амаллаб йик-  
қан-терғанларининг жойини билиб олсам, шунинг ўзи  
менга етади. Ундан кейин бутунлай гунг бўлиб қолмайди-  
ми?» дея кўнглидан ўтказди Арслон. Аммо профессорга  
умуман бошқа гапни айтди:

— Муҳими, тирик қолиши. Керак бўлса, ўн йил, йигир-  
ма йил ёнидан қўмирламасдан хизматини қиласман.

Профессорнинг энсаси қотди. «Падарқусур, бир кун ҳам  
қарамаслигингни шундоққина кўзинг айтиб турибди-ку»,  
дея ўйлади ва билагидаги соатга қаради-да:

— Самолётнинг учишига ярим соат қолибди, — деди.

— Сиз ҳали кетмоқчимисиз? Қўйинг, бугун меҳмони-  
миз бўлинг. Энг зўр меҳмонхонадан жой буютириб қўйиб-  
ман. Дам олинг, эртага биринчи рейс билан ўзим кузатиб  
қўяман, — дея Арслон иржайди.

— Бир дақиқа ҳам қололмайман. Институтда дарсим бор. Келмасдим. Бироқ Абрамнинг хурмати боис мажбур бўлдим. Қанча режаларим ўзгариб кетди. Мени сен кузатма. Кутиб олган қиз олиб бориб қўйса бўлди, — дея профессор бурнини қашлаб қўйди.

Арслон Лидага имлади. У ўз ўрнида шу қилиқни сал нарида турган йигитларга такрорлади.

Профессор машинага ўтиради-ю, жўнаб кетди. Арслон сўнгги лаҳзада пулни эслаб, Лиданинг қулоғига:

— Бирор минг сўм бериб қўй, — дея шивирлади.

Аммо профессор Лида берган пулга қарамабди ҳам. Бироқ олибди. Сумкасига солибди. Сўнгра «Хўжайнингга етказ, мен минг сўм учун шунча масофани босиб келганим йўқ. Ўн беш минг бўлади. Эртага эрталаб етказиб берасанлар», дебди.

Арслон умуман бошқача хаёлда эди. У «Профессор пул олмаса керак, одатда, бунақалар ўта кетган ҳақгўй бўлишади. Қолаверса, орада Иброҳим акадай одам турибди», деб ўйлаганди. Шу боис Лиданинг гапларини эшитгач ҳайрон қолди-да:

— Ҳэй-й, нафсингга ўт кетсин! Падарингга лаънат! Шунга шунча ўйдаймасанг ҳам бўларди! — деди. Кейин Бахага болалардан пул йиғиб, жўнатиб юборишни буюрди. Ўзи эса уйига кетди. Лидага айтдики, «Бу ерда юрагим жудаям сиқилиб кетди. Уй, барибир, ҳам уй». Аслида, мақсади бошқа эди. Ҳамма ёқни кўриб чиқиши, отасининг бойликларини топиш эди. Агар отаси тилга кирмасдан ўша пулларни тополса, кейин отаси билан иши бўлмайди. Энди фарзанд сифатида кунора хабар олиб туриши мумкин, бироқ чин қўнгилдан падари бузрукворининг соғайиб кетишини истамайди. Албатта, бунинг ҳам сабаби бор. Ота номини олган, элликдан ошган киши, соғайса пулларини суриштириб қолиши мумкин-да.

У Лидани ўзи билан бирга олиб кетмади. «Сен шу ердаги нарсаларнинг ҳаммасини бирорта машинага жойлайсанда, менинг номимга ўтказилган дала ҳовлига олиб борасан. Эски нарсаларни олма, аммо янгиларини қолдирма», деди. Ана шу жойда унинг қони асли қанақалиги билинди. Пулни қизғанди. Ҳатто Лида у топиши гумон қилинаётган пулларни билмаслиги керак. Бошқа бир миллат вакили

бўлганида эди, Арслон деганлари, лақиллаб қўярди. «Юр, отамнинг пулларини топамиз», дерди. Лекин у демади.

Аввало, Хурсанд Хидировичнинг хонаси титкиланди. Пул топилди. Аммо Арслон кутганчалик эмас, бор-йўғи эллик минг. Бироқ у хафа бўлмади. Хонасидаки, шунча пул сақлаган бўлса, демак, бошқа жойда камида бирор миллион бор. Бироқ ўша бошқа жой қаерда эканлигини билмайди.

Топилган пулнинг қуввати билан Арслон ертўлага тушди. Ишонасизми, сариқ чақа ҳам тополмади. Жаҳли чиқди. Қарийб омбор вазифасини ўтаётган ертўладаги уч литрли идишлардан тўрттасини чил-чил синдириди ҳамда тепага кўтарилди. Ва ошхонага кириб музлаткични очган эди, арманларнинг қип-қизил суюқлигига кўзи тушди. Ўн беш йил олдин ишлаб чиқарилган экан. Ҳали очилмаган. У худди шунақсанги ичимликлардан ертўлада беш яшигини кўрганди. Ҳаммаси чет элники. Аммо бу арманларники, экан.

Шишанинг оғзини очди. Бурнини текизиб ҳидлади. Ҳиди жудаям ёқди. Бошини кўтариб «оҳ, оҳ», деганча калласини сарак-сарак қилди-да, фужерга тўлдириб куйгач шишани оҳиста столнинг устига кўйди. Юмшоқ стулга ўтириб, суюқликдан бир хўплади. Бирдан ютмади. Кўзини юмиб бир муддат оғзида сақлаганидан кейин оз-оздан, бир-бир ютиб тугатди.

— Аслида, мана шундай қилиш одамга хузур бағишлийди. Биз бўлсақ, оғзимизни тўлдириб-тўлдириб, худди молдай ичамиз, — деди сўнг ўзига-ўзи.

Ўзининг гапи ўзига наша қилди. Иржайганча ҳамон қўлида кўтариб юрган бир тахлам пулни столнинг устига кўйиб, бир дастасини қўлига олди.

— Эҳ, бунча зўрсан. Сени ушлаганим сайин билакларим қучга тўляпти. Маза қиляпман. Менимча, дунёнинг ҳамма роҳати сенда бўлса керак. Эҳ-ҳе, сенинг йўлингда қанчадан-қанча одам жон олиб, жон берган. Мен бўлсам осонгина панжамнинг орасида шунчангни ушлаб турибман! — дея иржайганча идишдаги қип-қизил суюқликдан оғзини тўлдириб ичди. — Ўҳ, ярамас! — деди ютиб бўлганидан кейин ҳайқириб. — Ҳозиргина бир қултум-бир қултум ичишни ният қилгандим. Айтган гапим «совимай» туриб

буздим-а! Майли, майли, бир сафарга кечирса бўлади. Аммо кейинги сафар ўзимни-ўзим кечирмайман.

Арслон тутатқисини тутатиб, бир нуқтага термилганча ўтиракан, дабдурустдан Фирдавсни эслаб қолди. Фирдавс унинг ёқасидан олганини, дағдаға қилганини сира ёдидан чиқазолмаётганди. Шу боис қўллари мушт бўлиб тугилди ва гурсиллатиб столни муштлади. Пуллар оёқ остига сочилди. Бироқ Арслон бунга зигирча ҳам эътибор бермади.

— Барибир, ичим куйиб кетяпти! Токи кўзларини ўйиб олмас эканман, кўнглим хотиржам тортмайди! Хотиржам ухломайман!

Йигитча шундай деганидан кейин яна тутатқи тутатдида, ўрнидан туриб телевизорни ёқди ва биринчи каналга олди. Бирдан «Ўзбекистонлик раис», деган ёзув экранда кўринди. Шунда унинг хаёли бузилди. «Агар ўша раис бой бўлса, бориб ҳамма пулинни тортиб оламан», дея ўйлади. Бироқ кўрсатув эски экан. Шунга қарамасдан, қизиқ. Чунки раис оддий раис эмас эди-да. Бутун бошли областни панжасида ушлаб турган экан. Райком ҳам, обком ҳам унинг чизган чизигида юраркан. Ўзининг шахсий қамоқхонаси, шахсий аскарлари бор экан. Текширувчиларга нақд бир ярим миллион сўм таклиф қилибди.

Арслон шу гапларни эшитаркан, «Эҳ-ҳе-е!» деб юборди.

— Ҳақиқий эркак мана бунақа бўлибди-да! Қойил лекин! Тўғридан-тўғри нақ Брежнев билан гаплашган экан. Вў-ў-ў!!! Биз ҳам юрибмиз-да тўртта ўғрига бошман деб! Агар у порага бир ярим миллион таклиф қилган бўлса, йиққан-тергани камида ўн ўн беш миллиондир!

Арслон яна қадаҳни тўлдириди. Чунки биринчиси тугаганди. Бироқ иккинчисидан ичиш насиб этмади. Эшик очилди. Шу заҳоти унинг жаҳли чиқди. Чунки пуллари яйраб ётарди. Бунча пулни кўрган одамнинг кўзи бирдан ўйнаб кетиши аниқ эди, шунинг учун ҳам жаҳли чиқди:

— Ҳэ... Қайси биринг рухсатсиз киряпсан?!

Жавоб бўлмади. Бунинг ўрнига ошхонанинг ҳам эшиги очилди ва онаси кўринди. Сочи калта, қорага бўялган. Юзи оппоқ, анча-мунча бўёқ сарфланган. Елкаларини ёпишга мато етмаган. Агар Арслон ўғли бўлмаганида эди, суқла-

ниб қарапди. Ҳозир эса кўзини олиб қочди. Ҳар қалай, шундай қилишни эплади.

— Вой-бўй, нима ўтириш бу?! — деди аёл аҳволни қўриб.

Арслон иржайди. Ўрнидан туриб, онасига яқинлашди.

— Ўзимнинг ойижоним! Бир оғиз айтиб қўймайсизми, кутиб олмайманми? Мен йигитларимдан бирортаси бошини суқяптими, деб ўйлабман! — дея онасини кучоқлади.

Хонзода ўғлининг икки юзидан чўлпиллатиб ўпаркан, бурнини жийирди:

— Нима бало керосин-перосин ичганмисан?

Арслон кулди ва онасининг бағридан чиқиб:

— Сал ўткирроқ экан, — дея шишани кўрсатди.

— Сабил.

— Яхши келдингизми, онагинам?!

— Зўр!..

— Аданг қани?

— Хабарингиз йўқми?

— Йўқ. Телефонда гаплашаётганимда бирдан узилиб қолди. Ҳайрон бўлдим. Кейин яна қайта-қайта бир неча марта қўнфироқ қилдим. Бирор кўтармади.

— Эрингиз касалхонанинг жонлантириш бўлимида ётибди. Агар мен бўлмаганимда ўлиб кетарди. Инсульт — энг оғир формаси, Москвадан профессор келди.

— Тушунарли. Ўзинг нега пулларни столнинг устига сочиб ўтирибсан?!

— Бу, — дея иржайди Арслон, — бир қунлик даромадим. Қалай, ёмонмасми?

— Йўғ-э! — деди бирдан кўзлари олайган Хонзода.

— Энди шунаقا бўлади.

— Ўзимнинг бойвачча ўғлимдан, — деб Хонзода Арслоннинг пешонасидан ўпди. Сўнг стулга ўтирди. Бир сиқим пулни столнинг устидан олиб яна ташлади. Ана шундан кейингина эри тўғрисида батафсилоқ сўради:

— Ишқилиб, адангнинг аҳволи яхшими? Нега инсульт олди?!

Аёл жуда бепарво, худди мутлақо бегона одам тўғрисида суриштираётгандай эди. Аслида ҳам Хурсанд Хидирович унинг учун бегоналашиб кетганди. Тахминан, эрининг нима сабабдан бундай аҳволга тушганини биларди. Ҳатто-

ки ич-ичидан хурсанд эди. Абрамдан эри ҳақида эшитганида, «Бир йўла ўлмабди-да, кутулардим», деганди.

— Яхши эмас. Профессор энди тўшакда михланиб ётади, деди. Ҳозир танасининг ярми умуман ишламаяпти. Гапиролмайдиям. Қўлимдан келган ҳамма ҳаракатни қилдим.

— Сен қаерда эдинг аданг шунаقا бўлиб қолганида?

— Ишда. Ишларим билан юргандим. Хизматкоримиз қўнғироқ қилди.

— Чатоқ бўлибди. Майли, мен роса чарчаганман. Кириб кийимларимни алмаштириб, бир чўмилиб оламан, — деб Хонзода ўрнидан турди-да столнинг устида турган шиша-ни қўлига олиб ёрлиғига тикилди. — Ҳмм, чаккимас, лекин адангнигида ўхшайди.

— Ҳа, музлаткичда турган экан. Роса асабийлашгандим. Чарчагандим. Шунга озгина...

Хонзода ўғлининг гапини эшитмаётганди. У қадаҳни тўлдираётганди. Шу боисдан ҳам Арслон гапини охиригача етказмай онасининг ишини кузатди.

— Айтганча, дарвазахонада иккита хунуккина йигит турибди, — деди Хонзода фужерни лабига олиб бораркан.

— Менинг одамларим.

Хонзода қадаҳдагини бир қўтаришда ичди. Шундай аччиқ нарсани ютишига қарамасдан бир туки ҳам ўзгармади ва ҳатто газак қилмасдан сўзлади:

— Тузукроғи қуриб қолганмиди?

— Тузукроғи кўчада «ўйнамайди».

Хонзода ўғлининг гапига куларкан:

— Устамон бўлиб қолибсан, — деди ва ошхонадан чиқиб кетди.

Онасининг келиши Арслоннинг иштаҳасини бўғиб қўйди. Энди унинг ичгиси ҳам, егиси ҳам келмаётганди. Шу боис бир муддат диванда оёқларини чалиштирганча ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, ҳовли томонга юрди.

Дарвазахонадаги йигитлар қимор ўйинига берилиб кетишганди. Шу боисдан улар ҳовлида пайдо бўлган Арслонни пайқашмади. Арслон оёқ учida овоз чиқазмасдан юриб, уларнинг ёнига келди.

— Очма. Кўрмасдан, йигирма сўм тикдим.

— Қирққа қўтардим.

— Ошдим. Саксон. Сен бир юз олтмиш ташлайсан!

— Ҳозир иштонинг ҳам қолмайди. Фўдаймасдан қўлингга олсанг-чи.

— Гап битта...

— Ўн минг! — деди Арслон.

Шу заҳоти иккала йигити ҳам бошини кўтариб, унга қаради.

— Мен сен итваччаларни қўриқчилик қиляпти десам, бир-бирингни шилаётган экансан-да! — дея уларга фазабини сочди Арслон.

— Хўжайнин, дарвозани қулфлаганмиз. Сал зериккандик, шунга...

— Онам учиб ўтдими?

— Ҳалиги...

— Ҳэй-й ҳалигингга! Чиқар иккалант ҳам ҳамма пулингни! Мен сенларга қиморни қанақа ўйнашни кўрсатиб қўяман!

Йигитлар мулзам тортишди ва истаб-истамай чўнтакладидаги ҳамма пулни чиқариб, столнинг устига ташлашди. Тўкилган пуллар бирор уч юз сўмча бор эди.

— Ҳэ, — дея иржайди Арслон, — ҳали шу ҳолларингга қимор ўйнаб ўтирибсанларми?! Йифиштир, чўнталингта тиқ! Ўлмас — Башара қани?!

— Хўжайнин, окамлар дарров келаман, деб кетганди, — деди йигитлардан бири ҳозиржавоблик билан.

— Бор, ошхонага киргин-да, мен яримлатиб қўйганимни олиб чиқ. Музлаткичдан газакни ҳам олвол! — дея буюрди Арслон унга.

Йигит югуриб кетди. Худди шу маҳал Баха келди. Қўлида сетка. Оғзи «қулоғида».

— Хўжайнин, хушхабар бор! — деди у икки қадам ташлаб-ташламай.

— Сен ҳам одамга ўхшаб келаркансан-ку, — деди унга жавобан Арслон ҳамда эринибгина стулга ўтириди.

— Хўжайнин, — деди Баха ҳовлиққанча, — ишимиз осонлашди!

— Нима ишинг осонлашди?..

— Фирдавснинг синглиси тоққа кетди анави ишдан кетган прокурорнинг хотини билан.

— Иккови кетдими?

— Йўқ. Тўрт киши. Менимча, прокурорнинг қизи, шекилли. Кейин прокурорнинг ўзи ҳам. Лекин прокурор уларни дала ҳовлига жойлаштириб, ўзи қайтиб келди. Мен сиздан буйруқ олмасдан туриб, яна куппа-кундузи қизни ўғирламайлик дедим.

Арслон ўзини орқага ташлади. Юзида иржайиш зоҳир бўлди. Беихтиёр чўнтағига қўлини тиқиб тутатқисини олдида, лаблари орасига қистирди. Ёнида турган йигит шу заҳоти гутурт ёқди.

— Балиқларнинг ўzlари тўр томонга кетишибди. Шаҳарга олиб келишнинг ҳам ҳожати йўқ. Лекин уларнинг Чорвоқа кетиши ҳамма иш ҳал бўлди, дегани эмас. Йўқ жойдан бир бало чиқиб келиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай экан, одамларингдан камида ўнтаси борсин. Ими-жимида, чурқ этган товуш чиқазмасдан, кечаси ҳал қиласанлар. Тўғри ўзимизнинг дала ҳовлига олиб боринглар. Қани ойимчаларни бир томоша қилай-чи. Балки, бирори сизларга янга бўлиб қолар, — дея ҳиринглаб кулди Арслон.

— Хўжайнин, иккови ҳам деявер. Тоза. Нима, юришадида бир-бирига кундош бўлиб! — деди шу заҳоти Баха иржайиб.

— Лекин бу гапинг ҳам зўр! Эркакка тўрттагача мумкинми? Мумкин!.. Тўғриси, икки кундан бери сира ичим ёришмайтганди. Манави янгилигинг яйратиб юборди. Мукофот бор сенга, — дея Арслон шишадаги суюқликни қолдирмасдан қадаҳга тўлатиб қуиди.

— Хўжайнин, иккига бўламиз, — деди бирдан Баха унинг нима қилмоқчилигини англаб.

— Йў-ўқ, иккига эмас, битта ўзинг ичсан. Лекин мен ҳам ичишинингни томоша қилиб ўтирмайман, — дея у шу пайтгача ўзига қоровуллик қилиб турган йигитларга қаради.

Йигитлар саросималанишди. Ахир улар Арслон сўраётган нарсанинг қаерда туришини билишмасди-да.

— Ертўлада! — деди Арслон ва қадаҳдагидан бир хўпла-ди-да, кейин идишни Бахага узатди.

Баханинг кўнгли хотиржам тортди. Чунки у Арслонга ишонмайди. Ким билади, балки, заҳар берадигандир. Мана, ўзи ичди, демак, узатаётгани тоза.

Баха ичимликни ҳидлади, сўнг бошини сарак-сарак қилди:

— Даҳшат!

— Армандарники. Мен ўз насибамни сенга бердим.

— Раҳмат, хўжайин, раҳмат! Худо хоҳласа, кейинги хабарларим янайам зўр бўлади.

Шундай деб у ичмоқча шайланганди, Арслон уни тўхтатди. «Ярамас, мени кутмайсанми, қанақа очофатсан ўзи?» деди.

— Бунинг ҳидига чидаб бўларканми? Ичим ёниб кетяпти, — дея ўзини оқлаган бўлди Баха.

Маишат анча вақт давом этди. Арслон хийла сарҳушланди. Унинг гапларининг бири боғдан, иккинчиси тоғдан эди. Латифа айтарди. Латифаки, ўзингни-ўзинг қитиқласанг ҳам кулолмайсан. Аммо атрофидагиларнинг ҳаммаси қотиб-қотиб қаҳқаҳа отишарди. Баъзан кўзларини тупуклари билан намлашардики, мабодо Арслон кўриб қолса, латифамнинг зўридан бунинг ичаги узилаёзибди, кўзидан ёш чиқибди, деб ўйласин, деган хаёлда.

Хонзода ухлаганди. Чўмилиб чиққанидан кейин чарчоги билинди. Ўтган тунда қарийб мижжа қоқмаганди. Иброҳим ҳоли-жонига қўймади. Ярамас дори ичиб келган экан. Нафсингга ўт тушкур, ўн саккиз ёшли йигитдай бўламан, дейди. Бу ёфи унинг гаплари Хонзодани ваҳимага соларди. Чунки Абрам америкалик вазирлардан, дунёни бошқараётган яхудий бойларидан, катта-катта жиноий тўдалар билан олди-бердиси борлигидан сўзларди. Хонзода ялинарди. «Абрам, Арслон асли сенинг ўғлинг эканлигини эсингдан чиқазма. Ишқилиб, ўзинг соябон бўл. Агар ёлғизгина ёдгорим қоқилиб қолса, мен ўлиб қоламан», дерди. Ва Абрам нимаики қилишни буюрса ҳаммасини бажаарарди. Худди «тунги капалаклар» мисоли... Мана шуларнинг чарчоги кучини кўрсатди. Қолаверса, ўғлининг ёнидан кетаётганида ичган ичимлиги ҳам бўшаштириди ва у ухлади. Бироқ, барибир, қий-чув қулоғига чалинавергач, уйғонишга мажбур бўлди. Юзини номигагина ювди-да, ташқарига чиқди. Қарасаки, аҳвол бу.

— Ҳов! Нима бу аҳвол?! Бутун уйни бошларингга кўтардинглар-ку! Сенларнинг дастингдан одам одамга ўхшаб дам оладими, йўқми?! — дея бақирди.

Шу заҳоти ҳамманинг уни ўчди. Ҳамма баробарига шу томонга юзланди. Арслон эса иржайганча ўрнидан туриб:

— Онагинам! Ўзимнинг онагинам! Ҳамманг яхшилаб эшитиб ол, онагинамнинг нафақат гаплари, олган нафаси ҳам барчанг учун қонун! Биттанг айтганини қилмасанг, терингни шилиб оламан! — деди.

Хонзода шу заҳоти «учди». Ана ўғил-у, мана ўғил. Ана онанинг хурматию, мана онанинг хурмати. Бир қоп се-мирган, иржайган Хонзода бир-бир қадам босганча уларнинг ёнига яқинлашди. Арслоннинг йигитлари қўллари кўксисда, бошлари эгилган. Гўёки Маликаи Турандот келяпти-ю, унинг юзига қарашга буларнинг ҳақи йўқ. Керак бўлса, гуноҳ ҳисобланади ва жазога тортилади.

— Онагинам, дам олишингиз қалай бўлди? — деди Арслон.

— Зўр. Бундан баттари бўлмайди. Қулогимни единглар. Чарчаб келган, демадинглар! Майли, энди ўтди. Қани, буларинг билан мени бир танишириб қўй-чи, — дея жилмайганча йигитларга бир-бир қаради Хонзода.

Баханинг ичидан зил кетди. «Илгари ўғлингга зўрга чидаётган эдик, энди сен кампиршоҳ ҳам пайдо бўлдингми? Тоза шўр пешона эканмиз-да», дея кўнглидан ўтказди.

Арслон эндиғина оғиз очмоққа шайланган маҳали дарвозадан Лида Ўлмас билан бирга кириб келди. Уларнинг ортида яна тўрт йигит ҳам бор эди.

— Жонгинам, эркакларнинг ишини бажариб келяпман. Ҳаттоки ўзим юқ кўтардим. Мен сенинг қўнглингни олишим керакмасмиди? Нега бунча оғир юмушни елкамга ортдинг? — деди Лида ичкарига кира солиб.

Хонзода бирдан ўғлига қаради:

— Ким бу?

Арслон онасига жавоб беришга улгурмасидан Лида уни кучоқлади ва лабидан бўса олди.

— Ия, бу шарманда ким бўлди?! — такрорлади энди бошқача оҳангда Хонзода.

— Онамнинг оёғига бошингни қўй, тезда оёғини ўп! — дея амр қилди Арслон вазиятдан чиқиши учун.

Лида илоннинг ёғини ялаган эмасми, бирдан ўзини Хонзоданинг оёқлари остига ташлади ва чўлпиллатиб ўпди. Шунчалик чўлпиллатдики, ҳамма эшитди.

— Бало, бало экан бу қиз! — деди бирдан «эриб» кетган Хонзода.

Лида қаддини ростлади. Кейин:

— Минг бор узр, мен сизни танимабман. Танимаслигим сизнинг янада бойиб кетишингизга ишора! — дея жилмайди.

— Бир қошиқ қонидан кечинг, ойи, бу қиз менга ёрдам бериб юрибди. Иссиқ-совуғимдан ҳам хабар олади, — деб Арслон ҳам Лиданинг ёнини олди.

— Чаққонгина экан. Менга етишмай турганди ўзи. Майли, сиз эркаклар гаплашиб тураверинглар, биз бу қиз билан... Айтганча, исминг нима эди?

— Лида.

— Чиройли исм. Кетдик, Лида. Бизни ошхона кутмоқда, — дея Хонзода қизни қучоқлаб олди.

Стулга Арслон, Ўлмас ва Баҳа ўтирди.

— Хўжайн, вақт бўлди. Кечга қолмайлик. Эртароқ «куёнчалар»ни овлашимиз керак, — деди Баҳа.

— Эсимдан чиқсан экан. Машиналарни тайёрланглар. Мен бугун зериқдим. Бирга борамиз ҳаммамиз. Кейин дала ҳовли ҳам тайёр турсин, — деб Арслон шиппагини судраганча уй томонга кетди.

\* \* \*

Сабина ҳамма хонага бир-бир кириб чиқди. Ҳар бир хона ўзгача безатилган. Ҳар бир хонада безаклар, танланган ранглар бетакрор. У «Кеча шу ишни нега қилмадим?» дея ўйлади. Кейин қизнинг хаёлига кеча ўта банд бўлгани, мияси бошқа нарсалар билан тўлалигидан кўпроқ ўзи билан ўзи овора бўлиб қолгани келди. «Бир жамадон бойлигимни, Неъмат акамни эсласам ғазабим қўзийди. Манави хоналардаги қимматбаҳо идишларни синдиригим, гулқоғозларни йиртгим келади. Ҳаттоқи ёқиб юборсамми, деб ҳам ўйлайман. Лекин унда ютқазиб қўярканман. Сариқ чақасиз қоларканман. Ва яна Зеленскийдан ҳам қўрқаман. У тап тортмай мени ўлдириб юбориши мумкин. Ҳа, унга нима? Чўнтағидан қуролини чиқаради-да, пешонамдан тарс-турс отади. Тамом-вассалом! Қарабисизки, ҳам бойликларимдан, ҳам жонимдан айрилиб турибман... Менинг эса қасд қилган одамларим кўп. Улардан энг биринчиси Фирдавс эди. Уни ростакамига севгандим. Агар, агар ярамас бола сев-

гимни хўрламаганида эди, жонимни берардим. Ўл, деса ўлардим. Кучук бўлиб остонамда ёт деса, ётардим. Хўп, бир марта адашган бўлсам, эрдан чиқсан бўлсам, шу билан осмон узилиб ерга тушгани йўқ-ку! Инсофсиз, менинг шу кўйга тушишимга бош сабабчи сенсан... Аблаҳ, агар сени учратмаганимда Лазизни бир бало қилиб одам сафига қўшиб олардим. Ёнимда олиб юрардим. Аммо учрадинг-у, ҳаётим остин-устин бўлиб кетди... Иккинчи душманим Андрей. У кўнглимни топишга уринган, иссиғу совуғимда ёнимда туришга ваъда берган инсонни ўлдириди. Неъмат акам ёнимда бўлганида, балки, у менинг муаммоларимни ҳал қилган, ишларимни бажариб юрган бўлармиди?.. Учинчи душманим — Зеленский. Ҳозирча у менга ҳеч нима қилмади. Бироқ ҳамма балонинг бошида турганга ўхшайди».

— Сабина, — дея пицирлади у ўзига-ўзи, — бундан кейин барча душманларинг билан ёлғиз ўзинг олишасан. Қиз бола бошинг билан. Биттасига ютқазсанг, ҳаммасига ютқазган бўласан, аммо биттасини ютсанг, қолганлари билан ҳам олишишингга тўғри келади.

У ҳовлига чиқиб стулга ўтириди-да, оёқларини чалиштирди. Сўнг стол устида турган тутатқидан бир донасини олиб тутатди. Бир текис қирқилган ўт-ўланнинг ранги очроқ яшил, арчаларнинг барги тўқроқ. Бироқ қараса, бир-бираига ярашгандай туюлади. Аммо шундай табиат ҳам Сабинани ром этолмади. «Уфф, зерикдим. Яна кечаги ишимни қиласман, шекили. Лекин ҳеч нимани синдиримайман. Мабодо Зеленский келиб майда гап қиласиган бўлса, ўзинг айдорсан дейман. Бир ўзимни ташлаб кетдинг. Қарасам ягона овунадиганим шу экан. Шунинг учун «майдаладим», дейман».

Қиз шундай ўйда ўтирганида, девор томондан келаётган икки кишига кўзи тушди. Улар тез-тез қадам босишарди. Шошишарди. Худди бирор нимага кеч қолаётганга ўхшашарди. Бирининг қўлида белкурак, иккинчисиникида ер чопадиган алламбало матоҳ. У ҳайрон бўлганча тикилиб тураверди. Яна Сабина бу ердагиларнинг ҳаммаси маданиятли одамлар бўлса керак. Ҳамма нарсага худди Зеленскийдай жуда нозик муомала қилишса керак, деб ўйлаганди. Бироқ кўрдики, булар бефаросатларча оёқлари остидағи ўтларни босиб, эзғилашиб юряпти. Бўлмаса, девор то-

монда ҳам маҳсус йўлаклар бор. Яна кийимлари ҳам бир аҳволда.

Сабинанинг бармоқлари орасидаги тутатқи тушиб кетди. Шунда у ўзининг қотиб қолганини сезди ва беихтиёр ўрнидан турди. Бу пайтда келаётганлар жуда яқинлашиб қолганди. Қиз салом берди. Бироқ улар худди кардай алик ҳам олишмай унинг ёнидан ўтиб кетишиди.

— Ким бўлди булар? Қаёққа кетишяпти? Бунча башарали советуқ? — деда ўзига-ўзи гапирди қиз.

Ҳалиги кишилар уйнинг орқа томонига бурилишди. Сабина яна қайтиб жойига ўтириб-да, тутатқига қўлини чўзди. Тутунни тез-тез тортиб тутатқини яримлатди ва яна дик этиб ўрнидан турди. Чунки ички қизиқиши сира ҳоли-жонига қўймаётганди. У ҳам тезроқ боягиларнинг ортидан борса, нима қилишаётганини кўрса...

Шундай ҳам қилди. Уйнинг орқа томони арчазор эди. Уларнинг ортида умуман ўт-ўлан йўқ. Бунинг ўрнига синиб тушган шохлар ётарди. Сабина секин дараҳтлар орасига кирди. Бироз ичкарилади. Шунда одамларнинг ўзаро гаплашаётгани эшитилди. «Тезроқ бўл, хўжайн келгунича битиришимиз керак», дерди бир киши рус тилида. «Нимани битиришаркин?» хаёлидан ўтказди Сабина ва овоз келган томонга янада яқинлашди, шундагина кўрди. Яқинданагина унинг ёнидан ўтиб кетганлар шоша-пиша ер кавлашаётган экан. Қизиқиши ортган қиз яна олдинга юрди ва салдан кейин таққа тўхтади. Чунки қазиётганларнинг ёнгинасида иккита одамнинг мурдаси ётибди. Сабинанинг юраги орқасига тортиб кетди. Ранги оқарди. Гўёки беш-олти километр юргурган одамдай ҳансираф нафас ола бошлади.

У секин ортига бурилиб кетмоқчи бўлганида, тўсатдан хаёлига Неъмат келди. Бутун танаси музлади ва мурдаларга синчилаб тикилди. Йўқ, иккиси ҳам Неъматга ўхшамайди. Аммо биттаси жудаям таниш...

Қиз музлаткичдан ичимлик олди-да, қулқуллатиб ичганча шишани яримлатди. Кейин яна ўзига-ўзи гапира бошлади:

— Мозорга ўхшайди. Нарироқда ҳам дўмпайиб қолган жойлар бор эди. Бу иккисидан олдин ҳам кимларнидир шу ерга кўмишган бўлишса керак. Эҳтимол, Неъмат акам ҳам ўша ердадир... Тўхта, боя таниш кўрингани Неъмат акам-

ни ўлдирган эди-ку. Андрей билан бирга борганди. Ҳа, худди ўзи. Энди унинг ўзини ўлдиришибди. Ким ўлдирган, яна Андрейми? Йўқ. Бўлиши мумкин. Аммо буйруқ бошқа жойдан борган. Эҳтимол, Зеленскийдандир... Сабина, Сабина, эртароқ бу ердан қочишинг керак. Бўлмаса, сени ҳам итдай отиб ташлашади. Бойликлардан ҳам, қасд олишдан ҳам воз кеч.

Сабина шундай дея пицирлади ва яна шишани кўтарди. Бу гал кесилмаган колбасадан бир тишлади. Олдинги сафар газак қилишни эсидан чиқазганди. Қизнинг боши айланди ва секин юмшоқ диванга ўтирди.

— Маст бўляпман, лекин каллам худди соатдай ишлаб турибди... Бекор ичдим. Энди ўзимни бошқаролмайман. Зеленский осонгина мени ўлдиради, — деди ва ўрнидан турмоқчи, ҳаммомга кириб чўмилмоқчи бўлди. Бироқ оёқлари ўзига бўйсунмай яна ўтириб қолди. Лабини қаттиқ тишлади. «Мен яшашни истайман. Яшашни. Ҳали жудаям ёшман», дея хаёлидан ўтказди.

Қиз ухлаб қолди. Алламбало тушлар кўрди. Калласинигоҳ у ёқقا-гоҳ бу ёққа ташлади. Кимларгадир ялинди. «Йўқ, керак эмас, илтимос», деди. Сўнг бирдан уйғониб кетдида, ўрнидан турди. Гарангсиб атрофга аланглади.

— Яхшиям тушим экан, — дея пицирлади-да, югуриб ҳаммомга кирди.

Аввал юзини ювди. Бўлмади. Кейин кийимларини ечди ва сувни совуқроқ қилиб, чўмила бошлади. Унинг танаси тетиклашар, шунинг билан бирга фикри ҳам тиниқлашарди. Ёдига гўрковларнинг қилаётган иши тушди. «Мени ҳам ўлдиришади. Буларга одам ўлдириш чумчуқ сўйишдай бир гап... Ҳозирча вақтим бор. Демак, ичиб, абгор бўлиб чала ўликка ўхшаб ётмасдан ҳаракатимни қилишим керак», дея ўйлади ва апил-тапил чўмилди-да, дарров кийимларини кийиб ташқарига чиқди. Юраги ҳаприқиб, безовталангандарча дарвоза томонга юрмоқчи бўлиб турганида Зеленскийнинг кортежи кўринди.

Зеленский кортеж билан юришини Сабина билмасди. Ўзи, аслида ҳам, молия вазирига бундай қулайлик илгари берилмаганди. Бироқ ҳозирги нотинч замонда ундан одамларни асраш керак. Йўқса, шундоқ ҳам бор-будидан айри-

либ бораётган ҳукуматнинг чўнтағидан шамол «вирр-вирр» этиб эсиб қолиши мумкин.

Сабинанинг юраги шув этди ва ранги оқарганча машиналарга қараб турди. Кортеж тўхтади. Зеленский чарм папкасини қўтариб тушди. Кортеж яна жойидан қимирлади. Зеленский эса Сабинага қаради-да:

— Нега бу ерда турибсан? — деди.

— Зериқдим. Шунга ташқарига чиқдим.

— Шунақами? Яхши, юр, энди ичкарига кирамиз.

Сабина беихтиёр унга эргашди. Улар ошхонага киришди. Зеленский кийимларини алмаштириш учун хонасига кетди. Сабина эса оёқларини чалиштирганча юмшоқ диванга ўтириб олди.

Бир муддатдан сўнг қайтиб келган Зеленский тўғри газ плитасининг ёнига борди-да, чой қўйди. Сўнг ортига ўтирилиб:

— Кўринишинг бошқача, — деб қизнинг бурнини чимдилади.

— Йўқ, ўзим шундай...

Зеленский кулди:

— Негалигини мен айтайми?

Сабина шу заҳоти қўрқиб кетди ва киприкларини пирпиратганча Зеленскийга тикилди. Шу қарашининг ўзиёқ «ҳа», деган сўзни ифодаларди.

— Ичгансан, кўп ичгансан. Шундайми?

«Худога минг қатла шукр», дея бирдан кўнглидан ўтказди Савбина ва ним жилмайганча:

— Шундай, — дея жавоб қайтарди.

— Аммо бу сенинг на зерикишинингга ва на мана бундай ўтиришингга сабаб бўлолмайди. Чунки мен ичган одамга ҳеч нима демайман. Бироқ хавотиингнинг бошқа бир боиси борлигини биламан.

— Қаердан? — сўради беихтиёр Сабина.

— Эҳ, қизалоқ, қизалоқ, — дея Зеленский унинг ёнига келиб ўтириди ва Сабинанинг соchlарини бармоқлари билан таради. — Ахир мен вазирман. Бу мақомга шунчаки қўтарилиб қолмаганман. Демак, ўзимга яраша психологман. Шунга қарамасдан, ўзинг ҳаммасини бир бошидан гапириб беришингни истайман. Дарров эмас. Аввал иккимиз қиттай-қиттай қиласиз. Албатта, бунинг фойдаси бор.

Сенинг бошинг оғриб турибди. Меники ҳам. Сеники кўп «отган» ингдан. Меники кўп ишлаганимдан.

Қиттай-қиттайдан кейин ҳақиқатан ҳам, Сабинанинг боши енгил тортгандай бўлди. Кўрқув ҳам ортга чекинди.

— Истроилга кетишни истайсанми? — дея сўради Зеленский.

— Сира ўйлаб кўрмаган эканман. Қандай давлат ўзи у?

— О-о-о, таърифига тил ожиз. Ўта замонавий, қудратли, бой-бадавлат ва ривожланган давлат. Муболага билан айтадиган бўлсам, ҳар иккитасидан биттаси олим. Хўш, шундай давлатга бориб, яшашни истамайсанми?

— Билмадим. Аввало, уйдагилар билан маслаҳатлашиб керак.

— Бунинг сира маслаҳатлашадиган жойи йўқ. Ота-онанг хурсанд бўлишади. Оз қолди. Ҳа, ҳа, жудаям оз қолди. Аввало, аллақачон бошланди.

— Нимага?

— Одамларнинг яхудийларга ҳавас қилишларига. Ҳар ким яхудий билан оила қуришни истаб қоляпти ҳозир... Майли, бу ҳақида сен билан ҳали жудаям кўп гаплашамиз.

Зеленскийнинг ҳамма ҳаракатлари нозик эди. Худдики бу одам эркак эмас, аёлдай. Сабина бошини қашлади. «У бугун эрталаб ҳам шунақамиди? Нега эътибор бермадим? Фалати экан», дея ўйлади.

Зеленский қадаҳидаги суюқликни охиригача ичди. Сабинага ҳам шундай қилишни таклиф қилди-да, ўрнидан турди.

— Энди сайр, кеча бормаган жойларимизга олиб бора-ман. У ёқ ниҳоятда қизик. Ҳаттоки ўша жойда қолгинг келади, — деди.

Сабина қанақа жойлигини қарийб билади. Эти увишди. «Наҳотки ҳозироқ олиб борса?! Наҳотки эртани кўрмасам... Шошма, менга Истроилга боришни таклиф қилди-ку. Кейин яхудийларга эрга тегишининг манфаатли эканлигини ҳам айтди. Шундай экан, бугун ўлдирмаса керак. Балки, умуман ўлдирмас. Менинг ўзим шунчаки ёмон хаёлга бораёт-гандирман», дея ўйлади ва тез-тез қадам босиб Зеленскийга етиб олди-да, унинг қўлидан тутаркан, деди:

— Истроил ҳақидаги гапларинг сира хаёлимдан чиқмай қолди. Тўлиқроқ гапириб берасанми?

— Хурсандман. Аммо қанча таърифини келтирмай, ба-рибир, ўзинг бориб кўрмасанг, тасаввурга эга бўлолмайсан. У ердагиларнинг яшашдан мақсади бутунлай бошқача. Улар ҳаётта умуман ўзгача нигоҳ-ла қарашади. Кейин ҳар қандай жирканч ишни ҳам маданият билан бажаришади. Аслида, улар жирканч ишларга умуман кўлларини уришмайди. Чунки вақтлари ҳам, хоҳишлари ҳам йўқ. Ҳаётларининг ҳар бир лаҳзасини фанимат билишади. Бекордан бекорга умрини ҳавога совуришмайди. Айтайлик, қаергадир пиёда бормоқчи, а. Демак, ундан фойда олиш керак. Лекин қандай қилиб?..

— Хўш? — дея Сабина Зеленскийга қараб қўйди.

— Кел, шу тўғрида сен бошингни қотир. Менимча фойда кўрасан, албатта.

— Қаерга борамиз ҳозир?

— Сен нима деб ўйлайсан?

— Билмадим?!

— Бу жавоб эмас. Айтайлик, кўнглингга қулоқ сол-чи, у нима деяпти?!

— Ҳеч нима? Менимча, ҳовлида сайр қилсак керак.

— Алладинг. Мен ёлғончиларни ёмон кўраман. Ёмон кўрганларимни кўришни ҳам истамайман. Ҳаттоқи тасодифий ҳам. Бундан чиқди, умуман ёлғон гапирмаслигинг керак. Ҳаттоқи сенга қийин бўлса ҳам. Хўш, қаерга борамиз?

— Бинонинг у бошидан-бу бошига. Девор ёнига, балки, дарвозадан ташқарига чиқармиз. Ана шу жойларга мен бормаганман.

— Томорқага-чи? У ерга ҳам бормадингми?

Сабина жавоб бермади. Жавоб беролмади. Чунки қизнинг оёқлари қалтирай бошлаганди. Шунинг билан ўзининг титрофини Зеленскийга сездириб қўйди.

— Тўппа-тўғри. Бу сафар ҳақиқатни айтдинг. Ажойиб манзарани ёнидан кўрасан. Нихоятда мароқли бўлади ва мен сенга у жойдагилар ҳақида батафсил гапириб бераман. Токи қўшни бўлганингда танишишинг қийин кечмасин. Дарров тил топишиб кетсанг, осон кечади.

— Нима?!

— Нима десам экан? Менимча, анча-мунча нарсалар бўлса керак. Қандай келиб қолдинг? Нима сабаб бўлди?

Егулик-ичкиликсиз ҳаёт қанаңа бўлади? Оғриқни ҳис этиш мумкин-у, бироқ бошқа ҳеч нима қилиб бўлмайди. Албатта, ўзим ҳеч қачон бунақанги нарсаларни кўрмаганман. Кўрганимда сенинг ёнингда юрмаган бўлардим. Шунинг учун ҳам айтиб беролмайман. Яхшиси, ўзинг боришинг, ўз кўзинг билан кўришинг ва қийинчиликларга чап бериш мумкин, мумкин эмаслигини сендан олдин борганлардан сўраб билиб олишинг керакдир.

— Менга ўлим ҳақида гапиряпсанми?

— Сен нима деб ўйлайсан?

Сабинанинг кўзи ёшга тўлди. Гапирса оқиб кетади. Шунинг учун ҳам сўзлаёлмади у.

\* \* \*

Соли мўлжалдан адашмади. Туфлиси тўғри фўдайган, кеккайган, чет эл жосусларига ўхшаб кийинган, бир лаҳзада бутун вужудини қувонч эгаллаб олган, шу ондаёқ хўжайнидан олажак мукофотини кўз олдига келтирган кимсанинг тўппонча тутган қўлига тегди. Чунки Соли отишга бошқа нарса тополмаганди. Оёқ кийими эса ҳар доим ҳозири нозир. Фақат энгашиш керак, ечиш керак, тамомвассалом! Аммо шуни ҳам вақтида қилмасангиз, кейин кеч бўлиши мумкин-да.

Фирдавс бор-йўғи икки қадам ташлаб, олдин ияги осмонга кўтарилган нусханинг жағига, сўнгра қорнига чунонам тепдики, ҳалигина «дунёни қўлида тутиб турган одам» йиқилмасдан олдин кўзини юмди ва шу заҳоти ҳушидан айрилди. Қўлидаги тўппонча эса отилиб кетиб, тўғри Солининг оёғи остига тушди.

Энди вазият бутунлай бошқача, спортчиларнинг юраги орқасига тортиб кетди. Ахир кўчанинг болаларидан ҳар нарса кутса бўлади-да.

— Боя хўжайнларинг нима деганди?! Ёт, деганмиди? Ётинглар! — деди омади кулиб боққанидан иржайган Соли.

Спортчилар шу заҳоти ўзини ерга ташлашди. Фирдавс ҳар бирига камарини ечишни буюрди. Буйруқ бажарилди. Соли тўппончани Фирдавсга тутқазиб, ўзи спортчиларнинг қўлларини орқаларига камар билан чандиб боғлади. Сўнг уларни ўринларидан турғазди. Бу пайтда бош ошпаз Музаффар aka ҳам воқеа жойига етиб келганди. Шунингдек, уч-тўрт официант ҳам томоша қилиб турарди. Офи-

циантлар кетказиб юборилди. Чўзилганлару тик турганлар мижозлар учун ажратилган алоҳида хоналардан бирига олиб кирилди. Хона тор, диққанафас эди. Сабаби, дераза кун бўйи очилмаганди. Бундай жойда сўроқ осон кечади. Чунки жавоб бергувчининг боши лўқиллади. Фикру хаёлини бир жойга жамлай олмайди. Эртароқ чиқиб кетишни, қутулишни истайди. Бунинг учун сўровчининг саволларига тез-тез, аниқ жавоб қайтармоқ даркор.

— Кимсизлар? — сўради Фирдавс.

— Анави «Корхона»га номзодлармиз. «Меҳнат» резервида шуғулланамиз. Кейинги ойда буйруқ чиқиши керак, — деди спортчилардан бири.

— Манави ким? — дея сўроқ беришда давом этди Фирдавс.

— «Корхона»да ишлайди. Исми Бекзод.

— Нега келдинглар?

— Бизга «Битта бўйни йўғоннинг бўйини қайириб, сўнgra «катта»га кўринасизлар, ишларинг осон битади», деди. Бизнинг кучимиз кўп. Ҳали бирортамизнинг ҳам елкамиз ер кўрмаган. Аввалига тўполон қилдик. Бир киши учун тўртта бўлиб борамизми, деб. Ҳар кимнинг қаҳрамонлик кўрсатгиси келаётганди. Ҳамма ҳам «фирма»нинг раҳбарига бошқаларга нисбатан энг зўри ўзимман дегиси келади-да. Шунда «шапка»ни камроқ бериб ишга ўтади. Бусиз иложи йўқ. Қаҳрамонлигингни етти иқлим эшитганда ҳам раҳбарга соққа бермасанг, барча ҳаракатларинг икки пул. Лекин, барибир, ўзингни кўрсатганингнинг фойдаси тегади.

Спортчилардан бири шундай деди. Албатта, ўз-ўзидан айтмади. Фирдавснинг калтагини «еган»идан сўнг, Соли отиб ташлайман, деб қўрқитгач сайдари. Бошқалари уни ёмон кўриб ўтиришди. Айни чоғда ичларида хурсанд ҳам эди. Чунки улар сотмади. Манави сотди. Гавдаси катта, кучи кўп. Лекин ўлардай содда ва аҳмоқ сотди. Сал қийинчиликка бардоши етмайдиган нусха сотди. У ёқقا боришганида энди булар уни сотишади. «Мана шунаقا, мана шунаقا», деди. «Буни ишга олиш у ёқда турсин, ҳатто ўқишидан ҳайдаб, беш-олти йилга қамаб юбориш керак. Кейин турли-туман баҳоналар билан муддатини чўзавериш лозим. Бор-ку баҳона. Ёстигининг остидан писка чиқиб қолади

ва ҳоказо. Чирисин. Қамоқхонада кун кўрмай ўлиб кетсин. Ўлигини ҳам қариндошларига бермаслик керак. Ана умумий жиноятчилар мозори бор. Шу ёққа олиб бориб кўмиб ташлаш керак. Чунки бошқа ер бунинг мурдасини қабул қилмайди», дейишади.

Фирдавс спортчиларни шу ерда қолдириб, Бекзодни бошқа хонага олиб киришни буюрди. Буйруғи худди таклифдай эди. Буйруқни бошқа бирорга эмас, ўзига бергандаи Бекзодни елкасига «ортиб» олди.

Бошидан сув қуйилиб, бурнига нашатир спирти тутилганидан сўнг Бекзод бирдан кўзини очди. У ҳайрон эди. Биринчидан, бу ерда ҳушидан кетибми, ухлабми ётибди. Нега? Жағи қақшаб оғрияпти. Нега? Манавилар ким? Нима қилиб уни ўраб ўтиришибди?

— Қалай, Бекзодбой, дам олиш зўр бўлдими? — дея сўради Соли Фирдавсга қараб.

Бекзод жагини уқалади.

— Сизлар кимсизлар? — деди оғриқдан афти бужмайиб.

— Биз сени билади, деб ўйлагандик. Наҳотки билмасанг? Ахир оёғинг билан келдинг-ку, — деб бурнини тортиб қўйди Соли.

— Йўқ билмайман. Лекин ўзимнинг қандай одамлигимни биламан. Оғриқ қолдирувчи дори беринглар.

— Берамиз. Сендай ўзининг кимлигини биладиган одамга бермасак кимга берамиз, — дея Музофар ошпаз чиқиб кетди.

— Кимлигингни билсанг, — деди Фирдавс Бекзодга ўткир нигоҳини қадаб, — бизга ҳам айт, хабардор бўлайлик. Яна сенга қанақа муомала қилишни билмай олдингда хижолатли бўлиб қолмайлик.

Бекзод костюмининг ички чўнтағига қўлини тиқди-да, сирти қип-қизил чармдан бўлган, гувоҳномани чиқазиб, унинг ичини очиб кўрсатди.

— Кўрдингми қаернинг одамиман?! Ҳали сенлар менга қўл кўтардингларми?! Энди бутун уруғ-аймогинг қурийди-ку. Энг узоқ қариндошингача бунинг учун жавоб беради! — деб ён томонига чирт этказиб тупурди Бекзод.

— Биринчидан, — деди шу заҳоти фижини келган Фирдавс, — бу ер катта холангнинг уйи эмас, исталган жойга

тупурадиган. Иккинчидан, ўзинг ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, бирдан ушланглар буни дединг, адашмасам!

— Менга мумкин. Мен хоҳлаган жойимда, исталган ишимни қилишимга рухсат берилган, — дея Бекзод бошини кафтлари орасига олиб сиққан бўлди. Шунинг билан бирга жуда қаттиқ оғриқни ҳис этаётгандай қўzlарини чирт юмди.

Ана шу маҳал Музаффар ошпаз қўлида битта шиша ва пиёла билан кириб келди.

— Дорининг яхшисини топиб келдим. Бир дақиқада ҳамасини жойига қўяди, — деди у эшикдан кириши билан.

Бекзоднинг юзи шу заҳоти ёришганини ҳамма кўрди. Ҳатто унинг кулгичлари ўзини қўз-қўз этди. Бор-йўғи бир лаҳза давом этди бу. Кейин у бирдан қовоғини осилтириб олди-да:

— Мени ким деб ўйлаяпсизлар? Мен умуман ичмайдиганлар хилиданман, — деди.

Фирдавс мийифида кулди.

— Бирор сени ичувчи деяётгани йўқ. Лекин ҳозир бундан бошқа дори йўқ-да, — дея Музаффар акага қаради. — Ичмас экан, ака. Обориб қўяверинг.

— Майли, майли. Шундан бошқа нарса бўлмаса ичаман. Чунки бошим чидаб бўлмайдиган даражада оғрияпти, — деб афтини бужмайтириди Бекзод.

Музаффар ошпаз пиёлани лиммо-лим қилиб тўлдириди. Бекзод эса бир кўтаришда охиригача ичиб юборди ва енгини ҳидларкан, идишни ошпазга узатди. Музаффар ака шу битта ичгани етарли бўлса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, камлик қилган экан. «Менинг бошим битта билан қўймайди. Яна битта тўлдиринг», деб Бекзоднинг ўзи сўраб олди. Аммо иккинчини ичганидан сўнг «тайёр» бўлди-қолди.

— Мен, — деди у қўzlари сузилиб, — сени хўжайнинг ёнига олиб бормасам бўлмайди. У мени билса, энами кўзимга кўрсатади. Ҳм, шундай бўлади. Пешонамдан отиб ташлайди. Билсанг, менинг болаларим кўп. Экиб-экиб кетаверган эканман ҳамма жойга...

У бошқа гапиролмади, бошини столнинг устига қўйди ва хуррак отиб, ухлай бошлади.

— Эй-й, падарингга лаънат! Мана, кунимиз кимларга қолган? Соли амаки, бунинг айтганини эшитдингиз. Ҳали

шулар бизнинг хавфсизлигимизни таъминлайдими? Ҳали шулар манфаатимизни ҳимоя қиласидими? Экиб кетаверганмиш, демак, уларни оналари билан бирга боқиши керак. Ўқитиш, уйлантириш, эрга бериш, қандайдир катта-катта амалларга ўтқазиш, уйли-жойли қилиш ва яна набираю чевараларининг умрининг охиригача етадиган бойлик ийигиб бериш керак эмиш. Шундай экан, сиз билан мен нима қилиб қараб турибмиз?! Тезроқ-тезроқ ишлаб, кўпроқ-кўпроқ пул топмаймизми, бермаймизми эртароқ бунга ҳаммасини. Бўлмаса бу бечора қийналиб қолади, — деди алам билан Фирдавс.

— Мен бўлмаса кўчадаги тиланчиларга ҳам бирма-бир айтиб чиқай. Чунки биз берган пул камлик қилиб қоладими, дейман-да, — деб кулди Музаффар ошпаз.

Фирдавс Солига юзланиб:

— Бу дардисарни нима қиласимиз? — деб сўради.

— Бошим қотиб қолди. Бирор жойга олиб бориб ташласак, эртага танк миниб келади. Ушлаб турсак, ундаям бўлмайди. Хуллас, бошим қотиб турибди, — дея жавоб берди Соли.

— Менда зўр битта вариант бор. Агар хўп десанглар, шуни қўллаймиз, — деди Музаффар aka.

Фирдавс билан Соли бирдан унга қаради.

— Кўптол кўчасини жуда яхши биласизлар. Ҳамма ёғи ликиллаганларга тўлиб кетган. Кўп қаватли уйларнинг қарийб йигирма-ўттиз хонадонида ишратхона бор. Ана шу уйларнинг биттасига киритиб юборамиз. Кейин милицияга хабар берамиз. Табиийки, гувоҳномасини олиб қўямиз. У ёғи сур-сур бўлиб, масаланинг тагига етгунича анчамунча сув оқиб қўяди.

— Музаффар aka, яхши фикр. Лекин қарғанинг қўзини чўқирмикин? Битта қўнгироқ билан қўйиб юборишади. Кейин улар қутуришади, — дея эътиroz билдириган бўлди Фирдавс.

— Чукӯрлаштириш керак. Айтайлик, Бекзоджон «тунги капалак»лар базмигача бирорта дўконни ўмарган бўлиши керак. Пулнинг бир қисмини яширган, қолганини ишратга сарфламоқчи бўлган. Тамом, — деди Соли.

— Кам. Уларни мутлақо бу ерга келтирмай қўйишга камлик қиласиди.

— Менда битта фикр бор.

Хонадагиларнинг ҳаммаси эшик томонга қаради. Қия очилган эшик ёнида Миразиз жилмайганча турарди.

— Тўғрисини айтсам, охирги иккита гапни эшитдим. Салпал бир нарсаларни тушунгандай бўлдим, — деди Миразиз.

— Вақтида келдингиз. Бошимиз қотиб турганди, — дея пешонасини қашлади Фирдавс ва сўнг воқеанинг ҳаммасини бир бошидан гапириб берди. Бекзоднинг гувоҳномасини кўрсатди.

— Ҳа, ҳеч қачон булардан яхшилик кутиб бўлмайди. Оқни қора қилишга, қорани оқ қилишга жудаям уста булар. Буларнинг отлари фақатгина булар. Булар деганида Худо бўлмайди. Буларнинг Худоси — егани, ичгани, майшати, хўжайини. Буларнинг отаси ҳам, онаси ҳам йўқ. Шундай экан, кўрқиш керак... Ўлдириб юборган одам савобга қолади. Лекин яххиси, ўзларини ўзлари егани маъқул. Шунда ҳеч қанақангни иси чиқмайди. Яна битта нарса, хўжайинидан кўрқадиганлар сендан ҳам қўрқади. Қачонки, ўлим кўзига кўринса. Демак, кўрсатиш керак.

Миразиз гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандай эди. Фирдавс унинг гапларига бир тушуниб, бир тушунмасди. Шуннинг учун юзига тикилиб қолганди.

— Топдим, — деб жилмайганча Фирдавсга юзланди Миразиз, — овозини ёзib оламиз. Икки нусхада. Ҳужжат бўлади. Ана ундан кейин ўша Музаффар aka билан Солининг айтганларини қиласмиз. Қўлимизда тасма бор экан, Бекзодбойнинг хўжайини қайтиб биз томонга ўгирилиб қарашга қўрқади.

— Тасмада нима ёзилади? — сўради Фирдавс.

— Нима бўларди? Сени бирорнинг ўрнига қамамоқчи бўлганлари ва шундай ишларни аввал ҳам қилганликлари. Бу шахсан хўжайинининг режаси экани ва ҳоказо.

— Мен бундай нарсаларга нўноқман, менсиз қилинглар, — деди Фирдавс.

— Албатта. Бунақангни нарсаларни менга қўйиб бераве-ринглар, — деб кулди Соли.

Фирдавс Миразиз билан хонадан чиқди. Унинг юраги безовта эди. Нимадандир хавотир олаётганди. Бироқ ўша нарсанинг нима эканини билмасди. У ташқарида тоза ҳавода

айланмоқчи бўлди. Аллақачон қоронғи тушган. Ташқарида муздай, дилни яйратувчи шабада эсмоқда эди.

Фирдавс бироз енгил тортди. Ўйладики, Бекзоднинг келиши унинг хотиржамлигини бузди. Шунинг учун юраги сиқиляпти. Аммо Миразиз қизини, хотинини ва Моҳинани Чорвоқдаги дала ҳовлига қўйиб келганини айтганидан сўнг қўнгли умуман бошқа нарсадан безовта эканини англади.

— Амаки, у ёқ хавфсизми? — дея сўради у Миразиздан.

— Хавфсиз. Энг ишончли жой. Нимайди?

— Ишончли бўлса майлику-я, янам билмадим.

Миразизнинг бошига бирдан оғриқ кирди. У секин Фирдавснинг елкасидан тутиб:

— Нима, бирор нимадан шубҳанг борми? — деди.

— Йўқ. Лекин менинг ҳам шу ёққа боргим келяпти. Балки, бирга борармиз... Тўғрисини айтсам, ҳамма нарсадан шубҳаланиб қолганман. Манави тол. Турибди. Кун бўйи. Минг марта кўрганман уни. Лекин ҳозир шунинг орқасида бирор пойлаётгандай туюляпти менга...

— Борамиз. Сен кириб озгина дамингни олиб тур. Мен Соли билан бирга анави ярамаснинг ишини битираи. Ундан кейин битта Солининг ўзи шунча ишни битиролмайди. Болаларнинг ҳаммасини чақириш керак. Айниқса, янги қўшилган, билаги кучга тўла ёшларни... Бўпти, сен кириб бироз дамингни олиб тур.

Хаёл бир бузилганидан кейин дам олиб бўларканми? Деразага қарайсанми, шифтга юзланасанми — фарқи йўқ, бирдан хаёлинг бузилади. Гўёки синглиси билан Мавзунага бирор ҳамла қилаётгандай туюлиб кетаверади... Фирдавс мана шундай гарангсиб турганида, у ўтирган бош ошпазнинг хонасига официант қизлардан бири кириб келди. Фирдавсдан тўрт ёш катта. Ўта замонавий қиз. Керак бўлса, мода ундан бошланади. Ҳеч қачон битта кийимни икки кун киймайди. Ўзиям ўтизиста кўйлаги бўлса керак. Ҳар доим ундан хаёлни қитиқловчи ҳид таралади... Бирорта эркакнинг ёнидан ўтса тамом, ўша эркакда бирдан иштиёқ уйғонади. Яна қизгина нозланиб битта-битта қадам ташлашни боплайди. Унинг патнис кўтариб юришини айтмайсизми? Бешала бармоғини бир қиласида, учига патнисни қўйиб олади. Уни кўрган одам ана тушиб кетади, мана ту-

шиб кетади, деб ўйлайди. Аммо ҳеч қачон тушмайды, гүё бармоқлари патнисга елимланганда. Шунингдек, қизгинанинг яна бир ўзига хос жиҳати, эркакларга кипри克拉рини пирпиратиб қарашидир... Унинг мана шу хислатларининг ҳаммаси бир бўлиб мижозлари кўпайишига хизмат қиласди. Фақат охиригай пайтлари қаҳвахонага келувчиларнинг сони кескин ошиб кетганлиги боис у баъзи мижозларини бошқаларга беришга мажбур бўлди.

Энди шу қизгинанинг иккинчи бир жиҳати бор. У эркакларга ноз-қараашмалар қилиши, шўх-шодон гаплар гапириши мумкин. Бироқ ундан нарига ўтмайди. Аслида, эркакларни жуда ёмон кўради. «Бирортаси ҳам одам эмас. Ҳаммаси ёлғончи. Ҳаммаси иши битгунича хушомад қиласди. Кейин, кейин қорасини ҳам тополмайсан», дея ўйлайди. Албатта, шундай деб ўйлашига ҳам сабаб бор. Бундан роппа-роса тўрт йил бурун севгани бор эди. Ярамас,номард, алдаб кетди. Алдаганда ҳам унча-мунча эмас, унинг ҳаётини остин-устин қилди. Номусини поймол қилгани етмагандай, бор топган-тутганини ҳам ола кетди. Мана шу қиз ҳозир бош ошпазнинг хонасига кириб турибди.

- Нима гап? — деди унга Фирдавс.
- Музaffer аканинг қўзини ўйнатгани келдим.
- У йўқ.
- Ўзинг нега бунаقا сўлиб ўтирибсан?!
- Ҳеч ким қўзимни ўйнатмаяпти-да, — деди Фирдавс кесатиб.

— Кўзинг ўзи ўйнамайди-да. Майли, хафа бўлаверма. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Шундай экан, қийналиб нима қиласан?! Ана орқангдаги шкафни очсанг, битта қулинг ўргилсин турибди. Бир пиёласини ютворсанг, ҳамма ёқ гулистон бўлиб кетади. Айтганча, сенга қойил қолдим. Ҳақиқий эркакнинг ишини қилдинг. Бопладинг уларни. Мана шунаقا шоҳларини синдириб қўймасанг, кўпни куйдиришади улар. Ана энди қадамларини босмайдиган бўлишиди, — дея жилмайди қиз.

Фирдавс қўлинни силтади ва ўзини орқага ташлаб қўзларини юмди.

— Сиқилаверма. Сенга ярашмайди. Чунки ҳақиқий эркак сенсан, — деб қиз унинг ортига ўтди-да, шкафдан ўзи айтган нарсани олди, пиёлани тўлдирди. Фирдавснинг ол-

дига қўйди. Кейин ўзи газак олиб келгани кетди. Фирдавс пиёлага қараб ҳам қўймади. Бунинг ўрнига сочини фижимлади-да, бошини эгди ва чукур нафас олиб чиқарди.

— Оббо, — деди қиз қайтиб кириб, — битта сенга сал-пал ишонаётгандим. Сен мана бунақанги қилиб...

Қиз пиёлани энди Фирдавснинг қўлига тутқазиб қўйди.

Умрида бунақанги ичимликни ҳаттоки ҳидламаган Фирдавснинг оғзи шунақанги ачишиб, юзи буришдики, кўрган одам бу бола заҳар-паҳар ичиб қўйди, шекилли, деб ўйлаши табиий эди.

— Нима бало ичирдингиз? — деди у алам билан.

— Ҳечқиси йўқ, бироздан кейин ўтиб кетади.

Ха, бироздан кейин ўтиб кетди. Аммо Фирдавсни ўй баттар исканжасига олди. У Миразиз амакисининг ёнига борди-да, ҳозирнинг ўзидаёқ Чорвоқча жўнаш кераклиги-ни айтди.

\* \* \*

Жой уларга ёқди. Айниқса, қизлар яйрашди. Рухшона эса бироз ўтирганидан сўнг тўғри ўчоқ бошига кетди. Пиёз артди, картошка тозалади. Тўғради, сўнг қозоннинг остига олов ёқди. Ана шуниси қийин кечди. Гугурт ёқади — ўтинни ёндиrolмайди. Шу тахлит ўндан зиёд гугурт донасини исроф қилиб қўйди. Ана шу пайт ёрдамга Моҳина келди. Рухшона холасининг қилаётган ишига қараб неча кунлардан бери илк бора жилмайди.

— Хола, менга беринг, — дея гугуртни қўлига олди ва аввал майда чўпчаларни, қофозни ўтиннинг остига жойлаштириди. Кейин гугурт ёқди. Бирдан олов лангиллади.

— Мени уялтириб қўйдинг, — деди Рухшона кулиб, — лекин овқатни ўзим тайёрлайман. Бугун иккалангни бир сийламоқчиман.

— Келишдик. Унгача биз чўмиламиш! — дея ҳайқирди ҳавза ёнида турган Мавзуна.

— Сув совуқмасми? — сўради онаси хавотир билан.

— Бироз, аммо дарров ўрганиб кетамиз.

Орадан салтгина ўтмай атрофни икки қизнинг қийқирифи тутди. Бу бошқача қийқириқ эди. Fam-гуссасиз, шодликка тўла қийқириқ. Рухшонанинг ҳаваси келди. Бир хаёл ечиниб, ўзини сувга отмоқчи бўлди. Аммо бунинг ўрнига ҳавзанинг ёнига бориб ўтириб олди-да, бир-бирига сув

сачрататайтган қизларнинг хурсандчилигини томоша қилди.

Орадан бир соатга яқин вақт ўтди. Рухшона қараса, қизлар ҳали-бери чиқадиган эмас.

— Бас. Икковинг ҳам шамоллаб қоласан. Дарров чиқ. Эртага ҳам кун бор. Камини эртага тўлдирасизлар. Овқатим ҳам энди совий бошляяпти, — деди у.

Қизлар истаб-истамай сувдан чиқишиди.

Қозон кабоб қип-қизил бўлиб, жуда бошқача пишганди. Гўштнинг таъми картошкага ҳам ўтиб кетибди. Қизлар гўштига эмас, картошкасига талашишиди. Рухшона уларнинг қилиқларини томоша қиларкан, кўзига беихтиёр ёш олди. Аммо билдирмади. Кулган киши бўлиб кўз ёшини артди. «Ишқилиб, бундай қувончли кунлар кўп бўлсин, узлуксиз давом этсин», деда кўнглидан ўтказди.

— Ая, — деда Мавзуна лагандаги овқат тамом бўлганидан сўнг, — эртага ҳам худди шундай қилиб пишириб берасиз. Ўзи нега бунча оз қилдингиз? Бор-йўғи бир лаган бўлибди.

— Мен бунчалик очофат бўлиб кетишларингни ҳисобга олмаган эканман, — деда дарров «айб»ни ўзидан соқит қилди Рухшона.

— Ҳо-о, очофат бўлиб кетибмизми? Бекор гап. Ўзингиз керак бўлса, овқатни ширин пиширибсиз, — деда гапга аралашди Моҳина.

— Мақташнинг аҳволини қаранглар, — деда кулди Рухшона ва қўлинини сочиққа артаркан, — майли, шу қилганингга ҳар куни қозон кабоб қиласман.

— Йўқ. Эртага ош.

— Ҳали лағмон ҳам қилиб берасиз, дерсан? — деда қизига юзланди Рухшона.

— Балки, ундан кейин навбатни манти олади.

— Шунақами? Керак бўлса, эртадан бошлаб иккалангни ҳам ишлатаман. Ўзим маза қилиб чўмиламан.

— Сузишни биласизми? — деда Мавзуна онасидан сўради.

— Билганда қандоқ, нақ балиқ бўлиб кетаман.

— Сира кўрмаганман-ку. Ундан кейин бир марта ўзингиз ҳечам сузига кўрмаганлигинизни айтгансиз.

— Энди сузига кетавераман. Нима бўлибди? Бунинг устига, ҳавза ҳам чуқур эмас экан...

Дарвоза кескин тақиллади. Рухшонанинг гапи бўлинди. Аввал у дарвоза томонга, сўнгра қизларга қаради. Кейин:

— Ким экан шу маҳалда келган? — деди ҳайрон бўлиб. Қизларнинг иккиси ҳам елкаларини қисди.

— Ким?! — дея бақирди шунда Рухшона.

— Милицияданмиз! Очинг! Йўқса, дарвозани бузиб киришга мажбур бўламиз! — дея дағдага қилди дарвоза ортида турган одам.

Рухшонанинг юраги бирдан шув этди. Ахир у касалхонадан қочиб келган. Бундан чиқди, бош шифокор милицияга хабар берган. Эҳтимол, жинни дегандир. Ҳа, шундай деган бўлмаса булар келишмас эди. Лекин унинг бу ерга келганини қаердан билишибди?

— Уй эгалари йўқ, очолмаймиз!

Мавзуна шундай дейиши билан дарвоза янада қаттиқроқ тақиллади. Энди бориб очмаса бўлмасди. Чунки тақиллатаБтганлар қулф оралиғига нимадир суққанлиги фирчиллаб эшитилди.

— Ҳозир, ҳозир! — деди Рухшона дарвозага яқинлашаркан.

Унинг овози фавқулодда қалтираб кетди. Мавзуна шу заҳоти унинг қўлини ушлаб олди.

Дарвоза очилди. Ташқаридагилар ичкарига бостириб киришди. Ҳайратланарли томони, энг аввал аёл киши кирди. У Лида эди ва у кириш асносида Рухшонанинг кўкра-гидан итариб четга сурганди.

— Ким бор бу ерда яна сизлардан бошқа?! — дағдага қилди у рус тилида.

— Ҳеч ким, — жавоб берди Мавзуна.

— Яхши. Бу учаласини қўлга олинглар! — амр қилди Лида.

— Нега?! — деди бирдан Рухшона.

— Бизга оператив хабар келди. Яқинда жиноят содир этилган. Жиноятчиларнинг учаласи ҳам аёл киши бўлган. Мана, сизлар учтасизлар, демак, ўша жиноятчилар сизлар бўлишларинг мумкин!

— Қанақа жиноятчи?! Биз шаҳардан келдик! — деди қўрқиб кетган Рухшона.

— Бас! Кимликларингни бўлимда аниқлаштирамиз. Қўлларини кишанланг!

Лида билан бирга келган давангирдай йигитлар бирдан Рухшона билан қизларга ёпишишди. Бечора жувон ялиниб-ёлворди, қизларга қүшилиб йиглади. Бироқ фойдаси бўлмади. Келганлар уларнинг кўлларини орқаларига арқон билан боғлаб, «Жигули»нинг орқа ўриндигига ўтқазиши.

Рухшона шунчалик гангиб қолгандики, келгувчиларнинг ҳаммаси фуқаро кийимдалиги, қўлларини кишанлаб эмас, арқон билан боғлаганлиги ва хусусий машинага ўтқазиши ганига эътибор ҳам бермади. Хаёлида «Буларнинг ҳаммаси милициядан. Ҳақиқатан ҳам, маҳсус топшириқ билан келишган ва адашиб бизларни олиб кетишяпти. Кўп қайғур маслик керак. Боргандаридан кейин катталари «Узр, англашмовчилик бўлибди», дейди. Кейин яна қайтариб олиб келиб қўйиб кетишади. Жиноятчилар жуда ёмон одамлар бўлса керак-да. Шунга булар кечаси билан қидиришяпти», деган ўй эди.

Уларни унча узоқ бўлмаган бошқа бир дала ҳовлига олиб бориши.

— Сизлар милицияданмиз дегандинглар-ку?! — деди Рухшона машинадан тушиши билан.

— Милициядан, милициядан. Милициянинг уйи кўп. Иморати кўп, — дея унинг елкасидан турткилади Лида. — Ичкарига кир. Милициянинг каттаси сени кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирибди.

Бу дала ҳовлининг иморати пастқам. Айвони йўқ. Ҳавзаси кичкина. Ўша ҳавзачанинг ёнида стол-стул бор. Стулларда Арслон билан Ўлмас рўпарў ўтирибди. Столнинг устида эса ноз-неъматлар. Иккита шиша ва тўртта қадаҳ. Арслон чекиб ўтирибди. Башараси бужмайган, бўш турган қўли мушт бўлиб тугилган эди.

— Мана, — деди Лида унинг ёнига бориб, — учаласини ҳам олиб келдик.

Арслон секин, гўёки истар-истамай ортига ўгирилди. Олдин Рухшонага, кейин қизларга бирма-бир ғазаб билан қаради, сўнгра сўради:

— Қайси биринг Фирдавс итнинг синглисисан?

— Акам ит эмас! — дея шу заҳоти унга жавоб қайтарди Моҳина алам билан.

— Ана, аниқ бўлди-қўйди. Буларни ёруғроқча олиб ўтинглар, яхшилаб кўриб олай, — деб Арслон бармоқлари ора-

сидаги сигаретани чертиб улоқтириди ва ўрнидан турди.

«Асиralар» айвонга ўтказилди.

Арслон Рухшонанинг рўпарасига келди. Яхшилаб тикилди. Кейин бурнини ишқалади-да, қизларнинг тўғрисига ўтди ва иржайди. Кейин:

— Лидичка, Лидичка, мен сенга битта гапни айтсан сира ишонмайсан! — дея ҳайқирди.

— Сен фақат ишончли гапиргансан, — дея унга жавоб қайтарган Лида стулга ўтириди ва шишадагидан қулқуллашиб қадаҳга куя бошлади.

— Мен сенга бир эмас, иккита кундош совға қиласман!

У шундай дейиши билан Мавзуна билан Моҳинанинг кўзлари чақнаб кетди. Чақнамади, ёнди, иккиси ҳам титради. Манави турқи совуқнинг башарасига тупургиси келди.

— Буларни бунчалик оғатижон деб ўйламаган эдим! Оҳ, оҳ, оҳ! — деб Арслон лаб-лунжини артганча Моҳинага яқинроқ келди.

— Акам гўрга тиқади сени! — деди баттар қалтираб кетган Моҳина.

— Балки, шундай қилар. Балки, олдин ўзи гўрга кириб, кейин мени чақирап. Йў-ўқ, дарров чақирмайди, орадан бирор олтмиш йил ўтади. Ана ундан кейин. Боя менга акам ит эмас деганимидинг? Тўппа-тўғри, у ит эмас. Чунки менинг қайногам ит бўлмайди-да.

— Мана шу гапларинг учун ҳам жавоб берасан!

— Бўлмасам-чи. Жавоб берамиз, — дея Арслон энди Мавзунага яқинлашди. — Бир-биридан гўзал, бир-биридан роҳатижон!

— Тилингни тий, ифлос! — деди унинг гапларига чидоммаган Рухшона. — Кимларни ҳақорат қилаётганини биласанми??

— Ҳақорат? Мен ҳеч кимни ҳақорат қилмадим. Мақтадим. Нима, бироннинг чиройлилигини айтиш ҳақорат бўлиб қолибдими?! Ҳақорат эса қандай бўлишини сал кейинроқ кўрасан. Хўпми?! — дея Арслон Рухшонанинг бурнини бармоқлари билан қиса бошлади.

— Тегинма! Тегинма! Кўйвор аямни! — дея қизлар чинқиришди.

Уларнинг бақиргани Лидага ёқмади. Ўзи Арслоннинг

гапларидан кейин зўрға тишини тишига босиб турганди. Қизларнинг бақиргани яхшигина баҳона бўлди ва у ўрнидан турди-ю, югуриб келиб Моҳина билан Мавзунанинг юзига шапалоқ туширди. Қизларнинг юзидан ўт чақнади. Арслон эса бирдан Лиданинг қўлидан ушлади.

— Рухсатимсиз ҳатто сен ҳам бирор нима қилишинг мумкин эмас! — деди пишқириб.

— Буларнинг эсини киритиб қўйиш керак! — дея ўзини оқламоқчи бўлди Лида.

— Кираиди эси. Секин-секин. Ҳозир эса қамаб қўйинглар буларни. Ўзим ҳалироқ шуғулланаман оғатижонлар билан. Ахир куч тўплашим керак-ку!

\* \* \*

Роза бирдан ўзини ерга ташлади ва соchlарини гижим-лаганча айтиб йиғлашга тушди. Сўнgra:

— Шунчалик ҳам мени куйдирасизларми?! Гуноҳим нима эди?! Ўлиб бўлдим-ку! Биттаси қорасини кўрсатмайди! Иккинчиси гиёҳванд! Ўзимни ўлдирайми?! Ўлдирайми?! Шунда мендан қутуласизларми?! — дея думалай бошлади.

Илгари ҳам бир марта шундай қилиб кўрган у. Иш берган. Бурнидан эшак қурти келиб турган Фаттоҳ Норқулович дарров юмшаб ўтирганда, хотинининг бошини кўтариб кучоқлаган. «Тсс, бўлди, бўлди, ҳаммаси яхши бўлади. Мен барини жой-жойига қўяман», деган. Ўшанда, аслида, нима бўлганди?! Ҳа, Фаттоҳ Норқуловичнинг «дилпариши» борлигини Роза билиб қолганди. Шунинг учун ҳам қиёмат қилганди ва ютиб чиққанди... Энди эса ўғлини касалхонага жўнатяпти. Касалхона эмас, жиннихона денг. Шу билан Комилдан қутулмоқчи. Аммо Фаттоҳ Норқулович ўғлини роса яхши кўради. Нима, у боласининг гиёҳвандлигини билмайдими? Билади. Бир неча марта ўели уйида чекканлигини ҳам сезган. Бироқ индамаган. Албатта, ичичидан эзилган. Бироқ индаёлмаган. Индаса, ўлдириб қўйиши мумкин. Чунки у битта ишни бошладими, охиригача етказади. Жаҳл устида ҳамма нарса қиласди. Ҳеч нимадан тап тортмайди. Ана шундай ота ўғлини жиннихонага юбортириб қўядими? Ҳеч қачон! Демак, ҳийла ишлатиши, илонга айланиши керак. Роза худди шундай қиляпти.

— Нима бўлди?! — деди Фаттоҳ Норқулович бир хотинига, бир ўғлига қарапкан.

— Дард бўлди, адаси, дард бўлди! Нега мени шундай ўтга ташлаб кетдингиз? Билмасдингизми болангизнинг кимлигини?! — дея кўзидан дув-дув ёш оқизди Роза.

— Билардим, — дея пичирлади Фаттоҳ Норқулович ва секин машинага яқинлаши.

Комилнинг боши гаранг эди. Каракт эди у. Отасининг келганини, онасининг тупроқса беланиб ётганини кўрмайтганди. Хаёлида ўша унга берилмаётган «кукун» эди. «Кукун»ни беришса, хотиржам тортади. Керак бўлса, чўнта гидаги шприцга солади-ю, игнани томирига тиқади...

— Нима бўлди сенга, болам? — дея Фаттоҳ Норқулович Комилнинг қўлини ушлади.

— Эй-й, ада, келдингизми? — дея хунук иржайди Комил. — Ойимга айтинг, берсинлар менга. Машинага мажбурлаб ўтқазиши. Қаергадир жўнатишмоқчи мени, майли, бораман, лекин анавини берсин. Бўлмаса, мен ўлиб қоламан. Ҳа, ўлиб қоламан, адажон. Ёлғизгина ўғлингиз тупроқнинг остига кириб олади.

— Яхши бўларди, болам. Шундай қылсанг, кўнглим хотиржам тортарди. Қаерда эканлигингни билардим. Бунча мени эзасан?.. Қара, онангни, қара, нима аҳволда ётибди?!

Худди шу маҳал Роза увиллаб юборди. Пешонасини гурс этказиб бетонга урди. Ўзиям кўзидан ўт чақнаб кетди. Ахир билмасдан уриб қўйган эди-да.

— Берсин, берсин! — дея ялинди Комил.

— Хўп, ҳозир.

Фаттоҳ Норқулович хотинининг елкасидан тутиб кўтарди-да:

— У сўраётган нарса қаерда? — деб сўради паст овозда.

Роза жавоб бермади. Аммо халатининг чўнта гига қўлини тиқиб целлофандаги оппоқ «кукун»ни чиқазиб, эрининг қўлига тутқазди.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Тур, бундай ётма, уят бўлади. Дард иккаламизники. Оҳ-воҳ билан бу дардан қутуломайсан. Тур ўрнингдан, тур!

Фаттоҳ Норқуловичнинг ҳам кўзидан ёш қуйилди ва у қаддини ростлаб божасига қаради. Сўнгра:

— Иқболжон, манавини олиб, ўзингиз бирор нима қилиб қўйинг. Кейин гап шу ерда қолсин. Ҳар қалай, бего-

на эмасмиз-ку, — деб целлофан идишни Иқболнинг қўлига тутқазиб, ўзи ичкарига кириб кетди. Деворни муштлади. Стол-стулни муштлаши мумкин эди. Унда овоз қаттиқ чиқарди. Хотини ишни охирига етказмай югуриб киради. Кайфиятини баттар бузади. Бунинг устига у ҳозир ёлғиз қолишни истайди.

Музлаткичдан оладиганини олди. Столнинг устига қўйди. Бир пиёла ичгач, шўр бодрингдан тишлади-да:

— Итда тиним бўлди, лекин мен тинмадим. Одамлар сайру саёҳатларда юришди. Лекин мен ҳеч қаерга бормадим. Хотиним маза қилсин, дедим, болаларим кам-кўстсиз катта бўлсин, дедим. Ниятимга етдим. Энди эса дабдалам чиқди. Ҳеч ким менчалик хор бўлмаган бўлса керак! — деди алам билан ва яна пиёлани тўлдирди-да, бир кўтаришда охиригача ичди.

Унга докторлар «Мумкин эмас, юрагингиз кўтаролмайди», дейишганди. Лекин нима қилсин? Манави қайғуниям юраги кўтаролмайди-да.

Фаттоҳ Норқуловичнинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлиди. Айни дақиқада у қизи ҳақида ҳам ўйлаётганди. Қизи баҳтсиз. Қизи ҳар кимнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб юрибди. Шунча амалда ўтириб, шунча бойлик тўплаб, бирорта ҳам фарзандини баҳтли қиломади. Алам қилмайдими? Қилади.

Фаттоҳ Норқулович учинчи пиёлани тўлдираётганида Роза кириб келди. Келди-ю, эрининг елкасидан қучоқлади.

- Ичасанми? — деди унга Фаттоҳ Норқулович.
- Ҳа, — жавоб берди Роза.
- Нима қилдинг?..
- Жўнатиб юбордим.
- Қаерга?
- Жиннихонага.
- Им! — деди Фаттоҳ Норқулович ва қўксини гижимлади.

— Адаси. Им, демант, илтимос. Юрагим ёрилиб кетади. Зўрга турибман. Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Бу балолардан бир кунда қутуламиз, — деб эри ўзига қўйган суюқликни Роза ичиб юборди-да, лаб-лунжини артиб, гапида давом этди. — Битта жудаям камбағал болани топа-

миз, у Сабинани хотин қилиб олади. Бизницида яшашади. Қанча пул бўлса, берамиз. Комилжон ҳам даволаниб чиқиши билан бечорароқ қизга уйлантириб қўямиз. Шу билан олам гулистон.

— Тўғри. Буни анча олдин қилиш керак эди. «От ўрнини той босар», дейишади. Ёлгон экан. Босмас экан. Босолмас экан. Чарчадим. Озроқ чўзилмасам, афанааб тушаман.

— Юринг, ўзим олиб бораман, — дея Роза эрининг қўлидан ушлади.

Иккиси ётоқقا киришди. Бир соатча ҳар иккиси ҳам ўзининг хаёли билан банд бўлди. Ҳар иккиси ҳам фарзандларини нўноқлиқда айблади. Бироқ на унисининг ва на бунисининг хаёлига «Ахир биз болаларимизни ҳаром билан боқдик-ку. Қанчадан-қанча одамларни қақшатиб, пулларини тортиб олдик-ку. Яна қанчасини қамоққа тиқиб юбордик, оиласарини барбод қилдик. Бунинг касри бизга урмади. Маишатни давом этказдик. Шундай пайтлар бўлдики, фақат ресторанда овқатландик. Кеккайиб, фўдайиб одамларни оёғимизнинг уни билан кўрсатиб юрдик. Аммо касри бошқа ёқдан урди. Жон жойимиздан тутди. Мана, энди бутун дунёning қайфуси бошимизга тушиб турибди», деб ўйламади. Ўйлай олмасди ҳам. Чунки ҳаром бир куни келиб, албатта, тешиб чиқшини билишмасди.

Телефон жиринглади. Роза оғриниб турди-да, оғир-оғир қадам ташлаб, йўлак томонга кетди. Фаттоҳ Норқулович эса ўрнидан туриб ўтири ва чуқур уҳ тортиб, каравотининг бошидаги тумбанинг тортмасидан тутатқи олди.

— Москвадан экан, сизни сўрашяпти, адаси! — қичқирди Роза йўлакда туриб.

Фаттоҳ Норқулович чўчиб тушди. Сакраб ўрнидан турмоқчи ва югуриб бориб гўшакни хотинининг қўлидан олмоқчи бўлди-ю, аммо негадир қўксига қаттиқ оғриқ туриб, уни қимирангани қўймади.

— Бу ёққа олиб кел! Тезроқ! — деди ўтирган жойида.

Бирпастда хаёли турли «бурчаклар»га кириб чиқди. Шулардан бири Сабина эди. Сабинанинг «бурчаги» эди.

Роза телефоннинг узун симини судраб келиб гўшакни эрига бераётганида, Фаттоҳ Норқурловичнинг қўли қалтираётганди.

— Алло... — деди у хаста овозда.

— Ниҳоят, азизим бунчаликмас-да. Икки кундан бери қидираман. Бугун ҳам тополмайман, деган хавотирда эдим, — деди қўнғироқ қилган киши рус тилида.

— Павел, Павел, дўстгинам. Сал бўлмаса юрагимни ёра-ёздинг. Хаёлим ташвишлар билан тўлиб-тошган. Шунинг учун сендан узр сўрайман. Омонмисан, ошна?! — деди Фаттоҳ Норқулович юзига қон югурниб.

— Оғайни, нималар деяпсан? Худди сени қандайдир ташвиш билан илгари жуда кўп безовта қилгандайман.

— Йўқ! Асло бундай бўлмаган. Айтяпман-ку, сўнгги пайларда негадир ўзимдан ҳам шубҳаланяпман.

— Чарчабсан. Дам олиш керак. Мен сенга Сочидан ажойиб жой буюртма қилдириб қўяман. Келасан-у, ҳамма чарчо-фингни чиқариб кетасан.

— Оҳ, қанийди? Бугуноқ учишга тайёрман. Аммо бу ёқдагилар оёғимни кишанлаб қўйишган.

— Рўйхатини бер. Ҳал бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Айтганча, қизинг меникида. Ниҳоятда ақлли ва зукко қиз экан.

— Раҳмат.

— Бу ёини ўзинг яхши тушунасан. Жомадондагилар сал камроқми, дейман. Бу ёқда қизинг Истроилга кетишини тураб турган бир пайтда. Айтганча, Андрейни яхши танийсан, у сенга қуюқ салом айтди.

Фаттоҳ Норқуловичнинг туси ўзгарди. Зеленскийнинг гаплари тагида қанчалик улкан нарсалар ётганини у жуда яхши англаб турарди.

— Ҳаммаси зўр бўлади. Бу ёғидан хавотир олма. Сабина бир уйга келиб кетиши керак.

— Яхшимас, дўстгинам. Қиз болага юк кўтартириб қўяссанми? Андрейнинг ўзи елдай учиб бориб келади. Айтганча, Гдлян «енгиллашиб» олди. Кўпни кўрган-да у. Ивановга сира ўҳшамаган. Бўлмаса унга шерик бўлиб «боғ-роғ» кезгани кетарди. Хуллас, Андрей бугунги рейс билан етиб боради... Буни қара, ҳаттоқи у учиб кетибди. Жуда чаққонда. Хўп, майли, кўп гапириб юбордим. Бу ёқда ишлар қараб қолди.

Гўшакдан қисқа товуш келиб қолди. Фаттоҳ Норқуловичнинг ранги гезарди. Қалтираш яна бошланди.

— Анавиндан... Йўқ, шошма, дори олиб кел. Нимагадир

ҳаво етишмаяпти. Қисталоқдан бирорта яхшироқ гап эши-таманми десам, пўписа қилди. Энди Сабинани гаровда ушлаб олганмиш. Агар пул бермасам ўлдирармиш. Жомадондаги бойликларнинг барига эга чиқибди. Падарингга лаънат Андрей жаллод. Исройл...

Роза эрининг гапини эшитаркан, юрагининг уриши тезлашди. Жовдирабгина, бечорагина, маъюосгина, қайгули термилди эрига. Ҳозир эри «Лекин у чучварани хом санабди, шохида юрган бўлса, мен аллақачон баргига ўтиб олганман, керак бўлса, гулма-гул сакрашни ҳам аллақачон ўзлаштириб олганман, бир марта пуф десам куйиб кулга айланади улар», дейишини кутди. Бироқ Фаттоҳ Норқулович ундаи демади. Чукур уф тортди. Ҳамда:

— Кўлларидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Шайтон. Бир қўринади, бир йўқолади. Ҳаттоки саломининг ҳам ҳақиқийлигига шубҳа бор, — деди.

— Ўғлимиздан айрилганимиз шундоққина кўриниб туриди, энди қизимизни ҳам бой бериб қўйдикми? Неъмат нима қилиб юрибди. Сиз унга ишонгандингиз, кў-ўп пул бергандингиз, — деди Роза қўзига ёш тўлиб.

— Неъмат ҳеч қачон сотилмаган, сотилмайди ҳам. Аммо... Аммо у тирикми- йўқми, шунисини билмайман.

— Ни-ма?! Уни ўлдириб юборишдими?! — деди Роза даҳшат билан.

— Билмайман. Билолмайман. Лекин қўлимни қовуштириб ҳам туролмайман. Илгари Нормат чўлоқ бор эди. Унчамунча нарсаларни ҳал қилишга қурби етарди. Атайлабдан йўқ қилишди. Ўринини битта чурваقا эгаллаган. Ҳамма ёқда қовун тушириб юрибди. Эшитишумга қараганда, отасини ҳам касалхонага тиқибди. Мендан бой бўлса бой эдики, камбағал эмасди. Шунча пули бўла туриб, ҳозир ўлим билан олишиб ётибди... Лекин ҳал қилмасам бўлмайди, — деб Фаттоҳ Норқулович қўзини юмди-да, пастки лабини тишлиди. Бир муддат шу тахлит турганидан сўнг яна қўзи ни очиб:

— Хоним, газак билан анавиндан олиб келинг. Телефонни эса менга беринг, — деди.

Розанинг ичиди умид чироги ёнди ва эрининг амрини адо этиш учун югуриб кетди.

Фаттоҳ Норқулович Ҳамдамнинг рақамини терди. У Ҳам-

дамни ҳамиша захирада ушлаб тураты. У чүрткесар, бир сүзли, қайсар, бақувват йигит. Ёлғон гапирмайды, бирорын алдамайды. Доим қалтис ишларга аралашып юрады. Шунинг орқасидан мол-дунё түплаган. Ўзига ўхшаган ўндан зиёд йигитни атрофига йиққан. Айтишларига қараганда, ким молини, машинасини йўқотса, кимнинг уйига ўгри тушса, унинг ёнига бораракан. Маълум сумма эвазига Ҳамдам ёрдам сўраб келганинг ҳожатини чиқарапкан... Лекин яна битта томони бор. Уни ҳеч ким кўрмаган. Номини эшитган. Қилаётган ишларидан барча хабардор. Бироқ кўрмаган. Чунки Ҳамдам кўриниш бермайды. Ишни йигитлари орқали бажаради. Хотини тўртта. Ҳар биридан учтадан боласи бор. Ўша хотинлар ҳам бир-бирини танимайды. Ҳар бирига Ҳамдамнинг ўзи кундоши борлигини айтган. Бироқ бирорта ҳам хотини жанжал кўтартмаган. Чунки кўрқади. Уриб ўлдириб қўяди, деб ўйлайди. Ҳолбуки Ҳамдам уларни чертмаган. Ҳатто қаттиқ гапирмаган. Шунчаки иржайиб-тиргаймайди. Бўлар-бўлмас гапларни гапирмайди. Маслаҳатлашмайди. Тамом, шунинг ўзи хотинларига етиб ортади.

Фаттоҳ Норқулович у билан Гдлян, Иванов келган даврда танишган. Гдлян Москвадан маҳсус гуруҳ чақирмоқчи, Ҳамдамни шериклари билан бирга йўқ қилиб юбормоқчи эди. Аммо орага Фаттоҳ Норқулович аралашди. Аввалига Ҳамдам ҳақида маълумотлар йифди. Қараса, эрта бир кун ўндан яхшигина фойдаланса бўлади. Гдлян билан аллақачон олди-бердини йўлга қўйиб олган ва шунинг натижасида каттагина пора эвазига қанчадан-қанча одамини кутқариб қолди.

Ҳамдамни ёнига чақирди. Бироқ Ҳамдам келмади, ўрнига йигитларини жўнатди.

— Агар ўзи келмас экан, қариндош-уруғи билан видолашиб қўяверсинг! — деди ғазаб билан Фаттоҳ Норқулович.

Орадан ҳеч қанча ўтмай Ҳамдам келди.

— Мени ўлдирадиган одамни ўз кўзим билан кўришни истадим! — дея қовоғини осилтирганча дағаллик қилди у.

— Сени ўлдирадиган одамни ҳеч қачон кўрмайсан. Мен сени огоҳлантирадиганман, холос. Хуллас, устингга қора булут чиққан, эрта-индин Москвадан маҳсус тайёргарликдан ўтган ўлим гуруҳи келади. Сениям, йигитларингният

қўлидан ҳеч нима келмайди. Осонгина барингни жойингга солишади-ю, кетишади. Мана, қанча ҳужжат йигилган сенинг устингдан, — дея Фаттоҳ Норкулович столининг устидаги турган бир даста қофозни кўрсатди.

— Нима қиласай, ўлдирманглар, деб ялиниб-ёлворайми?!

— Керак бўлса, шундай қиласан. Лекин сенинг табиатингда бундай нарса йўқ. Бирок тўртта хотининг, болаларинг шаънини ўйла. Сен ҳеч қанақанги давлат ишида ишламайман. Пахтагаям дахлим йўқ, дейишинг мумкин. Аммо тўртта хотининг борлигининг ўзи — катта жиноят. Эски-часига мумкин, у ёқ-бу ёқ дейишинг икки пул. Яна афонга икки эшелон буғдой сотдинг. Пулини жарақ-жарақ санаб олдинг. Ими-жимида қилдим, бирор билмайди, дейсанми? Бекор айтибсан, шунчаки сенга қўйиб берилди. Майли, жиноятларининг сонини ошириб бораверсин, бу ёнда «папка» қалинлашиб кетаверади, дейишиди. Кўрдингми, мен бор-йўғи иккитагина «иш»ингни гапирдим. Шунинг ўзиёқ бемалол пешонангдан отиб ташлашимга етади. Шунинг ўзиёқ бутун уруғ-аймоғингни қуритишга етиб-ортади. Ахир сен топиб келганлардан улар ҳам ейишган-ку. Демак, ҳақини тўлаши керак. Қандай қилиб тўлайди? Битта шу тўғрисида яхшилаб каллангни қотириб кўр-чи? Худди сенга ўхшаб, мана менинг кўксим, тарс-турс отиб ташла, дейишидами? Йў-ў-ў-қ, ундан бўлмайди.

— Нима истайсизлар мендан?

— Пул керак эмас, тилла ҳам.

— Унда нима?..

— Ажаблантирадиган ниманг бор?

— Кийик. Иккита. Унақаси бошқа ҳеч қаерда қолмаган.

— Берасан.

— Мен уларни кўпайтираман.

— Хотинларинг қўлма-қўл бўлиши эвазигами?

— Ҳов! Ҳаддингдан ошма, тилингни сууриб оламан!

— Ол. Агар шу билан муаммо ҳал бўладиган бўлса, мен бажонидил тилимни бераман. Лекин айтиб қўйай, шу билан бошингда турган қоп-қора булат бирор жойга кетиб қолганида қани эди. Мен сенга яхшилик қиласан десам, сен қаёқдаги иккита ҳайвонингни деб миямни қотириб турибсан. Бўлди, гап йўқ, кетавер. Мен сенга ҳеч нарса демадим. Сен ҳеч нима эшитмадинг.

Ҳамдам бўшаши. Секин столни чертиб турди-да:

— Бўпти, айтганингиздай бўлсин. Бугуноқ йигитлар шу иккита кийикни сиз қаерга десангиз, ўша ерга олиб бориб беради, — деди.

Ҳамдам гапида турди. Кийиклар, ҳақиқатан ҳам, бошқача экан. Бирам чиройлики кўриб, кўзинг қувнайди.

Орадан бир ҳафталар ўтиб Ҳамдам миннатдорчилик билдиргани келганида Фаттоҳ Норқулович шу ҳақда айтди. «Эсиз, қизғанганингча бор экан. Лекин мен уларга, илтимос, сўйиб юборманглар, дедим. Биттаси урғочи экан, шундоққина бўғозлиги билиниб турибди, дедим.

— Майли ака, кетди-кетди. Эслатсангиз ичим куяди. Мен суриштирдим, гапларингизнинг бари тўғри экан, энди хизматингизни айтинг, — дея Ҳамдам бошини қашлади.

— Хизмат бўлса қочиб кетмас, жонинг омон бўлсин.

Фаттоҳ Норқулович шундай деганида ўзини чексиз қудратга эга одамдай ҳис этди. Аслини олганида ҳам, ўша давра унинг олдига тушадиган одам йўқ эди.

Кейинчалик ҳам у Ҳамдам билан беш-олти марта кўришиди. Гаплари бир жойдан чиқиб, худди ака-укалардай бўлиб олишди. Мана, орадан шунча йил ўтиб биринчи марта Фаттоҳ Норқуловичнинг Ҳамдамга иши тушиб турибди.

Гўшакни аёл киши кўтарди. У Ҳамдам акасининг йўқлигини, Тошкентга кетганини айтди. «Мен Тошкентдаман, Ҳамдамнинг оқаҳонларидан бириман, манзилини беринг, кўришишимиз керак», деди. «Меҳмонхонада, номи «Ўзбекистон», дея шу заҳоти жавоб берди аёл.

Фаттоҳ Норқулович гўшакни қўйиб, қайта кўтарди. Шоша-пиша «Ўзбекистон»нинг рақамини терди. У идораларга қандай таъсир ўтказишни билади. Шу боисдан икки оғиз гап билан телефон ёнида ўтирадиган қизни оёққа қалқитди ва у зум ўтмасдан Ҳамдамнинг хонаси билан улади.

— Ака, авлиё экансиз. Ҳозиргина сизга ўзим кўнфироқ қилсаммикин, деб тургандим. Бундоқ ош-пош қилиб одамга ўхшаб чойхона-пойхонада ўтирайлик, — деди Ҳамдам салом-алиқдан сўнг.

— Битта жиддий иш чиқиб қолди. Йигитлардан бўлса, бир-иккитасини олволсангиз яхши бўларди.

Фаттоҳ Норқулович енгил тортди ва хурсанд бўлган ҳолда гўшакни қўйди-да, эҳтиёткорлик билан ўрнидан турди.

— Адаси, бироз ётганингиз яхши эди. Бунақада яна ма-  
зангиз...

— Кўй, хотин, ҳозир ётадиган маҳал эмас, ундан кўра  
кийимларимни тайёрлаб бер. Йўқ, тўхта, борини шундоқ  
кийиб кетавераман. Ундан кўра анави мен тахлаб қўйган  
жомадончалардан биттасини олиб кел, — деди Фаттоҳ  
Норқулович.

Жомадончалар фақат пул учун. Унга катта-катта пуллар  
солинади. Бировларга пора сифатида олиб борилади. Ҳа,  
ҳа, худди шундай қилинади. Фаттоҳ Норқулович олдиндан  
ният қилиб қўйган. Бировларга пора бераман деб.

Ҳамдам иккита машинада келди. Бирида ўзи ўтирибди.  
Иккинчисида йигитлари. Фаттоҳ Норқулович билан қадр-  
дон эмасми, қучоқлашиб кўришди. «Анча ўзингизни ол-  
дириб қўйибсиз, бу ейишнинг маззаси йўқми дейман»,  
дека ҳазиллашди. Фаттоҳ Норқулович зўрма-зўрига иржай-  
ди. Кейин улар машинага ўтиришди.

— Ука, аҳвол анча чатоқлашди, — деди Фаттоҳ Норқу-  
лович бироз юришганидан кейин уловни бошқариб кета-  
ётган Ҳамдамга.

— Сиздай одамнинг аҳволи чатоқ бўлиши ҳам мумкин-  
ми? — деха ишонқирамай Фаттоҳ Норқуловичга қараб қўйди  
Ҳамдам.

— Афсуски, бўлар экан. Яширмайман. Москвадан кели-  
шяпти, пул бериб юборишим керак. Шунга ёнимда тур-  
санглар, дегандим.

— Эй-й, ака, нима деяпсиз? Москванинг аввалги қучи  
қолмади-ку. Бировлар тийинга олмаяпти-ку. Шунақа пай-  
тда яна пул берасизми ё жудаем ортиқчалик қилиб кетди-  
ми?

— Буларнинг ҳаммасини жуда яхши биламан. Лекин улар-  
нинг қўлида қизим бор. Шунинг учун... Агар бермасам,  
ўлдириб юборишади.

Ҳамдам бирдан машинани йўл четига олиб тўхтатди ва  
Фаттоҳ Норқуловичга «ёнаётган» кўзлари билан бокди-да:

— Бир пайтлар ор-номус масаласини менинг олдимга  
қўндаланг қўйгандингиз. Шу маънода мен сизни тушуна-  
ман. Лекин бу сафар ҳамма томонлама юқазишимиизни ис-  
тамайман. Мен сизни қўшиб айтиётганлигимнинг сабаби

акамдай бўлиб қолгансиз. Ўшанда ўзингизга сариқ чақа ҳам олмасдан менга ёрдам қйлгандингиз. Аммо ўша кийиклар ҳалигача тушимга киради. Мен барини аниқлаштирдим. Менинг кийикларим Краснодарда экан. Бешта бўлибди. Меникиларни аллақачон сўйиб еб юборишибди. Ҳозир насли қолган. Мен уларнинг еганини қусдираман. Бурнидан булоқ қилиб чиқараман. Қандай қиламан, бу ёғини ўзим биламан. Сиз эса пулни бермайсиз. Қизингизни кутқарамиз, — деди.

— Гдлян билан Иванов булардан эмасди. Уларнинг ожиз жойлари бор эди. Аммо ҳозир менинг ишим маккорликда шайтонга дарс берадиганларга тушиб турибди. Шундоқ экан, менинг пулдан воз кечмасдан иложим йўқ. Шунда ҳам кутулсан қанийди, — деди Фаттоҳ Норқулович чуқур уҳ тортиб.

Ҳамдам машинадан тушди. Бироз юрди-да, нимадир дейишга шайланди. Кейин яна бир муддат юрди. Сўнг қайтиб келиб, машинага ўтирди.

— Бундай қиламиз, ақа, сиз пулни берасиз. Кейин менинг одамларим унинг орқасидан тушади. Бориб қизингизни ҳам қутқаришади, пулларни ҳам қайтариб олиб келишишади. Фақат хизмат ҳақи пулнингизнинг ярми, келишдикми? — деди бир қарорга келган Ҳамдам.

— Келишдик, ука. Фақат қизимга бирор нима бўлмасин. Яна...

— Бу ёғидан хавотир олманг, — деб Ҳамдам машинадан тушиб орқа томонга кетди.

«Вой ярамас, мен сендан сариқ чақа ҳам олмагандим. Сен бўлсанг... Майли, иш битсин, у ёғига бирор нима чиқиб қолар. Биз ҳам жуда ўлиб қоладиган жойда эмасмиз. Худога шукр, танишларимиз ҳалиям кўп», дея кўнглидан ўтказди Фаттоҳ Норқулович.

Ички хотиржамлик Фаттоҳ Норқуловични Андрей билан кўришганида ўзини тутиб туришга ёрдам берди. Акс ҳолда у ялиниб-ёлворарди, қовун туширарди. Чунки Андрей ўта синчков, қўйиб берсангиз, хаёлингиздагиларни ҳам илғаб оладиганлар хилидан. Ва айни чоғда кўрган-билганинг ҳаммасини оқизмай-томизмай Зеленскийга етказади. Фаттоҳ Норқуловичда кўрқиши аломатлари кузатил-

дими, демак, яна ҳужум бўлади. Яна у «соғилади». Токи унинг бир сўми қолмагунича. Балки, ўшанда ҳам Сабина Зеленскийнинг қўлидан кутулмас. Чунки Зеленский түғилганиданоқ қулогига қўйилган, «Шайтон бизнинг қариндошимиз ва унинг амалини қилган. Шайтоннинг душмани бизнинг душманимиз. Айниқса, анави рўмол ўрайдиганлар». Шубҳасиз, бу гаплар бундай очиқ айтилмаган. Бироқ таг маъноси шундай. Пул берасан, фоиз оласан. Гуноҳларини кечириш учун тавба-тазарру маконига сидқидилдан кетаётгандарнинг ораларига тушиб, бир-бирига душман қиласан. Ҳар қадамда фақат машнатингни ўйла. Бирорга сирингни очма. Савол берганга савол билан жавоб бергинки, жавоб тополмай мияси айниб қолсин ва қандай қилиб сенга хизмат қила бошлаганини ҳатто ўзи ҳам сезмасин. Ҳамиша маккор бўл. Ҳаттоки аёллардан ол. У ҳамма нафсингни қондирсан», дейишган. Шундоқ экан, Фаттоҳ Норқулович унинг учун сариқ чақага қиммат. Ўлиб кетгани билан иши йўқ. Унга гарчи қотил, кazzоб эса-да Андрей минг чандон афзал. Сабаби, у қондоши.

— Албатта, мен сизнинг илиқ кутиб олганингизни, саиммий инсон эканлигингизни хўжайинга етказаман ва сиз қизингиздан хотиржам бўлишингиз мумкин. Сабина ажойиб, замонавий, илфор қиз экан. Биз уни кўз қорачигидай асрایмиз, — деди Андрей ва жомадонни олди-ю, яна аэропорт биносига кириб кетди.

Фаттоҳ Норқулович Ҳамдам ўтирган машина ёнига келди ва пешонасидағи терни артаркан:

— Кўрдингми? — дея сўради Ҳамдамдан.

— Ҳа. Айёр. Сиз билан гаплашаётганида кўзи ўйнади. Менимча, шу атрофдаги машиналарнинг барини санади. Ичиди одам ўтирган-ўтирганинига ҳам эътибор берди. Яхшики, у кетганидан дарров менинг ёнимга келмадингиз, сигарета чекдингиз. Ҳов анави ўриндиқда ўтиргингиз, кейин келдингиз... Унинг вақти жудаям кўп эмас эди. Сизни узоқ муддат кузатолмасди. Демак, менинг ёнимга келганингизни кўрмади, — деди Ҳамдам.

Фаттоҳ Норқулович орқа ўриндиқقا ўтирди.

— Ука! Ёмон эзиз юборишди. Битта яхши жойга борайлик. Чин кўнгилдан ўтирайлик.

— Шаҳар ташқариси бўлсинми ё ичкаридаги бирорта сўлим жойга борамизми?

— Ичкари. Ташқарининг ташвиши кўп.

— Кетдик-да, ака.

\* \* \*

Улар ўша жойга боришиди. Зеленский чўнтағидан папирос чиқариб лаблари орасига қистириди. Тутатди. Оғзининг чеккасини иккита бармоғи билан артди.

— Қара, — деди Сабинага ўриндиқни кўрсатиб, — мана шуни шахсан ўзим ясаганман. Мени кўрганлар вазир жа-нобларининг қўлидан пул санашдан бошқаси келмаса ке-рак, деб ўйлашади. Бироқ улар чучварани хом санашади. Жисмоний меҳнат менинг жону дилим. Айниқса, дурад-горлик. Бобом раҳматли бир пайтлар дурадгор бўлган экан. Бир-биридан гаройиб ҳикоятлар айтиб берган менга.

— Нега бу ерга ўриндиқ керак бўлиб қолди? — деди Сабина ўзини гўлликка солиб.

— Нега бўларди? Дам олиш, тоза ҳаводан мириқиб си-мириш, шириндан-шакар хаёлларга берилиш учун-да. Масалан, сен ҳозир ўтиришинг мумкин. Ўтган ҳаётинг бор-ку, маза қилиб яшаган давринг — отангнинг қаноти остида. Ўша даврни кўз олдингга келтиришинг, биринчи марта севиб қолганингни, учрашганингни, лаззатли онларингни эслашинг мумкин бу ерда. Албатта, сенга имконият берилади.

— Кейин пешонамдан отиб ташлашадими? — дея жов-дирабгина Зеленскийга қаради.

— Оҳ, ақлли қиз, — деб Зеленский Сабинанинг елкаси-дан қучди, — бирам совуқ қотибсанки... Айтганча, отанг сенга совға жўнатибди. Ҳа, ёдимдан кўтарилай дебди. Унинг бўйнидан ҳамма айблар олиб ташланибди. У энди қордай оппоқ.

— Мен жудаям хурсандман. Ўзи адамни нега айблашаёт-ганлигини сира ақлимга сифдира олмаётгандим. Ўта кетган ҳақиқатпаст у. Бироқ сиз мени нима қилишларини айт-мадингиз-ку?

— Дарров кўзингга ёш олдингми? Яхшимас. Яна менга худди бегоналардай сизлаб мурожаат қилдинг-а? Ҳамма нарсага чидашим мумкин, лекин сен мендан ўзингни тор-тишингга бардош беришим жудаям қийин кечади.

— Нега унда бир соатдан бери менга нуқул сирли гапларни гапирасан? Ҳаммасининг тагида ўлим борга ўхшайди.

— Бунинг сабаби оддий. Қабристонга келинганидан сўнг ўлим ёдга олинади... Фақат сен бу ернинг қабристон эканини билмасдим, дема. Ёлгон гапирғанларни жиним сўймайди.

— Унда қайтайлик.

— Қайтамиз. Биласанми, сен билан бирга Сочига бормоқчиман. У ерда менинг боғим бор. Ҳалол пешона терим эвазига сотиб олганман. Қара, яқинда бирдан уни сотгим келиб қолди. Ўз-ўзидан хаёлимга шу ўй келди. Кимга бўлсаям фарқи йўқ. Айтайлик, Фаттоҳ Норқуловичга.

— Адамга? У Сочидаги боғни нима қилади? — деди Сабина ажабланиб.

— О-о-о! Албатта, сен ёшсан. Кўп нарсалар ҳақида чукурроқ ўйламайсан. Сочи — бу Сочи. Табиат, ҳаво қанчадан-қанча одамнинг орзуси. Менимча, таклифим отангга ёқади. Яна таклифни иккаламиз қиласми. Хўш, суҳбатимиз анча чўзилди. Мен вақтини бекорга ўтказадиганлар хилиданмасман. Қолаверса, дастурхон иккимизни кутиб қолди. Қани, хоним, кетдик, — деб Зеленский Сабинанинг қўлидан тутди.

Боғ ҳақиқатан ҳам, бор эди. Узумзор. Лекин у Зеленскийни эмас. Колхозники. Бирор эллик гектарча келади. Ёнида вино заводи ҳам бор. Яқинда буларнинг ҳаммасини Зеленский ўзининг номига ўтказди. Қўрқмай ўтказди. Чунки ўзидан бошқа бирорга ишонмайди у. Бироқ узоқ муддат номида бунча ер ва заводнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Бугун бўлмаса эртага арзирли душман чиқиб қолиши ва шу сабаб уни мағлуб этиши мумкин-да. Агар Фаттоҳ Норқуловичга сотиб юборса, муаммодан қутулади-қўяди. Яна шунга аминки, Фаттоҳ Норқулович у таклиф қилган жой учун пул беради. Бермасдан иложи ҳам йўқ. Чунки Сабина унинг қўлида.

Тўкин дастурхон. Ҳозир Москвада, умуман иттифоқнинг ҳамма шаҳарларида колбаса деган нарса анқонинг уруғи. Икра, банан ва бошқа нарсалар ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ Зеленскийнинг дастурхонида бундай емаку ноз-неъматлар керагидан ортиқ турибди.

— Тунис балигининг гўшти жону дилим, — деди Зеленский юмшоққина стулга ўтирганидан кейин томогининг тагига оппоқ сочиқчани қистириркан, — унинг ма-засини битта япон ўртогим айтган ва мен хомлигича еганман. Зўр. Гап бўлиши мумкин эмас. Фойдаси эса чексиз. Мана, ўша мен мақтаган Тунис балигининг гўшти.

Зеленский дастурхон ўртасидаги идишда турган қип-қизил хом гўштдан пичноқ билан бир бўлакча кесиб олдида, Сабинанинг ликобчасига қўйди.

— Йўқ, — дея бошини қимирилатди Сабина, — мен хом гўштни ёёлмайман.

— Осон. Мана аччиққина соус, шунга ботирасан, та-мом-вассалом. Қани ол.

Сабина балиқ бўлагини яна бўлди. Сўнг унга санчқини санчди... Соусга ботирди... Оғзига олиб борди. Кўзини юмди.

— Фалати, — дея пицирлади, — жудаям фалати. Йўқ, ютолмайман.

— Мажбурсан!..

— Илтимос.

— Илтимос ўтмайди.

Сабина амаллади. Сўнг ортидан қип-қизил суюқлик ичди. Фалати таъм бироз ийқолгандай бўлди. Дарров шишани олдида унинг оғзидан қулқуллатиб ичди. Сўнг бурнини жийириб, Зеленскийга қаради:

— Бошқа мени мажбуrlама. Сал қолса ўлиб қолаёздим.

— Бу, албатта, ҳолва.

— Нима, ҳали сен менга бундан ҳам баттар нарса едир-моқчимисан? — дея мийифида кулди Сабина.

Зеленскийнинг юзи ўта жиддий тус олди ва кўзини ўқрайтирганча:

— Одам гўштига нима дейсан?! — деди.

Сабинанинг юраги орқага тортиб кетди.

\* \* \*

Фирдавснинг юраги орқага тортиб кетди. Унинг кўнглига келганди. Кўнгли қандайдир ноҳушликни сезганди. «Ишқилиб, ҳаммаси бекор бўлсин, ишқилиб, боришимиз билан яқинларимиз бизни хушчақчақлик билан кутиб олишсин», дея неча марталаб ўзини юпатганди. Минг афсуски, шубҳалари тўғри бўлиб чиқди. Дарвоза ланг очиқ. Дастурхон йигиштирилмаган. Дала ҳовлида ҳеч ким йўқ. Мавзуна-

нинг, Моҳинанинг, Рухшонанинг кийимлари турибди, ўзлари эса йўқ. Бақиришди. Чақиришди. Бирор жавоб бермади. Миразиз чойнакни ушлаб кўрди. Чойнак иссиқ эди.

— Яқингача шу ерда бўлишган. Қаергадир чиқишганми?.. Унда дарвозани бунаقا очиб кетишмасди-ку?!

Йигитнинг жуссасини оёқлари кўтаролмай қолди. Тинимсиз қалтирайверди ва стулга ўтирди.

— Ортингиздан бирор пойлаб келмаганлигини аниқ биласизми? — сўради Миразиздан Фирдавс.

— Аниқ... Янаям билмадим?

У чўнтағига қўлинни тиқиб папирос қутисини олди. Биринчи донани лаблари орасига қистиролмади. Тушиб кетди...

— Кўшни, қўшнилардан сўраш керак. Кимдир нимадир кўрган бўлиши керак-ку! — деди Миразиз йигламоқдан бери бўлиб.

Фирдавс кўча томонга югурди. Биринчи қўшни ҳеч нимани кўрмаганини айтди. Иккинчисининг эшигини ҳеч ким очмади. Учинчисидан бир чол чиқди. Рус чол. Майкачан. Ундан бадбўй ҳид тараалар эди.

— Кўп бўлмади. Йигирма дақиқача олдин учта машина келди. Кўпчилик эди улар. Дарвозани жуда қаттиқ уришди. Шунга мен ҳам чиқиб қарадим. Кейин уйимга кириб кетдим-да, тирқищдан пойладим. Иккитами-учта аёлнинг қўлларини орқасига боғлашиб, машинага тиқиб, олиб кетишиди. Машиналардан биттаси таниш кўринди, — деб чол бурнини тортиб қўйди-да, томоғини уқаларкан, — яримтага бермайсанми? — дея сўради.

— Яримта эмас, бир яшик бераман. Ҳозироқ бераман, — деди Фирдавс ҳамда чўнтағидаги ҳамма пулни чиқариб, чолнинг қўлига тутқазди.

— Ҳа, жуда яхши танийман. Менинг ўзим пиёниста бўлсам ҳам каллам, хотирам зўр ишлайди. Қолаверса, машина бегона эмас, Фёдорники. Ўғли миниб юради. У менга айтган, «Сергей ёмон йўлга кириб кетди», деб. Отасидан машинани тортиб олган у падаркусур. Ростини айтсан сенга, шундай магазинга югуриб бориб келай, ичимни иттираняпти.

— Сиз аввал менга айтинг, ўша машинанинг эгаси қаерда туради? — деди Фирдавс тоқатсизланиб.

Худди шу маҳал Миразиз уларнинг ёнига келди. Чол унга қаради-да, қўлидаги пулни истар-истамай яна Фирдавсга узатди.

— Бу одам ўзимизники. Ҳеч нимадан хавотир олманг. Ҳеч кимга, ҳеч нима, ҳеч қачон айтилмайди! — деди тобора бўғилаётган Фирдавс.

— Ҳўп. Фёдорнинг уйи кейинги қўчада. Ўттиз иккинчи уй. Лекин, илтимос, менинг айтганимни бировга айтманлар, — дея чол яна бирдан маъюс тортиб қолди.

— Нима гап? — деб сўради Миразиз.

— Яримтани ооломмайман. «Пулни қаердан олдинг?» деб сўрашади, — жавоб берди чол.

— Ўзим олиб бераман. Шошма, машинада бор эди. Ҳозир, — деб Миразиз уларнинг ёнидан кетди ва дарров қайтиб келди. Унинг қўлида шиша бор эди.

Вақт алламаҳалдан ошди. Фирдавс билан Миразиз машинада ўтиришибди. Иккаласининг ҳам тоқати тоқ бўлган. Миразиз бир қути тутатқуни тутатиб, тамом қилди.

— Алдадими, дейман? — деди Фирдавс охири умид билан Миразизга қааркан.

— Билмадим?! Лекин алдайдиганга ўхшамади. Агар ёлғон гапирган бўлса, юристлигимни четга сураман. Ўлгунича тепкилайман!

У шундай дейиши билан орқа томондан овоз келди. Фирдавс бирдан эшик деразасидан калласини чиқариб овоз келган томонга қаради. Бу ўша уларга ўта зарур маълумотни берган пиёниста эди. Битта қўлида шиша, чайқалганча келарди.

— Ана, «Агент 007» қадам ранжида қиляпти, — деди у Миразизга.

— Ҳозир ҳамма тишини тўкиб ташлайман!

— Шошманг. Яна озроқ кутайлик.

«Агент» Фёдорнинг эшигини гурсиллатиб урди. Сўнг бор овозда бақириб уни чақирди:

— Оч, ҳароми! Мен келдим! Мен бугун сахийман! Мен сени супораман, ярамас, падарингга лаънати, пиёниста!

Фирдавснинг ичida кулги пайдо бўлди. Аммо уни ташқарига чиқармади. Миразиз ҳам бир лаҳзагина қайфусини унугди.

Фёдорнинг эшиги очилди. «Агент» сўкиниб гапирди унга.

Хозир у фўдайган. Чунки қўлида шишаси бор. Мабодо Фёдор унинг гашига тегадиган бўлса, шишанинг ичидаги билан «сийламайди». Кетиб қолади. Фёдор эса мана, қарийб беш соатдан бери бир ёқли бўлиб ўтирибди. Сабаби, ўша. Кайф тарқаган. Хумор тутяпти... У «дўсти»нинг ёнига борганди. Нажот топмагач қайтди. Энди ягона умиди ўғлидан эди. Албатта, бунаقا маҳали пулингга ҳам ўша зормандани тополмайсан. Бироқ баъзида Сергейнинг машинасида бўлади...

— Йўқ дегандинг-ку! — дея бақирди Фёдор.

— Лекин мен сенга қандай устакорлигимни айтганмидим, айтганмидим?! Бирор йўлини қиласман, деганмидим?! Деганмидим?!

— Бер, оғайни, тезроқ бер!

— Ма, ол! Менинг ҳисобимдан бугун байрам!

Миразиз Фирдавсга қаради.

— Қара, улар учун битта шишанинг топилгани байрам. Одам аста-секин ҳайвондан ҳам баттар бўлиб қоларканда, қойил!

Фёдорницида шовқин кўтарилиди.

— Ҳаммасини ичиб қўйма, итнинг боласи!!!

— Чўчқасан сен! Эндинга бир қултум ичгандим.

— Газак бермоқчиман сенга!

— Газагингни уриб қўй!

Улар сўкинишда давом этишди. Аммо Фирдавс билан Миразиз эътибор бермади. Сабаби, узоқдан машина чироги кўринди.

— Ўшанга ўхшайди. Уйига кирмасдан ушлаймиз, — деди Фирдавс пичирлаб.

Машина Фёдорнинг эшиги тагига келиб тўхтади. Чироқларини ўчирди. Буни кўрган Миразиз билан Фирдавс эшикни овоз чиқазмасдан очиб, секин тушишди.

Сергей фафлатда қолди. У ўзини кимлардир кутиб турганини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Хушчақчақ эди. Ишни дўндиришди. Арслон роса «эриди». Яна камига ҳаммага мўмайгина пул берди. «Ҳали бундан ҳам кўпини оласизлар», деди. Бундан ташқари, қолган-қутган нарсаларнинг барини Сергейнинг машинасига ортишди. «Сен бошқалардан кўпроқ хизмат қилдинг», дейишди. Мана, энди у отаси Фёдорни

обдан хурсанд қиласы. Отаси бошқа нарсага қарамаслиги мүмкін, бироқ шишаңдагиларни күрганида құзи олайиб кетады. Ҳушидан кетадиган даражада хурсанд бўлади. Кепрак бўлса йиғлайди. Чунки мана, ўн кундирки, Сергей унга сариқ чақа ҳам бермайди. Берди дегунча, бориб ичиб келади. Ҳозир у атирга ўтган. Отаси ўртоқлари билан бирга магазиндаги ҳамма атирни ичиб тутатди.

У эндиғина юххонани очган эди ҳамки, кимдир орқасидан келиб бирдан қўлинини қайирди, Сергей бақиришга ултурмади. Чунки ўша одам унинг оғзини ҳам ёпган эди.

Сергейни улар ўзларининг машинасига ўтқазганидан сўнг Миразиз унинг бикинига пичоқ тиради.

— Тирик қолишни истайсанми?! — деди паст, аммо қаҳрли овозда.

— Сиз кимсиз?!

— Ишинг бўлмасин, сендан сўраяпман, тирик қолишни истайсанми ё ичагингни бошингга салла қилайми?!

— Ўзларингга ёмон бўлади, мен... Им-м-м-м!!!

Сергей гапини охирига етказолмай, инграб юборди. Чунки Миразиз пичоқни қаттиқроқ тираган эди.

— Жавоб бер!..

— Нима истайсизлар?! — деди башараси аллақачон буришиб-тиришиб кетган Сергей.

— Икки қиз ва аёлни қаерга олиб бординглар?!

— Билмайман! Имм!..

— Сенга ҳаёт керак эмас экан!

— Тепада! Тепада! Бўлди, ёмон оғрияпти! — деди қўзидан дув-дув ёшини оқизган Сергей.

— Ақлинг киришини билардим. Йўлни кўрсатасан. Нараги томонингда ўтирган йигит ҳазиллашишни ёмон кўради, — деди Миразиз ва машинадан тушиб рулга ўтириди.

Узоқ эмас, бор-йўғи йигирма дақиқалик йўл экан. Машинани анча берига тўхтатиши. Сергей «Ўнг томондан саккизинчи уй», деди. Шу заҳоти Фирдавс унинг жағига мушт тушириб, ҳушидан кетказди. Сўнг машинадан тушириб, йўл четидаги бутанинг тагига ётқизди.

— Тахминимча, узоги билан иккитаси уйғоқ. Қолганлари аллақачон қотиб ухлашаётган бўлишса керак, — дея шивирлади Фирдавс.

— Билмадим?! Лекин ичкарига қандай кирамиз? Эшикни тақиллатиб бўлмайди, — деди Миразиз.

— Яқинроқ борайлик-чи, балки, қўшниси орқали ки-  
рармиз.

\* \* \*

Арслон Лидани кўндириди. «Фирдавснинг синглисини шу оқшом ўзимники қилиб олсам, акаси менга тегинолмайди. Яъни айтмоқчиманки, мабодо ютқазган тақдиримда ҳам ўлдиролмайди. Чунки синглисининг номуси поймол бўлган, у бошқа бирорвга эрга тегишдан маҳрум этилган, ягона эр мен бўламан. Қолаверса, сенинг ўзинг менгача озмунчаси билан шакаргуфторлик қилганмисан? Шунинг учун жимгина ўтири. Албатта, барибир, у қиз бир кунмас-  
бир кун жонимга тегади. Шунда мен сенга уйланаман. Ҳозир унга тегинганим билан хотин қилиб олмайман-ку», деди. Лида кўзидағи ёшни артди. Кейин: «Майли, ихтиёринг, фақат у сенга жудаям ёқиб қолиб мени чиқитга чиқариб ташламасанг бўлгани. Умуман олганда, «кет», дессанг кетавераман. Аммо, билишимча, сенга энг садоқатли мен бўла-  
ман. Қолганлар вақтинчалик, дўппи тор келиб қолганида жуфтакни ростлаб қолишади улар», дея жавоб қайтарди. Аслини олганда, Лида Арслонни номигагина рашк қила-  
ётганди. Унга Арслон керакми? Умуман керак эмас! Унга Арслоннинг пуллари керак. У эртароқ ўзи хоҳлаган пулни қўлга киритишини ва секингина жуфтакни ростлаб қолишни истайди. Ана, ҳеч бўлмаганда, Москвага боради. Бирорта уйни сотиб олади-да, маза қилиб яшайди. У Арслон билан бирга юриб нима кўрди?.. Тунни азоб билан ўтказишлар-  
ними? Бу сабил қолгур Арслон кунда ичади. Ичганда ҳам молдай ичади. Кейин хоҳиши борлигини айтади. Ана ундан кейин Лиданинг азобини кўраверинг. Ҳамма маҳора-  
тини ишга солса ҳам, тузук-қуруқ натижা чиқаролмайди. Охири тинка-мадори қурийди. Ялиниб-ёлворади. Эртага давом этказайлик, деб Арслонни зўрга кўндиради.

Арслон бугун ҳам қарийб «таранг». Шу ҳолида умуман тажрибаси йўқ. Бунақангি нарсалардан жирканадиган қизни ўзиники қилиб олмоқчи. Қилиб бўпти.

— Фақат дорингни ичиб ол, куни билан чарчадинг. Йўқса, уялиб қоласан, — деди Арслоннинг қулогига шивирлаб маслаҳат берди Лида.

— Сен зўрсан. Калланг ҳамма балога етади. Аммо ичиб қўйдим-да, таъсири бўлармикин? — сўради Арслон.

— Бўлар. Ҳарна ниятингга етгунинггача ишончингни оқлааб берар.

— Менга қара, ўша доридан фойдаланаверса-фойдаланаверса бир кун келиб, умуман «томи» кетиб қолади дейишади, шу гап тўғрими?!

— Хабарим йўқ. Дуч келмаганман. Сенинг эса биринчи марта ичишинг-ку. Кейин бирдан тўхтатасан. Ўзим табиий йўл билан «ишларингни ривожлантириб» юбораман.

Арслон Лиданинг социдан фижимлаб, қиз бечорани чий-иллатиб-чийиллатиб ўзига тортди. Эркалади.

— Мана шундай пайти сени жудаям ёмон кўриб кетаман. Ёмонсан! Ёмонсан! Бор, биттасига бормасанг ўнтасига бор. Фақат мен азобланавераманми? — деди Лида йифламоқдан бери бўлиб.

— Бўпти, бўпти, биласан-ку, сени яхши қўриб кетганимда ўзимни босолмай қоламан.

— Бунақа яхши кўрма!

— Чиқ, айт, уларни бир-биридан ажратишсин. Яrim соатдан кейин кираман. Дори ичиб олишим керак ҳозир.

Арслон юмшоқ диванга оёгини узатиб ётди-да, кўзларини юмди. Айни чоғда у ниҳоятда эринаётган эди. Бекор айтган экан. Шу ишни эртага қылса ҳам бўлаверарди. Аммо ваъда бериб қўйди-да, ана шуниси чатоқ.

Арслон эснади ва оғринибгина ўрнидан турди-да, чўнтағига қўлини тиқди. Дори йўқ. Жаҳли чиқди. Айни пайтда хурсанд ҳам бўлди. Ахир баҳона топилди. Энди Лиданинг олдида уялиб қолмайди. Йигитларига эса «Кўнглим тортмади», дейди. Шу билан олам гулистон. Қайтанга эртага кайфи йўқ пайти, бемалол муродига етади.

У шундай ўйда эшикни қия очди-да, Лидани чақирди.

Лида ҳали узоқлаб кетмаган экан. Дарров ёнига келди.

— Дори йўқ, — деди Арслон аразлаган бўлиб.

— Ҳозир олиб келаман.

Лида бунақантги нарсаларни доим ўзи билан олиб юради. Мана, уч йилдирки, шундай одати бор. У пайларни Арслон билан таниш эмасди. «Чап»га кўпроқ юрарди. Кунларнинг бирида мижози кўп «тортиб» қўйганидан уни обдан қийнади. Ана шу пайт «касбдош»и ёрдамга келди. Мижозга

битта тугмача дорининг тўртдан бирини ичирди. Қарабизки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетди.

— Айтиб қўйай, доридан кейин ҳаракатсиз бўлсанг, юрагингни аниқ бирор нима қилволасан, — дея огоҳлантириди Лида.

— Сен қаердан биласан? — деди Арслон кўзларини бироз қисиб иржаяркан.

— Кўлланмани ўқиш керак, — деб зудлик билан қовоғини осилтирганча жавоб берди Лида.

— Ҳа-а, ҳа, энди бирор нимани эплолмасам сенга илтимос қиласман-да!

Лида лабини бурганча чиқиб кетди.

Эринчоқлик Арслоннинг вужудини тарк этди. Бунинг ўрнига кўзи қонга тўла бошлади.

— Ўлмас! Ўлмас! — дея бақириди.

Ташқарида қадам товуши эшитилди.

— Бунча имиллаб юради? Ўладими исмини эшитиши билан юурса! Югурасан, ҳали югутираман сен ит эмганни! — деди Арслон жаҳл билан.

Ўлмасни роса уйқу босган, шундан унинг кўзлари юмилгудек эди. Эшикдан кириб келгач, башарасини буриштириб:

— Нима дейсан? — деди.

— Ўлиқмисан?! Гавданг ҳўқизникидан катта бўлсаям, жуда бўшангсан.

— Икки кундан бери уйқу йўқ, — дея жавоб берди Ўлмас дўриллаган овозда.

— Бор, Фирдавснинг синглисини олиб кел. Яна адашиб кетма. Аввал у менга керак. Кейин наригисини олиб келасан! — деб амр қилди Арслон.

Ўлмас жун босган кўксини қашлаб тиржайди-да:

— Сен кичкина бўлсанг ҳам чайирсан, отнинг кучи бор сенда, — деди.

— Ҳирингламай, айтганимни қил!

— Бўлди, гап йўқ, — дея Ўлмас ортига бурилди.

\* \* \*

Фирдавснинг пайдо бўлиши на Арслоннинг, на унинг йигитларидан бирортасининг тушига кирмаганди. Дарвоза қулфланган. Унинг ичкари томонида иккита йигит стулда

ўтирганча ухларди. Жавлон билан Баха чорпояда чўзилиб ётарди. Абдураҳмон эса Фирдавснинг яқинлари қамалган хонанинг эшиги ёнидаги юмшоқ диванда ёнбошлаганча хуррак отарди.

Миразиз билан Фирдавс дарвозахонаю чорпояда ухла-ётганларнинг қўлларини осонлик билан орқаларига боғлаб, оғзиларига латта тиқиб кўйишиди. Энди навбат Абдураҳмонга келганида ташқарига Ўлмас чиқиб қолди. У олдинига керишиб олди. Кейин Абдураҳмоннинг ёнига келиб унинг турқига бироз қараб турди. Сўнг аямасдан ба-шарасига шапалоқ туширди. Абдураҳмон ўрнидан сапчиб туриб:

— Ҳа-а, нима дейсан?! — дея бўкирди.

— Ўчир овозингни, ифлос! Ухляяпсанми, мараз, отанг келиб қўриқчилик қиласадими?! — деди Ўлмас ва унинг ба-шарасига яна урди, фақат бу сафар юмшоқроқ. Сўнгра: — Эшикни оч, қизлардан биттасини Хоқоннинг тўшагига олиб боришимиз керак, — деб бурнини ишқалади.

Чорпоя ёнида қоронғида ўтирган Фирдавснинг жон-пони чиқиб кетди. У шу заҳоти югуриб бориб, уларнинг иккисини ҳам ерпарчин қилмоққа шайланганида Миразиз ел-касидан босди ҳамда шивирлади:

— Сал шошмай тур.

Қизлар хонасининг чироги ёнди. Дод-вой эшитилди. Уларнинг оҳ-воҳига Фирдавс ортиқ чидаб туролмади.

У ичкарига бостириб кирганида, Абдураҳмон Моҳина-нинг қўлидан ушлаган, Ўлмас Рухшона билан Мавзунаннинг йўлини тўғсанча турарди. Улар эшикдан кириб келган Фирдавсни кўриб даҳшатдан қотиб қолишли.

— Кўйвор! — деди Фирдавс газаб билан.

Абдураҳмон қалтираганча Моҳинанинг қўлини қўйиб юборди. Ўлмас, аксинча, қўлларини мушт қилиб тугди.

— Олдинги сафар гафлатда қолгандим. Энди ҳисобла-шамиз! — деди ва Фирдавсга яқинлаша бошлади.

Фирдавс доимгидан-да газабда эди. У ўзига сифмаётганди. Шу боис Ўлмаснинг башарасига шунақанги қаттиқ мушт туширдики, йигитнинг кўзидан ўт чақнади. Ҳали ўзига келиб-келмай оёқлари орасига тепки тегди. Шу заҳоти Ўлмаснинг нафаси қайтди. Кўзлари олайди. Кейин бошқа зарбаларни ҳис этмади. Чунки у йиқилаётганди...

— Тавба қилдим! Тавба қилдим! — дея Абдураҳмон бирдан ўзини Фирдавснинг оёғининг тагига ташлади.

Унинг тавбасини Фирдавс қабул қилмади. Эркаклик фурури, шаъни, ор-номуси виждон, шафқатни ортга сурб ташлади. У аямади. Агар Миразиз тўхтатиб қолмаганида ўлдириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Ҳақиқий айбдор бошқа ёқда! — деди Миразиз Фирдавснинг қўлидан тутиб.

Шу пайт Моҳина югуриб келиб акасининг бўйнига осилди-да, йифлаб юборди.

Она-бала эса Миразизнинг бўйнига осилишди.

— Бўлди, бўлди. Ҳаммаси ортда қолди. Булар энди сизларнинг яқинларингга ҳам келишолмайди, — деди Миразиз паст овозда.

— Амаки, сиз буларни машинага олиб бораверинг, менинг яна озгина ҳисоб-китоб ишим бор.

Аммо ҳисоб-китоб кейинги сафарга қолдирилганди. Жанжалдан Лида хабар топиши билан «қамоқхона» деразаси ёнига келди-да ичкарига мўралади. У ерда Ўлмаснинг чўзилиб ётганини, Абдураҳмон тепкилар остидалигини кўрди ва Арслоннинг ёнига югуриб борди-да:

— Қоч! Тез, қоч! Йигитларингнинг расвоси чиқди, қоч! — деди.

Арслон нима бўлаётганига тушунмади. Аммо қочди. Овоз чиқармасдан Лида билан бирга уйнинг орқа томонига ўтди ва иккиси бутанинг тагига кириб олишди. Қоронғида уларни кўриб бўлмасди...

Фирдавс душманини тополмаганидан сўнг уйдаги стол-стулларни ағдар-тўнтар қилди. Сўнг хонадан чиқиб, у ёқбу ёқни қидирди. Бироқ Арслон ҳеч қаерда йўқ эди. Чорпояда чўзилиб ётган Баханинг оғзидағи латтасини олиб хўжайинини кўрган-кўрмаганлигини сўради. Табиийки, у «йўқ», деб жавоб берди. Аслида ҳам, Баха тўғри гапирганди.

Икки қиз ва Рухшонани юпатиш қийин бўлди. Улар бирор нима дейишмасди. Фақат йиғлашарди. Ниҳоят, Рухшона ўзини қўлга олди.

— Одамнинг бошига ҳар хил ташвиш тушиши мумкин. Худо деган эканмиз, эсон-омон қутулдик. Баттари бўлиши мумкин эди. Оборишгандәёқ ўлдириб юборишганида нима

қиласынан? Шундай экан, энди йиғламанглар, Худо хоҳла-са, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — деди аёлгина.

Шундан кейингина қизлар кўз ёш тўкишни бас қилишди. Ўзи шу пайтгача улар унсиз йиғлашаётганди. Кўзларидан дув-дув ёш оқаётганди. Улар агар Фирдавс вақтида келмаганида нима бўлажагини ўйлашаётганди-да. Ўзи шунаقا, одамнинг миясига энг аввал ёмон нарса келади. Ўша ёмон нарсадан қутулганида ҳам у ҳақда ўйлайди. Агар дейди, «Ҳозир эсон-омон қутулмаганимда нима бўларди? Шармандаликка қандай чидардим? Қариндош-уругим қандай бош қўтариб юрарди», деб ўйлайди. Шунинг орқасидан эзилади. Кўз ёш тўқади. Бу ёғи соғлик ҳам аста-секинлик билан ожизланиб кетаверади.

Улар тўғри Миразизникига боришиди. Гарчи вақт алла-маҳалдан ҳам ўтиб тонгга яқинлашиб қолган эса-да, ҳаммага бирма-бир қўнгироқ қилишди. «Тезда етиб келинглар», дейишди. Достонга эса вақтинча хабар бермасликка қарор қилишди. Чунки шундоқ ҳам юрагининг мазаси йўқ эди. Сиқилса, ётиб қолиш эҳтимоли бор. Шунинг учун қизини маза қилиб дам олиб юрибди, деб айтишга келишиб олишди.

Миразизникига келаётганларнинг ҳаммасининг юзида саросима бор эди. Ҳаммаси юрагини қўлтиқлаганди.

— Мен сизлардан узр сўрайман, — деди Фирдавс ҳамма тўпланиб бўлганидан кейин, — гапларингга кирмаган эканман. Ярадан эртароқ қутулиб кўйилмаса, у ёмон қиларкан. Энди уруш очдим. Токи Арслоннинг атрофидагилари билан бирга йўқ қилиб ташламас эканман, бир дақиқа ҳам тинч ўтиrolмайман.

— Ҳаммамиз уларга тегинмасак, бизга тегинишмайди, деб ўйлагандик. Лекин тинчликни исташмас экан. Начора, қарши режа билан борамиз. Аммо, — деб Миразиз йиғилганларга бир-бир қараб олди, — мен сал бошқача хаёлдаман. Арслон деганлари кўриниб турган кўз яра. Аввало, унинг ичидаги ўзагини олиб ташлаш керак. Шундай қилмасак, унга тегинганимиз сайин шишиб, газак олиб кетаверади.

— Ўша ўзак ким? — сўради Абдували.

— Афсуски, билмайман-да.

— Биз озчиликмиз, — деб гапга қўшилди Соли.

— Озмиз, деб қўл қовуштириб ўтиrolмаймиз-ку. Олдинга қаҳвахонага бостириб келишди. Менимча, улар давлатнинг буйруғи билан келмаган. Ўша, Миразиз айтган «ўзак» буортма қилган. Кейин қизларимизни ўғирлашди. Демак, истасак ҳам, истамасак ҳам, жиноят қилишимизга мажбур этишапти. Ҳалиям баҳтимизга алғов-далғов замондамиз. Агар бундан бирор беш йил олдин бўлганида борми, бирдан ҳаммамизни олиб бориб тиқишарди.

— Амаки, мен сизнинг гапларингизга тушуниб турибман. Аммо ҳозир чора топмасак бўлмайди, — деди Фирдавс.

— Мен сизларга айтмасдан, Арслоннинг ортидан одам қўйгандим. Натижада унинг уйи қаердалигини билдим ва яна у битта аёл билан эркак киши уйига келганидан сўнг чиқиб кетди. Шунга қараганда, буйруқ айнан ўша аёл билан эркақдан келган, — деди Абдулатиф.

— Улар ким? — сўради Миразиз.

Абдулатиф қўлларини икки ёнига ёзди ва елкасини қисди:

— Арслоннинг отаси касалхонада чалажон бўлиб ётибди. Аёлни онаси дея тахмин қилганимизда ҳам, эркак но маълумлигича қоляпти.

— Унда ҳозирнинг ўзидаёқ Арслоннинг уйини босамиз.

\* \* \*

Абрам келганида уйда Хонзода бир ўзи эди. Ҳовлида эди. Ҳалинчакка ўтирганча хаёлида қолган русча қўшиқни хиргойи қилганча бармоқларининг тирноқларини текислаш билан овора эди.

Эшик қўнғироғи чалинди. У ўтирган жойида бақирди.

— Кираверинг, эшик очик!

Абрам мийигида кулди ва ичкарига бош суқди. У ҳаддан зиёд эҳтиёткор эди. Шу боисдан олдин дарвозахонани обдан кўздан кечирди, сўнг ичкарилади.

— Ўзимнинг жоним, сени бунчалик тез келади, деб ўйламагандим! — деди у томонга қараган Хонзода ўрнидан сапчиб туриб.

Абрам қўлидаги сумкасини ерга ташлади-да, кулочини кенг ўзи. Хонзода югурди. Шу югуришда ўзини Арслоннинг қучоғига отди. Романтикани хуш кўрувчилар дарров романтика билан шуғулланишга тушиб кетишли.

дақиқа. Үндан ортиқ әмас, чунки Абрам вақтининг ниҳоятда қадрига етади. Унинг учун бир лаҳза ҳам олтинга тенг.

— Мен учун нима тайёрлаб қўйдинг? — дея сўради у Хонзодадан.

Хонзода ортига бурилди-да, иккала қўлини ҳам юқорига кўтариб:

— Қара, бу уйнинг катталигини. Мана шу уй бундан бу ёғига сенинг уйинг. Менинг уйим. Бизнинг фарзандимизники! — дея ҳайқирди.

Оқсочни шу заҳоти ток ургандай бўлди. У ошхонада эди. Идишларни ювиб бўлиб, энди бирма-бир артаётганди. Кулокларига ишонмади у. «Наҳотки?! Наҳотки?! Айтдим нега Арслон сира Хурсанд Хидировичга ўҳшамайди деб. Демак, гап бошқа ёқда экан-да. Бечора Хурсанд Хидирович! Мен сизнинг тирик қолишингизни жудаям-жудаям истаётгандим. Энди истамайман. Бу шармандаликларни кўрманг. Юрагингиз қаттиқроқ урсин. Қон босимингиз жудаям ошиб кетсин. Томирларингиз ёрилиб кетсин ва сиз бу шармандаликларни кўрмай, билмай ўлинг... Кўмилишингиздан хавотир олманг. Жасадингизни ўликхонадан булар олмаса-да, мен ўзим оламан. Албатта, қабристонга обориб кўмаман», дея кўнглидан ўтказди ҳамда анави ҳали қуюлиш нима эканини билмайдиганлар бошқа бирор ниҳами бошлаб юбормасин деб, дарров газни ёқди. Қозоннинг ичига мой солди. Қизигунича бироз бор. Шунинг учун эски усулни кўллаб қўя қолди, яъни бир-икки марта йўталди.

Абрам бирдан сергак тортди-да, Хонзодага қаради. Хонзода қўлини силтади.

— Оқсочимиз. Шамоллаганга ўхшайди, — деди кулиб.

Улар стол атрофига ўтиришди. Иккита қадаҳ қип-қизил суюқликка тўлди.

— Сен, — деди лабларини ялаб қўйган Хонзода, — шунакасини яхши кўрардинг, адашмасам.

— Нега адашасан? Тўппа-тўғри, — деб Абрам қадаҳни қўлига олди-да, ундан бирозгина хўплаб қўйиб сўради, — Арслон қаерда?

— У кетди. Овга кетди.

— Яна қанақа ов?!

— Билишимча, кимдир йўлига тўсиқ бўлаётган эмиш.

Шуни озгина қитиқлаб қўйиш учун. Ҳатто бунинг учун сендан рухсат олган эмиш.

— Агар фақатгина қитиқлаш бўлса, унда майли. Қовун туширмаса бўлгани, — деб Абрам яна суюқликдан ичди.

— Биласанми, жоним. Ўшанда менинг ажрашишимга ўйл қўймадинг. Аксинча бўлганида ҳозир Арслон уддабуронликда сендан ҳам ўтиб кетарди. Хурсанд унга нима тарбия берди? Ҳеч нима. У фақат ўзини ўйлади.

— Гапингда жон бор. Қон бошқа эса-да, тарбия кўнгилдагидай бўлмас экан, бола кечмиши оғир бўлади.

— Аммо сен фарзандингни ташлаб қўймассан...

Худди шу маҳал оқсоч патнис кўтариб келди. Хонзода ижирғаниб унга қаради ва бобиллаб берди:

— Икки қулогинг билан ҳам яхшилаб эшитиб ол. Керак бўлса хўжайнингга етказ! Арслон — Абрамнинг ўғли! Унинг пушти камаридан бўлган!

Оқсоч бироз ортига тисарилди ва:

— Мен... Мен, — дея довдирай бошлади.

— Ҳа, худди сен! Чунки мен йўқлигимда хўжайнинг билан нима от ўйинлари қилганингни мен билмайман-ку! Шундайми?!

— Кўйсанг-чи, — дея уни юпатган киши бўлди Абрам, — Хурсанд Хидировичнинг куни шунга қолмагандир. Бой. Қўлини қаёққа узатса етади. Ёш-ёш жононалар оғушида жавлон ургандир.

Хонзода унинг гапига кулди.

— Сен уни билмайсан. Тўғрисини айтсам, Хурсанд сенга нисбатан икки карра қўпроқ пишиқ-пухта. Ҳеч қачон бир жойга пул сарфламайди. Ҳамиша текинини хуш кўради у.

— Майли, нима деб уйласангиз уйланг. Аммо мен бирор марта ҳам сизга хиёнат килмаганман. Аксинча, сиз учун кайурганман, — деди оқсоч ҳам «тулкиликка» ўтмаса бўлмаслигини англаб.

— Наҳотки?..

— Бир нарсани тушунмаяпман, — дея жиддий қиёфада Хонзодага қаради Абрам, — сен рашк қиляпсанми?

Хонзода бирдан ялт этиб Абрамга қаради ва бир лаҳза тикилиб турди-да, кейин бирдан хохолаб кулиб юборди.

Сўнг ўрнидан туриб столни айланиб ўтди-да, энгашиб Абрамнинг лабидан чўлпиллатиб ўпди.

Бундай саҳнани ўз кўзи билан кўрган оқсоч нокулай аҳволга тушди ва патнисда келтирганларини шоша-пиша столнинг устига қўйди-да, ошхона томонга кетди.

— Гувоҳ, — деди Абрам уни нигоҳи билан кузатиб қўяркан, — ҳеч қачон бўлмаслиги керак. Айниқса, мен сиримнинг очилишини истамайман.

— Лекин энди Хурсанд йўқ-ку?! У чалажон ва ҳеч қачон одам бўлмайди. Ва у кўпи билан икки-уч ойга етади.

— Аммо Арслон бор. У кучга тўлган эса-да, ҳали ақлсиз. Гўдаклигига бориб, режамизни расво қилиши мумкин.

— Қандай таклиф берасан?

Абрам жавоб беришдан олдин секингина бошини буриб, ошхона томонга қараб қўйди-да:

— Мен сенга бошқа хизматкор олиб келаман, — деди.

— Юкни менинг бўйнимга юкламоқчимисан?

— Аёл. Аёл. Одамнинг дўсти.

— Тушунмадим?! Аёл зоти одам эмас. Балки, одамнинг дўсти шундайми? Илгари негадир итни шундай ҳисоблашишарди. Энди биз итнинг ўрнига ўтамиш-да.

Абрам кулди. Ўзига шароб қўйди-да, бир қўтаришда уни охиригача ичиб юборди. Сўнг эринмасдан лаб-лунжини артиб:

— Албатта, сен у ишни бажармайсан. Бизлар ҳатто қадам товушимизни ҳам бирорлар эшишишини истамаймиз. Бир кун келиб Арслон ҳам худди шу анъянани давом этказади.

— Абрам, мен сени яхши кўраман. Аммо баъзан гапларингга умуман тушунмайман. Менимча, математиклар ҳам сенинг масалаларингни ечишолмаса керак. Сен менга очиқ-часига айт, оқсочни ким йўқотади?! Бу, биринчидан. Иккincinnидан, мен унинг яшашини истайман. Ахир унга меҳрим тушиб қолган. Шундай кезлар бўлганки, мен уни тупроққа белаб ташлаганман. Бироқ у миқ этмаган, хизматимни қилишдан бўйин товламаган.

— Олтин қоида бор: «Ҳар доим ўзинг энг яхши кўрган нарсангни қурбон қилишинг керак», деган.

— Абрам, илтимос сендан, шундай қилгинки, мен ҳеч нимани сезмай. Ҳис қилмай. Худди ҳеч нарса ўзгармагандай бўлсин.

— Идишингдаги кутиб қолди. Айтганча, мен меҳмонхонага жойлашдим. Ҳозир шу ёққа боришим керак. Ишларим бор...

— Бунча тез кетяпсан?

— Асло. Ҳали сен билан, албатта, кўришамиз. Ҳа, эшишишмуга қараганда, бугун зўр концерт бор экан. Икки кишилик чипта олиб қўйғанман. Демак, сен билан «Дружба»да кўришамиз, — деб Абрам лаб-лунжини сочиқчага артди-да, ўрнидан турди.

Учрашувдан Хонзоданинг кўнгли тўлмаган эди. У хушторидан қандайдир бошқача муомала кутганди. Узокроқ бирга ўтиromoқчи эди. Лекин ўхшамади. Албатта, бунга оқсоч ҳам халақит берди. Агар бугун у уйида бўлмаганида эди, эҳтимол, Абрам қоларди...

Аёл чекди, ичди. Бир нималарни хиргойи қилди. «Зерикдим. Жудаям зериқдим. Бундай ўйлаб қарасам, Абрам ҳам зериқтирадиганга ўхшайди. Яхиси, Салима билан Зебига қўнфироқ қиласман. Бирор жойга бориб чақчақлашиб ўтирамиз. Ўзи уларни кўрмаганинг ҳам анча бўлиб кетди», дея хаёлидан ўтказди ва оқсочни чақирди. Оқсоч негадир жавоб бермади. Умуман унинг ошхонада юргани ҳам билинмасди. У бармоқлари орасидагини кулдонга эздида, хизматкорини баландроқ овозда чақирди. Бу сафар оқсоч жавоб берди ва кўп ўтмай аёлнинг ёнига келди. Хонзода унинг пўрим кийиниб олганидан ҳайрон бўлиб:

— Нима, тўй-пўйга кетяпсанми? — дея сўради ажабланниб.

— Йук, бу уйдан бутунлай кетмокчиман, — деди оқсоч Хонзодани янада ажаблантириб.

— Қорнинг тўйдими?!

— Гап бунда эмас. Анави эркак билан мен тургимдаги гапларингизнинг баъзилари кулоғимга чалинди.

— Ҳали сен гап пойлаб юрганимидинг?!

— Пойламадим. Шунчалик bemalol ва баланд овозда гапирдингларки, эшиитмасликнинг иложиси йук эди. Кейин менинг яшагим келяпти. Узи бу дунёга келиб кулликдан бошка нарсани қурмадим. Лекин сира нолимаганман. Худо мени шундай яратган, тамом-вассалом... Аммо яшагим келяпти. Куркманг, эрингиз ҳеч нимани билмайди. Мен сизни анави билан «ош-катик»лигинизни бугун билганим

йук. Хатто Арслон кимнинг боласи эканлигини хам аввалдан биламан. Берган тузингизга рози булинг, демайман. Чунки уша тузни узим ишлаб топганман. Хайр!

Хонзода ўрнидан сапчиб турди-да:

— Тўхта! — дея оқсоғининг қўлини ушламоқчи бўлганида, хизматкор силтаб ташлади.

Хонзода даҳшатдан қотиб қолди. Ахир бундай бўлмаслиги керак эди-ку?! Кимсан кулвачча, қаёқдаги насл-насиби паст, ювиндихўр битта хотин унинг қўлини силтасая?! Бунга қандай чидаб бўлади?! Йўқ, Хонзода чидолмайди. Чидаши ҳам мумкин эмас.

— Ўлдираман! Эртанги кунни кўрмайсан! Кетиб кутула-ман деб ўйлајпсанми?! Бекорларнинг бештасини айтибсан! — дея бақирганча столнинг устида турган қадаҳни олди-да, илдам кетиб бораётган хизматкорнинг ортидан югурди.

Оқсоғ унинг қадам товушларини илғагани ҳамон орқасига бурилди ва қадаҳ билан бошига урмоқчи бўлган Хонзоданинг қўлини тутиб қолди.

— Кўйвор, зоти паст! — дея бўкирди Хонзода.

Худди шу пайт хизматкор унинг юзига қарсиллатиб шапалоқ тортиб юборди. Хонзода шапалоқнинг зарбидан эмас, балки шу пайтгача керак бўлса, унинг оёқларини ювиб қўйишга ҳам рози бўладиган аёлнинг бунаقا кескин ўзгаришидан даҳшатга тушиб, ўтириб қолди. Кўзи ёшга тўлди. Аммо йигламади.

— Шу қилифингни Арслон ва ёки Абрам кўрганида борми, соғ қўймасди, — дея лаблари пичирлади.

Хонзода оқсоғ чиқиб кетганидан кейин ҳам бирор соатча ўтириди. Сўнг ўрнидан туриб, устини ҳам қоқмасдан оёқларини судраб босганча боя ўтирган жойига келди. Қадаҳни тўлдирди. Унинг эртароқ қўнфироқ қилгиси ва воқеа ҳақида қадрдонларига айтгиси келганди. Аммо уларнинг телефон рақамини билмайди. Энг ёмони ҳам шу-да.

Аммо Абрамнинг ўзи қўнфироқ қилиб қолди. Хонзода йиглади. «Ҳамманг мени ёлғизлатиб, ташлаб кетдинглар. Мана, қаёқдаги ялангоёқ устимдан очиқчасига куляпти. Кулганда ҳам майли эди, уриб тупроқча белаб кетди», деди. Абрам эса уни ажаблантирганча кулди.

— Ҳозир бораман, — деди ва гўшакни қўйиб қўйди.

У келганида Хонзода сархуш эди. Ахир бир эмас, иккита шишани бир ўзи бўшатиб ташлаганди-да.

— Йўқ, шундоқ экан керакмас, керакмассизлар менга, — дея дарров йиғлашга тушди Хонзода.

Шунда Абрам унга сурат кўрсатди. Унда оқсоchnинг ерда қонига беланганча чўзилиб ётган танаси муҳрланган эди. Хонзоданинг бирдан юзи ёришди ва дарров яна тундлашиб:

— Афсус, менга ўз қўлим билан бўғиб ўлдириш насиб этмаган экан! — деди.

\* \* \*

— Ҳазиллашдим. Сендай нозик хилқатга мен одам гўшти-ни едиармидим? Аммо битта гапни айтай, шу кунгача сизларнинг республикаларингдаги битта шаҳарда жуҳудлар одам гўшти ейди, деган гап тарқалган эди, — дея Зеленский ўзини орқага ташлади.

— Наҳотки?! — деди Сабина ҳайратланиб.

— Ҳа, худди шундай. Хоҳласанг, гапириб бераман.

— Майли.

— Хуллас, кимда-ким ўша шаҳарда ёш боласини салги-на эътиборсиз қолдирса, жуҳудлардан бирортаси ўғирлаб кетармиш. Кейин уйига олиб бориб, роса боқиб семирти-рармиш. Бола роса ялтилаб семириб тобига етгач...

— Нима қилишаркан? — дея унинг гапини бўлди кўзла-ри каттариб кетган Сабина.

— Уннинг устига ўтқизаркан. Кейин бутун оила аъзола-ри унинг атрофини ўрашаркан. Ёш-қари, аёл-эркак — ҳамма. Бигиз...

— Илтимос, бошқа гапирма. Қўрқаман. Ундан кўра, кел, мен нега Москвага келганимни сенга айтиб бераман. Ўзи студентман. Балки, аллақачон ўқишидан ҳайдашгандир. Аммо қўрқмайман. Чунки сен борсан. Сен СССР молия вазири-сан. Сенинг қўлингда пул ўйнайди. Таниш-билишларинг жудаям кўп. Ҳаммасидан устунсан. Чунки сенда пул бор. Мен ҳозир жудаям хурсандман. Кимсан Павел Зеленский билан битта дастурхон атрофида ўтирибман... Мана шу-нақа.

Сабина жуда тез гапирди. Шошиб гапирди. Зеленскийни чалғитиши учун гапирди. Бироқ Зеленский деганлари чалғийдиганлар хилидан эмасди.

— Хўп, сен айтганча, бўлсин. Ўша эртакнамо ҳикояни сенга айтмаганим бўлсин.

Шундан сўнг Зеленский секингина Сабинанинг қўлидан ушлади ва тортди. Сабина ўрнидан турди, столни айланиб ўтди. Зеленскийдан тарапаётган бадбўй ҳидга чидаш учун олдинроқ ўпкасини тўлдириб нафас олди. Ҳа, ҳа. Ҳаттоқи ичкиликнинг иси ҳам Зеленскийдан тарапаётган бадбўйликни босиб кетолмаганди.

У қизнинг белидан қучди-да, қўлидан ўпди.

— Сени Исройлга олиб кетаман. Эртага эрталаб. Албатта, бунинг учун бугунги операция муваффақиятли якунланиши керак. СССР сақланиши лозим, — деди.

— СССРга нима бўлди?

— Давлат сири, — деб Зеленский кўзини юмиб очди. Кейин: «Овсармисан? Қаёқдаги қизга ўта муҳим гапни айтиб ўтирибсан», дея ўзини ўзи янди.

Кейин ўрнидан турди-да, Сабинани қўтариб олди ва энди уй томон юра бошлаганида қандайдир «гуп» этган товуш чиқди. Зеленский юришдан тўхтади. Бир лаҳзагина қимиirlамай турганидан сўнг орқасига қулади. Сабина эса чинқириб юборди. Чунки Зеленскийнинг чаккасидан қон оқмоқда эди. Бечора қиз титраганча атрофига аланглаб, овози борича бақирди. Шунда кимдир унинг ортидан келди-да, бақувват кафти билан оғзини беркитди-да:

— Тисс! Жим! — деди ўзбекчалаб.

Сабина бирдан хотиржам тортди ва «хўп», дегандек бошини қимиirlатди.

— Фаттоҳ Норқуловичдан сизга салом! Биз сизни қутқаргани келдик. Шовқин солманг, хўпми?

Сабина яна бошини қимиirlатди. Йигит уни қўйиб юборди.

— Мен, мен, ҳалиги...

— Кетишимиз керак. Вақтимиз зиқ, — деди бақувват йигит қизнинг гапини охиригача эшиitmай.

Сабина уларнинг икки киши эканини дарвоза ёнига борганидан сўнг билди.

Дарвоза ташқарисида Сабина Андрейнинг ўлигини кўрди. Унинг ёнида яна икки кишининг жасади ётарди.

Газ қаттиқ босилганидан машина фидираклари чийиллаган овоз чиқазди...

Самолёт аввалига Ленинградга учди. У ерда улар бошқа самолётта чиқиши...

Сабинага ўзини босиб олиш жуда қийин эди. Ич-ичидан отасига миннатдорчилик билдирап ва кўзидан ёш оқизарди. Тинимсиз ичаверганидан эса кейинчалик маст бўлиб ухлаб қолди. Шу боисдан ҳам самолёт неча соат учганини ҳам, қўнганини ҳам сезмади...

Фаттоҳ Норқулович уйида эди. Маишат майшат бўлмади. Еди, ичди. Қайғуси ошса ошдики, камаймади. Хаёлида Зеленский қизини бутунлай абгор қилиб ташлагандай эди. Ўғли Комилдан ёруғлик чиқмади. Энди ундан келажакда бирор нима умид қилиш мушкул. Бироқ Сабинанинг ақлхуши жойида. У бирорта ишни қилишга жазм этса, албатта, охиригача етказади. Ҳозир ана шу қизи оғир аҳволда. Гаровда турибди. Биров уни гаровда демади. Лекин, аслини олганда, шундай... Ҳамдам иккита нозик билакни олиб келди. Улар бир-биридан чиройли, қадди-қомати келишган. Ҳар ишвасида одамнинг юрагини така-пуга қиласди. Бироқ Фаттоҳ Норқулович уларни кўриши билан ёдига яна қизи тушди. Ахир уни ҳам кимдир, қаердадир худди шундай кўйига солган бўлиши мумкин-ку?! Зеленскийдан бундай нарсани кутса бўлади... «Йўқот буларингни!» деди у Ҳамдамга. Ҳамдам йўқотди. «Ёқмаган бўлса, бошқаларини олиб келай», деди. «Йўқ, умуман керак эмас», деди Фаттоҳ Норқулович ва маст бўлиб, ухлаб қолди. Уйғонди. Уйига кетди. Уйга боргач, уй ютиб юборгудек бўлди. Шу боис ёлғиз қолишни истамади. Ҳамдамга илтимос қилди. «Кетма, гангур-гунгур қилиб ўтирамиз. Ичимдаги ўт ҳали бо силмади... Мен қизимни тирик кўришни истайман», деди. Ҳамдам «Майли, сиз нима десангиз шу», деб уницида қолди.

Уларнинг иккиси ҳам ўтирган жойида ухларди. Чала ухлашарди улар. Ҳар қандай тиқ этган товушдан кўзлари очи-либ кетарди уларнинг. Бир маҳал эшик қўнғироғи асабий тарзда кетма-кет босилди. Фаттоҳ Норқулович ўрнидан сакраб турди.

— Ўтираверинг, — деди Ҳамдам қўзини очиб унга қарап-кан, — йигитларнинг ўзлари очишади.

— Мен чидағ туролмайман.

У оёғига шиппагини ҳам кийишни унутиб, ташқарига

югуриб чиқди. Бунгача Сабина ичкарига кириб бўлганди.

— Ада! — дея қичқириб юборди қиз.

Ота-бала қулоқлашишди. Фаттоҳ Норқулович шоша-пиша қизини ўпди-да, юзини кафтлари орасига олиб ти-килди. Сўнгра:

— Қизим, омонмисан, ишқилиб?! — дея сўради йигла-моқдан бери бўлиб.

— Ажалнинг оғзидан қайтдим, ада! Сиз бўлмаганингиз-да мени ўлдириб юборишарди! — дея жавоб берди Сабина қўзидан ёшини дув-дув оқизиб.

Бу орада ташқаридаги шовқинни эшитган Роза югуриб чиқди. У эри каби эзилмаганди. Чунки кўп гапдан ҳали ха-бари йўқ эди. Шундай эса-да, қизи ва эрига қўшилиб, кўз ёш тўкди. Бу орада Ҳамдам йигитларидан ҳисбот олди.

— Чеченлар ёрдам беришди. Ўша бир пайтлар сиз ёрдам қилганларнинг қариндошлари, ўзлари. Улар сабаб қизни ҳам, иккита жомадонни ҳам олиб келдик, — деди йигит-ларнинг бири.

— Бўлди, сизларга икки кун дам. Нима қилсанглар, қилинглар. Фақат бир-бирингни ўлдириб қўймасанг бўлга-ни, — дея Ҳамдам уларнинг ҳар бирига нақд йигирма мингдан берди.

Фаттоҳ Норқулович қизи билан унинг хонасида дардла-шиб бўлганидан сўнг Ҳамдамнинг ёнига келди. Бироқ гап-лашолмади. Чунки Ҳамдам ҳовлидаги каравотда узала туш-ганча хуррак отиб ухламоқда эди...

Эртасига соат ўн иккиларда уйғонган Фаттоҳ Норқуло-вич телевизорни ёқди ва даҳшатга тушди. Москвада Партия марказий қўмитасининг биноси, Вазирлар маҳкамасининг иморати ёнмоқда эди. Бинонинг атрофини ҳарбий техника ўраб олган, ҳарбийлар у ёқдан-бу ёққа югуришмоқда. Фат-тоҳ Норқулович ювинишни ҳам унутиб телевизорга ти-килганча қолди. Ур калтак, сур калтакнинг сабабини бил-моқчи бўлди. Билди ҳам. Маълум бўлишича, Горбачёвнинг атрофидагиларидан бир гуруҳи «шеф»нинг дам олишда-лигидан фойдаланиб бош кўтаришиби. Горбачёвни олиб ташламоқчи бўлишиби. Аммо Борис Ельцин уларга қарши чиқибди ва каттаконларнинг катта иш қилишига йўл қўймай, «ини»ни ўрабди...

— Тамом, — дея ҳайқирди Фаттоҳ Норқулович, — энди

кир-қир бошланади! Энди одамларнинг қони дарё-дарё бўлиб оқади!

Роза эрининг ҳайқиришини эшишиб юрагини қўлтиқ-лаб, хаёли бузилиб югуриб ётоқقا кирди.

— Адаси! Адаси, сизга нима бўлди?! Соғмисиз?! — дея чинқирди эридан-да баланд овозда.

Ҳамдам аллақачон уйғонган. Аллақачон ювинган, аллақачон нонушта қилиб бўлганди. Фаттоҳ Норқуловичнинг уйғонишини кутаётганди. Чунки «доля»сини олиб кетиши керак-ку.

У эр-хотиннинг овозини эшитиши билан бирдан сергак тортди. «Яна нима бало бўлди? Наҳотки Фаттоҳ Норқулович менга ҳамма пулинни берса», дея ўйлади.

— Ҳамдам! Оғайнни! Хабаринг борми, йўқми?! — дея бўкирди Фаттоҳ Норқулович.

— Нимадан? — деди ҳайрон бўлган Ҳамдам.

— Уруш. Уруш бошланибди. Москванинг афдар-тўнтари чиқиб ётибди!

— Йўғ-э?!

— Ҳозиргина телевизорда кўрдим. Ит эгасини танимайди!

Шундай деб Фаттоҳ Норқулович Ҳамдамнинг ёнига келди ва телевизорда кўрганларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

— Ўзи бир нарсанинг ҳиди келиб турганди. Кўнглим сезганди, ука! — деди у гапининг охирида.

— Энди нима қиласиз, aka? — дея бошини қашлади Ҳамдам.

— Биринчидан, пул чиқсан жойига кириб кетади. Бир жомадон у ёқда турсин, бир «КамАЗ»иям сариқ чақага қиммат бўлади. Шундай экан, энг аввал пулларни йўқотиш тараддуудида бўлишимиз зарур. Иккинчидан, ўзимизни ўзимиз сақлашимиз керак. Бунақсанги пайтларда ўғри-кazzобларнинг, зўравонларнинг куни туғади. Чунки бирор бирорни сўрамайдиган давр бошланди-да. Сен ўтириб тур, мен ҳозир дарров бориб ювиниб келай.

Ҳамдам Фаттоҳ Норқулович билан элликка эллик келишганди. Демак, келтирилган жомадонлардан бири уни-ки бўлиши керак. Ҳозиргача у пул тўла жомадонни олмоқчи эди. Йигитлари иккинчи жомадонда тилла, кумуш бор-

лигини айтишган эди-да. Манави хабардан кейин иккиләниб қолди. Пул ўзида керагидан ортиқ. Бемалол пулдан ёпинадиган күрпа тиктирса ҳам бўлаверади. Бироқ у аҳамиятини йўқотган экан, Ҳамдамга умуман керак эмас.

Фаттоҳ Норқулович ювиниб келди-да, чорпояга чиқиб ўтириди. Шу заҳоти хотини қовурилган тўртта тухумни унинг олдига қўйди.

— Ака, — деди Ҳамдам, — жуда узоқ қолиб кетдим. Кетишим керак. Тўртта рўзгорим борлигидан хабарингиз бор...

— Тушунаман. Сенга ҳам қийин. Йўқ жойдан бошингга ташвиш орттириб олгансан. Буларнинг биттасига одам зўрга чидайди-ю, тўрттасига ўлиб қолмайсан ҳам, — деди Фаттоҳ Норқулович.

— Ака, сиз билмайсиз-да. Илгари иккита қилганимда кунора уйда жанжал эди. Лекин тўртта бўлгач, бирортаси ҳам жанжал кўтармайди. Қайтанга қўрқишиади. Хуллас, тўртта хотинда ҳам ҳикмат бор экан... Ҳисоб-китобни қандай қиласиз?

— Келишганимиздай, — деб Фаттоҳ Норқулович оғзига нон солди.

— Тушунишим бўйича, битта жомадондагиларнинг ярмини, иккинчисининг ҳам ярмини оламан, шундайми?

— Тўгри. Лекин сен анави пулли жомадонни олиб қўявер.

— Йў-ў-ў-қ, бунақаси кетмайди, — дея илжайди Ҳамдам, — ўзингиз пул баргхазондай бир нарса бўлади, дедингиз. Шундай экан, қофоз пулларингизни нима қиласман?

Фаттоҳ Норқулович кулди:

— Ҳамдамжон, бу гапни мен айтдим. Мен дарров илгадим. Лекин одамлар ҳозир шокда... Тўртта хотинингизга тўртта ҳовли олмайсизми? Тошкентдан. Керак бўлса, саккизта олинг. Қамчини босиш керак бундай пайтда.

— Нега унда ўзингиз ўша пулларни олиб қолмаяпсиз?

— Менинг уйларим тиқилиб ётиби. Мен бошқа бирор нима оламан.

— Барибир, келишолмадик, aka. Иккита жомадон иккига бўлинади.

— Гап йўқ. Лекин, ука, хавфсизликни нима қиласиз?

— Билмадим!?

— Гап бундай, сиз хотинларингизни олиб келинг. Бизникида туриб туришади.

— Ҳаммаси битта жойдами?

— Ҳа, нима қилибди?!

— Битта жойда туролмайди улар. Учинчи жаҳон урушини бошлаб юборишади, — деди Ҳамдам ҳиринглаб кулиб.

— Майли, ихтиёргинг ўзингда, — деда Фаттоҳ Норқулович шоша-пиша нонуштасини тугатиб, уйга кириб кетди ва дарров иккита жомадонни кўтарганча чиқди. Иккисини ҳам чорпоянинг устига қўйди. Очди. Кўзни қувонтирадиган ҳолат. Аммо Фаттоҳ Норқуловичнинг қиёфаси тунд эди. Буни Ҳамдам дарров сезди.

— Ака, мабодо сизга оғир ботаётган бўлса мен олмайман, — деди Ҳамдам ҳам қовоғини осилтириб.

— Йўқ, нималар деяпсан?.. Мен мана шуларни деб қизимдан айрилиб қолишимга сал қолди, ана шунга бироз қуиниб ўтирибман. Сен менга эътибор берма, қанча хоҳласанг, шунча ол, — деб Фаттоҳ Норқулович бурнини тортиб қўйди.

Ҳамдам олди. Аммо ўзининг назарида инсоф қилди. Чунки ярмидан озроғига қаноатланди. Кейин йигитларини йиғиштириди-да, икки кундан сўнг келажагини айтиб кетди.

Роза норози эди. У ҳамма ҳатти-ҳаракатларни кузатиб турганди. Шунча бойликнинг ярмидан бирдан айрилиб қолаётгани унга оғир ботди ва Ҳамдам кетиши билан эрининг ёнига югуриб келиб:

— Нега бундай қилдингиз? Ахир буларни йиғиб-тергуннингизча озмунча тер тўкканмисиз? — деди.

— Ошқовоқсан, хотин, ошқовоқ. Агар шу йигит бўлмаганида эди, бу бойликларни қайтиб кўрмасдинг, уйингда ҳалиям ухлаётган қизингни ҳам. Ол буларни, кўзимдан йўқот! — деда Фаттоҳ Норқулович иккита ёстиқни қўлтигининг остига қўйиб ёнбошлади.

«Москвада жанжалнинг бошлангани яхши бўлибди. Аммо, барибир, кимсан молия вазири ўлдирилган. Бутун бошли иттифоқнинг молия вазири. Бу кичкина гап эмас. Айниқса, ўлдирилган одам ким эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ахвол жудаям оғир. Улар, барибир, айбдорларни топишади. Кейин Гитлернинг ҳам ҳадди сифмаган

ишиңи қилишади. Демак, қарши тура олишим керак. Күч керак менга. Атрофимда ишончли одамларим бўлиши керак. Биргина Ҳамдам камлик қилиб қолиши мумкин. Камлик, камлик», дея хаёлидан ўтказди Фаттоҳ Норқулович.

Унинг учун дунё жудаям тор кўриниб кетди. Гўёки бутун дунёда биргина унинг уйи борки, қаердан туриб қарасанг, унинг иморати кўринадигандай эди.

Сабина келди. Келиб дадасининг ёнгинасига ўтириди. Фаттоҳ Норқулович қизининг соchlарини силади. Кейин унга:

— Бундан бу ёғига, қизим, жудаям эҳтиёт бўласан. Иложи бўлса, уйдан чиқма. Ҳозир замон бузилиб кетган. Жудаям бузилган пайти. Ит эгасини танимайди. Хўпми? — деди.

— Ада, сиз нима десангиз шу. Тўғрисини айтсам, бундан бу ёғига жаҳаннам оловида ёнсан керак, деб ўйлагандим. Айтганча, сизга тегинишмайдими? — дея жовдираб отасига қаради Сабина.

— Мени нима ҳам қилишарди?! Мен уйимда эканман, дарвозадан бирор берухсат киромайди.

— Ўзимнинг ҳаммадан зўр адажоним!

— Бўлди, энди чойингни ичиб ол... Шошма, ойинг иккаплангни дала ҳовлига жўнатсан-чи?!

— Йўқ, йўқ, адажон! У ёқларда одамлар жудаям оз. Мен қўрқаман. Ўзи... Лекин-чи, адажон, Неъмат акамни бекордан-бекорга ўлдириб юбориши. Бечора ҳеч нима қилмаганди. Ҳатто қаттиқ ҳам гапирмаганди, — дея бошини эгди Сабина.

Чунки у Неъматни соғинаётган ва ич-ичидан энтикиб кетаётганди. Бир пайтлар энди бўйи етганида, холаси Мадина «Биз қайноқ қонлилармиз, бошқалардан устун томонимиз ҳам шунда. Истагимиз ниҳоятда катта. Аммо, минг афсуски, буни доим ҳам, ҳаммага ҳам айттолмаймиз», деганди. Неъмат ўлганига неча кун бўлди. Ахир у қийналяпти-ку. Лекин бу тўғрисида қандай қилиб ота-онасига айтсин?!

— Ҳа, у менинг ниҳоятда ишончли одамларимдан бири эди. Ҳозир айнан керак бўлиб турган пайти. Бироқ у ўлди. Қайтиб тирилтириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўп куйинаверма, қизим, — деди Фаттоҳ Норқулович.

— Ада, пулимиз кўпми? — сўради кутилмаганда Сабина.

— Нимайди, қизим?

— Билгим келяпти-да.

— Кўп билсанг...

— Ад-а-а-а!!! Аввал ҳам айтгансиз бу гапингизни. Ёш боламасман-ку. Шунга қараб иш қиласман. Ўқишим бўлмади. Ҳаётим бўлмади. Энди бирор нима қилишим керак.

— Хўш, нима қилмоқчисан?

— Москвада одамлар роса фимирилаб қолишган. Бирnimаларни бир жойлардан олиб келиб сотишияпти. Одамларнинг оғзидан Туркия, Хитой деган сўзлар тушмай қолган. Шунга...

— Йўқ, ҳеч қачон сўрама. Ўзи сени Москвадан олиб келишим қанчага тушганини биласанми? Ундан кейин бизга пулнинг умуман кераги йўқ. Топғанларимни майда чайнасанг, етти пуштингга етади.

— Зерикиб ўларканман-да, — дея Сабина ўрнидан турди-ю, чопқиллаб уйга кириб кетди.

Фаттоҳ Норқулович қизининг ортидан алам билан қараб қолди. Бечора қизининг баҳтсиз эканлигига ўзини айбдор ҳис эта бошлади...

Сабинанинг парвойи фалак эди. Қисқа муддатда бошидан ўтказган қийинчиликларни, оғир кунларни унутганди. Умуман олганда, у қийинчилик кўрмаганди ҳам. Фақатги на ўлим шарпасигина уни қўрқитганди. Андрей, Зеленский — булар худди ажал фаришталарига ўхшашарди. Ҳарлаҳазда жонингни олишга тайёр эди. Аммо энди улар орадан олиб ташлангач, Сабина яна ёруғликка чиқиб олгадай бўлди. Мана, тўйиб ухлаганди, дарров зерикиб қолди. Энди ўзига бирорта хушчақчақ машғулот топиши керак. Ёшлардан, ўғиллар, қизлардан иборат машғулот.

У ўзини юмшоқ ўрнига ташлаганидан сўнг шулар ҳақида бош қотирди. Бирдан хаёлига Лазиз келди. Бечорани абгор бир аҳволда ташлаб кетганди. Ҳаммасига, албатта, Фирдавс сабабчи. Уни севди-ю, бечора Лазизни расво қилди. Аслини олганда, Сабина унга тегиб олмоқчи эди. Латта, бўйни бўш бола қаёққа етакласа кетаверади. Демак, унинг кейинги ҳаёти ҳам лаззатда ўтади. Чунки пули кўп. «Ҳали ҳам бўлса кеч эмас. Уни топаман. Шўрликкинанинг боши-

ни силайман... Алкаш бўлиб қолган бўлса-чи? Ўзи шундоқ ҳам пиёниста эди... Бошимни қотирмайман. Аммо Фирдавсни топиб, қасдимни олишим керак. Бунда менга Арслон ёрдам беради. Адашмасам, Андрей ҳозир Арслоннинг кучайиб кетганини айтгандай бўлганди. Демак, у менга ёрдам беради», дея хәёлидан ўтказди қиз ва ўрнидан турди-да, шкафининг ёнига борди. Вой-вўй, элликдан ортиқ кўйлаги бор. Азоб. Танлаш азоб. Чунки кўйлакларининг ҳаммаси зўр. Ҳаммаси замонавий. Шунинг учун ҳам қизгина қийналаб кетади. Пушти, қизил, яшил, кўк... Шим, юбка, футболка... Яна ҳар бир кийимиға мос келадиган оёқ кийимлар.

— Бўлди, тамом, ҳаммасини ўртоқларимга тарқатиб юбораман. Бошқаларини сотиб оламан. Айтганча, тузукроқ ўртоғим ҳам йўқ-да. Бор, Лайло бор, Мунис бор, Нозима бор, яна икки-учтаси бор. Лекин уларни жиним суймайди. Қанақангидир ҳаммаси писмиқ, фийбатчи. Тўхта, ораларида Нозима анча яхши. Худди менга ўхшаб эрга тегиб чиққан. Боши очиқ. Бир марта ўзи қайсиdir заводнинг директори билан топишиб олганди. Ораларида романтик кечалардан бирор ўнтаси бўлиб ўтган эмиш... Айни мен-боп.

У юргуғилаб телефоннинг ёнига борди. Рақам терди. Симнинг нариги тарафида гўшакни дарров кўтаришди. Нозиманинг онаси кўтарди. Овози қандайdir ҳирилдоқ унинг. Сабина Нозимани сўради.

— Кимсан?! — деди аёл дағаллик билан.

— Ўртоғиман. Сабина.

— Ҳмм, унинг охирги пайларда негадир ўртоқлари кўпайиб қолди. Бечоранинг бойлигининг исини олдингларми, дейман?!

— Вой, хола, нега бунаقا дейсиз?! Мен горкомнинг қизиман!

— Ия, шунақами?! Минг бор узр, қизим! Ўзи охирги пайларда қаердаги қаланғи-қасанғилар роса безовта қилишаётганди. Ҳозир чақириб бераман.

Сабина бошини четга буриб:

— Уфф! — деди.

Нозима кўп куттирмади. Дарров гўшакдан қўнғироқдай овоз келди.

— Намунча, худди ўлиб қолганлардай йўқолиб кетдинг, жоним? — деди Нозима саломни ҳам унутиб.

— Вой, ўртоқжон, Москвада эдим-ку! Сени роса соғиндим. Кеча келгандим. Бугун зериқдим. Бир кўришмаймизми?

— Кўришамиз. Сквернинг ёнида зўр ресторан очилган. Алоҳида кабиналари ҳам бор.

— Жуда яхши. Мен ҳозироқ кийимларимни алмаштираман-да, қушдай учиб бораман. Фақат, ўртоқжон, мени кўп куттирмасдан тезроқ келгин.

— Бўлди. Мен Мунисга ҳам айтиб қўяман. Эрталаб у билан гаплашгандим.

— Эри рухсат берармикин?

— Қанақа эр? Эрининг аллақачон орқасига тевворган.

— Унда уни ҳам чақир. Кўришгунча!

Сабина гўшакни қўйди ва яна шкафининг ёнига бордида, қўзини чирт юмиб ичкарига қўлини чўзди. Биринчи қўлига теккан кўйлагини олди. Пуштиси экан. Афтини бужмайтириди. Кейин жинси шими билан оппоқ футболкасини танлади...

У ҳовлига чиққанида Фаттоҳ Норқулович чорпояда оёғини «чайла» қилиб ётарди. Қизини кўрди-ю, бирдан ўрнидан туриб ўтириди.

— Ҳа, қаёқقا?.. Мен сенга ҳеч қаерга чиқмайсан, демаганмидим? — деди қовоғини осилтириб.

— Ада, ўртоқларим билан кўришмоқчиман. Скверда. Янги ресторан очилибди-ку, ўша ерда. Роса зериқиб кетяпман! — дея эркаланди Сабина.

— Зерикишинг сени йўқотишмидан афзал! Шундоқ экан, ҳеч қаерга бормайсан, ўртоқларингни уйга чақир. Хоҳласанг, кечаси билан ўтири! Музиканинг энг баландига қўйиб ўтири!

— Уфф!!! Ада, шунақа қилманг! Юрагим ёрилиб кетади! Қаерда ўтиришимизни айтдим-ку! Жуда ишонмасангиз, одамларингиздан бирортасини айтинг, бориб қўриқчилик қилсан!

— Битта одам нима бўлади?! Ажалнинг оғзидан келганингни эсингдан чиқазма! Кир уйга!

Сабина жаҳл билан ерни тепди. Сўнг уйга кирди-ю, дар-

дини онасига дастурхон қилди. Роза ҳовлига чиқиб, күз ёш түкди-ю, эрини күндириди.

Сабина қушдай енгил эди. Қандайдир баҳтлидай эди ҳам. Эркаклар, еб-ичишлар — ҳамма-ҳаммаси жонига теккан. Энди ўртоқлари билан маза қилиб фийбатлашади. «Боргандан кейин қолган қизларни ҳам чақирамиз. Писмиқ бўлишса ҳам майлига», дея кўнглидан ўтказди у...

Сабина таксидан тушди-да, атрофига бир қараб олди. Кейин нигоҳи билан Нозима айтган ресторанни қидирди. Топди. Шундоққина йўлнинг четида экан. Жилмайғанча эндиғина шу томонга юра бошлаган эди ҳамки, ортидан қадам товуши эшитилди. «Наҳотки ортимдан тушишган бўлишса!» дея хаёлидан ўтказди. Шу ондаёқ бирдан юраги «шув» этиб кетди.

\* \* \*

Абдулатифнинг лақаби «Кулфузар» эди. Бундан йигирма беш йил муқаддам «ўтирганида» Михайлдан роса сабоқ олганди. Аристонлар Михайлни «Мойша» деб чақиришарди. Бир сафар Абдулатиф ундан лақаб ҳам эмас, бошқа қандайдир исм билан ҳам чақиришадими, деб сўраганида у қўлинни силтаган. Жавоб бермаган. Мойша қарі эди. Айтиш мумкинки, ёшини яшаган, ошини ошаганди. У ўлишидан тўрт йил бурун «қонундаги ўғри» Алексейга ўн минг берганди. «Туллак» лақабимни ўзгартири. Менинг асл исмим Мойша. Яхудийча исм. Мени шундай деб атанглар», дея илтимос қилганди. Алексейга у пайтларда бировнинг исмини ўзгартириш писта чаққанчалик эди. «Бугундан Мойшасан», деди у пулни кўргач. Шу-шу аристонларнинг бари уни Мойша дея бошлашди.

Ўрмонга дараҳт кесгани боришганида Абдулатиф уни ўлимдан сақлаб қолганди. Тўғрироғи, Худо сақлаган. Абдулатиф эса сабабчи. У Мойшанинг қўлидан ушлаб тортди. Акс ҳолда, дараҳт унинг устига тушарди. Ўзи қочиб қололмади. «Чуриллатаётганди». Хаёли, кўзи бошқа ёқда эди.

Шу-шу Мойшанинг Абдулатифга меҳри ошди ва ўзининг ноёб қобилиятини ўргатди.

Кейинчалик Абдулатиф таниш-билишларига қулфни қандай маҳорат билан очишини кўрсатди-ю, бироқ бирор жойга ўғирликка тушмади. Кулф бузмади. Аммо ўша та-

ниш-билишлари «Кулфбузар» деган лақабни исмининг ёнига тиркаб қўйиши. Абдулатиф қулфбузар.

У дарвозани осонлик билан очди ва шу заҳоти машина-да ўтирганлар юрганча Арслоннинг уйига кириб кетиши-ди.

Ҳеч ким йўқ эди. Яқин икки соатда бирор бўлмаган. Чунки чойнакдаги чой совуқ. Газ ишламаган ва ҳоказо. Фирдавс-нинг тахмини бўйича бўлиши керак эди. Кўнгли аниқ Арслонницида одам бор, деб турганди. Битта аёл ва эркак. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Арслонга йўл-йўриқ кўрсатади. «Эркакни тушунса бўлади. Лекин аёл жиноий тўда орасида нима қилиб юрибди? Тўхта, ўша аёл Арслоннинг онаси бўлса-чи? Унда нега ҳеч ким танимайди?.. Бизнилар муваккамал ишлашмаяпти. Бунақада қоқилиб қолишимиз ҳеч гап эмас...»

— Амаки, — деди Фирдавс Миразизга, — бир-иккита идишни синдирайлик. Арслонбой қидириб келганимизни билсин.

— Хат ҳам қолдириш керак, — дея қўшимча қилди Абдували.

— Хат бўлмайди. У бир куни келиб хужжатга айланиши мумкин. Фирдавс айтгандай ошхонадаги идишларни синдиринглар, мебелнинг ҳам эшигини бузинглар. Бирорта ҳам қимматбаҳо нарсага тегинманглар, — деди Миразиз.

Йигитлар шу заҳоти ишга кириши. Бир зумда ҳамма ёқни жангур-жунгур овози босиб кетди...

Улар кетиши. Уйга боргандан кейин ҳам Фирдавснинг юрагининг тафти босилмасди. Ичидан бир нима юқорилаб томографига тиқилгандай туюлаверди. Ёлғиз эди. Ёнидагиларнинг ҳаммаси қаҳвахонага кетишганди. Агар Арслон уйидаги аҳволни кўрса, шубҳасиз, қаҳвахонага шотирлари билан бирга бориши, «ҳисоб-китоб»лашишини тахмин қилиши. Аммо Фирдавс улар билан бирга кетмади. «Мен сал кечроқ бораман», деди. Аслида эса ёлғиз қолишини, ичидаги ҳаяжонни босиб олишни истаётганди. Яна у китобларда, шошма-шошарлик ва ғазаб билан қилинган ишнинг таги пуч бўлишини ўқиганди. Ана шунга ҳам амал қилди. Лекин уйда, барибир, у ёлғиз эмасди. Синглиси, Моҳина ва Рухшона бор эди. Улар ҳам ўз хаёллари билан банд бўлишиб, бир оғиз ҳам сўз айтмай ўтиришарди. Мав-

зуна Фирдавснинг ҳовлида юрганини кўрди-ю, дарров ташқарига чиқди. Қарасаки, Фирдавс тушкун кайфиятда. Жилмайди ва бир-бир қадам босиб, ёнига келиб кўрқитмоқчи бўлди. Аммо ўхшамади. Фирдавс қизга қараб қўйди. Қайтанга ўзи чўчиб тушди-да, қиқирлаб кулди.

— Нима гап? Тинчликми? — сўради ҳайрон бўлган Фирдавс.

— Кўрқитмоқчи эдим. Бўлмади. Сиз ҳам мени кўриб қолаверманг-да! Одам ҳам шунчалик сергак бўладими?

— Мен ҳеч балога тушунмаяпман!?

— Чунки хаёлингиз анави қизда?

— Қайси!?

— Келинг, ўзингизни гўлликка солманг. Менинг кўз олдимда ҳиринг-ҳиринг қилганингиз-чи? Дарров эсчангиздан чиқиб кетдими?..

Фирдавс мийифида кулди. Бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳой қизча, ким ҳақида гапиряпсиз? Нега менинг бошимни қотиряпсиз?

— Сиз қайси қиз билан қачон гаплашганингизни бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Шулардан нечтасини мен кўрганман. Гувоҳ бўлганман...

— Мавзуна, сиз жудаям ақдли, гўзал ва зийрак қизсиз. Менга ишонмасангиз, ана, ойнага қаранг, ўзингизга-ўзингиз шундай савол бериб кўринг-чи. Энди битта чой олиб келиб беринг. Янги дамлаш шарт эмас. Столнинг устидаги чойнак тўла, шундан бир пиёла қуясиз-да менга олиб келиб берасиз. Айтганча, қилаётган ишингизни Моҳина билан аянгиз кўради. «Нима гап?» дея сўрашади. Сиз уларга совуқ чой ичгингиз келаётганини айтинг. Аник, тиник, дона-дона гапиринг. Чалғиб кетманг тағин.

— Вой, тавба қилдим. Мен сизни бунчалик гапдон деб ўйламаган эдим. Битта бегона қизнинг ким эканини билишм учун... Айланиб-айланиб гапларингиз буйруқ бўлди, қолди. Ҳозир мен сизга ўша чойнакнинг ўзини олиб кела-ман-да.

Мавзуна ич-ичидан хурсанд эди. Чунки Фирдавснинг хаёлини бўлиб юборди. У бир муддатга бўлсин бошини қотираётган нарсасини унутди. Чалғиди.

Фирдавс ерга оёқларини чалиштириб ўтириди. Иккала қўлини оёқларига тиради. Кафтлари билан иягини кўтарди.

Мавзуна чиқиб қараса, аҳвол бошқача. Сал индамаса Фирдавс тағин қайғуга ботади.

— Дастанхонни олдингизга ёзайми? — деди қыз кулиб.

— Дастанхон?.. Ҳм... Ўтиришга қулай экан.

— Мен ҳозир, — дея Мавзуна чопқиллаб уйга кириб кетди ва зум ўтмай Моҳина билан онасини етаклаб чиқди.

— Ана, — деб Фирдавсни кўрсатди, — бояги қизни деб шу кўйга тушиб ўтирибди.

Фирдавс Мавзунага ўтирилиб қаради.

— Қанақа қиз? Боядан бери қаердаги қизни деб...

— Шошманг, шошманг, — дея Мавзуна югуриб унинг ёнига келди-да, чўккаллаб ўтириди, — сочини сариқча бўяб олган. Тирноқлари узун. Шим кияди. Сумкачаси оппоқ. Сиздан олдинги севгилиси олиб берган. Бир марта иржай-иб-тиржайгани учун.

Фирдавс Моҳина билан Рухшона холасига қаради.

— Сизлар, балки, тушунтириб берарсизлар?! Негадир ҳалидан бери қандайдир қизни айтиб, бошимни қотиряпти.

Мавзуна ҳам Моҳина билан онасига қаради-да, кўзини қисиб қўйди.

— Гаплашган экансиз-ку ўзингиз, — деди Моҳина дарпов шумликни тушуниб.

— Гувоҳим бор керак бўлса... Камола ўз кўзи билан кўрган экан...

— Қайси Камола? — дея энсасини қотирди Фирдавс.

— Нариги кўчада туради. Ҳовлисида бассейни бор... Анави куни мен билан тортишиб қолди. Уйидаги бассейнни у ҳовуз деди. Мен ҳовуз бу лойнинг устида бўлади. Тош, яна бир бало, бир балолар тагида ётади. Чаккаларидан, ҳар хил ўт-ўланлар, қамиш ўсган бўлади. Ана шунақанги жойни ҳовуз дейди. У ерга одам зоти сув қўймайди. Ариқдан бир чукурга келиб, шу ерда қолиб кетган сувни ҳовуз дейишган ота-бобомиз. Сен анави тепакал, оқ соч адангга айтиб қўй, илгари ота-бобомиз бетон-сетон қуйиб, ичига сув тўлдириб, унга ҳовуз деб ном қўймаган. Шунинг учун бассейнни бассейн дейиш керак. Чунки уни қаердадир, қайсиdir миллиятнинг битта одами биринчи бўлиб қўлда ясаган ва номини бассейн деган. Шунинг учун ҳамма бассейнни бассейн дейиши керак. Ўрис бўладими, тожик бўладими, араб

ва ёки негр бўладими, фарқи йўқ, бассейнни бассейн деб аташ керак. Худди самолётни самолёт деганларилик», — дедим.

— Самолётни ҳозир тайёра дейишияпти, — деб бурунчасини тортиб қўйди Моҳина.

— Балонинг калтаги! Қанақанги тайёра, тайёрага бало борми?! — дея қичқирди Мавзуна.

— Шошманглар, сизлар ўзларингча нималар деяпсизлар? Камоланинг бассейнга нима алоқаси бор? Ундан кейин қанақандидир сариқ соч? — деди пешонаси тиришган Фирдавс.

— Борда алоқаси. Биринчидан, ўша Камола фирт анди. Андилигининг сабабини айтдим. Чунки у доим дадаси нима деса шуни гўё бир хум тилло топган тентакдай қўчага чиқиб, бизга айтиб беради. Иккинчидан, у сизни дискотекада кўрган... Кейин...

Мавзуна у ёғини давом этказолмади. Бирдан қаҳқаҳа отиб кулиб юборди. Шу заҳоти Моҳина ҳам унга қўшилди. Рухшона билан Фирдавс ҳайрон эди. Улар бир қизларнинг унисига, бир бунисига қараашарди. Қизлар эса баттар «қотишар», қўзларидан ёш чиқиб, юзлари қизариб кетганди.

— Ҳозир буларнинг иккиси ҳам ўлиб қолади, — деди Рухшона ва ёнида энгашиб қолган Моҳинанинг елкасига бир-икки урди. Фирдавс ҳам беихтиёр Мавзунага худди шу усулни қўлламоқчи бўлди-ю, сўнгги лаҳзада ўзини тутиб қолди. Унинг ўрнига Рухшона шу ишни қилди. Қараса, уриш таъсир қилмаяпти ва у бошқача йўл тутди. Мавзунанинг қўлида қийшайиб, ичидаги совуқ чойнинг қарийб ҳаммаси тўклиган чойнакни тортиб олди-да, чойни қизининг юзига сепиб юборди. Ана шундан кейингина Мавзуна бироз ўзига келди ва энгашганча югуриб уйга кириб кетди. Тўғри ошхонага борди. Жумракни очди. Муздай сувда юзини ювди. Кейин қайтиб ташқарига чиқди.

— Фирдавс ака, мени кечиринг, бир «қўзиб» қолди, — дея кечирим сўради.

Қизнинг лабида ҳали- ҳануз табассум бор эди. Моҳина ҳам ора-чора пиқ-пиқ этиб туарди.

— Бор, сен ҳам муздай сувга юзингни ювиб кел, — деди унга Рухшона.

— Тўғриси, — деб ўрнидан турди Фирдавс, — ҳеч ни-

мага тушунмадим?! Булар нега ўзларидан-ўzlари қаёқдаги гапларни гапиришиб, «қотиши».

— Шунчаки, — деди унга жавобан Мавзуна, — ўзингиз кун пешиндан ошиб кетган бўлса ҳам овқатга кирмайсиз. Сизга қараб бизнинг ҳам иштаҳамиз бузилган... Лекин яхши ўхшади.

— Шошма, овқатга таклиф қилган одамнинг овқати борми ўзи, — деда бирдан кесатди Рухшона.

— Бирор нима топармиз, — деда кулиб қўйди Мавзуна.

Ҳақиқатан ҳам, Фирдавснинг хаёллари чалғиган эди. У энди Арслонни, унинг устози ва шотирларини унутиб, Рухшонанинг таклифи билан ошхонага кирди...

Шубҳаси бекор бўлиб чиқди. Арслон қаҳвахонага шотирлари билан бостириб бормади. Уни тутиш, таъзирини бериб қўйиш учун кетганлар қайтиб келишди. Уларнинг орасида Достон ҳам бор эди. Моҳина отасини кўриши билан бўйнига осилиб олди. Кўз ёш тўқди. Ҳамманинг хаёлига бирдан Моҳирой келди. Унинг сиймоси кўз олдиларида гавдаланди.

— Қизим, сенинг шу ердалигингдан хурсанд бўлдим. Кўнглим хотиржам тортди, — деб Достон қизининг сочларини силади.

— Хўш, — деди орадаги нокулайликни бузмоқчи бўлган Миразиз, — биз яхшилаб бозорлик қилиб келдик. Ўзим битта ош пиширай. Атайлабдан Музаффар аканиям кўшволдик ўзимизга. Ош қандай бўлишини бир ўз кўзи билан кўрсин.

Ҳарна бўлди шу гап ҳам. Орадаги нокулайликни кўтарди.

Етти ой мобайнида бирор марта ҳам Фирдавснинг тинчини бузишмади. У ўзиникилар билан бирга хотиржамликка шунаقا кўнишиб кетдики, гёё аввал ҳеч нарса содир бўлмагандай эди. Қаҳвахона гуллаб-яшнади. Бироқ Фирдавс у ёққа бормас эди. У Сиргалидаги бошқа бир ошхонага ишга ўтиб олганди. Тўғри, ҳали бу ошхона давлат ихтиёрида эди. Аммо Фирдавсга тегишлидай бўлиб қолганди. Албатта, Фирдавс бош ошпазга ёки бухгалтерга зуғум ўтказмаганди. Бироқ Соли уларнинг ҳар бири билан алоҳида гаплашди. «Ҳамма ҳисоб-китобни ўзимга берасан. Қаерга қанча пул тўлаш кераклигини ўзим ҳал қиласман. Фирдавснинг ҳар битта айтган сўзи сизлар учун қонун. Унга доим бўйсунади.

сизлар», деди. «Кўча» одамининг гапи ҳар қандай бошқа тартиблардан устун. Шу боисдан ҳам орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан бу ошхонанинг ҳам мижозлари ўз-ўзидан кўпайди.

Шундай кунларнинг бирида шахсан Абрамнинг ўзи кўриниш бериб қолди.

\* \* \*

Арслоннинг ютқазгани Абрамга чақмоқ ургандай таъсир қилди. У нохуш хабарни эшитгани ҳамон чўчиб тушди. Кулокларига ишонмади. Хабарчининг юзига шапалоқ тортиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Сўнг дарров ўзини босди, қайтиб жойига ўтирди. Тутатди. Бир донани охиригача бировга сўз ҳам қотмай, чекиб тугатди. Кейин қадаҳдаги ичкиликдан ҳўплади.

Улар Абрам учун сотиб олинган уйда эди. Қорасувда. Уй жудаям кўркам эмасди. Ўн беш сотих эди. Ҳовли тўла мевали дараҳт. Этагида молхона бор. Унинг ёнида гўнг уйилиб ётарди. Қачонлардир бу ерда новвос боқилган. Аммо ахлати олиб кетилмаган. Меваларнинг тагларига кўмиш учун сақланган, чиритилган. Бошида шундай ҳам қилинган. Аммо кейинчалик ҳўқиз бокувчи уйнинг эгаси эринган. Олмага қарамаса ҳам мева беряпти. Шафтоли бозорбоп. Яна ўрик бор. У ҳам ўзи гуллаб, ўзи тугади. Тагига ҳатто сув қуйилмайди. Шундай экан молбоқар нима қиласи ортиқча куч сарфлаб. Бу ёғига ҳаётнинг мантиғига ҳам тушуниб қолган. Уч қиз, бир ўғилни вояга етказди. Ўғли Литвага кетиб, шу ёқда бир арман қизни севиб қолибди. «Ўламан саттор шунга уйланаман», деди. Уйланди. Кейин хотинчаси билан бирга ўша ёққа кетди-қолди. Қизлар эса эрлариникида. Тинч-тотув яшашяпти. Ҳар-ҳар замон хабар олиб туришади. Бу ёғи хотини ҳам мўрт келиб, ўлиб берди. Шундан кейин «Пул, бойлик орттириб нима қиласман?! Давлат пенсия бериб турибди. Олма, ўрикни бозорчилар уйимдан териб кетишяпти. Мол боқиб, гўнгини меваларнинг остига солиб қийналиб юргандан кўра, оёғимни чайла қилиб ётаман», деди ва шундай қилиб ётганди ҳам. Кутилмаганда катта қизининг ўғли «қовун» тушириб кўйди. У солиқ идорасида ишлаётганди. Бир жойдан пора олишга тўғри келиб қолибди. Олаётганида эса кўлга тушибди. Бу ёғи сур-сур бошланибди. Пул керак бўлиб қолибди. Чунки солиқчи йигитча

энди ўз ўрнида прокуратурадагиларга пора бериши керак экан-да. Албатта, қамалмайман деса... Шундай қилиб, чол набираси учун уйидан воз кечди. «Менга домдан бир хонали уй бўлса ҳам бўлаверади. Ўн беш сотихли жой жудаям кенглик қиласди», деди ва шу билан уйини сотувга қўйди. Мижоз эса Абрам бўлди... Абрамга ёқди шу уй. Чунки шубҳадан холи. Тўгри, катта жой. Лекин иморати бундайроқда... У ана шу уйининг ҳовлисида, тебранма столда ўтирганида, Арслоннинг нўнокълиги ҳақида эшитди. Хонзода у билан эди. У боғда пишган олмаларни бирма-бир узиб, қўлидаги елим чelагига эҳтиёткорлик билан солаётганди. Бирдан Абрамнинг сўкинганини эшитди-ю, чўчиб тушди ва қўлидаги чelагини ташлаб, шошганча унинг ёнига келди.

— Нима гап, жоним? — деди.

— Расво. Ўглингта ҳукм ўқилди, — деди Абрам хотиржамлик билан.

— Қанақа ҳукм? Нега ҳукм ўқилади? — дея сўради бирдан ранги оқарган Хонзода.

— Бир кечада менинг қилган ишимни кўряпсанми? — дея ҳовлига ишора қилди Абрам.

— Ҳа...

— Чунки мен яхудийман. Қисқа вақт ичida жудаям катта ишларни бажариб ташлайман. Осонлик билан ва ҳеч қачон ютқазмайман. Бу уй менинг номимда, аммо сариқ чақа ҳам тўламаганман уй учун.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи, — дея лабини ялаб қўйди Хонзода.

— Гарчи Арслонни сен туққан эсанг-да, унда менинг қоним оқади. Аммо у қаердаги ёшгина, оғзидан она сути кетмаган гўдакка мағлуб бўлиб ўтирибди.

— Ҳозир менинг юрагим ёрилиб кетади. Ахир у иккимизнинг ёлғизгина зурриёдимиз-ку! Ўзи соғ-омонмикин?

— Соғ. Жин ҳам урмаган ўзига.

— Худога шукр!

— Лекин бизникилар уни кечиришмайди. Чунки нўнокъларни ҳеч қачон кечирмаганмиз. Истаганча олғир бўлсин, истаганча жиноят қилсин. Керак бўлса, сени сотиб юборсин. Бунинг учун у фақатгина мақтовга лойик. Аммо шунча ёрдам бўла туриб, ишни эплолмаса...

Хонзода бирдан ўзини Абрамнинг оёқлари остига ташлади-да:

— Мени ўлдир! Ҳар қанча азоб бўлса менга бер! Лекин Арслоннинг жонини сақла! Илтимос, унга тегинма! Майли, қаерга жўнатсанг, жўнатиб юбор! Аммо ўлдирма, яли наман, ўлдирма! Керак бўлса, оёқларингни ўпаман! — дея ҳўнграб йиглаб юборди.

Абрам ўтирган жойида аёлнинг соchlарини силади. Сўнг хотиржамлик билан столнинг устидаги қадаҳдан яна бир қултум ичди. Ҳамда тутатқидан бир дона олиб, бармоқла-ри орасида эзғилай бошлади.

— Жудаям оғир иш. Бироқ...

— Ўз болангни индамай ўлдириб юбораверасанми? Ахир сенинг ҳам шундан бошқа зурриёдинг йўқ-ку?!

— Гапимни бўлма. Энди бориб олмаларингни тер. Менга энг яххисини олиб келаман, дегандинг...

— Йўқ. Сен аввал менга ваъда бер!

— Хўп. Энди бор. Мени холи қўй...

Хонзода адойи тамом бўлди. Шу ўтган ярим соат мобайнида, қарийб беш ёшга қариди. Икки кўзи ҳовлида тебранма стулда ўтирганча хотиржамлик билан ичкилик ичаётган Абрамда. Абрам икки марта ёнига қўриқчиларини чақирди. Дарвоқе, айтиш хотирамиздан кўтарилибди. Абрам бу уйни сотиб олиши билан қўриқчилари сонини қўпайтирди. Бунинг биргина сабаби, замонанинг нотинчлиги эди... У қўриқчиларига нима деганини Хонзода эшитмади. Ана шу эшитмагани ҳам аёлни эзди.

Ниҳоят, Абрам Хонзодани чақирди. Унинг овози юмшоқ эди. Лекин бу падарингга ланъатининг юмшоқ овози ҳам ёмонда. Баъзан мулоим гапириб, энг оғир, энг қаттиқ, энг даҳшатли ишни бажаардиди у. Хонзоданинг ваъдаси аллақачон эсидан чиқиб кетганди. Шу боис у ҳовлиққанча Абрамнинг ёнига борди.

— Омонликми?! — деди йифламоқдан бери бўлиб.

— Менинг олмам қани? — деди хотиржам ўтирган Абрам аёлнинг қўлига қараб.

— Ҳозир! — дея Хонзода ортига бурилган эди ҳамки, Абрам уни тўхтатди.

— Йигитлар олиб келишади, — дея у бамайлихотир қадаҳни қайта тўлдирди-да, Хонзодага узатди.

Хонзода бир күтаришда ҳаммасини ичиб юборди ва лаб-лунжини ҳам артмасдан Абрамга савол назари билан тикилди.

— Сен бунчалик ўзингни йўқотиб қўясан, деб сира ўйла-магандим. Айниқса, менинг ёнимда, — деб кулди Абрам.

— Бошқа масала, агар ўзимнинг ҳаёт-мамотим ҳал бўла-ётганида ҳам довдирамайман. Аммо ўғлим...

— Сен қаерда яшашни истайсан? Ўз уйингдами ёки мен биланми?

— Сен нима десанг шу...

— Бунақаси кетмайди. Ҳар кимнинг ўз хоҳиши бўлади ва бу хоҳиш мен учун энг олий туйфудир.

— Сен билан қоламан! Шунда ўғлимга ҳеч ким тегин-майдими?

Абрам ўзини орқага ташлади. Бошини сарак-сарак қилди. Сўнг пешонасини қашлади:

— Сен мени ҳеч қаҷон ўғлингдан устун қўймайсан. Бу бир! Иккинчидан, ёнимда сени мажбуrlаб ушлаб турмайди. Бундан менга лаззат йўқ. Аммо ваъда бераманки, ўғли-мизга бирор тегинмайди. Энди хоҳласанг, олма тер, хоҳласанг бирорта хонага кириб ухла, бутун тунни шу ерда ўтказ. Лекин битта нарсадан сени қаттиқ огоҳлантириб қўяй. Менинг ишларимга аралаша кўрма. Оғзимдан чикқан ҳар қандай буйруқ сен учун қонун. Ҳаттоки бегона аёлни олиб келсан ҳам миқ этмайсан.

Абрамнинг охирги гапи Хонзоданинг этини жимирла-тиб юборди. Кўзи ёшга тўлди. Бироқ лом-мим деёлмади. Деёлмайди. Чунки ўғли бор...

Арслонни Абрамнинг одамлари олиб келишди. Қовоқ-тумшуғи осилган, сочи тўзиган, кўзлари киртайган, қизар-ган, кўйлагининг бир қисми шимнинг ичига тиқилган, иккинчи томони ташқарида, пиёниста бир кўринишида эди у. Абрамнинг кўзи унга тушиши билан ўтирган жойида қимирлаб қўйди ва афтини бужмайтирди.

— Ассоm, — деди Арслон унинг рўпарасига келиб бошини эгаркан.

Абрам алик олмади. Ўрнидан турди-ю, Арслоннинг ба-шарасига қулочкашлаб шапалоқ туширди.

— Исқирт! Мол! Сенга яна қанақа имконият бериш ке-рак?! Чўчқа, барибир, чўчқага ўхшаб тарбиялабди-да! Мараз, агар ҳозир мен сени бу ёққа олиб келтирмаганим-

да атрофингдагилар биласанми сени нима қилишарди?!  
Нимталаң ташлашарди! Улар ҳақ! Аслида, жазонг шу!

Арслон иштонини ҳўл қилиб қўйган болакайдай боши-  
ни кўтармасдан қаққайиб турарди.

Абрам унинг туришига чидаб туролмади. Чотига тепиб  
юборди. Арслон «ҳик», деди-ю, икки букилди. Абрамнинг  
йигитлари бирдан «шеф»га қарашибди. «Сиз овора бўлманг,  
ўзимиз жойини соламиз», маъносида.

Абрам керакмас, дегандай қўлини кўтариб қўйди ва  
ўзини босиб олиш учун ўтиреди-да, ичклигидан икки  
хўплам ютди. Сўнгра:

— Сенга гапириб вақтимни кетказмайман. Қолаверса,  
жуда узоқ яшаш ниятим бор. Бунинг учун асабларимни  
асрашим шарт! Бундан бу ёғига «босиб» ўтирасан. Ўйинг-  
дан бир қадам ҳам узоқлашмайсан. Қачон ўзим бир жойга  
бор, десам борасан. Гап тамом! Йўқол, энди кўзимга кўрин-  
ма!..

Арслоннинг қорни бирозгина оғриб кейин дарров қўйиб  
юборганди. Шундай эса-да у ўзини бечорага солди. Абрам-  
нинг ёнидан узоқлашгунча қорнини ушлаб, бироз энга-  
шиб қадам босди...

Абрамнинг ишлари ҳаддан зиёд эди. У тўс-тўполондан  
фойдаланиб қолиши керак эди. Яна олди-бердини кучай-  
тириб, пулларини, бойликларини чет элга чиқариб юбо-  
риши лозим эди. У давлатнинг ҳамиша мана шундай тур-  
маслигини, бир кунмас-бир кун чегара ҳам, бошқа идора-  
лар ҳам тартибга солинишини биларди. Шу боис одамлар-  
нинг саросималигидан, карахтилигидан фойдаланиб қам-  
чини босиб қолишни мақсад қилганди.

Етти ой, ҳа, бу ишларнинг барини охирлатгунича етти  
ой вақти кетди. Шундан кейингина Арслон масаласи би-  
лан шуғулланишга қарор қилди...

Арслон бошида тутқунликка қўниколмай роса қийнал-  
ди. Маишати жойида, бирор мушугини пишт демайди.  
Нимани истаса, йигитлари кўз очиб юмгунча муҳайё қили-  
шади. Аммо ўзи ташқарига чиқолмайди, ҳеч курса, айла-  
ниб юролмайди. Шу боисдан аламини ичкилиқдан олди.  
Ётиб қолгунича «тортади». Дуч келган жойда оёғини уза-  
тиб, хурракни отади. Шундай кунларнинг бирида ёнига она-  
си келиб:

— Бу кунингдан ўлганинг минг марта афзал эди! Ўли-

гингни күрганимда бир кун йиғлардим! Энди ҳар куни юрагим қон! Ҳар куни эзиламан! Айт, мен сенга нима ёмонлик қилдим?! — деди.

Арслон кўзидан дув-дув ёшини оқизди.

— Агар, Абрам бўлмаганида, агар у мени бузмаганида йўлимни топиб кетардим. Ҳозиргача бутун шаҳарни тиз чўқтиардим! — дея жавоб берди кўз ёшини артаркан.

— Агар у бўлмаганида эди, тупроқнинг остида ётган бўлардинг?! Сен одамларни аҳмоқ деб ўйлаяпсанми? Ёки уларда пул йўқми?! Бор. Бўлганда ҳам унча-мунча эмас. Керак бўлса, юқ машинага ортсанг ҳам ортиб қолади уларнинг пуллари! Лекин улар сенга ўхшаб ҳовлиқмалик қилмай, ақлини ишлатишади. Аҳволингга бир қарасанг-чи, сендан ҳатто уйимиздаги Олапар ҳам жирканади. Чунки у ҳам сендан тозароқ! Сасиб кетибсан-ку, ифлос! — деди Хонзода бақириб ва ўғлининг ёқасидан ушлади-да, уни силтади. Сўнг ташқарида чеккиси келиб турган Лидани чақириди.

— Ҳаммомни тайёрла, агар бу ифлос миқ деса, терисини шилиб оламан, чўмилтирасан, эчки соқолини оласан! Янги кийимларини кийинтириб, бу ёқقا олиб келасан! — дея амр қилди унга Хонзода.

Арслон норози бўлиб тўнғиллади. Аммо унинг гапига бирор қулоқ солмади.

Хонзода лабини тишлади. Қаттиқ тишлади. Тишлар лабини тешди. Қон сизиб чиқди. Лекин у тишлаб тураверди. Кейин кўзидан ёш оқди ва у пешонасига муштлади. «Аслида, ўзимни уриб кетган. Ҳароми бола, барибир, ҳароми экан, мен бундан бутун дунёга эгалик қилишни кутиб ўтирибман, а», дея оғриниб ўрнидан турди. Ана шундагина лаби оғриётганини ҳис этди. Дудофини тишнинг чангалидан озод этди. Кейин қон таъмини туйди.

— Вой, ўлмасам! — деди ўзига-ўзи, — нима бало қилиб қўйдим?!

У шошганча тош ойна қаршисига бориб, лабини рўмол-часига артди. Барибир, қон сизиб чиқаверди. Шунда рўмолчани унинг устига босиб турди ва телефоннинг ёнига борди. Гўшакни кўтариб рақам терди.

— Алло, Игор Семёнович, — деди нариги томондан гўшак кўтарилгач, рус тилида, — мен Хонзодаман.

— Овозингиздан танидим, хоним, анчадан бери қўнғироқ қилмай қўйганингизга ҳайрон эдим?!

— Овозимни эслаб қолганингиздан хурсандман.

— Хафа қиляпсиз, хоним. Сиздай соҳибжамолнинг овозини эслаб қолмаслик... Ундан кейин биз сиз билан қадрдомиз, минг мартараб кўришганмиз.

— Узр. Қаранг, каллам кирди-чиқди бўлиб қолибди. Нима деяётганимни баъзан ўзим ҳам сезмай қоламан... Биласизми, Игор Семёнович, сиз менга доимгидан-да керак бўлиб турибсиз. Сиздан бошқа дўхтирга ишонмайман.

— Нима бўлди?..

— Ўғлим... — Хонзода шундай деб бироз жим турди, сўнг гапини давом этказди, — ўғлим, мени анча абгор қиладиган бўлиб турибди.

— Арслонми? Нега энди? У ҳақда мен бир-биридан зўр гаплар эшитаман-ку!

— Шундай эди. Ҳозир уни ичкилиқдан сақлаш керак. Озгинагина ташвишни кўтаролмасдан ичкиликка ружу қўйди. Илтимос, ёрдам беринг!

Сўнгги гапини Хонзода йиғили овозда айтди.

— Бор-йўғи шуми?! Ташвиш чекманг. Унинг йўли осон. Шу пайтгача қанчадан-қанчасини умуман ичмайдиган қилиб юборганимиз. Ҳўш, қачон бошлай даволашни?

— Ҳозирданоқ.

— Келишдик. Кутинг.

Игор Семёнович шундай деб гўшакни қўйди. Хонзоданинг ичиди эса умид чироқлари ёнгандай бўлди. «Ҳали ўғлим сендан ҳам ўтиб кетади Абрам. Айтган гапларингга пушаймон едираман. Ҳали ўзинг унга суюниб қоласан», дея хаёлидан ўтказди аёл.

Худди шу пайт телефон асабий жиринглаб қолди-ю, Хонзода чўчиб тушди ва ёқасига туфлаб, гўшакни кўтарди.

Хурсанд Хидирович ўлибди. Хонзоданинг эти музлаб кетди. «Бечора, охири қутулибди-да... Охирги кунларда умуман кўргани бормай қўйгандим. Дўхтирлар «Бўлди, олиб кетаверинглар», дейишган. Лекин уйда унга ким қарайди? Оқсоқ бечораям ўлиб кетган бўлса. Ундейин садоқатлисими тополмаган бўлсан. Менинг... Менинг касалга қарав қўлимдан келмайди. Соғлиғим ҳам кўтармайди. Аллергиям бор. Майли, жойи жаннатдан бўлсин», дея қўнглидан ўтказ-

ди у ва хабарчига тезда етиб боражагини айтиб, гўшакни қўйди.

Аммо Хонзода тезда етиб бормади. Ўғлининг ҳаммомдан чиқишини пойлади. Бунгача телевизор кўрди.

Арслон анча очилибди. Соқоли олинган, юзи қандайдир тиниклашган. Этнидаги кийимлари ҳам уни кўркамлаштиргандай эди.

— Ана бўларкан-ку, — дея илжайди Хонзода, — энди бу ёқقا кел, битта қучоқлаб ўпай.

Лида аёлнинг гапига кулди.

— Оғзингдан ҳалиям ичқиликнинг ҳиди келиб турибдию, лекин бу кўпга бормайди, — деди Хонзода ўғлини қучоғида сақлаганча, — энди, ўғлим, сенга айтадиган битта ёмон хабарим бор.

— Яна қандай ёмон хабар? — деди Арслон онасининг кучогидан чиқиб.

— Аданг ўлиб қолибди...

— Адам, — дея пешонасини тириштириди Арслон, — нега ўларкан?!?

— Ажали етганда. Менга касалхонадан кўнфироқ қилишиди. Лекин ҳозир боролмаймиз. Мен уйга дўхтир айтиб қўйганман. Ҳозир келиши керак...

— Мазангиз йўқми? — деди Арслон.

— Мен яхшиман. Сенга битта-иккита укол қилмаса бўлмайди.

— Нега?..

— Керак. Келажагинг учун керак. Тамом-вассалом! Ҳозир мен одамларга айтаман, уларнинг ўзи адангни олиб келишади.

— Мен ўзим бораман! Агар дунё бузилиб кетса ҳам адамини ўзим олиб келаман. Менга ёрдами кўп теккан.

— Йўқ! Борганинг билан бирор нима қилиб бермайсан.

— Ойи!..

— Йўқ, дедим!

Арслоннинг юзи қизарди ва у музлаткичнинг ёнига борган эди, Хонзода бобиллаб берди.

— Тамом, ичмайсан! Бор, ташқарига чиқиб озгина шамолла! Лида, қоққан қозиқча ўҳшамасдан қўлидан ушла унинг!

Улар чиқиб кетишли. Хонзода пешонасини силади ва

телефоннинг ёнига борди. Абрамга қўнгироқ қилиб, эрининг ўлганлиги хабарини етказди. Абрам бир муддат жим бўлди. Худди шу маҳал Хонзода Арслоннинг касалхонага бораман, деб можаро қилаётганини айтди.

— Ҳақи бор. Ҳатточи бориши шарт! Барибир, у ота мақомида эди. Йигитлар билан бирга борсин. Майит тахминан бир соатларда уйингда бўлади. Ўша ёқда юрган ҳаромхўр, текинхўрларга айт, тайёргарлик кўришсин. Ўзинг ҳам сипороқ кийин. Катта-катта амалдорлар боришади. Уларнинг олдида ўзингни қайфуга ботган киши қилиб кўрсатишинг керак, — деди Абрам ва гўшакни қўйди.

Хонзода Абрамнинг ҳамма буйругини адо этди. Ҳақиқатан ҳам, роппа-роса бир соатдан сўнг Хурсанд Хидировичнинг жасадини келтиришди. Дарров ҳовлини тумонат одам босди. Оқсоқоллар «Шомга қолдирмайлик, қанча эрта жойига олиб борсак, шунча яхши», дейишди ва дарров ҳамма ирим-сиримни бажаришиб, Хурсанд Хидировични тобутга солишли.

Барча расм-русумлар рисоладагидек кечди. Ҳатто маҳсус йифлайдиган хотинлар келтирилди. Йифилганлар, «Ҳа-а, Хурсанд Хидировичнинг жон куйдиргувчи жигаргўшалари кўп экан», дейишди. Сўнг тобутни кўтаришди-ю, қабристон сари йўл олиши...

Орқада мунғайган уй қолди. Шугина Хурсанд Хидировичдан ёдгорлик эди. Шунча йил елиб-юргани, ким-кимларгадир пора бергани, хушомад қилгани — ҳамма-ҳаммаси ҳавога учди-кетди. Ўзи билан бирга кафаннигина олиб кетди. У ҳам тупроқнинг остигача. Бир йил ўтар, икки йил ўтар, кафан ҳам чирийди. Худди унинг эти каби тупроққа қўшилади-кетади...

Укол таъсир қилиб Арслоннинг ичгиси келмади. Мотам кунини у мотамдай ўтказди. Эртасига пешиндан кейин қумсаганди. Бироқ қаердандир ўша кечаги доктор пайдо бўлди-да, битта игна санчган эди, дарров хумори босилди-қолди. Учинчи кун яна шундай бўлди... Ўн кун. Ҳа, худди ўн кундан кейин ичкилик унинг хаёлига ҳам келмай қолди. Бўлмаса, Хонзода эрининг ўлганнинг чидолмаётганини баҳона қилиб, ўғлининг кўз ўнгиди ичди. Аммо, барибир, Арслоннинг ичгиси келмади.

У яна «Беш-олти кундан кейин менга ҳам эркинлик

беришса керак, күча-күйга чиқсан керак?!» деб ўйлаганди. Бироқ Абрамдан рухсат тегмади. У бечора роппа-роса етти ой «уй қамогида» бўлди. Ҳатто шунга кўнишиб ҳам қолди.

\* \* \*

Сабинанинг ортидан тушган йигит ҳеч қанақанги таш-килотнинг одами эмасди. Яна бирорта ҳам тўдага аъзо эмасди. Шунчаки оддий ўғри эди. Ўғри бўлганда ҳам қизларнинг сумкаларини тортиб, бўйнидаги занжирларини узид оладиган ўғри эди. У озғингина эди. Шунинг учун ҳам тез югуради. Шундай югурадики, киприк қоққунча кўздан фойиб бўларди. Шунинг учун бўлса керак, ҳали бирор марта ҳам милициянинг қўлига тушмаганди. Яна омади ҳам келган бўлса керак-да.

Сабина бирдан у томонга ўтирилди. Оралиқ икки қадамгина қолганди. Ўғри энди ҳужумга ўтмоқчи, олифта қизнинг елкасига илинган мўъжазгина, оппоққина, кўринишидан қимматбаҳо (аслида ҳам шундай, Сабинанинг сумкачаси тимсоҳ терисидан тикилган) сумкага қўлини узатишга шайланадаётганди.

— Менинг кимлигимни биласанми?! — деди кутилмаганда Сабина овозини бир парда кўтариб.

Ўғри ҳайрон бўлиб, киприкларини пирпиратди-да:

— Йўқ, — дея бошини қимирлатди.

— Ўгрибоши Арслонни танийсанми?

— Сирожини танийман, Фуломини танийман, лекин Арслонини танимайман!?

— Унда сен жудаям майда экансан. Мен шаҳарга эгалик қилаётган ўгрибошини айтяпман!

— Танимайман!..

— Танимасанг, яхшилаб билиб қўй. Мен унинг хотини бўламан!

— Хотини?..

— Ҳа, хотиниман. Нима, ўхшамаяпманми хотинга?

— Мен ҳеч нарса қилмадим-ку?!

— Қилиб ҳам кўр-чи, ундан кейин нима бўларкин? Нақ калланг кетади. Сени ернинг тагидан бўлса ҳам топишади. Гўштингни-чи қиймалагичдан ўтказишади-да, балиқларга беришади. Мен биттасини шундай қилишганини кўрганман.

— Мен, — деди ранги докадай оқарган ўғри, — ҳеч нима қилмадим-ку?!

— Лекин қилмоқчи бўлиб турибсан, шундайми?!  
Сабина овозини янада баландлатди. Ўтиб-қайтаётганлар-нинг эътиборини тортмоқчи бўлди. Ўзи шундоқ ҳам ҳамма эътибор бераётганди. Шунчаки ҳали бирорта ҳам одам тўхтамаганди. Сабаби, ўғрибошиларнинг исмлари айтилаётган-ди-да.

— Йўқ. Шунчаки метродан чиқдим. «Зарафшон»га ке-тапман.

— Унда олдинга ўт. Нега изимдан қолмайсан?!

— Бўлди, гап йўқ...

Йигит олдинга ўтди. Қадамини тезлатди. Сал нарига бо-риб, тўхтади-да, ортига ўгирилиб қаради ва бир нарсалар деди, сўнг қўлинни силтади-да, кетди.

«Уфф, Худога шукр, қутулдим», дея пичирлади Сабина ва ресторон томонга юрди. Бирдан унинг кулгиси қистаб қолди. «Қойил, ўзимга қойил. Шунчалик иродали, кучли эканимни ўзим ҳам билмаган эканман. Бутун бошли йи-гитни довдиратиб ташладим, а?! Бировга айтсам ишон-майди. Аммо бу, ҳақиқатан ҳам, рост-ку. Зўр бўлди. Энди қизларга гапириб бераман. Уларнинг оғзи очилиб қолса керак», дея хаёлидан ўтказди ва бояги йигитнинг орқаси-дан бўйини чўзиб қаради. У умуман қўринмасди.

Нози (Назокат) ундан олдин борибди. Кўрган одамнинг юзини қизартирадиган даражада кийиниб олибди. Тўғриси, уни кўрган нафақат эркак киши, балки аёллар ҳам ҳайратдан ёқа ушлайди. Кўкрак жонивор қарийб ёпилмабди. Жинси шимининг йиртилмаган жойи йўқ. Бел очиқ...

— Вой, ўртоқ, — деди Сабина кўришиш учун қучоини очаркан, — на мунча?!

Улар қучоқлашишди. Бир-бирининг юзидан ўпишди. Бир-бирининг юзидаги лаб бўёғини артишди.

— Тўғриси, танимабман, Фар...

Сабина уни охиригача гапиртирмади. Кўрсаткич бармо-тини лаблари устига қўйди.

— Менинг исмим Сабина, Сабина, Сабина! — деди ва қиқирлаб кулди.

— Нега энди? — дея ҳайрон бўлиб сўради Нози.

— Шунаقا бўлиб қолди. Тарихи жудаям узоқ, ҳали сенга тушунтираман... Ўзинг-чи, роса ўзгариб кетибсанми? Ле-кин қойил қолдим. Илгари бунчалик эмасдинг, шекилли?!

— Меникиниям тарихи узун. Хуллас, иккаламизда гап кўп. Юр, кирайлик ичкарига. Алоҳида хона буюртириб қўйибман.

Ресторан анча замонавийлашганди. Советкичлари бор эди. Официант қизларнинг ҳаммаси ёш ва гўзал эди. Улар ҳам хийла очик кийинганди. Киришинг билан қўллари кўксидаги кутиб олишарди. Ва албатта, жилмайиб туришарди. Столга қўйиладиган салқин ичимликларнинг бари бепул эди. Бироқ қолган нарсалари «чақади».

Алоҳида хонага киришлари билан иккиси ҳам юмшоқ дивангага ўтиришиди.

— Биринчи навбатда айтганимни олиб келинглар, — деди Нози ортларидан кириб келган официант қизга.

У «Хўп бўлади», деб дарров ортига бурилди.

— Вой, ўртоқ, — деди Сабина дарров столга тирсагини тираб, — таксидан тушишим билан галати нарса бўлди. Ҳаттоки қўрқиб кетдим.

— Нима, сен таксида юрибсанми?! Горкомнинг қизија? — дея ажабланди Нози.

— Бир марта шунаقا бўлиб қолди. Тўғрисини айтсам, ўзимнинг таксида келгим келди. Эмин-эркин деганларидай. Хў-ўш, қисқаси, — деб Сабина ўзининг ўфри бола билан бўлган суҳбатини оқизмай-томизмай гапириб берди. — Ҳаттоки ўша бола негадир менга ёқиб қолди, — деди ҳикоясининг охирида.

— Сен қаттан билдинг унинг ўғрилигини?

— Билмасам. Менимча, кўзлари ўйнагани учун, шекили... Аммо орқасини хўллаб қўйгани рост. Агар яна дуч келсам, бечоранинг бошини силаб қўярдим, — дея кулди Сабина.

Худди шу пайт буюртма келтирилди. Идишдаги кўпик чиқиб кетаман, деб турарди.

— Кўнглимдагини буюрган экансан. Роса чанқагандим. Ҳозир озроқ ичай, кейин ҳаммасини гапириб берасан.

Нози ютоқиб-ютоқиб, дарров идишни яримлатди. Сўнг лаб-лунжини қўлининг орқаси билан артаркан:

— Нимани гапириб бераман? — деди мийифида кулиб.

— Қаерларда юрибсан? Нима ишлар қиляпсан? Кўринишингдан эринг борга ўхшайди? Ёки у фраер (қашшоқ) ми? — деди Сабина ҳам бокални столнинг устига қўяркан.

— Шундай деса ҳам бўлади. Битта бойвачча одам-де. Сира ҳоли-жонимга қўймади. «Сендақасини учратмаганман», деди. «Хотинингиз бор, ўзингизга муаммо орттириб нима қиласиз», десам, «Сен бундан бу ёғига фақат менга тегишли бўлишинг керак», дейди. Пулдан муаммо йўқ. «Кепрак бўлса оёғингнинг остига олтин-зарларни сочиб ташлайман. Аммо бошқа бирорвга қараб ҳам қўймайсан», дейди.

— Гапида турдими?..

— Бўлмасам-чи. Ўзимга машина олиб берди. «Тойота».

— Йўғ-э?!

— Ҳа-а, рост! Фақат рули бошқа томонда экан. Бошида қийналдим, лекин ҳозир ўрганиб кетганман.

— Шунчалик ҳавасимни келтирияпсанки! Омадинг келганидан хурсандман, ўртоқ. Ўзинг-чи, бошқаларга қарамаяпсанми?

— Ростини айтсам, ҳамма менга қарайпти. Бир-иккита эски танишларим роса эзвориши, учрашайлик, деб. Йўқ, дедим. Лекин мана бунақа кийинишим эримга ёқмаяпти.

— Нима, эрим дедингми?

— Эрим бўлади-да, хўжайн бўлволганидан кейин.

— Ҳалиги, эскича қилганмисан?..

— Йўқ, лекин бўлади. Балки, бўлмас...

— Нега энди?

— Эркинлигимни йўқотишни истамайман.

— Мен сенга айтсам бекор қиласан. Сен, яхшиси, бир-иккита туғиб ол. Ўшанда эрингнинг меҳри кўпроқ тушади. У ёфи...

— Йўқ! Ёшман. Ҳали ўйнаб-кулишни истайман. Хуллас, ўртоқ, ўзимнинг режаларим бор. Туркияга кетмоқчиман...

— Қандай қилиб?!

— Ҳозир ҳамма кетяпти? Тўрт сўм топсанг бўлди, кетасан. У ёқда даҳшат дейишяпти...

— Билмадим, билмадим. Мен, масалан, шунча йил Москвада юрдим, ўзимга хон, ўзимга бек бўлдим. Лекин унчалик ҳам ёқмади.

— Москва, фу-у, менгаям ёқмаган. Туркия, Истанбул, бу — чет эл. Биласанми, у ёқдан Европага ўтишинг ҳам мумкин. Эримни яхшилаб ўрасам, у ёқларгаям олиб боради. Ёки ўзим бораман. Пулларимни йифиб олай.

— Ростини айтсам, омадингни ўзинг қуваётганга ўхшайсан? Балки, қилаётган ишиңг тўғридир, кел, озгина-озгинча ўткирроғидан олайлик, кейин мен сенга қандай қилиб жаҳаннамдан омон чиқиб кетганимни айтиб бераман.

— Жаҳаннам? Сен-а?!

— Ҳа-а, — дея маъюс тортди Сабина.

Официант қовурилган гўшт, беш хил газак ва яна тури-туман салқин ичимликлар ҳамда битта идишда «ўткири»дан келтириб столнинг устига қўйди.

Орадан ярим соатча ўтмасдан қолган қизлар ҳам келишди. Давра кенгайди. Сабинанинг эса «дард қопи»нинг ярми бўшамай қолди. Шу боисдан ҳам у кейин келиб қўшилган дугоналарини ёмон кўрди. Жуда ёмон кўрди. Аммо ёмон кўрганлигини ошкор этмади. Тишини тишига босди ва қўп-қўп «ютиш»ни таклиф қиласкерди. Нозидан бошқаларнинг ютугуликка укуви паст эди. Шу боис улар номигагина лабларини теккизиб қўявериши. Бир соатлардан кейин эса кетишлари кераклигини айтиши. «Биздан қанча дейишди?!» Шунда Нози қўлини силтади ва «Менинг ҳисобимдан. Орқа-олдиларингга қарамай кетаверинглар», деди. Кейин Сабинага айтди: «Шуларни бекор чақирибмиз. Айтган гаплари майдадан-майда. Чунки юқориларни кўришмаган улар. Бир пайтлар устимдан кулишарди. «Чиройлисан, қадди-қоматинг келишган, лекин камбағалсан», дейишарди. Тишимни тишимга босардим йифлаб юбормаслик учун. Энди қара, кўрдингми, менинг ҳисобимдан дегандим, кўзлари чарақлаб кетди. Ўтиргилари келди. Аммо сен зўрсан, сен зўр «кўтараркансан».

Сабина унинг гапига кулди. Кейин «Чақир, яна олиб келсин, мен ҳамма гапимни сенга айтмадим», деди. Уларнинг суҳбати қизигандан-қизиди. Чунки бир-бирига зарур бўлган гапларни гапиришарди.

— Пулинг жудаем кўплигини биламан, — деди Нози Сабина ҳикоясини тугатиб, хўрсишиб қўйганидан кейин.

— Юр мен билан. Акмал акамга айтаман, сенгаям бойвачча ўртоқларидан бирортасини топиб беради. Биргалашаб кетамиз... Қара, шунча қийинчиликларни қўрибсан, агар сендан бошқаси бўлганида эди, аллақачон ўлиб кетарди. Барини унутасан. Кетасанми мен билан?!

— Билмадим, — деди Сабина бошини эгиб, — бу ёқда

ҳали битмай қолган бир-иккита ишим бор. Агар шуларни битиролсам, балки, кетаман. Арслонни топишим керак...

— Жинни, нима қиласан ўша ўғрибошини! Бугун тирик, ёнингда юради. Ҳимоя қилади. Эртага биттаси чиқиб «пақ» этказиб отиб ташласа, яна бармоғингни тишлаб қоласанми?.. Анави, нимайди исми, Фирдавс деган боладан сенга рад жавобини бергани учун ўч олмоқчимидинг?.. Мана бу гапинг фирт ёш боланики! Тавба! Хўп, нима бўлибди сени рад қилган бўлса?! Бойваччасан, қаёққа қўлингни узатсанг етади. Бу ёғи адангнинг ҳам таниш-билишлари тиқилиб ётибди. Сени хотин қиласман деганлар ачиб кетган-ку! Кўзингни каттароқ очсанг-чи, ўртоқ. Менга ўхшаб етим бўлмасанг, ойинг ёшлигининг эркакларни пайпоқ алмаштиргандай алмаштиргмаган бўлса. Яна сенга нима керак?..

— Ҳаётим алғов-далғов бўлиб кетмасди, тушундинг?! Ўша ярамас сабаб мен қалтис ишларга қўл урдим. Аввал қанчалик севган бўлсам, энди нафратим шунчалик кучли. Буни одам ичида ҳис этиши керак. Бу туйғу ҳаммасидан улуғ! — деб Сабина алам билан идишни қўлига олди.

У ичаётганида кўзидан ёш оқди. Нозининг ичи ачиdi. Дугонасининг қўлидан тутди. «Мени кечир! Билмасдан дилингни оғритиб қўйдим. Агар хоҳласанг, ўзим ёрдам бераман. Икки кишилашиб уни хонавайрон қиласмиз», деди.

— Келишдик, ўртоқ.Faқат сипороқ кийинасан. У ўзича ҳақиқаттўй, очиқ кийинганларни ўзича ёқтирумайди. Эшитишинга қараганда, қизи бор экан. У қизни мен танийман. Бир марта ўтирганимиз. Прокурорнинг қизи. Мен Фирдавсга гапирганимда жони чиқиб кетай, деганди. Ўшанинг кўз олдида «ўрасанг» зўр бўлади. Анави қиз бирдан атвот бериб юборади. Ана ундан кейин Фирдавсни ўйнатамиз, келишдикми, ўртоқ?..

— Гап йўқ!

Улар кўп ўтиришди. Орада хонадан чиқиб умумий залга киришди. Рақсга тушишди. Ўшанда биринчи марта «тунги капалак» гуруҳини кўришди. Рақс гуруҳи. Раққосалар Ноизидан ҳам баттар очиқ кийинишиганди. Олдинига маҳсус ажратилган жойда товусдай тебранишди. Кейин столмастол юриб, тиланчилик қила бошлашди. Лўлилардан ҳам ўтиб кетишди. Эркакларнинг орқасига турволишиб, тирф-

алишганча ўйнашди. Шунда битта эркак уялганидан чўнта-гини кавлаган бўлса, бошқаси завқи келганидан пуллари-нинг энг каттасини «қистириб» юборди.

Нози ўзлари учун ажратилган хонага кириб келганлари-дан сўнг қаҳҳаҳа отиб кулди:

— Кўрдингми, ўртоқ! Ҳамма мени гапиради! Мен-ку, нима қилган бўлсам яширинча қилганман, булар-чи... Ана-ви эркакларни кўрдингми? Эшилиб кетишяпти!

Қизлар кўп ўтиришди. Иккисининг ҳам калласи гангиган, бирининг гапини иккинчиси тушунмасди. Официант келди. Ҳисоб берди. Сабина бошини чайқади. «Ҳали ўтира-миз», деди қўзини зўрға очиб гўлдиаркан. «Йўқ, биз ёпи-ляпмиз, соат бирдан ошиб кетди», деди официант қово-гини осилтирганча қатъий.

Нози сумкасини кавлади. Бир ласта пул чиқарди, офи-циантнинг олдига ташлади. «Мана, керак бўлса санаб ол», деди. Ва бошини этганча пешонасига қўлини тиради. Ана шу пайт унинг фраери — Акмал акаси келди. Акмал газаб-ланиб келганди. У Нозини бошқа бегона эркак билан ўтирган бўлса керак, деб ўйлаганди. Бироқ қараса, маъшуқаси-нинг қархисида чиройли қиз ўтирибди. Фирт маст. У ҳисоб қоғозчасини кўрди-да, бошини сарак-сарак қилди ва офи-циантга қараб:

— Шуларнинг ҳаммасини шу иккаласи едими? — дея сўради.

— Дугоналари ҳам бор эди. Лекин, асосан, иккиси. Нар-саларни энг қумматларини олишди, — деб жавоб берди официант.

— Бу аҳволда хонавайрон қиласи-ку?!

Шундай деб Акмал Нози берган пулларни йифиштириб олиб ўзининг чўнтағига солди ва Сабинанинг сумкачаси-ни очди. Пулларни қўриб қўзи ўйнади. «Буниси ҳам камба-фал эмаскан», дея кўнглидан ўтказди ва ўша пулдан олиб, ҳисоб-китоб қилди. Қолган пулга хиёнат қилмади. Жойига қўйди. Кейин қизларнинг иккисини ҳам белидан қучиб, суюганча ташқарига олиб чиқди.

Ўғри бола ресторон ташқарисида ўтирганди. Сабаби, бугун унинг омади чопмади. Қанчадан-қанча қизларнинг тилла занжирларини «тинччишиш»ни мўлжаллади. Бироқ сира иложисини қилолмади. Кимдир ва ёки нимадир хала-

қит бериб қолди. Шундан кейин у ресторан қаршисидаги ўриндиқлардан бирига келиб ўтирги. Бу ер ним ёруғ эди. Ўриндиқда ўтирган одамнинг юзи аниқ кўринмасди.

Ўғри бола дарров Сабинани таниди. Таниди-ю, ўтирган жойида сал букчайди. Ён-атрофига қараб қўйди. «Яхшиям тегинмаган эканман. Ҳақиқатан ҳам, уни ўғрибоши суюб олганга ўхшайди. Лекин ўғрибошининг шайкалари кўринмайди-ку. Ҳа-а-а, шарманда бўлишдан қўрқкан у. Хотинининг пиёниста бўлиб олганини шотирлари кўрса, обрўси тўкилиб қолади-да. Лекин ана мен гувоҳ бўлдим. Болаларга айтаман, бир маза қилишади», дея кўнглидан ўтказди у. Ана шу пайт Сабинанинг елкасидаги бежиримгина сумкачаси сирғалиб ерга тушди. Буни Сабина тутул довмандай Акмал ҳам сезмади.

— Бир бўп қолди, жоним, — деди Нози ва фраерининг бўйнидан қучоқлади.

— Ҳали гаплашамиз, — дея унга жавоб қилди Акмал.

У қизларни амаллаб ўзининг машинасига ўтқазди. Худди шу маҳал фалати воқеа содир бўлди. Рестораннинг нариги томонидаги қоронфиликдан бошқа бир одам чиқиб келди-да, ерда ётган сумкачани олди-ю, ортига бурилиб қочди. Уни бу ўғри жуда яхши танийди. Бир неча марта дуч келган. Чўнтак кесаётганини кўрган. Ҳаваси келган. Чунки валакисалангнинг қўли шунақсанги тез ишларканки, ҳайрон қоласан. Гавдаси ўзиникидан икки баравар катта одамнинг шимининг орқа чўнтагини унинг ўзига билдирамасдан лезвия билан кесиб, пулларини секингина олиб кетган... «Қани энди, мен ҳам шундай бўлсам?» дея ўшандা орзу қилганди у.

— Тўхта! Тўхта, ўлдираман! — деди бақирди Акмал.

Ўғри йигит ўтирган жойида бир сакради. Шунда унинг хаёлига фаройиб ўй келди. Ахир Арслонга қўшилиб олишнинг энг қулай фурсати-ку, бу.

У югурди. Уч дақиқага қолмасдан нариги ўғрини қувиб етди. Тўхтатмади. Чунки муштлашиб қолса, кучи етмайди. Шу боисдан оёғига тепди. Не-не умидда қочиб кетаётган ўғри умбалоқ ошиб кетди. Кўлидаги бежиримгина сумка эса учеб тушди. Шунчалик тез қайтдики, биринчи ўғри ўрнидан туришга улгурмади.

— Мана! — деди у сумкани Акмалнинг қўлига тутқазиб.

— Раҳмат, — деб Нозининг фраери сумкани очди-да, озроқ пул олиб унга узатди. Кейин: — Зўр бола экансан. Кимсан ўзинг? — дея сўради.

— Окахон, шу атрофда тирикчилик қилиб юраман. Сиз билан кўришиш орзусида эдим, — деди ўғри ҳозиржавоблик билан.

— Яхши. Сен билан ҳали гаплашамиз.

Акмал ўтирган машина жойидан қўзгалди.

Тонг яқинлашиб қолганди. Сабина анча-мунча ўзига келиб олганди. Ахир у муздеккина сувда чўмилди. Қаҳва ичди. Кейин Акмалдан уйига олиб бориб қўйишни илтимос қилди. У ҳам йўқ демади. Шундоққина уйининг рўпаратасига ташлаб кетди.

Қиз карахтланиб, дарвоза ёнига борди ва энди калитини сумкасидан олаётганида ичкаридан кимнингдир бақиргани эшитилди. Сабина бирдан сергак тортди ва яхшилаб ичкарига қулоқ тутди.

— Бажарувчи ким эди?! Айтасан ёки хотинингни қўзингнинг олдида расвосини чиқазаман!

Сабина ортига чекинди. Қўзидан ўз-ўзидан ёш оқа бошлади. У нажот истаб атрофга алланглади. Шунда машина чирогига кўзи тушди. Машина анча нарида, аммо тез келаётганди. Қиз югуриб кўччанинг ўртасига чиқди-да, иккала қўлини ҳам юқорига кўтарди. Бақиришга мажоли йўқ эди. Шунинг учун пичирлади: «Тўхтанг, тўхтанг! Ким бўлсангиз ҳам тўхтанг, адажонимга ёрдам беринг!»

Машина тормоз берди. Ажабки, ундан Ҳамдам тушди. Сабина уни таниди ва югуриб бориб, ўзини унинг кучогига отди.

— Адам, адам! — деди йифи аралаш.

— Неча киши? — дея сўради Ҳамдам паст овозда.

— Билмайман. Овозларини эшитдим. Уйда эмасдим, — деда хўнграшга тушди Сабина.

— Йиғлама. Ҳаммасини тўғрилаймиз. Сен машинада ўтириб тур. Йўқ, бошқача қиласиз, бориб эшикни очсан. Кўрқма, хўпми, сира кўрқма! — деб Ҳамдам ўзидан кейин машинадан тушган учта йигиттга қаради ва буйруқ берди. — Сабинанинг ортидан кирамиз! Кўринганини отасанлар!

Сабина гўё ҳеч нимани эшитмагандай, ўзини хотиржам тутиб, калит билан дарвозанинг кичик табақасини очди-

да, ичкарига қадам босди. Шу пайт кимдир унинг ён томонидан келиб, бирдан қўлини орқасига қайирди.

— Вой! — деда бақириб юборди Сабина.

— Тсс...

Сабинага азоб берган одам бошқа гапиришга улгурмади. Тўппончанинг «гуп» этган овози эшитилди-ю, у қизнинг қўлини қўйиб юбориб, ерга қулади.

Ҳамдам йигитлари билан бирга ичкарига бостириб кирди. Аввал эшик ёнида турган иккита барзанги отиб ташланди. Ундан сўнг ичкарига ҳужум бошланди. У ерда яна учта кавказ миллатига мансуб барзанги бор эди. Иккитасининг қўлида курол. Айнан шулар ташқаридаги шовқинни эшитиб, эшик томонга келишганди. Ҳамдамнинг йигитлари бирдан «тарс-турс» қилиб уларни ҳам мангут уйқуга жўнатишиди. Тирик қолган биргина барзанги эса шу заҳоти Фаттоҳ Норқуловичнинг орқа томонига ўтди. Бечора собиқ горкомни стулга ўтқазишиб, оёқ-қўлларини боғлаб ташлашганди. Башарасига бир неча марта мушт туширишганидан юзи қон эди.

— Агар! — деди серсоқол, калбош, бурни танқайган барзанги дағдага билан. — Ҳамманг қуролингни ташламасанг, сўйиб ташлайман!

У шундай деб Фаттоҳ Норқуловичнинг бўйнига пичноқ тифини қаттиқроқ тиради. Пичноқ этни озроқ кесди. Кесилган жойдан қон сизиб чиқди. Фаттоҳ Норқулович хириллади. Буни кўрган Сабинанинг жон-пони чиқиб бақириб юборди.

— Ўчири овозингни! — деди барзанги пичноқни асирнинг бўйнидан олиб, қизга ўқталганча бақирапкан.

Унинг шундай қилгани Ҳамдамнинг йигитлари учун айни муддао эди. Нақ икки қошининг ўртасидан «дарча» очиб қўйишиди. Барзангининг кўзи олайди. Ажабмаски, худди шу маҳал у ажал фариштасини кўрган ва қўрққанидан кўзи олайган.

— Адажон! — деганча Сабина ўзини отасининг устига отди.

Ҳамдам югуриб бориб Фаттоҳ Норқуловичнинг қўлларини бўшатди. Бечора собиқ амалдор буткул кучсиз эди. У ёнбошига энгашди. Яхшиямки, Ҳамдам уни ушлаб қолди, акс ҳолда, қулаб тушарди.

Йигитлар сув келтириб, Фаттоҳ Норқуловичнинг юзини ювишди. Сабина эса онасига талпинди.

Бирор беш дақиқадан сўнг эр-хотин ўзига келди. Бироқ улар ҳамон мажолсиз эди...

Ҳамдамнинг буйруғи билан йигитлари ишга киришди. Жасадларнинг ҳаммасини ҳовлига чиқаришиб ётқизиши. Сўнгра машинани олиб киришди-да, ичига юклашди...

Дарёнинг балиқлари оч эди. Уларга кўп «емиш» ташланди. Бироқ ҳозир тишлари ўтмайди. Емиш қаттиқ. Яна камиди тўрт кун шу емишларнинг атрофига кезишига тўғри келади. Тўрт кундан кейин «емиш» чирий бошлайди. Ана ундан сўнг амаллашса бўлади. Бироқ, барибир, ҳаммасини ейиш уларга насиб этмайди. Чунки иккита жасад қирғоқ бўйидаги чанглга илиниб қолади ва қузгунларнинг насибасига айланади...

Роппа-роса бир соатдан сўнг Фаттоҳ Норқулович ўрнидан тура олди. Дарров унга ўткир суюқлик беришди. Ортидан сув ичказиши. Шундан кейингина у тилга кириб:

— Қаердан билдинг? — дея сузилган кўзлари билан Ҳамдамга боқди.

— Чеченлар хабар беришди. «Кетиши. Олдин хўжайинингни, агар у сотиб қўйса, сени тинчтишиади», дейишди. Шошиб келётгандим, Сабина йўлда экан. Ёрдами тегди, — деди Ҳамдам.

— Раҳмат, ука. Ифлосларни ким жўнатганини билдингми?

— Ким бўларди? Молия вазирининг вазир эканлиги икки пул. Аммо унинг яхудийлиги кўп нарса ҳақида гапиради. Ҳатто чеченлар ҳам ўзларидан кўрқиши. «Шубҳасиз, сен орқали бизга чиқишиади. Шунинг учун ўзинг чорасини кўр, тезроқ бўл», дейишди.

— Йигитларинг маладес, ўзинг ҳам. Энди икки томондан ҳамлага ўтишиади. Ҳукуматдагилар ҳам бизни тинч қўйишмайди. Бу ёфи кўчаям доим ҳаракатда бўлади.

— Қочиш керак, хўжайин!

— Қаерга борасан?! Улар бутун дунёни эгаллаб олган. Қўли узун уларнинг. Аммо ўзимизнинг чакалакзорлар анчамунча хавфсиз... Менинг дармоним курияпти. Келинойингга дўхтирик керак. Унинг ичини эзиб ташлади. Итдан тарқаганлар аёллигига ҳам қараб ўтиришмади. Уфф-Ф!!! — деб

Фаттоҳ Норқулович қўлини Ҳамдамнинг елкасига қўйди.

— Бутун топган-тупгандаримнинг ярмиси сеники.

— Пул ҳозир ҳеч нимани ҳал қўлмайди, Фаттоҳ ака. Чора керак.

— Мен шуни айтяпман-да. Уларнинг гўштини ўзларига едирсанг ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Бунинг учун пул керак. Сен ҳозир йигитларингга айт, дўхтири топиб келишисин. Тезроқ. Бўлмаса келинайнингдан ажраб қоламиз.

Розани ётоққа олиб кириб, ётқизиб қўйишганди. Ҳақиқатан ҳам, аёлнинг аҳволи оғир эди. Гарчи кўзини очиб, ўзига келган эса-да, қорни симилларди, юраги оғирди. Иситмаси ҳам бор эди. У Сабинага қўнғироқ қилиб, тезда синглисини чақиришни илтимос қилганди.

Тонг ёришиб, энди күёш чиқаман деб турганида врач келди. Розани текшириб кўриб, бошини чайқади. «Тезда касалхонага олиб бориш керак», деди. Гарчи калтакнинг кўпини Фаттоҳ Норқулович еган эса-да, унинг жароҳатлари хавфсиз экан.

— Мен балнисага боролмайман. Сен йигитларингни юбор. Қоровуллик ҳам қилишиин. Розанинг ёнига дўхтирлардан бошқа ҳеч кимни киритишмасин, — деди тобора дармони кетаётган Фаттоҳ Норқулович.

Уни жароҳатлардан ташқари уйқусизлик ҳам қийнаётганди.

Доктор укол қилди. Шу заҳоти унинг кўзи юмилди.

Ҳамдамнинг йигитлари айтиб келишиди, Сабина ётоқдаги гиламнинг устида узала тушганча ухлаётган эмиш.

— Буларга бир нарса бўлган. Бўпти, шуни ҳам менга айтмасдан кўрпага ётқизиб қўйинглар. Кейин Бахани топинглар! — дея буюрди Ҳамдам ва ошхонага кирди.

\* \* \*

Фирдавс чой ичиб ўтирганди. У тушликка ош еди. Ош роса чанқатди. Бир чойнак чой дарров тугаб қолди. Иккинчисини дамлатди-да, энди пиёлага қўйган эди ҳамки, Соли ёнига келди ва паст овозда:

— Иброҳим деган бир одам келибди. Сен билан кўришмаса бўлмасмиш. Нима дардинг бўлса айт, десам унамади, — деди.

— Бўлди, чақиринг, — деб қофоз сочиқни қўлига олди Фирдавс.

Үрта бўйли, сочи оқарган, қора костюм-шим кийган, бўйинбог тақсан, юзиу пешонасига ажин тушган киши илжайганча Фирдавс ўтирган хонага кирди-да:

— Ассалому алайкум, — деди.

Фирдавс ундан олдин салом бериш учун эндиғина оғиз жуфтлаган эди, аммо ултурмади.

— Келинг, — деди унинг истиқболига чиқди.

— Ўзим ҳам бу йигит худди шундай бўлса керак, деб ўйлагандим. Юзингиз жудаям истарали, иним. Иқболингиз кўриниб турибди, — деб хушомад қилди келгувчи одам.

— Раҳмат. Келинг, ўтиринг, — деб Фирдавс Иброҳимга ўтириш учун стулни кўрсатди.

Унинг бироз энсаси қотганди. Бироқ буни билдирамаслик учун жилмайди.

Иброҳим ўтириди. Кафтларини очиб, дуо қилди. Дуосининг охирида: «Эй, Аллоҳим, ўзинг мусулмонларнинг йўлини ёруғ қилгин. Душманлардан, кофирлардан ўзинг устун қилгин», деди кафтини юзига силади.

— Азизим, — деди сўнгра ниҳоятда юмшоқ овозда, — сиз ҳақингизда жуда кўп эшитдим ва ёнингизга келишга қарор қилдим.

— Бемалол. Нима хизмат бор эди? — деди Фирдавс унинг юзига тикилиб.

— Хабарингиз бор, бошимизга рўшнолик келди. Кофирларнинг бир қисмидан Худонинг иродаси билан қутулдик.

— Мен сизнинг гапингизга унчалик ҳам тушунмаяпман?! Яххиси, аввал сизга битта ош айтай. Шу ош устида суҳбат қиласиз, нима дедингиз?

— Бажонидил. Ростини айтсам, тушлик тугул нонушта ҳам қилмагандим. Чунки вақт бўлмади.

Фирдавс ўрнидан турди. Та什қарига чиқди. Официант йигитлардан бирига ош келтиришни буюрди. «Гўшти қўпроқ бўлсин», деди қўшимча қилди. Шундан кейин қайтиб кирди. Бу пайтда Иброҳим кўзини юмганча тиловат қилаётган эди. Фирдавс бирдан жиддий тортди ва мумкин қадар то-вуш чиқармасдан қадам ташлаганча жойига келиб ўтириди. У ҳайрон эди. «Бу одам ким? Нима мақсадда келган? Нега тиловат қиляпти?» каби ўйлар миясида гужфон ўйнарди.

— Ажабланишингиз табиий, — деди Иброҳим (Абрам шайтон) юзига фотиҳа тортганидан сўнг Фирдавсни яна

бир марта ҳайратда қолдириб, — илло ўрнингизда бўлганимда мен ҳам шундай аҳволга тушган бўлардим.

— Сиз менинг ажабланганимни қаердан билдингиз? — деда сўради Фирдавс.

— Ислом йўлида, дину диёнат йўлида хизмат қилувчилар баъзан ҳамсуҳбатининг хаёлини ўқий олишади, — деб Абрам зимдан Фирдавсга қараб қўйди. Ҳамда «Муштдай бола. Қармоғимга, албатта, тушади», деда кўнглидан ўтказди ва мамнунлик билан Фирдавс узатган пиёлани олди.

Фирдавс Абрамнинг юз-кўзида нимадир кўргандай бўлди. Лекин ўша нимадирнинг нималигини билолмади. Тажрибаси етишмади. Бироқ унинг яхшилик аломати эмаслигини ҳис этиб турарди.

— Ўтган йиллар мобайнида юртимизда дин бутунлай унутилди. Тўғри, қариялар ва баъзи жойларда бир-иккита ёшлар ўз эътиқоди билан яшади. Лекин асосий халқ унуди. Натижа, натижа жуда ёмон бўлди, — деда Абрам чой ҳўплади.

Фирдавс эса уни диққат билан кузатишда давом этди. Миясида айланәётган «нимадир»га жавоб излади.

— Одамлар, — деда Абрам оғзининг гирдини бармоғи билан артиб, — ҳалол билан ҳаромнинг, тўғри билан эгрининг фарқига боролмай қолди. Ҳатто қилган аҳмоқгарчиликларини бир-бирига мақтай бошлади. Мана, масалан, чўчқа гўшти шаҳарликлар тугул қишлоқдагиларнинг ҳам энг севимли овқатига айланиб қолди. Ўзингиз ҳам бу нарсани минг маротаба кўргансиз. Лекин чўчқа гўшти ҳаромнинг ҳароми-ку! Чўчқа гўштини муттасил еган одамда рашк туйгуси йўқолади. Ҳозир буни замонавий олимлар ҳам аниқлашди. Эр хотининиям, она ва опа-синглисениям қизганмайди. Бунга мисол Европа давлатлари. Хотин эрига «Менга фалончи ёқиб қолди, бундан бу ёғига мен ўша севгилим билан яшайман» дейди-ю, кетади. Кейин расмий никоҳдан ўтмай туриб, бемалол эр-хотин бўлиб яшайверишиади. Ана қарабсизки, валадизинолар потиллаб дунёга келиб турибди-да... Бузғунчиликнинг яна бир тури борки, уни айтмасам бўлмайди...

— Яна нима экан? — деда Фирдавс пешонасини тириштириб.

— Туғруқхоналар расво бўлиб кетди. Масалан, покиза

бир оиласда ўғил дунёга келди. Агар уни ўз онаси сути билан эмизса, рисоладагидай, ақлли йигит бўлиб улгаяди. Бироқ тугруқхонадагилар ундан қилишмайди. Уч кун гўдакни онасига беришмайди. Ўзлари тўйдиришади қоринчаларини. Яна қанақа қилиб денг, — дея Абрам ўзи ҳам сезмаган ҳолда чўнтағидан тамаки қутисини олиб, столнинг устига қўйди. Чунки шунақсанги хумор тутаётган эдики, чекмаса бўлмасди. Бироқ у сўнгги лаҳзада хатога йўл қўйганини англаб қолди ва тамаки қутисини кўрсатиб:

— Ҳеч вақт мусулмон халқи мана шу заҳри қотилни чекканми? — дея сўради.

Фирдавс жавоб бериш ўрнига елкасини қисиб қўйди.

— Ота-бобомиз бунинг номиниям эшитмаган. Лекин тўртта одамдан учтаси, албатта, чекади. Чунки шуниям ўргатишиди...

— Сиз, — деди Фирдавс унинг гапини бўлиб, — чақалоқларнинг қорнини қандай тўйғазишганини айтмадингиз...

— Қандай бўларди, чекадиган, ичадиган кофирларнинг сути билан боққан. Биринчи уч кунида, — дея Абрам хўрсишиб қўйди ва гапини давом этказди, — тиббиётчиларимизнинг экспертиза натижаларига қараганда, бола дастлаб қанақа таомланса, улгайгач, худди шундай бўлиб чиқаркан. Пиёнистанинг сутини ичдими, демак, унинг пиёниста бўлиши кафолатланди. Гиёҳванднинг сути келажакда яна битта гиёҳванд етишиб чиқишига омил бўлади. Хуллас, бу ёфи шу тахлит давом этиб кетаверади. Натижада эса бутун бошли халқ фалокат ёқасига келиб қолади. Бу даҳшат биласизми, даҳшат!

— Айтганларингизни мен илгари эшитмаган эканман. Бундан чиқди, мен ўз онамни эммаганман, кимнингдир...

— Йўқ, иним, мен сизнинг авлод-аждодингизни суриштирдим. Ажойиб, мард ўғлоннинг фарзанди экансиз. Ундан одамнинг боласига бирор ҳадди сифиб зиён етказолмайди. Энди бу ёғини қарасангиз, яна табақаланиш бошланиб кетганда. Ҳаром сутни, энг аввало, камбағал оиласардан бошлашган улар. Ваҳоланки, йўқсиллар яшайди, дейишган ва ўзлари йўқсилларни шу тахлит сафдан чиқариш операциясини олиб боришган.

Йўқ, Абрам бошқа чидаб туролмайди. Чекиши керак,

чекмаса, тили яхши айланмаяпти. Сүзларни талаффуз қилишга қийналяпти. Бу ахволда шайтонлигини қоломайди. Шарманда бўлади.

— Мана, — дея у тамаки қутисидан бир дона папирос олиб тезда лабларига орасига қистирди-да, шошма-шошарлик билан гугурт чақди. Тутунни мириқиб ичига ютди ва шундан кейингина гапини давом этказди, — қурбонлардан биттаси менман.

— Нима, сизни бирор мажбурлаб тамаки чектирганми? — сўради Фирдавс.

— Ҳа, мажбурлаб. Ёш эдим. Ўрисларнинг мактабида ўқирдим. Бир куни иккита синфдошим қўлларимни орқасига қайириб, бошимга бир-икки шапалоқ туширишди ва тутаб турган тамакини оғзимга тиқиши. Биринчи марта ўшандада тутун ютиб, ўрай деганман. У пайтлари бирорга миқ этолмасдим. Кўрқардим. Чунки ҳамма ёқда ўша коғирларнинг гапи гап, сўзи сўз эди. Охири ўрганиб қолдим. Сўнг минг марта бу заҳри қотилни ташлашга уриниб кўрдим. Қани, уддасидан чиқолсал!

— Хўп, мендан нима истайсиз? — деди Фирдавс.

Абрам чуқур нафас олди:

— Қарасам, ҳали истайдиган нарсамни айтишга эртага ўхшайди. Фақат битта нарсанинг учини чиқариб қўяй...

Фирдавс бутун вужудини қулоққа айлантириди.

— Хориждаги биродарларимиз ҳақиқат дунёси учун ёрдам қўлларини чўзишга қарор қилишибди.

— Қайси маънода? Қайси давлатнинг одами?

— Мўмин-мусулмонлар. Бу ҳақда сиз билан келгуси учрашувимизда гаплашамиз. Битта нарсани ҳеч қачон унуманг, биз узоги билан юз йил яшармиз. Ҳақиқий ҳаётни эса ўлганимиздан кейин кўрамиз. Шунга тайёрланмоғимиз даркор. Бу дунёнинг ҳою ҳаваслари, майшатларининг бариси ўткинчи. Ақлли йигитсиз, бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўрасиз, деган умиддаман, — дея Абрам ўрнидан турди.

У қоп-қора «Мерс»да келганди. Ўша пайтлари бунақанди машинада юрганлар жуда оз эди. Шу боисдан бўлса кепрак, қарашиб, муносабат ва ҳаттоқи хурмат ўзгача эди.

Фирдавс Солига қаради. У бошини қимиirlатиб қўйди. Улар ичкарига киришди.

— Нима деб валдиради у? — деди Соли оёқларини бирбирига чалишириб.

— Фалати одам экан. Мақсадини айтмай кетди. Мендан қандайдир пул умидворми, деб ўйлагандим. Лекин қаранг миниб юрган машинасини. Яна бир кўришамиз, деди-ку. Шунга қараганда, узоқни кўзлаганми дейман?

Достон келди. Анча вақтдан бери у кўриниш бермасди. Лекин ҳар куни қўнғироқ қилиб Фирдавсдан ҳол-аҳвол сўраб турарди. Мана, сўнгги пайтларда Фирдавс хотиржам ишлаб юрибди. Ҳеч ким оромини бузмайди ва айни чогда у ҳам бирорнинг бурнини қонатмайди. «Кўз тегмасин. Майли, мени қўргани келмаса келмасин, аммо ўзи тинч бўлсин. Ҳадеб бораверсан, балки, тинчлигини бузиб кўярман!» деб ўйларди Достон.

— Яхшиям, — деди у ўғли билан қучоқлашиб кўришаркан, — битта шаҳарда яшаймиз. Агар Худо кўрсатмасин, бирор ёққа кетсанг умуман унугиб юбораркансан-да!

Фирдавс қизарди. Оний лаҳзада ўзини яниб-яниб олди.

— Ўзи яқинда бораман, деб тургандим, — дея баҳона қилди. Унинг хаёлига шундан бошқа гап келмаганди.

Бир пиёладан чой ичилди. Сўнг гап айланиб, Абрам — Иброҳимга тақалди. Фирдавс Арбамнинг бирорта ҳам сўзи ни қолдирмай, нима деган бўлса, ҳаммасини гапириб берди. Кейин отасига савол назари билан қаради.

— Тўғри, масжидлардаям талашиб-тортишиб ётганлар кўп. Лекин очиги, қайси томон тўғрию қайси томон умуман бошқа нарсани гапираётганини мен ажратолмайман. Унга етарлича билим керак. Ҳа, одамнинг умри жудаям қисқа... Қабрдан бошланади ҳисоб-китоб, бунисини била-ман. Аммо у одамнинг мақсадини тушунолмадим. Сен, яхшиси, анави танишингнинг ёнига бор!..

— Қайси танишим?!

— Телевизорда тез-тез кўриниш берадиган домла-чи, аэропортнинг ёнида учратиб қолдим, дегандинг-ку?! Ўша одамгина ҳақ билан ноҳақни ажратиб бериши мумкин. Менга қолса, ақлинг етмаган нарсага умуман аралашмаганинг маъқул. Мана, қанчадан бери тинчгина ишлаб юрибсан. Кундан-кунга ишларинг олдинляяпти. Қайси куни бир танишим айтиб қолди, қаҳвахонангга тушлик учун келган экан, шўрва ичмоқчи бўлибди. Лекин соат бирга қолмай овқатинг тугаб кетибди. «Одам жудаям кўп, кассада пул тўлаш учун навбатга турганларни кўрсанг ҳайрон қоласан»,

деди. Мана шу ишингни қилиб юравер-да, ўғлим. Масжид-га бораман десанг, марҳамат. Аммо ҳар хил ифвочиларнинг гапларига қулоқ солаверма. Намозингни ўқигин-да, қайт. Ишингни давом этказ.

— Бу ёғидан хавотир олманг, дада, худди айтганингиздай қиласман, — деб Фирдавс ўғринча билагидаги соатта қараб кўйди.

Чунки бугун кечки пайт учрашуви бор. Мавзуна билан. Кинога тушишмоқчи. Вақт эса кам қоляпти. Шунинг учун ҳам бозорга бориши кераклигини айтди. «Негадир ўзим истаган гўштни сира тополмаяпман. Овқатимиз янайм ширин бўлиши учун сифатли гўшт керак. Бирорта яхши қассобни топаман», деди.

— Бўлди, сен кетавер. Мен бу ерда ошналарим билан гангур-гунгир қилиб намоз вақтигача ўтираман, — дея кетавер қабилида қўлини силтади Достон.

Энди вақт кўплек қилиб қолди. Сабаби, Фирдавс яна бир муддат ўтириб, кейин чиқади. Шунда айни вақтида кўзланган манзилга етиб боради...

У роппа-роса ярим соат аввал кинотеатр ёнига борди. Одамлар қандайдир шошаётганга ўхшарди. Бирор югуриб у ёққа ўтиб кетади, биттаси шошиб шеригига бир нималарни тушунтирганча бу ёққа ўтади. У каби кутаётганлар оз эди. Ўша кутаётганларнинг ҳам юзида аллақандай дикқатлик кўриниб турарди.

Бир маҳал Фирдавсдан бирор йигирма қадамча наридан йигит билан қиз ўтиб қолди. Қизнинг сумкачасидан кичкинагина қопчиққа ўхшаш бир нима тап этиб ерга тушди. Буни на қиз сезди ва на йигит. Уларнинг ортидан келаётган соқол кўйган бошқа бир йигит эса дарров қопчиқни олди-ю, олдинда кетаётганларни чақирди. Йигит ва қиз тўхтаб, бараварига ортига ўгирилди. Соқолтой қопчиқни кўрсатди. Ва тушиб қолганини айтди. Улар қайтиб келишди. Соқолтой ерга қараганча қопчиқни берди ва тўғри Фирдавс тарафга кела бошлади.

«Кўнгли тоза, яхши одам экан. Унинг ўрнида бошқа бўлганида секингина қопчиқни қўйнига соларди-ю, ҳеч нима бўлмагандай жуфтакни ростларди», дея кўнглидан ўтказди Фирдавс ва у ҳам миннатдорчилик билдиromoқчи бўлди.

— Яхши қилдингиз, — деди соқолтой яқин келганида.  
Соқолтой жилмайды ва:

— Албатта, менинг ўрнимда сиз бўлганингизда ҳам шу ишни қиласардингиз. Чунки биз мўмин-мусулмон, биродарлармиз. Савоб қучоқ очиб турганида, жаннат кўриниб турган бир пайтда дўзахга олиб борувчи ишни қилмаймизку, — дея кўришиш учун қўлини чўзди.

Фирдавс унинг қўлини ушлаб сиқди.

— Фақат хотин-қизларимизга дикқатлироқ, эътиборлироқ, мустаҳкамроқ бўлмоғимиз зарур.

— Нега?..

— Қулоқни беркитиш мумкинdir, аммо кўзни қандай беркитасиз? Елкалар очиқ, бу ёғи тизздан баланд кийинишиади. Айнан уларнинг ёnlарида ҳисобсиз шайтонлар бўлади. Кўзингиз тушдими, гуноҳкорга айланиб қоласиз, биродар.

— Тўғри. Бу ёғини ўйлаб кўрмаган эканман.

— Ёшимиз teng, назаримда...

— Йигирмадан ошдим.

— Яшанг!.. Агар хўп десангиз, устозимиз бор. Таълим олиб қўйсангиз, кони фойда бўларди. Синглингиз, опангиз бордир, айни уларга тааллуқли бўлган илмларни ўрганардингиз. Ҳар қалай, даъюс бўлиб қолишни истамассиз. Қолаверса, намоз ҳақида мукаммал маълумот оласиз.

— Қандай бораман?

— Эртага пешиндан кейин худди мана шу ерга келинг. Сизни ўзим таълим олаётган устознинг ёnlарига олиб бораман, — дея жилмайди, сўнgra Фирдавснинг қўлини сиқиб қўйди. — Хўп, хайр, биродар.

Фирдавснинг боши фувиллаб, атрофга аланглади. Соқолтойнинг гапи дарров исботланди. Чунки иккита елкалари тўла очиқ қиз, бири сочини сариқقا бўяб олган, иккинчиси эса силлиқ қилиб орқасига ташлаган эдики, беихтиёр қарайсан. Кўнглингда алланималар уйғонади. Танишгинг келади. Суҳбатини олгинг келади. Агар Фирдавс анави соқолтойнинг гапларини эшитмаганида қанча вақт қизларга қараб турарди? Тўғри, кўп қарамасди. Чунки бундай одат унинг табиатида ийқ. «Шайтон улар билан бирга юрибди», хаёлидан ўтказди Фирдавс ва нигоҳини бошқа томонга олиб қочди. Бироқ қизлар атай қилгандай унинг ёнгинасидан

үтишди. Йигитнинг бурнига хушбўй француз атирининг ҳиди урилди. Ана шу ҳид ҳам уни қизлар томонга яна бир марта қараб қўйишга мажбур этди. Ҳалигина соқолтойдан эшигтанлари оний лаҳзага эсидан чиқди. У дарров хаёлини тўғирлади. Бироқ, барибир, ҳам кичик лаҳза кўнглида из қолдирди.

Ниҳоят, Мавзуна кўринди. Қизнинг лабида табассум борлигини гарчи оралиқ анча эса-да Фирдавс кўра олди ва шу заҳоти қизнинг кийинишига эътибор берди. Мавзунанинг кўйлаги оппок, тиззасидан пастигача ёпиқ эди. Сочлари турмакланганди. Ҳар тугул Фирдавс бундан олдин кўрганларига нисбатан тузук эди. Бироқ унга ҳам исталган йигит қарайди. Чунки у жудаям чиройли.

— Ассалому алайкум, — деди Мавзуна йигитнинг ёнига келиб.

— Ваалайкум ассалом, хоним, роппа-роса, — деб Фирдавс билагидаги соатига қаради.

— Вақтида келибман, тўғрими? — деди унинг нима демоқчилигини англаған Мавзуна.

— Шунга яқинроқ. Лекин, барибир, кечроқ!

— Қанақасига кечроқ бўлади, ёлғончи?

— Ҳар қалай, кечроқда, барибир, — деб кулди Фирдавс.

— Ишқилиб, нимадир топишингиз керак, шундайми?

— дея қовоғини уйган бўлди Мавзуна.

— Майли, майли, вақтида келдингиз!

— Лекин-чи, сизнинг юзингизда қандайдир жиддийлик бор. Кинога тушишни хоҳламаяпсизми? Мажбурикдан келдингизми?

— Нега дарров бунаقا дейсан? Қани, кўлингни бер-чи!

Фирдавс шундай деди-ю, ўзи иккиланиб қолди. Ахир уларнинг кўл ушлашиб кетишини қанча одам кўради. Бироров сукланиб қарайди. Бировнинг ғаши келади. Анави соқолтойга ўҳшаганлар эса нафратланади. Бундан чиқди, қизнинг қўлини ушламаслиги керак. Бироқ оғзидан гап чиқди. Энди ортга қайтолмайди, ўзгартиrolмайди.

— Йўқ, — деди Мавзуна ширин жилмайиб, — сиз мени хафа қилишга улгурдингиз. Шундай экан, қўлимни бермайман.

Фирдавс ич-ичидан курсанд бўлди. Ахир кўнгли айни шуни тусаб турганди-да.

— Тавба қилдим, дедим! Кетдик, бунақада кинога ҳам кеч қоламиз, — деб Фирдавс беихтиёр атрофга, ҳов нарига ҳам кўз ташлаб олди.

Сезгир, эътиборли Мавзуна ундаги хавотирни англади ва шу заҳоти у ҳам зимдан чор тарафга қараб қўйди.

— Мабодо, — деди сўнгра пицирлаб, — тансоқчила-рингиз кузатиб юришмаганмиди?

— Нега бунақа деяпсан?

— Эркинмассиз. Шунга...

— Биринчидан, менга эмас, мен кимгадир тансоқчилик қилишим мумкин.

— Ҳмм, топдим, демак, қайсиdir қиз билан гаплашиб юрибсиз. Ҳозир ўша қиз sizни мен билан кўриб қолишини истамаяпсиз, тўғрими?

— Бунча ақллисан, ҳар доим тўппа-тўғри топасан-а! Қойил. Энди мен бақираман...

— Нега бақиаркансиз?

— Ҳамма эшиксин, кўрсинг, сен билан юрганилигимни.

Мавзуна қиқирлаб кулди ва Фирдавснинг тирсагидан ушлади-да, олдинга тортқилади.

— Юринг, хўп, ҳазиллашгим келди. Жигингизга тегсам, ўзингизни қандай тутаркансиз, деб ўйладим.

— Қандай экан?

— Зўр!..

Бутун сеанс мобайнида Фирдавснинг хаёлидан соқолтой билан Иброҳимнинг гаплари кетмади. Уларнинг сўзларида уйғунлик бор эди. Кўринмас ип бир-бирига боғлаб турарди ва яна нима дейишган бўлишса, ҳаммаси тўғри. Лекин қизиқ томони, баъзан тўғри дейиладиган нарса ҳам кўрқинчли бўларкан. Бу кўрқинчлиликнинг ортида даҳшат ётиди. Сира қийшиқни тўғирлашнинг имкони йўқقا ўхшайди. Синиб қолишидан чўчийсиз. Агар синадиган бўлса, анча-мунча нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетади. Ёнади. Шундай ёнадики, тутуни дунёнинг нариги чеккасидан кўринади.

— Фирдавс ака, — деди Мавзуна унинг кўлидан ушлаб, — нега хаёлингиз паришон?

— Хаёлим? Паришон?.. Ҳа, тўғри айтдинг. Сен ёнимдагингда ҳамма нарсани унутаман. Келажакка шўнгийман.

— Келажак денгизми?!

— Ундан ҳам катта. Тубида балиқлар сузиб юришади, дельфинлар, акулалар, китлар...

— Кичкина балиқчалар йўқми? — дея Фирдавснинг гапини бўлди Мавзуна.

— Бор. Бўлганда қандоқ. Кичкина балиқлар бўлмаса, ийриклари яшолмайди.

— Еб қўйишади кичкиналарни, — деди Мавзуна ва хўрсиниб қўйди.

— Лекин сен ҳеч нимадан хавотир олма, биз ҳаммасига чап бериб кетамиз. Чангимизда қолдирамиз.

— Уммон тубида чанг бўлмайди.

— Бўлади. Ўз кўзим билан кўрганман телевизорда.

— Қийин экан келажак деганлари!

— Айтдим-ку, иккимизга қийин эмас деб, — деб Фирдавс Мавзунанинг қўлини кафтлари орасига олди.

Қизнинг шу заҳоти юзи қизарди. Қандайдир иссиқликчиқди юзидан... Аввал Фирдавс унинг қўлини ушламаганмиди? Ушлаганди. Авваллари бошқача ушлаганди. Ҳозир эса бошқача. Ҳозиргисида тафт бор. Юракнинг гупирлаши бор. Мехр бор. Туйғу бор. Томоша жойининг ним ёруғлиги Мавзунанинг баҳти эди. Акс ҳолда қизнинг қизарганини Фирдавс кўрарди. Мавзуна ҳозиргидан-да, уялиб кетарди...

Сеанс охирлади. Лекин йигит қизнинг қўлини қўйиб юбормади. Одамлар бирин-кетин туриб кета бошлишди. Улар қимир этишмади. Ўтираверишди. Ўша-ўша алфозда.

— Кетамиз, — дея шивирлади Мавзуна.

— Кетамиз, — деди Фирдавс ҳам.

Аммо на униси ва на буниси қимиirlади. Қимиirlагали-ри келмади. Бир-бирининг қўнгилларига қарашибди. Қиз йигит хафа бўлади, деди ва ўз ўрнида йигит қизнинг дили оғриб қолади, деган хаёлга борди. Ўтираверишди...

Назоратчи кирди. Қаради. Иккитаси ўтирибди худди мусичаларга ўхшаб. «Вой ярамаслар, тулкилар. Мана шундай қилиб ўтирсан, бирор бизнинг борлигимизни сезмайди. Бемалол кейинги сеансни ҳам қўрамиз, деб ўйладингларми? Бекорларнинг бештасини айтибсанлар. Куртдай қилиб соққаларингни санаб оламан», дея қўнглидан ўтказди ва турган жойида бақири:

— Шармандалар!

Семиз назоратчи хотиннинг овози деворларга урилиб, акс садо берди. Йигит ва қиз чўчиб тушди. Бирдан қўлларини тортиб олишди. Сўнгра ўрниларидан шоша-пиша туришди-да, эшик томонга қарашибди.

— Кап-кatta экансанлар, уялмайсанларми?! Туришингни қара! Кийим-бошингни қара! Сендақалар ҳаммаёқнинг расвосини чиқазяпти-да! Эй-й, тарбия кўрмаганлар! Отаонанг шунаقا бўлса керакки, мана шундай қилинглар, дейишган!..

Мавзунанинг бутун танаси титраб кетди. Фирдавснинг юзидан иситма чиқди. Мавзуна тезроқ чиқиши учун шошилди. Фирдавс қўлини мушт қилиб тугди. Бироқ назоратчи аёл киши. Қўшимчасига шаллақи. Ҳар қанақасига тенг бўлолмайди. У Мавзунанинг ортидан юрди. Аксига олиб, назоратчи чиқиши эшигининг ёнида эди.

— Тилингизга эрк берманг! — деди Фирдавс аёлнинг ёнидан ўтиб кетаётганида.

— Мен тилимга эрк бермай, сенлар битта билет билан ҳамма сеансга киринглар, шундайми? Инсофларинг борми ўзи?!

Шу заҳоти Фирдавснинг ичи ёришди. Кувнади. Бирдан чўнтағига қўлини тиқди-ю, пулларининг ярмини чиқазиб (эллик сўмдан ошиқ эди, тахминан эллик доллар) назоратчининг қўлига тутқазди.

Пулни кўрган аёл бирдан ўзгарди:

— Ақдли-хушли экансизлар, бир оғиз айтиб қўйганларингда олам гулистон эди. Одамнинг жаҳли чиққанди нималар демайди.

Унинг бу гаплари Мавзунанинг қулоғига кирмади. У йиғлашни бошлаб юборган эди. Ҳовлида Фирдавс унга етиб олди.

— Хафа бўлма, битта бефаросатнинг гапи деб кўз ёш тўкма. У бизни ўғринча кейинги сеансга қолишган деб ўйлабди! — деди.

Мавзуна бирдан тўхтади. Фирдавснинг юзига қаради.

— Ўзи мен аҳмоқлик қилдим! — деб лабини тишлади.

Фирдавс кутилмагандага қизни қучоқлаб олиб:

— Жим, бўлди! Ҳаммаси яхши! — дея шивирлади.

— Жинни, нима қиляпсиз? Ҳамма кўраяпти-ку! — деди Мавзуна, бироқ ўзи йигитнинг қучоғидан чиқишига ҳаракат қилмади.

Шундай қылса, атрофдагиларнинг Фирдавсга нисбатан нафрати ошиб кетарди.

— Сен анавининг гапларини эсимдан чиқариб юбораман десанг, қўйиб юбораман.

— Хўп!..

Қиз кийимларини тўғирлаган бўлди ва тезда атрофга назар ташлаб олди. Яхшиямки, одам жудаям кам экан. Қарийб йўқ ҳисоби. Чунки кинотеатрга келганларнинг бари кириш эшиги томонда эди.

— Музқаймоқ еймиз, — деди Фирдавс ва ҳали Мавзуна жавоб бермасидан унинг қўлидан тутиб, — анҳор бўйида, кетдик, — дея йўл бошлади.

Бир муддатдан сўнг Мавзуна ўзига келди. Бироқ бунгача Фирдавсни бошқа бир нарса қийнай бошлаганди. Иброзим ва анави соқолтойнинг гаплари... Улар одамларнинг юриш-туришини гапиришди. Фирдавс куппа-кундузи, очиқ жойда Мавзунани қучоқлади. Севган қизи, гарчи унинг ўзига айтмаган эса-да, келажакда уйланиш нияти бор. Бироқ бу бировларнинг кўз ўнгида қизни бағрига босиш мумкин дегани эмас-да...

— Мавзуна, — деди Фирдавс ликопчадаги музқаймоқни кичкина қошиқча билан ўйнаётган қизга, — кутилманганда... Ўзим ҳам нима қилаётганлигимни билмадим.

Мавзунанинг эгилган боши баттар эгилди. Фирдавс бешовталанди. «Қовун тушириб қўйдим. Шу гапни айтишим шартмиди? Бошқа бирор нима қуриб қолганмиди гапиришга», дея кўнглидан ўтказди.

— Хафа эмасман!

Мавзуна паст овозда шундай деди. Бироқ шу ҳам Фирдавсга далда бўлди.

— Мен сенга музқаймоқни қандай ейиш кераклигини кўрсатаман ҳозир, — дея йигит ликопчани қўлига олган эди ҳамки, учта стол нарида жанжал бошланиб қолди.

Бешта жўжахўroz. Учтаси иккитасига қарши. Олдин қўпол сўзлар айтишди. Сўнг қайси биридир сўкинди. Буни бошқаси кўтаролмади. Муштини ишга солди... Бу ёфи ур-калтак, сур-калтак... Янги келтирилган пластмасса стулдан иккитаси синди... Иккитанинг биттаси қочди. Биттаси эса учтанинг ўртасида қолди. Ўн етти-ўн саккиз ёшдаги йигитлар ерда ётганни аямасдан тепкилашарди... Фирдавс чидаб ту-

ролмайди. Бундай воқеаларни кўрганида кўзидан «қони» чиқиб кетади. У ўрнидан сапчиб турди.

— Фирдавс ака, аралашманг! — дея ёлворди Мавзуна.

Бироқ Фирдавс қизнинг гапини эшитмади. Чунки бутун дикъат-эътибори жанжалда эди.

— Тўхта! — дея бақириб юборди у шиддат билан юриб бораркан.

Тузоқ эди бу. Тузоқ! Аммо бунинг тузоқлигини Фирдавс қаердан билсин? Билганида шу жанжалга аралашармиди?.. Тепаётганларнинг тепкилари оғриқ берадиган эмасди. Но-мигагина эди. Уларнинг оёқлари остида ётган бола ҳақиқий артистлик қилаётганди. У шундай ўкирардики, эшитсангиз, жигар-бағрингиз эзилиб кетади. Кўзингиздан ёш оқади. «Мени тепинглар, барака топгур, мени уринглар, лекин бу бечорани қўйиб юборинглар», деб юборасиз беихтиёр.

Оралиқ беш-олти қадам қолгунича Фирдавс шунга ишонди. Ҳаяжон, разаб ортгандан-ортди. Шунда тепаётганлардан биттаси «қовун» туширди-ю, Фирдавс қармоқ ташланганлигини англади. Тепаётганинг оёғи йиқилиб ётганга тегмади. Лекин у ўкириб юборди. Фирдавс бирдан тўхтади. Ён-атрофга, «жанжаллашаётган»ларнинг ортига қаради. Шунда кимнингдир шарпасини кўргандай бўлди. У музқаймоқ сотиладиган будқадан каттароқ, ҳамма томони ойнали иморатчанинг ортида эди. Фирдавс ўша томонга қарashi билан у яширинди.

Тепаётганлар Фирдавснинг тўхтаб қолганига ҳайрон бўлишиб, бир-бирига қараб олишиб. Сценарий бўйича Фирдавс бирдан жанжалга аралашиб кетиши керак эди.

— Сан кимсан, у-у-у?! — дея бақирди зўравонлардан бири.

— Ҳеч киммасман! Мен сизларнинг кино олаётганлик-ларингизни билмабман, лекин ҳаммаси жойида, ишончли чиқяпти.

— Қанақа кино?! Тупурдим кинонгга! Бизани сан итвачча тўхтатмоқчи бўлдингми?!

Фирдавс тишини-тишига босди. Чидади ва ортига бурилди.

Мавзуна ўрнидан турган ва титраб, қақшаб, Фирдавс аралашиши мумкин бўлган тўполонни кутаётганди. Йигитнинг ортига бурилганини кўриб қувонди.

— Фирдавс ака! — дея бақирганча унинг ёнига югурди. Худди шу маҳал:

— Маразнинг манжалагиям бор экан! — деди уришганлардан биттаси.

Ҳақорат Фирдавснинг сүяк-сүягидан ўтиб кетди. Ор, фуур ва улар билан бирга шайтон ҳам ичидан қўзғолон кўтарди. Фирдавс қўлларини мушт қилиб тугди. Шунда бармоқларининг сүяклари қисирлаб овоз чиқарди. У муштумзўрлар томонга бурилди.

— Керак эмас, Фирдавс ака! Керак эмас! — дея Мавзуна бор овозда қичқирди. Ҳамда йигитнинг ёнига етиб келиб, унинг ортидан кучоқлади. — Нима дейишса ҳам, майли! Жон Фирдавс ака, кетайлик!

Зўравонлар ҳоҳолаб кулишди ва улар томонга кела бошлишди.

— Мавзуна, сен нарироққа бориб тур, бир дақиқада кетамиз, хўпми? Илтимос, шундай қил, — деди Фирдавс.

Мавзунанинг кўзидан ёши дув-дув оқаётганди. У «хўп», дея бошини қимиранлатди. Бошқа иложи йўқ эди. Фирдавс қочмоқчи бўлса, қочиб кетади. Аммо Мавзуна узоққа боромайди. Шундай экан, бу ёғи жанжал муқаррар бўлиб қолди.

— Сан кимсан ўзи бизнинг ишимизга бурун тиқадиган?! — деди зўравонларнинг ўргтада келаётгани.

Айнан у қолган икки шеригига нисбатан бақувватроқ эди. Қўлида ярим қарич занжир. Гўёки шу билан Фирдавсни уриб, бир ёқли қиласидигандай эди.

Фирдавс жавоб бермади. Кутди. Келаётгандар эса ҳиринглаб кулишди ва улардан бири Фирдавснинг ёнига келиши билан ёлғиз ўзи турган «жўжахўрöz»ни бир тепиб ағдармоқчи бўлди. Бироқ негадир оёғи рақибга тегмади. Қайтанга янада баланд, бўйидан-да баландга кўтарилиб кетиб, мувозантини йўқотди-ю, бетонга елкаси билан гурсиллаб йиқилди. Йигит ўзини ўнглашга улгурмасидан Фирдавс унинг шерикларига ҳам биттадан зарба беришга улгурди ва шу зарбалари уларнинг ҳар иккисининг ҳам кулашига сабаб бўлди. Биттаси, ўша шерикларидан гавдалироғи хушидан кетди.

— Етарлидир! — деди Фирдавс нафрат билан.

Йиқилганлардан биттаси бошини қимиранлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Унда бошқа бемазагарчилик қилмаларинг. Аслида, тилларингни сугуриб олишим керак эди. Лекин қўлимни ҳаром қилгим келмади, — деб Фирдавс нарироқда турган Мавзунанинг ёнига борди-да, унинг елкасидан қучиб, «Кетдик», деди.

Қиз бир томондан хурсанд эди. Кўнгил қўйгани, севгани чаққон, бақувват, уни ҳеч қачон хафа қилдириб қўймайди. Бироқ иккинчи томондан эзиларди. Чунки бир неча марта бало-қазо Фирдавснинг устига ёпирилиб турганлигининг гувоҳи бўлди. Ахир бу аҳвол қачонгacha давом этади?! Кеча Фирдавс ҳаммадан устун келди, бугун у яна рақибларининг барини енгди, лекин эртага-чи, эртага нима бўлади?.. Ана шу савол Мавзунани қийнай бошлаган эди.

\* \* \*

Етти ойлик тақиқ муддати тугаганидан сўнг Абрам яна Арслонга эркинлик берди. Шу муддат ичиди у ичкиликни ташлади. Энди жуда ташлаб юбормади-ю, лекин ҳар қалай, ҳеч имкони бўлмаганда, бир-икки қултум ютадиган бўлди. Қолган пайти спорт залга борди. Шуғулланди. Мушаклари бироз чиқди. Озми-қўпми муштлашишини ўрганди ва яна Абрамдан тинимсиз насиҳат эшитаверганидан оғзига келган гапни қайтармай гапирадиган одатни ташлади. Ҳали-ҳамон пул келиб турганидан унинг ёнидан кетмай қўриқчилик қилиб юрган йигитларига еб қўйгудек тикилар, аммо оз ва сирли гапиради-да, ёнидан чиқариб юборарди. Абдураҳмон қўрқди, Жавлон қўрқди, ҳаттоки энг яқин дўстиман деб юрган Ўлмаснинг ҳам ичига фулгула тушди. Бироқ Баха қўрқмади. Тўғри, у ҳам ўзини қўрқсан кўрсатарди ҳар доим, лекин қўрқмасди. Баха «Арслон илгари ким бўлган бўлса, ана шу ҳолига, барибир, қайтади. Қайтмаса, қайтариб оламиз. Мажбур қиласиз. Шундай «рақслар ижро қиласизки», майшатга, кайф-сафога, роҳат-фароғатга қандай қилиб боши билан «шўнғиб» кетганини англаёлмайди. Англашга унда калла қолмайди. Чунки бизнинг йўлимизнинг ўзи шу», дея хаёлидан ўтказар ва кутарди. Интизорлик, сабрсизлик билан ўша вактнинг «йўлини пойларди».

Албатта, Арслонга бировнинг хаёlinи ўқиб олиш илми табиатан берилмаганди. Берилганида Баханинг калласини олган бўларди...

Мана, етти ой ўтди. Абрам Арслонни ёнига чақирди.

— Кўринишинг ёмон эмас. Бўларкан-ку. Бундан кейин ҳаётингни худди шундай давом этказасан. Лекин анави югурдакларинг эмас. Улар касбини қилишади. Шу пайтга-ча қўлларини совуқ сувга урмай еб ётишди. Худди давлатнинг идорасида бир иш қилмай маош оладиган одамлардай. Энди ишлайди... Билишимча, бозорларда, вокзалларда янги-янги гуруҳчалар пайдо бўлганмиш. Ўзларининг қоидаларини ўрнатганмиш. Областларга қатнайдиган автобуслар уларга «доля» бермасдан бир қадам ҳам юролмасмиш. Ҳатто битта-иккитаси менинг томорқамга ҳам оралабди. Сизларга бир ҳафта муҳлат, ҳаммасини тартибиға коласанлар. Ёки барингнинг онангни уч кўрфондан кўрсатман! — деди Абрам фазаб билан.

— Хўп! Ҳаммаси айтганингиздай бўлади. Барини худди сиққа тизилгандай териб қўяман. Бугуноқ ишга киришаман! — дея жавоб берди Арслон қўлини кўксига қўйиб.

— Сабинахон тузукмилар? — деди Абрам иржайиб.

Ҳа, Арслон бир мартағина хатога йўл қўиди. Бир ойча олдин. Кўнғироқ бўлди. Бориб гўшакни кўтарса Сабина. Ичи қандайдир ёришди.

Сабина қиқирлай-қиқирлай ўпка-гина қилди. Уни вაъ-дабозликда айблади. Кейин учрашувга таклиф қилди. Меҳмонхонага. Меҳмонхонанинг янги очилган ресторанига. Арслон йўқ деёлмади ва борди. Сабина очилиб кетибди. Аввалгидан ҳам тиниқлашибди. Бундан ҳам ажабланадиган томони, у ҳар гапининг орасига туркча қўшиб гапирарди. Арслон «Нега бундай қиляпсан?» деб сўраса. «Тўрт ой Туркияда яшадим. Ажойиб экан. Тили ёқиб қолди. Ўрганиб олдим. Умуман олганда, унақа қийин эмас экан. Ўзимизницидан сал бошқача. Лекин чиройли», деб жавоб берди Сабина.

— Москва, ўқиши нима бўлди? — сўради ҳайрон бўлган Арслон.

— Ҳамма ёқ остин-устун. Москвада бир қадам ҳам юриб бўлмайди. Ўгри, каллакесарлар босиб кетган. «Адам йифиштири», дедилар ва мен қайтиб келдим, — дея жилмайиб қўиди Сабина.

— Қайтганингизнинг хабарини нега менга айтмадингиз?..

— Ростини айтсам, кўнғироқ қилишга ҳам вақтим бўлма-

ди. Адажонимнинг олиб қўйган уйлари, дачалари роса кўп экан. Шуларни биргаликда сотовериб, тинка-мадорим қуриб кетди. Вақт ҳам ўтди. Кейин ҳали айтганимдай, Туркияга кетдик.

— Хўш...

— Нима, хўш? Ҳозир шу ёқда яшаяпмиз. Уй сотиб олдик. Анталиядан. Чиройли шаҳар. Денгиз, бу ёфи даҳшат.

— Ростини айтсам, менинг ҳам кўчиб кетгим келиб юрибди. Лекин бу ёқда қиласиган ишларим бор. Шуларни ҳал қилишим билан, эҳтимол, кетарман...

— Жуда зўр бўларди. Ҳақиқий ҳаётни кўрасиз. Сиз бир марта мен билан бирга боринг. Шунчаки севиб қоласиз, — дея қиқирлаб кулди Сабина ва столнинг устига шиша қўйди.

— Шундай нарсаларни биз илгари кўрармилик? Дўконларимизда турармиди? У ёқда бўлса, истаганча, тиқилиб ётибди... Айтганча, битта фирма ҳоли-жонимга қўймаяпти.

Арслон қизнинг юзига савол назари билан қаради.

— Хаёлингиз бузилмасин, йигит. Мол олиб кирмоқчи бу ёқса. Қизиқиши катта. Аслида, мен шунинг учун келганман. Сиз билан учраштириб қўймоқчиман.

— Қанақа мол?!

— Кўришсангиз, гаплашсангиз, ўзингиз билиб оласиз. Мен Камал билан бор-йўғи икки марта кўришдим. Адажоним ҳамроҳлигида. Ўшанда у бизнеси тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистонни очилмаган бозор деди. «Агар ҳозирданоқ кириб борилса, кўп нарсага эришиш мумкин», деди. Шунга мен унинг таклифини сизга айтгани келдим. Бошقا томондан хаёлингиз бузилмасин... Ўша ўшандай, — дея қиқирлаб кулди Сабина.

— Қайси?..

— Фирдавс масаласи. Эшитишумга қараганда, кундан-кунга кучайиб кетаётганмиш!

— Хавотир олманг, хоним. Чангалимда турибди. Бир сиксам, мажағланиб кетади. Лекин у ҳозир бир-иккита ишда керак. Ана шу ишларни бажаришим билан калласини оламан.

— Нима, бирор нимада ҳамкорлик қиляпсизми?..

— Одам қуриганми ҳамкорликка? Шунчаки бир-иккита нарсага унинг ҳам алоқаси бор экан. Аниқроғи, отасининг. Қора ишларни қилиб юрибди ўша Фирдавс деганинг! Очи-

фиин айтсам, унинг номини тилга олишингиз менга сира ёқмаяпти. Тўғрисини айтаверинг...

— Йўқ, — дея Сабина шу заҳоти учта бармогини Арслоннинг лаби устига қўйди, — йўқ, хаёлингизнинг бир чеккасига ҳам келтирманг. Мен унинг яшашини истамайман!.. Шундай гапларни гапирганки, эшитган қулоқларимни юлиб олгим келган.

Арслон кўп қолиб кетмади. Қўрқди. Чунки исталган дақиқада Абрам уни қидириб қолиши мумкин эди-да. Мабодо топа олмаса, аҳвол чатоқ.

У тахминан соат ўн бирларда уйига келди. Лекин унинг уйдан чиққанлиги ҳақидаги хабар аллақачон Абрамга етиб борган эди. «Инدامанглар, сал ёзилиб келсин. Аслида, бу ҳам синовимиз. Қани ўзгариш бўлишини бир кўрамиз. Келганидан кейин аниқланглар, ичганми, йўқми?» деди Абрам. Имтиҳон ёмон ўтмади. Имтиҳон бўлганидан бехабар Арслон ўзини анча енгил ҳис қилди. Чунки Сабина бошқача хизмат қилганди-да. Дарвоҷе, у бундан роппа-роса тўрт ой бурун ҳомиладорлигидан кутулганди. Ҳа, Неъматнинг боласини олдириб ташлади. Отаси қўймади. Албатта, у Фаттоҳ Норқуловичга бўйида борлигини билдирамади. Аммо онаси Розага айтди. «Адамнинг хизматкоридан ҳомиладорман», деди. Она ўз ўрнида бу хабарни отага етказди. Шу заҳоти Фаттоҳ Норқуловичнинг тепа сочи тикка бўлди.

— Нима?! Нима дединг?! Ҳали манинг набирам қаёқдаги хизматкорнинг, тайинсиз бир одамнинг боласи бўладими?! Йўқ! Ҳеч қачон, қизинг боласини олдиради ёки мен ундан воз кечаман! — дея бор овозда бақирди.

Бу пайтда улар эндиғина Туркияга кўчиб келишганди. Унгача Зомин орқали Тоҷикистонга ўтиб, тоғда яшашди. Кичкинагина Баҳористон қишлоғининг тепасидаги дала ҳовлида. У жойни Ҳамдам топиб келганди. Ҳамма ёқ арчазор, ҳаво тоза, салқин. Айниқса, эрталаблари жуда бошқача бўлади. Тирноғингдан тортиб, сочингнинг учигача енгил тортади, яйрайди-яшнайди. Қушдай енгил бўласан. Аммо бор-йўғи ўн кун улар маза қилишди. Ўн биринчи кунга ўтиб зерикиб қолишди. Сершовқин шаҳарни соғинишиди. Бош оғриғини соғинишиди. Бир неча марта Комил эсланди. «Эҳтимол, — деди Роза эрига, — уни ҳам шу ёқларга олиб келармиз? Эҳтимол, у ҳам тоза ҳаводан нафас олса,

соғайиб кетар?» деди. Фаттоҳ Норқулович бошида рўйхушлик бермади. Кейин обдан ўйлаб кўргач, «Ҳамдамга айтаман», деди.

Орадан бир ҳафтача ўтганидан сўнг Ҳамдам Комилни олиб келди. Комил қарийб қоқ суяқ бўлиб қолганди. Буни кўриб Роза кўрқиб кетди.

— Комил, ўзингмисан, болам?! Скелет бўлиб қолибсан-ку, сенга нима бўлди? Кўрган одам қўрқади, овқатпокват беришмадими? — деди йифлаб.

Комил жавоб бермади. Онасининг қархисида серрайиб тураверди. У бутун дунёдан хафа эди. Чунки уни даҳшатли касалхонага ташлашди. Поччаси аллади, «Курортга боряпсан», деди. «Ҳамма нарса муҳайё», деди. «Еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлади», деди. «Керак бўлса, анавингдан ҳам бериб туришади», деди. Аммо боргандаридан кейин Комил кўрдики, даҳшат. Бироқ миқ этмади. Чунки билагига урилганнинг кучи ҳали тўла-тўкис кетмаган эдида... Ў-ў-ў, бошида жуда ёмон бўлди. Биринчидан, шифокор зоти борки, итга қарагандай қарайди. Оғзидан сўкишдан бошқа нарса чиқмайди. Хуморинг тутиб салгина ти-тиричиласанг, иккита девдай одам келади-да, устингдан босади. Сўнг думбангга игна тиқишишади. Унинг оғриғи думбанг орқали суюгингга етиб боради-да, кўзингдан чиқиб кетади ва бирдан ҳеч қаеринг ишламай, ётган жойингда чўзилиб қоласан... Мана шундай азобларни кўрганингдан кейин сени бу ерга жўнатган, олиб келганларни яхши кўрасанми?! Аста-секин Комилни хумор деган нарса тарк этди. Бир қараашда шундай. Бироқ миясининг бир четида мошдай нарса сира емирилмай, йўқолмай сақланиб қолди...

Ўғли келган кундан бошлаб Фаттоҳ Норқулович ҳар куни кичкинагина қўзини тандир кабоб қилдирадиган одат чиқарди. У шу пайтгача маҳаллий чўпонлар билан тил топишиб олганди. Ўзи билан олиб келган «тоза»лар билан сийлади. Айни вақтда бу матоҳнинг нотозаси ҳам анқонинг уруғи бўлиб кетганди. Чўпонлар эса бундай ичкиликни севувчилардан эди. Мол боқишиди, кўй боқишиди. Бошқа амаллари йўқ. Дину диёнатни шу кунгача бирор ўргатмаган. Ҳали-бери ўргатмайди ҳам. Шу боисдан зеришишади, эрмак қидиришишади. Гоҳ-гоҳида ичимликка рўпарў бўлишишади-да, хуморларидан чиққунларича «тортишишади». Фат-

тоҳ Норқулович уларнинг ана шу ожиз жойларини топиши билан ҳаракатга тушди. Эвазига чўпонларнинг сахийликлари ошиб кетди. Кунда битта қўй сўйилади, тандир, жиз, чўпонча қилинади. Бу ёғи байрам... Фаттоҳ Норқуловичнинг касал ўғли келганини эшитган чўпонларнинг сахийликлари янада ошди. Бир куни униси, бир куни буниси отаридаги битта қўзининг баҳридан ўтаверди. Шу кунларда Фаттоҳ Норқулович ҳам келтирадиганларининг сонини оширди...

Ҳаш-паш дегунча Комил ҳам семириб, кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Дўхтирлар яхши даволашган экан, билакка «санчадиган»ини сўрамасди сира. Бунга Фаттоҳ Норқуловичнинг хурсандчилиги ошар ва кейинги ҳаёт ҳақида бемалол режа тузарди...

Бир куни Ҳамдам келди. «Аҳвол чатоқ, янги-янги аждаҳолар чиқяпти. Эртароқ узоқроқقا кетиш керак», деди ва Туркияни маслаҳат берди.

Улар кетишиди...

Пулнинг борлиги, тез-тез жой алмаштирилиши оиласа яхши таъсир қилди. Фаттоҳ Норқулович «Бекордан-бекорга минг битта азобни чекиб, горком бўлиб юрган эканман. Бу ёқда одамлар бошқача яшашаркан, дунёга бошқача кўз билан қарашаркан», деган фикрга келди ҳамда бирорта тадбиркорликнинг бошини тутиш йўлини қидира бошлади. Лекин токи яхши битта режа тузгунича яна орадан тўрт ой ўтиб кетди. Ниҳоят, топди. «Меҳмонхона қураман. Меҳмонхона ҳам тинч, ҳам яхши даромад келтиради», деди. Қарори ҳаммага бирдай ёқди. Дарров ҳар ким нима иш қилишини бўлишишга тушди. Шу орада Ҳамдамдан хабар келди. «Сабинани юборинг, уй унинг номида экан, нотариусда қўл қўйиши керак», деди. Мана, нима баҳонада Сабина Тошкентда кўриниш бериб қолди...

Нафси қонганидан кейин Арслон қиздан:

— Уни сенга тегажоғлик қилиб, кейин эътибор бермай қўйгани учунгина кечиролмай юрибсанми? — деб сўраганида Сабина:

— Йўқ!.. Мен бу нарсаларни парвойимга ҳам келтирмайман. Мен ўзимга, хусну жамолимга ишонаман. Фирдавс адажонимга очиқдан-очиқ душманлик қилган. Ўлдирмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам уни кечиролмайман. У мен

нафас олаётган дунёдан нафас олишини ўзимга сиғдирол-майман. Шунинг учун ўлдиришни истайман, — дея ёлғон гапирди. Сўнг бир муддат жим ётди-да:

— Агар сиз менга ёрдам берсангиз, Анталияда меҳмонхона қуришингизга ёрдам бераман. У ёқда ҳам адажоним-нинг танишлари жудаям кўп, — деди.

\* \* \*

— Нега, нега унақа қиласиз? Нега ҳамма нарсага аралашиб кетаверасиз? Нега оқибатини ўйламайсиз? Сиз фақатгина бир ўзингиз эмассиз-ку?! — дея ёзғирди йўлда кетаётганларида Мавзуна.

— Мен атай қилмадим-ку!

— Тўгри, атай қилмадингиз. Битта бечорани қутқармоқчи бўлдингиз. Билагингизга ишондингиз. Аммо менинг гапимга кирмадингиз. Кўрдингизми, ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди-ку?! Улар атай сизни тузоққа туширмоқчи бўлишиди-ку!

— Бунақа бўлишини кутмагандим.

— Уфф! Фирдавс ака, илтимос сиздан, оёқларингизга ётиб ялинаман, бошқа бунақа қилманг. Вақти келса, кўзингизни кўр, қулогингизни кар қилинг... Бўлди энди, — дея тўхтаб Фирдавсга қаради Мавзуна. Қизнинг юзини ҳамон кўз ёшлари юмоқда эди. — Сиз қолинг. Бундан бу ёғига ёлғиз кетай. Таксига ўтираман-у, уйга етиб оламан.

Фирдавс лом-мим демади. Фақатгина бир муддат қизнинг кўзларига тикилиб турди-да, «Хўп», деди бошини қимирлатиб.

Мавзуна машина тўхтатди. Манзилни айтди. Ўтирди, кетди.

Фирдавснинг боши фувилларди. Шундай фувиллардики, бир қадам босишга мадори йўқ эди. Ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетгандай эди гўё.

У бош майдон томонга кетди. Бир-бир қадам босади. Бир нималарни режалаштирмоқчи бўлади. Лекин сира калласи ишламайди. Режа тугул, ўзининг-да исмини унугандай эди.

Узоқ юрди. Қарийб икки соатдан мўлроқ. Кейин бирдан хаёлига ҳазрат келди: «Менга ёрдамингиз керак, мен бундан бу ёғига адашиб кетаман. Атрофимдаги воқеалар кўмиб ташлади мени. Қайси тўгри, қайси нотўгри эканлигини англолмай қолдим. Ёрдам фақат сиздан бўлиши мумкин».

Арслон шундай қарорга келиши билан шошди. Йўлгача бирор тўрт юз қадамча бор эди. Юриб боришга тоқати етмай, югуришга тушди. Шунчаки югурмади. Худди ортидан бирор қувиб келаётгандай жони борича югурди. Бу ҳам камлик қилди. У истаган тезликни ололмаётгандай туюлиб кетаверди ва оёқларига яна азоб берди. Сўнг кўз очиб юмгунча йўл бўйига етди.

Ҳайдовчиларга ҳам бир нарса бўлганга ўхшайди. Секинлашиб, яқинлашишади-да, кейин бирдан тўхтамай, ўтиб кетишади. Бунақада ҳали-бери бу ердан кетадиганга ўхшамайди. Жаҳли чиқди ва шартта машиналардан бирининг йўлини тўсиб чиқди. «Жигули»нинг филдираклари асфальтда сирпаниб «чийиллади», сўнг тўхтади. Ҳайдовчи дера-здан бошини чиқариб бақирди:

— Эсинг жойидами?! Ўлгинг келдими?! Ўладиган бўлсанг нима қиласан бирорни гуноҳга ботириб? Ана анҳорга ўзингни от! Ўласан-қоласан!

— Ака, — деди унинг ёнига югуриб борган Фирдавс, — биттаям машина тўхтамаяпти. Мен бир жойга жуда тез етиб боришим керак. Бу ёғи ёниб турибди. Йўл ҳақини икки ҳисса кўп тўлайман, илтимос, олиб бориб қўйинг!

Ҳайдовчи унга бошдан-оёқ қараб чиқди-да:

— Ўтир, — деди.

Ҳазратнинг эшигини ёши йигирлармадан ошган, кичкинагина соқолча қўйган, бошига дўппи кийган бир йигит очди.

— Ҳазратда ишим бор эди, — деди Фирдавс уни кўриши билан салом бераркан.

Йигит алик олди. Сўнг худди ҳайдовчикидек бошдан-оёқ қараб чиқди-да:

— Нима иш эди? — дея юмшоқлик билан сўради.

— Ўзига айтадиган жудам зарур гапим бор эди.

— Ҳазрат бандлар. Нима ишингиз бўлса, менга айтаверинг, етказаман.

— Кимнингдир етказиши керак бўлганида келмасдим. Шахсан учрашаман. Кириб айтинг. Учрашмасам кетмайман.

Йигит бир лаҳза ажабланди-да, ичкарига кириб кетди.

Орадан икки дақиқача вакт ўтди. Ўша икки дақиқа икки асрдай туюлди Фирдавсга. Хаёлига нималар келмади дей-

сиз. Ҳазратнинг «Вақтим йўқ. Кетсин», дейиши уларнинг энг қўрқинчлиси эди. «Шунаقا ҳам бўлиши мумкин-ку?! Жуда зарур иш билан банд бўлса, мени ёнига қўярмиди? Менинг муаммолар ҳазрат шуғулланадиган муаммолар орасида йўқ бўлиб кетса ҳам керак», деб ўйлади йигит ва ўзига-ўзи деди:

— Йўқ, барибир, барибир, учрашаман! Бошқа иложим йўқ...

У шундай деб турган маҳали эшик очилиб, бояги йигит қўриниш берди ва яна илгаригидай мулоийимлик билан:

— Киринг, — дея ўзи четга ўтиб турди.

Фирдавс ичкарилади. Ҳовли бежирим, ораста эди. Бирорта ҳам ортиқча нарса кўзга ташланмасди. Қандайдир файз бордай эди. Фирдавс енгил нафас олди.

Уни уйнинг хоналаридан бирига бошлаб киришди. Ҳазратнинг ишхонаси экан. Ҳазратнинг ўзи столнинг ортида ўтирап, олдида бир нечта китоб ва анчагина оқ қофоз бор эди. Фирдавс эшикдан кириши билан ҳазрат ўрнидан турди ва Фирдавсга яқин келди. Фирдавснинг саломига алик олди ва кўрпачага ўтиришга таклиф қилди. Озроқ сўрашди. Сўнг савол назари билан қаради. Фирдавс ҳазратнинг нигоҳига дош беролмай, бошини эгди. Аввал ўзини таништирди. Ўша аэропорт ҳовлисида учрашувни эслатди. Ҳазратнинг хотирасида қолган экан, тасдиқлади.

— Сизнинг айтганларингизни бажаришга жуда кўп уриňпман. Аммо ҳамма вақт ҳам уддасидан чиқолмаяпман. Мен бировга таъсир ўтказмайин десам, бировлар мени ўз ҳолимга қўйишмаяпти, — дея гапини давом этказди Фирдавс ва Иброҳим деган одамнинг унинг ёнига келишини, Куръони каримдан, ҳадиси шарифдан гапирганини ва мақсадини очиқламай кетганини, шундан сўнг кинотеатр ҳовлисида бошқа бир йигитга дуч келиб қолганини ҳамда унинг сўзларини ҳам оқизмай-томизмай гапириб берди. Кейин Мавзунани қучганлигини ташлаб ўтиб, музқаймоқхонадаги воқеани ҳам баён қилди. Ҳазрат йигитнинг бирорта ҳам сўзини бўлмади. Жон қулоги билан эшилди. Фирдавс «Энди бундан бу ёғига нима қилай?» деб юзланганида:

— Эҳтиёт бўласиз. Диндан гапиргандарнинг ҳаммасининг ҳам гаплари тўғри бўлавермайди. Мен уларни кўрмас-

дан-бilmасдан туриб, илмларига баҳо беролмайман. Аммо икки-учта ҳадисни билиш, ояти қарималардан уч-тўрттасини ёд олиш билан киши диндор бўлиб қолмайди. Фатво берувчилар дўзахга энг яқин кишилардир... Дарвоқе, намоз ўқийсизми? — деди ҳазрат юмшоқлик билан.

Фирдавс бошини этганча «Йўқ», деди.

— Аллақачон вақти келган, ўқиш керак. Ичиш, чекиш йўқлиги кўриниб турибди. Чунки жуссангиз спортчиларникига ўхшайди. Аммо биродар, намоз ўқинг, таҳорат билан юринг... Уларнинг ҳар иккисининг ҳам гапи тўғри. Аммо, барибир, эҳтиёт бўлмоқ керак. Орада шайтон бор. Шайтоннинг иши бир-иккита рост гапни гапириш, кейин алдаш. Киши ўз-ўзидан бир жойга бориб, дин ҳақида гапирмайди. Гапириладиган жойлар бор. Масалан, масжидлар. Аммо кўчада тўхтатиб олиб, ундан қилиш керак, бундай қилиш керак, деган сўзлар сал бошқачароқقا ўхшайди. Майли, сиз уларнинг мурод-мақсадларини билинг. Кейин, балки, яна маслаҳатлашармиз. Аммо биродар, жанжалдан қочинг. Жанжалнинг ҳийласига тушиб қолманг. Фитнанинг шакл-шамойили, ранг-туси турли-туман. Эҳтиёт бўлмоқ лозим. Худодан асранини сўранг. Сўраш йўли намоз. Ҳар намознинг охирида дуо бор. Ўшанда ожизлигинизни айтинг, ялининг-ёлворинг. Фақатгина буларнинг бари чин кўнгилдан бўлиши керак. Илло, Аллоҳ ҳар нарсани кўргувчи ва билгувчи Зотdir. Ҳатто хаёлингиздагини ҳам, кўнглингиздагини ҳам ҳеч бир қийинчилксиз, сизнинг тасаввурингизга сифмайдиган тезликда билиб олади. Шундоқ экан, барча амалларингиз чин кўнгилдан бўлсин.

— Намозни қандай ўқийман?

Ҳазрат жилмайди. Сўнг:

— Сизни кутиб олган йигит ҳамма йўл-йўриқларни кўрсатади, — деди.

Фирдавс қандайдир енгил тортди. «Ҳаммасини бошқатдан бошлайман, ҳаммасини бошқатдан тартибга қўяман», деган хаёлда йўлга чиқди. Аммо...

\* \* \*

Фирдавснинг ҳазратнинг ёнига борганлигини эшитган Абрам чўчиб тушди. Ўтирган жойида сал ортига тисарилди. Қадаҳини тўлдирди-да, бир кўтаришда ичиб юборди. Сўнг одати бўйича лаблари орасига тутатқисини қистирди.

— Нега? — деди хабарчига.

Хабарчи жавоб беролмай елкасини қисди.

Абрам столининг тортмасидан тўппончани олди ва эринмай дастрўмоли билан уни артди. Овоз пасайтиргични милига ўрнатди. Сўнг бурнини тортиб қўйиб, хабарчига юзланди. Хабарчи тамом бўлганди. Унинг бошидан тер қўйиларди. Ичи тўкилиб кетганди.

— Бу, — деди Абрам қуролини қўрсатиб, — ҳали бирор марта ҳам отмаган. Яп-янги. Ўтган ҳафтада сотиб олганман. Ёқиб қолганлиги учун олгандим. Шуни ишлатиб кўришимга нима дейсан?!

Хабарчининг юзи қизарди, боши айланди. Жавоб бермади. Жавоб беришга қодир эмас эди у.

— Индамайсан. Чунки калланг бўй-бўй. Ишламайди. Ишламайдиган каллангнинг эса боридан йўғи яхши.

Абрам шундай деб қуролни хабарчига тўғирлади-ю, тепкини босди.

Хабарчи гурсиллаб йиқилди. Унинг йиқилганини кўпчилик кўрди. Кўрганларнинг бари сесканиб тушди. Уларнинг орасида иккитасигина Абрамнинг яхудийлигини биларди. Яхудийнинг ҳамманинг кўз ўнгидаги бирорнинг пешонасига тўппонча тираб, отиб ташлаши уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Одатда, яхудийлар ҳамма ишни бирорларнинг қўли билан қилишади. Кейин ўша бирор айбордor бўлиб қолаверади, улар эса худди онадан янги туғилгандай опполо!.. Яхудий бирорни ўз қўли билан отиб ташладими, демак, у кўл етмас баландликка чиқиб олган. Ҳеч кимдан қўрқмайди. Ҳар ҳолда, шу атрофдагилардан, шу атрофнинг амалдорларидан ва ҳоказо ташкилотлардан. Чунки ҳаммасини аллақачон сотиб олган ва ёки уларнинг ҳар иккисидан бири яхдий!

— Ёмон эмас экан, — деди Абрам тўппонча милидан чиқиб турган тутунга тикиларкан, — янгилиги шундоққина билиниб турибди. Мойи яхши артилмаган. Шу мойнинг куйиши натижасида бу ўйинчоқнинг «бурни»дан тутун чиқиб кетди. Жаноблар, — дея у атрофидагиларга иржай-ганча қаради, — нега сувга тушган мушукдек шумшайиб ўтирибсизлар? Ахир бундай аҳвол сизларга умуман ярашмайди. Ўзларингта четдан бир қарасанглар-чи!

Бирордан миқ этган товуш чиқмади. Ҳамманинг кўзи Абрамда. Улар ҳатто кипприк қоқишимаяпти.

— Тўғрисини айтсам, — деди Абрам тўппончани столнинг устига қўйиб кафтларини бир-бирига уаркан, — сизлардан бунчалик анқовлик ва овсарликни кутмаган эдим. Ахир менга манави жонсиз нусха халақит беряпти! Чиқариб ташласанглар-чи, қариянинг кўнглини бузмай, — дея у мурдани кўрсатди.

Йигитлар шошди. Иккитаси кела солиб хабарчининг жасадини судраганча ташқарига олиб кетишди. Яна иккитаси полга тўкилган қонни арта бошлади.

Абрам эса оромкурсига суянганча хонадагиларга яна бир назар ташларкан, «Агар ҳар битта яхудий худди мендай буларнинг ўнта, йигирматасини қўлга олса, унда душманларимиз умуман қолмаган бўларди. Яна узоқ ўтмишдагидай, танланганлардан эканлигимизни ва жаннатга фақатгина биз киришимизни айтиб мақтаниб юрган бўлар эдик», дея кўнглидан ўтказди.

— Борис, дўстгинам, нега қоққан қозиқдай турибсанлар?! Мен умуман ҳеч нарсага тушунмаяпман, келиб ўтириларинг! Бугун айш қиласиз, айш, қўлинг ўргилсин гўшт келтиришган, кабоб қилдирдимиз. Сен кабобнинг зўрини емагансан, барибир! — дея бақирди у эшик ёнида турган сап-сариқ йигитга.

Борис иржайди. Сўнг одати бўйича бурнини ишқалаб, деди:

— Сен еганимизнинг ҳақини сўрайсан кейин.

— Нима дединг?! Э-ҳа, ҳа, ҳа! — дея Бориснинг гапига қаҳқаҳа отиб кулиб юборди Абрам ва шу кулиши асносида қўли билан имлаб, уни ёнига чақирди.

Бориснинг ичи шув этиб кетди. Чунки бу ярамас махлуқнинг кулгисидан ҳам қўрқиш кераклигини у жуда яхши биларди.

— Рост гапирдинг, — деди Абрам Борис ёнига келганидан сўнг, — тарки одат амри маҳол. Отам шунаقا қилиб тарбиялаган. «Атрофингдаги ҳудуд сеники бўлса-ю, ундан кимдир рухсатингиз нафас олиб қўйса, ҳақини тўласин», деган. Аммо бугун саховатпешалигим ҳаддан ошиб кетди. Ўйлаб қарасам, ўта зерикибман. Ўзинг ўйла, шу ҳам ҳаёт бўлдими? Пулинг тиқилиб ётибди. Не истасанг, ҳаммаси муҳайё. Лекин буларнинг бари сенга камлик қилади. Кўнглинг ниманидир тусайди. Бироқ ўша тусаган нарсан-

гни тополмасдан ҳалаксан. Оқибатда кетма-кет хатога йўл қўя бошлайсан. Масалан, худди ҳозиргидай. Мен гапириб қўйдим. Айш қиласиз, дедим. Мана шу таклифим хато! Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ахир лафз қилиб қўйдим, демак, лафзимда туришим керак, — дея Абрам бўйини чўзиб, дераза ёнидаги йигитга қаради. — Сенинг исминг нима эди? Ҳа, эсладим. Эшонқулсан. Югур. Кўчанинг бошидаги кабобпазга бор. Эллик жуфт кабоб пишириб берсин. Машина қўйинглар, иссиқ-иссиқ еймиз. Бу ёғи орқасини тўхтатмасдан анавиндан келтиринглар, бир маза қилайлик. Сенлар менинг маза қилганимни умрларингда кўрмагансанлар. Дарвоҷе, менинг ёшим етмишдан ошди.

— Кўйсанг-чи, — деди унга яқин ўтирган Владимир, — эллик беш атрофидасан. Ўзинг шундай дегансан.

— Тўппа-тўгри, кўрган куним шунча. Лекин сен менинг ақлимни ҳисобга олмадинг. Мен бугун яйраяпман. Сизлардан илтимос, фақат кайфиятимни кўтаринглар. Тамом-вассалом!

Абрам шундай деб хохолаб кулди. Ҳамма ҳайратда эди. Ҳамма оқибати нима бўлишини ўйларди. Ахир Абрам деганлари фойдадан бошқа нарсани ўйламайди. Ҳаттоқи кўчадаги беш тийинлик сувни ҳам бирорвга сотиб олдиради. Энди шундай одам ўзидан-ўзи эллик жуфт, бу дегани юз сих кабоб, буортма қилиб турса. Яна «анави» деганини ҳам тўхтатмайсизлар деяпти. Бунаقا пайтда эҳтиёт бўлиш кепрак. Балки, шарт! Чунки исталган дақиқада Абрам ўзгариши ва умуман бошқа гапни гапириши мумкин. Ана, боягина хабарчини ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ отиб ташладику. Бечоранинг айби кўрганларини айтганида, холос.

Абрам бир қўлида қадаҳ тутган ҳолда ҳовлига чиқди. Аммо у ташқарига чиқишга улгурмасидан телефон асабий жиринглади. Йигитлари гўшакни кўтармоқчи эди. Унамади. Ўзи кўтарди ва ўта босиқлик билан:

— Алло, — деди ва ўзига таниш бўлган овозни эшитиши билан юзига табассум югурди.

— Менинг соғинчим, жигарпорам, айни вақтида қўнғироқ қилдинг, — деди Абрам ва унга тикилиб турганларга юзланди-да, қўли билан «чиқиб кетинглар» деган ишора ни қилди. Кейин гапини давом этказди. — Айтсам ишон-

майсан, боши берк кўчага кириб тургандим. Албатта, қандай чиқиб кетишни жуди яхши биламан.

Гўшакдан уни қувватловчи гап янгради. Абрам овоз чиқазиб кулди-да, ичимлигидан бир ҳўплади ва яна сўзлади:

— Ҳазратни илгари ҳам сенга айтгандим. Бир куни, албатта, оёғимизга тушов бўлади, дегандим. Йўқ, йўқ, уни йўлга солиб бўлмайди. Билими ҳаддан зиёд. Учрашсам, мени аниқ шарманда қиласди ва режаларимнинг бари барбод бўлади. Ягона йўл...

Абрам бир муддат жим турди. Ҳамсуҳбатининг гаплари ни эшилди.

— Нега унақа дейсан? Ахир биз уни олиб ташламасак, ким олиб ташлайди?.. Маблағ масаласини ўзимга қўйиб бер. Ҳал қиласман. Бор. Топаман. Гапингни қара-ю! Депутатлик?.. Ахир унақа нарсани ўзимиз ўйлаб топганмиз. Менинг майда ишларимнинг белига тепяпти? Ҳа-а, битта «балиқ» бор эди. Унга чувалчанг ташлагандим, ундан маслаҳат сўрагани борибди... Сенга ишонаман. Ҳўп, хайр, кўришгунча ўзимнинг жигарпорам! — дея Абрам гўшакни қўйди-да, мамнун бўлиб ичкилигидан ҳўплади. Кейин бошини сарак-сарак қилди-да, ҳовлига чиқди.

Йигитлари тараддудга тушишибди. Бофнинг ўртасига стол қўйишяпти, дастурхон ёзишяпти, иккитаси стул кўтариб боряпти. «Хе, соддалар», дея ичида уларнинг устидан кулади. Сўнгра Владимирга Арслонни топиб келишни буюрди.

Ўзи яна ичкарига кириб кетди. То дастурхон ясатилиб, кайфу сафо учун ҳамма нарса бадастир бўлмагунича чиқмади. Оёғини чайла қилиб, диванда ётди. Ҳатто телевизорни ёқди. Ўзлари тўқиб чиқарган ва ҳамманинг қон-қонига «сингдириб» юборган «эртак»ни кўриб энсаси қотди. Илгари бунағанги томошалар унинг қитифини келтиради. «Вой, бунча овсар бўлмаса бу одамлар. Энди шунга ишоняпти-да. Қизил байроқ кимда бўлса ўша обрўли, эътиборли... Мана, обрў-эътибор. Бир тийин ҳаммаси, ундан кўра тўртта оёқ кийимиға мих қоқ, ана сенга қизил байроқ», дерди. Энди эса энсаси қотди. Битта нарсани чайвайвериши буларнинг жонига тегмадимикин? Ҳамма ёқ ошкоралик бўлиб кетган, бу ёфи аллақачон бўлиб ол, бўлиб ол авжидиа бўлса. Буларнинг эса ҳалигача оғзидан чиқадиган гаплари планга нисбатан процент ҳисобида... «Эҳ-ҳе, ҳа-а,

бу туришингда аравангни жойидан қўзғатиб олишингга ҳали анча борга ўхшайди», деди. Кейин жаҳл билан телевизорни ўчиради. Ахир у соғлиғига зиён етказяпти...

Абрам ташқарига чиқиб Арслонни кўрди. Баччагар ҳовлининг ўртасида гердайиб турибди. Ёнида Баха билан Ўлмас, иккаласи ҳам бир нималарни гапириб хўжайнинг кўнглини кўтаришга уриняпти. Лекин Арслоннинг бир туки қилт этмайди. Унинг нигоҳи бօғ ичидағи столда.

— Шундай азамат йигитни куттириб қўйганимдан бағоят афсусдаман! — дея ҳайқирди Абрам.

Ҳамма бараварига у томонга қаради. Арслон сўрашиш учун илдам юриб кела бошлади.

— Кечикиб қолмай, деб кўп ташвиш чекдим, — деди у Абрамнинг қўлини кафтлари орасига оларкан.

— Шуми энди ота-боладай бўлиб кетганларнинг кўришиши, кўрган одам нима хаёлга боради, азизим? — деб қучоғини очди Абрам.

Улар қучоқлашиб кўришди. Шу оннинг ўзидаёқ Абрам Арслоннинг қулоғига:

— Бахангни бир ойдан нарига ўтказма, унинг сотқинлиги қўзидан кўриниб турибди, — дея шивирлаб қўйди ва кейин унинг қўксига муштлади, — ажойиб, ажойиб, ҳавас қилса арзигулик йигит бўлибсан. Оҳ, сендай келишган йигитларга манаман деган қизлар тегади. Айтганча, мен сенга бир қиз топиб қўйдим.

Арслон бирдан ҳайратланиб унга тикилди.

— Ким экан у? — деди.

— Унисини энди стол атрофида гаплашамиз. Дарвоқе, бу ҳақда онанг билан келишиб олганмиз. Аёлларни яхши биласан, улар қизларнинг фаросатлиларини бир қарашда билиб олишади. Қани, жигарим, юр, мен қарияни қўлтиқлаб ол. Йўқса йиқилиб тушиб, ўлиб-нетиб қоламан.

Ўзининг гапи наша қилди ва Абрам хоҳолаб кулди. Улар стол ёнига боргунича бирор ўтирумади. Ҳамманинг қўли қўксисида, кутиб турарди.

— Йўқ, йўқ, йўқ! Мен сизларга бунақаси кетмайди дегандим, эсларингдан чиқдими? Ахир эркин нафас олинглар. Бугун айш қиласиз, айш демаганмидим?!

Кўриқчилар зўрма-зўраки илжайишди. Бироқ биронтаси ҳадди сифиб Абрамдан олдин ўтирумади.

Қадаchlар Абрамнинг таклифи билан тўлдирилди. Сўнг унинг ўзи ўрнидан турди.

— Азизларим, бугун жудаям ажойиб кун. Бироқ мен унинг нима сабабдан ажойиблигини сизларга айтмайман. Ўзларинг топиб олинглар. Ана шундай ажойиб кунлари-миз жудаям кўп бўлсин. Қани ур-ра!

Ҳамма бараварига «Ур-ра», дея ҳайқирди. Аммо нима сабабдан шундай деб бақирғанларини билмасди-да, шўринг курғурлар. Абрам одатига хилоф қилмаган тарзда озгинагина ҳўплаб қўйди. Арслон эса ҳатто лабининг яқинига ҳам олиб бормади.

— Азизим, жигарим, — деди Абрам у томонга энгашиб, — бугун мен миллиардер бўлдим!

— Нима? Қанақа миллиардер? — дея ҳайрон бўлганча унга тикилди Арслон.

— Қанақа бўлар эди? Оддий. Пулларимнинг миқдори миллиаррдан ошди. Бугун ошди. Демак, байрам қилсак арзиди. Бироқ бошқа томондан олиб қараганда, барибир, кам. Дунёдаги бойлар олдида мен ўта кетган камбағалман.

— Агар сиз шундай десангиз, биз умуман қандайдир тиланчи эканмиз-да, — деди бир муддат ўтказиб шарбат ҳўплаган Арслон. — Устоз, келиннинг исмини ошкор эта-сизми ё уям кроссвордми?

— Нега энди, албатта, айтаман, айтмасам, сен унга қандай уйланасан? Хўш, биринчидан, ҳозир Лиданг Москвага учеб кетади. Ҳавотир олма, унга жин ҳам урмайди. Унга шу ёқдан иш ва эр топиб қўйганмиз. Ахир у ҳам қандайдир оила қуриши ва қандайдир ишнинг бошини тутиши кепрак-да. Албатта, сен «Мен ўрганиб қолгандим, ярим оғиз гапимдан ҳамма нарсани тушунарди. Келажакда ҳақиқий шеригим бўлади», дейишинг мумкин. Аммо мен йўқ, дейман. Биринчи сабаб, насл-насаби ўта паст. Унақадан туғилган бола пичноқнинг дасталигига ҳам ярамайди. Иккичи номзод деб сен горкомнинг қизини айтишинг мумкин. Тўғри, маъкул. Насл-насаби маъкул. Бироқ болани тарбия-лайдиган онанинг ўзи аллақачон ҳамма чегараларни бузиб ўтиб кетган. Энди уни тўхтатишнинг сира иложи йўқ. Исми нима эди? Ҳа, эсладим, Сабина... Дарвоҷе, унинг исми илгари бошқача бўлган экан. Майли, гап бунда эмас. У сенга фақатгина маъшуқаликка ярайди. Яхшилаб қўлга олсанг,

ўта садоқат билан хизматингни қилади... Қани, яна биттабитта, — дея шишага ишора қилди Абрам.

— Йўқ. Мен ичмайман!

— Баракалла! Баракалла! Ана бу гапинг бошқача бўлди. Бироқ бошқалар бугун юмалашади. Чунки мен шундай қарорга келганман.

Орадан бир соат ҳам ўтмади. Абрам айтганидай ҳамма йигитлар бирин-сирин қийшая бошлишади. Айримлари шундай столнинг устига бошини қўйди-ю, уйқуни уриб юборди. Икки-учтаси бир-бирига осилиб, нималарни дир баҳслашишга тушиб кетди. Айримлари бир нуқтага тер-милганча тутатиб ўтиради. Шундан кейингина Абрам келиннинг исмини айтди.

— Фирдавснинг синглиси. Исми Моҳина экан. Ўзиям гўзаллик маъбудаси. Ақл-фаросати чексиз, — деди у оғзининг чеккасини бармоқлари билан артаркан.

— Фирдавснинг синглиси? У менинг биринчи рақамли душманим-ку, қандай қилиб унга уйланаман?!

— Шунинг учун ҳам уйланасан. Каллангни ишлат, — деб Абрам бурнини тортиб қўйди-да, ўрнидан туаркан, — йигитларнинг ҳаммаси қаерда ётиб қолса, ўша ерда тонг оттиришди, — дея қўшимча қилди.

\* \* \*

Фирдавс кайфиятсиз идорасига борди. Уни Соли хуш-чақчақлик билан кутиб олди. Бечоранинг қувонганидан кўзлари чарақлаб кетган эди.

— Нима гап? Бирор қоп тилла топиб олдингизми? — деди Фирдавс салом берганидан сўнг.

— Ундан ҳам кўп. Японлар келишибди. Бойлари. Даҳшат нарсалар олиб келишибди. Эй-й, илгари биз унақангি нарсаларни тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Қандай топса Абдували топган уларни.

— Хўш, нима бўлибди шунга? — дея пешонасини тириштириди Фирдавс.

— Эй-й, қизиқмисан, ука? Бизда дўкон очишмоқчи экан. «Панасоник», «Сони» деган. Биз билан ҳамкорликда. Миразиз ҳозир улар билан бирга юрибди. Сени роса қидирдик, тополмадик. Кейин ўзимиз, бўпти, бирга ишлаймиз, дедик.

— Японлар ўзбекча гапиришармикин?

— Қаёқда! Инглиз тилида. Таржимонни ҳам зўрға топдик. Бу таржимон деганлари анқонинг уруфи бўлиб кетибди-ку. Хуллас, улар беш киши келган. Шаҳарнинг қоқ марказидан жой керак экан. Ҳозир кўргазма учун аппаратура-ларидан олиб келишибди. Унақалари ми-нистрларда ҳам йўқ. Отинг ўчсин бир бало телевизорлари бор эканки, япа-лоқ. Ақлинг шошади. Лекин кўриниши супер! Миразиз сени ҳеч қаерга кетиб қолмасин, деди. Ҳужжат ишларининг ҳам-масини ўзи қиларкан.

— Хўп, хўп. Шунга шунчами?

— Эй-й, Фирдавс, сен уни бир кўрсанг биласан. Оғзинг ланг очилиб қолмаса, айтавер.

— Бўпти, мен ичкарига кириб бироз дам олай, жуда чарчадим. Мабодо келиб қолишса, гаплашамиз, — дея Фирдавс Солининг ёнидан ўтиб кетди.

У ечинмасдан ҳам ўзини диванга ташлади ва чукур нафас олди-да, кўзини юмди. Бирдан хотирасига Мавзунанинг аламли кўз ёшлари келди. «Ҳақиқатан ҳам, ҳамма бало ўзимдага ўхшайди. Йўқ жойдан ўзимга-ўзим ишкал топиб оламан. Йўқ жойдан... Ҳатто жанжаллар менинг яқинимга келишолмайди. Аммо уларнинг ёнига ўзим бораман. Келлинглар, мен ҳам сафларингга қўшилай, қўлим роса қичиб турибди. Биргалашиб қаернингдир тўполонини чиқарамиз. Туппа-тузук бурунларни синдирамиз, қон оқизамиз», дейман. Уларга айни шу гапларим керак. Дарров қўшиб олишади. Кейин қилғиликни қилиб бўлишганидан сўнг жуфтакни ростлаб қолишади. Ўртада ҳамма нарсага мен балогардон бўлиб қолавераман. Эҳ, қишлоқни соғиндим. Бежанжал, бегурбат. Саккизта қўйининг орқасидан юрасан, қурай-қурайлаб», дея хаёлидан ўтказди. Шу тобда уни астасекин уйқу элтди ва ухлаб қолди. Бироқ кўп ухлаш насиб этмади. Уйғотишди. Ёдгор билан Соли. Айтишларига қаранданд, қандайдир милиционер келибди.

— Менда нима иши бор экан? — деди Фирдавс ўрнидан туриб ўтиаркан, кўзларини уқалаб.

— Ўзида гапим бор, дейди.

Фирдавснинг хаёлидан муштлашгани бутқул чиқиб кетганди. Шу боисдан у керишиб олди-да:

— Майли, кирсин, — дея бориб стулга ўтириди.

Графиндан сув қуйиб ичди. Ана шундагина унинг ёнига

шунчаки одам эмас, бутун бошли милиция ходими келганини идрок этди. Лоп этиб бирдан хаёлига ўша муштлашув тушди. Соатга қаради, кечки олти. «Жуда тез топиб келишибдими?» дея кўнглидан ўтказди ва секин дераза ёнига борди. Ана шу маҳал эшик тақиллади.

— Кираверинг, — деди деразадан кўзини узмаган Фирдавс.

Эшикнинг очилиш товуши ҳавога сингишга улгурмасидан:

— Ассалому алайкум, — деган овоз келди.

Фирдавс ўтирилди. Бош кийими қўлида, ўттиз беш-қирқ ёшлардаги формали бир одамни кўрди. У негадир иржайиб турарди. Ҳайрон бўлган Фирдавс берган саломига алик ҳам олмасдан ўтиришга жой кўрсатди. Сўнг:

— Хўш, хизмат, хурматли хизматдаги одам? — дея кесатди Фирдавс.

Хизматдаги одам ҳиринглади.

— Мен маймунжон ўйнатмаяпман, шекилли, ё ўзим бирорта ҳайвонга ўхшаб кетарканманми? — деди энсаси қотган Фирдавс.

— Бўлса бордир... Келиб менинг рўпарамга ўтирангиз, одамга ўхшаб кўришсангиз, ана ундан кейин нима ўйнататётганингизни айтаман. Ҳар қалай, иккаламизнинг кўринишимиизни солиштирса, менинг ёшим каттароқ чиқар. Мен аввалроқ салом берилишига лойикдирман. Ёки биз одам эмасми?.. — у шундай дейиши билан яна кулди. — Лекин сизнинг қилифингиз ҳам жонли. Сабабини сизга айтиб бераман. Бир куни денг, уч киши бўлиб ошга бордик. Бизни кўрган мезбонлардан биттаси тўйхонага қараб бақиряпти, «Иккита одам билан битта милиса келяпти», деб.

Унинг гапига Фирдавс ҳам кулиб юборди.

— Ана кўрдингизми, оғайни, биз одаммасмиз. Одам эмас эканлигимизни ўзимиз ҳам жуда яхши биламиз.

— Жа, унчаликмас...

— Лекин шунга яқинроқ, тўғрими?

Фирдавс жавоб бермасдан милиционернинг рўпарасидаги стулга ўтириди ва кўришиш учун қўлини узатди.

— Мен Иқболжонман. Милиция капитани. Сизларнинг участка нозирларинг.

— Мени танисангиз керак. Танимасангиз келмасдингиз,  
— деб Фирдавс унинг қўлини сиқиб қўйди.

— Албатта, танийман-да. Бутун шаҳарга, республикага машҳур бўлган одамни танимасдан бўларканми? Хўш, энди гапничувалаштирмасдан мақсадга ўтиб қўя қолайлик. Келишимнинг боиси, устингиздан шикоят тушган. Сиз бугун анҳор бўйида учта одамни шафқатсизларча калтаклагансиз. Жисмоний имкониятингиз, яъни спортчилигингииздан фойдалангансиз, — деб капитан қўйнидан бир даста расм олиб столнинг устига ташлади, — мана бу исботи. Гувоҳлар ҳам бор.

Фирдавс расмларни қўлига олиб, бирма-бир синчик-лаб томоша қилди ва бошини қимирилатиб куларкан:

— Бунчалик тез ишлашларингни билмаган эканман. Ҳали совимасдан, жиноятчи қўлга олиниб, унга ҳам далиллар тақдим этилди. Ажабмаски, яна бирор соатда ҳукм ўқиб, қамаб юборсанглар, — дея кесатди.

— Вазифамиз шунаقا.

— Вазифангиз қанақалигини жуда яхши биламан. Сиз муродга ўтинг.

— Бу катта жиноят ҳам бўлиши мумкин, майдада безори-лика айлантиrsa ҳам, бирор бир нима демайди. Шунчаки ҳеч қанақанги воқеа содир этилмаган десангиз ҳам, эҳти-мол, тўғри бўлар. Бу қайси томондан ва қандай муносабатда қарашга боеглик.

— Ўзингиз нима фикрдасиз?!

— Менда фикрлар тиқилиб ётибди. Айтайлик, бугун кун жудаям очиқ бўлди. Ҳар қалай, менинг кўзим билан қара-ганда. Аммо бошқадан сўрасангиз, у ер-бу ерда булут бор эди, дейди. Учинчи бир одам эса ниҳоятда дим ҳаво, на-фас олишга қийналади, дейди. Ана кўрдингизми?..

— Йўқ, сиз гапни чувалаштиранг-да, борини айтинг.

Капитан жавоб беришдан олдин чўнтағидан бир кути тутатқини олиб столнинг устига ташлади ёқди ва шундан кейингина сўзлади:

— Яхши одамларнинг гапларига қараганда, яхши одам экансиз. Бунга шубҳа йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам ўзим келдим. Ёрдамчимга беришим мумкин эди бу далил-ис-ботларни, олиб келиб қамаб ташланглар, дейишим ҳам

мумкин эди. «Дело» очиларди. Бунга ҳеч қанақа шубҳа йўқ. Аммо ўзим келдим. Қоғоз-қаламимни ташлаб келдим.

— Нархини айтинг, — деди унга бургут кўзларини қадаган Фирдавс.

Иқболжон иржайди ва лабини ялаб қўйди-да, бешта бармоғини ёйиб икки марта кўрсатди.

— Ўн минг, тўғрими?

Капитан елка қисди.

— Кейин ҳамма нарсанинг изи ўчиб кетади. Бунга кафолат берасиз, шундайми?

— Жудаяммас, расмларнинг бари архивга олинади. Мабодо келажакда яна худди шу ишни такрорлайдиган бўлсангиз, ҳаммаси яна бўй кўрсатади.

Фирдавс расмларни бошқатдан қўлига олди. Барини бир қилди ва йиртди.

— Эй-й, нима қиляпсиз? — деди кўзлари каттариб кетган капитан.

— Мен мужмал одамлар билан гаплашмайман. Туёғингни шиқиллат. Агар яна бир марта сени шу атрофда кўрсам, терингни шилиб оламан. Битта сен учун оиласанг ҳам жавоб беради. Ифлос, пул ундиришнинг бошқача йўли йўқмиди, тиланиб келсанг ҳам берардим! — дэя бақирди Фирдавс.

— Ҳозир наряд чақираман!

— Чақир! Тур ўрнингдан! Жуда керак бўлиб турибди. Ҳов анавини кўряпсанми?! — дэя Фирдавс деворнинг тепасида чироқчаси ёниб турган мосламани кўрсатди. — Ҳамма гапларинг ёзилди! Пора талаб қилганинг ҳам. Агар мен қамаладиган бўлсам, сен ҳам қамаласан. Менга-ку, ичкарида бирор бир нима демайди. Шунчаки ўзимизнилардан биттаси келибди, дейди. Лекин сенинг онангни кўзингта кўрсашибади. Ҳаромдан еганларингни қустиришади! Агар расмлардан бирортаси бирор жойда пайдо бўладиган бўлса, шўрим қуриди деявер! Энди тур ўрнингдан, йўқол!..

Капитаннинг ранги докадай оқариб кетганди. У тез-тез мослама томонга қараб қўярди. Нима қилишни билмасди.

— Нега ўтирибсан аммамнинг бузогига ўхшаб?!

Капитан ўрнидан сапчиб турди-да, ташқарига юкурди. Фирдавс кулди ва туриб бориб, диванга ўтирди. Бироздан кейин юзида табассум билан Соли кириб келди.

— Нима дединг унга? Худди аждаҳони кўриб қолгандай олди-орқасига қарамасдан югуриб кетди, — деди у.

Фирдавс эса девордаги мосламани кўрсатиб:

— Амаки, анави кўриниб турган нарса нима? — деб сўради.

— Билмадим. Қандайдир пластмассага ўхшайди, — деб Соли деворнинг ёнига борди. Кейин қулди-да:

— Ўйинчоқ экан. Қандайдир ҳайвончанинг қоринчаси, камари бор экан. Камарининг ўртасида медальон. Қип-қизил медальон. Ёки унга ўхшаган бир нима. Нега шу пайттacha уни бирор кўрмаган. Болаларга айтамиз, олиб ташлашади, — деди.

— Йўқ, тураверсин. Зўр нарса экан. Мен уни капитанга камера дедим. Жони чиқиб кетаёзди. Иккинчи қайтиб келмайди. Айтган-ча, ака, овқатланмаймизми? Қорин роса очқаб кетди. Ҳар куни ўзим тайёрлардим, билинмасди қорнимнинг очқагани, лекин негадир ёмон очқадим.

— Ҳозир, — деб Соли эшик томонга юрди. Бироқ икки қадам босар-босмас, хонага Ёдгор отилиб кирди-ю, бирдан тўхтади. Унинг рангида қон йўқ эди.

— Нима гап?! — деди Соли билан Фирдавс бараварига.

— Даданг, даданг, — дея пичирлади Ёдгорнинг лаблари.

— Дадам? Дадамга нима қилибди?..

Фирдавснинг эти жимиirlади. Босими ошди. Қўрқди. Жудаям кўрқди. Ҳали Ёдгор ҳеч нима демади, лекин унинг елкасига оғир бир нима гурсиллаб тушгандай бўлди. Жуда хунук, ёмон бир ниманинг ҳидини сезгандай бўлди.

— Дадангни пичокълаб кетишибди!

*(Бешинчи китоб тугади)*



Адабий-бадиий нашр

*Ўзбек тилида*

**Нуриддин Исмоилов**

**БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ**

*Саргузашт-детектив роман*

**(Бешинчи китоб)**

*Мұхаррир Суннатулло Саимназаров*

*Дизайнер Акбар Исмоилов*

*Техник мұхаррир Юлдуз Исоқова*

*Мусаҳҳиҳ Нодира Қурбонбоева*

*Саҳифаловчы Зокиржон Алибеков*

Босишга 30.10.2019 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма табоги 16,0.

Шартли босма табоги 10,48.

Адади 3000. ...сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.